

**ШАФОАТ РАҲМАТУЛЛО ТЕРМИЗИЙ**

# **ОЗОД СЎЗ**

*Сайланма*

**Тошкент**  
**«Янги аср авлоди»**  
**1003**

*Таниқли шоир Шафоат Раҳматулло Термизийнинг номи китобхонларга яхши таниш. Унинг шеър, достонлари, на- срий асарлари китобхонлар томонидан самимий кутиб олин- ган, адабий жамоатчилик томонидан яхши баҳоланган.*

*Муаллифнинг «Сайланма»си унинг сўнги йилларда турли жанрларда ёзган асарларидан жамланган. Юрт меҳри, ҳаёт- га шайдолик, келажакка ишонч, аجدодлар ва авлодлар ворис- лиги, севги-муҳаббат, замон ва макон мавзулари ихлос билан мадҳ этилади. «Онажоним шеърият» рукнида чоп этилаёт- ган мазкур китоб шеърият мухлислари томонидан илиқ ку- тиб олинishiга ишонамиз.*

**Маъсул муҳаррир:**  
**Нормурад Нарзуллаев,**  
**Ўзбекистон Халқ шоири**

ISBN 5-633-01464-2

T  $\frac{4702620206}{356(04)-2003}$  -2003

© Шафоат Раҳматулло Термизий «ОЗОД СЎЗ»,  
«Янги аср авлоди», 2003 й.

# ХУДО ЁҚҚАН ЧИРОҒИМ

## Шоирга хат

Шафоат!

Биродарим! «Сайланма»нгизга сўзбошини нега хат деб атадим? Чунки сизга бўлган кўнглимдаги гапларни ақллиликка даъвогар сўз боши «жанри»га сиғдирилмаслигимни ҳис қилдим. Одам ким билан сўзлашаётганини билиши керак-да! Хат ёзаётганда эса худди шундай — одамнинг юзими, кўзими қаршигда туради. Носамимийлик, ёлгон ўзини, ҳеч бўлмаса, ноқулай сезади. Ўртадаги чин сўзлардан ийманибми, ҳар ҳолда, инсонни тарк этади.

Яна бир гап, Шафоат... Одам соғинган одамигагина хат ёзгиси келади. Мен баъзан ота-боболаримизга ҳавас қиламан. Бир-бирини соғинса, неча кунлар йўл юриб дийдорлашгани боришган. Ана суҳбат, ана гуриг!.. Инсон инсонни ана шу суҳбатларда кашф этган. Боришолмаса эса, хат ёзишган. Бу хатлар ҳамдарад юракларни бир-бирига чамбарчас боғлаган. Фикрлар эса ўткирлашган, туйғулар нозиклашган; кўнгил савдолари, дунё муаммолари ойдинлашган... Чунки қоғозга тушган сўз (билмайман нимага?) инсонни моддий дунёдан кўра руҳий оламга яқинлаштиради. Умуман, менимча, ёзишга бўлган ишқибозлик — улкан илоҳий соғинчким, бу дарднинг бир ёғдуси дўстлар дийдори билан ҳам боғлиқ.

Шул сабаб, азиз дўст, хат ёзмоқ сизу бизга парвардигор кўнглимизга солган улуғ бир мурувватдир. (Сиз ёзасиз: «Назм осмонида ким юлдуз, ким кун, /Дилимга улардан тушган бир учкун. /Уриниб ётаман шу учкун билан, /Мен ўзга дилларга ўт бермоқ учун»). Чунки аслида, шоиру адибнинг кўнглидан чиқариб ёзган (айтгандай, ҳозир дунё тақозоси билан «кўнглидан чиқармай ёзиш» ҳам барқ ураятти) ҳар бир сатри келажакка мактубдир. Оллоҳ, менимча, теварагида кечаётган дарду ҳасратларни — инсоният унутмаслиги керак бўлган буюк дарсларни — «келажакдагилар учун

ёзиб қўй» деб қанчадан-қанча одамлардан бирига илҳому истеъдод беради. (Бўлмаса, бу илҳому истеъдоднинг кимга кераги бор?) Бу тоифа оловда ўртанган юраккина, кўкка тутуни ўрлаб, бу вази-фани бажаришга киришади. Чунки у, бир тарафдан, одамлар дунёси ҳақиқатларининг, даври давронларининг номукаммаллигини ҳис қилади, қийналади ва бу нотўқисликнинг «айб»ларини қовоғга туширади. Шунинг билан бирга у, иккинчи тарафдан, Оллоҳ яратган дунёдаги мукаммалликдан ҳайратга тушади, лол қолади. Бу номутаносибликнинг кўнгилдаги тортишувидан («Ер менинг тўшагим, шу олам кулбам/, Кулбамга шам эрур Ой ҳам, Қуёш ҳам/, Шу улкан даргоҳнинг эгасиману/ Ҳаётимда ҳар кун яна недир кам».) эса буюк асарлар — буюк мактублар дунёга келади. Мана шу тортишувнинг оғриғидан Ҳақпараст шоирлар инсоният кўксидан отилиб чиққан «оҳ» каби, абадий зулумотга таҳдид солиб, руҳининг қувватига яраша шуълалар сочади.

Шафоат! Сиз мен учун жуда қадрлисиз! Чунки ҳар дам ёзганларингизни ўқирканман, сизнинг ҳам юрагингиз мудом шуъла сочиб турганига амин бўламан! Эҳтимол, сизга бундай зиёкор бўлиш Тошкентда яшаётган адиблардан кўра оғирроқдир? Ростини айтмайлик, Тошкентдан нарига борганинг сари осмон пасая бошлайди. Ўзимиз гувоҳмиз, қанча-қанча дўстларимизнинг қадди икки букилмади дейсиз! Аммо сиз мана шундай паст осмон тагида ҳам қаддингизни рост тутиб қолмоққа имкон топдингиз! Энди нима учун кадрлашимнинг маъносини тушунгандирсиз? Сиздаги камтарлик, хуштабиатлик, сабр-қаноат, адабиётга беминнат хизматкорлик каби фазилатлар балки қоматингизни тик ушлаб юргандир? Ахир, бошингизга нималар тушмади. Фақат оилангиздаги савдоларни ўйласам ҳам, «Шафоат, матонатли одам экан!» дейман. Бир этак гўдакларингиз билан етим қолишнинг гаму ҳасратини ким тасаввур қилади? Аммо сиз ҳамишагидек доим кулиб турдингиз. Бизга ўхшаган дўстлар Сурхонга гандираклаб борганда ҳасратингизни билдирмай, кўнгилни кўнгилга бериб, ҳамсуҳбат бўлдингиз. Қанчадан-қанча шеърлар ёздингиз! Энг муҳими, гўдакларни ёнига яна бир саф фарзандларни қўшиб униб-ўстирдингиз!.. Ҳозир неваралар қанча?

Дўст, мен сиз билан фахрланишимни ҳам айтиб қўяй! Сурхондарёга тошкентлик меҳмонлар билан борган чоғларимда, одатдагидай сиз бир чеккада кўринмайгина ўтирасиз. Аммо, мабодо сўз тегиб қолса, шундай мантиқли, шундай илму фаросатга йўғрил-

ган гаплар айтасизки, менман деган интеллектуаллар «хайрат бармоғ»ини тишлаб қолишади. Сизга бирдан бошқача кўз билан қарашади. «Сурхонингизда аломат одамлар бор-да», деб шипшийди улар менга. Мен эса Сурхонга обрў олиб бераётган сиздай одам билан дўстлигимдан фахрларга тўлиб ўтираман.

Дўст! Мен бошда соғинч ҳақида гапиргандим. Ёш ўтган сари бу туйғу маҳобатли бўлиб борар экан. Ишқилиб, одамнинг умрини ўткинчилиги тобора аниқ сезилган сайин, одамнинг қадри ортаятти. Шу сабабми, Шафоат, сиздай дўстлар билан тез-тез учрашиб тургим келади! Аммо ҳар галгидай иш кўп-да! Ёхуд... ўзимизнинг ёлғизлигимиздан чиқолмаймизми! Ким билсин!

Биродарим! Ҳозир ҳамманинг ташвиши кўпайиб кетган. Юртга бораётганда, дўстларни ташвишланттиришдан, ишдан қолдиришдан чўчиб тураман. Бироқ сизнинг борлигингизни ўйлаб кўнглим ёришади. «Шафоат бор-ку», дейман қувониб. Ўшанда кўз олдимга нима келади? Чироқ! Эсимга тушганингизда, кўнглимни равшан этадиган чироқ! Ҳа, ҳақиқатдан сиз Сурхонга борганда, талпинадиган дўстим — Парвардигор ёққан чироғимсиз!

Шафоат, энди фақат олтмишга — қутлуғ ёшга кирганингиз билан қутлаш қолди! Чин юракдан қутлайман! Сиз кўп иш қилдингиз! Аммо ҳали амалга оширадиган ишларингиз олдинда! Бу гапни тасалли учун айтаётганим йўқ! Ўзини билган ижодкорга олтмишдан кейин Ҳақиқий ижод фасли бошланади. Шеърни ёшлик билан боғлаганлар, унинг табиатини тушунмаган нафаси калта билимдонлар. Шеър — ёлғиз юракнинг узун аччиқ тажрибасидир. Ижодга хиёнат қилмаган шоирлар учун Парвардигор олтмишдан кейин янги мукофотлар — янги ҳасратли қўшиқлар беради.

Умрингиз узоқ бўлсин, азиз дўст!

*Усмон АЗИМ,  
Ўзбекистон Халқ шоири  
январ, 2003 йил*

# БИРИНЧИ МАНЗИЛ



*Шеърлар – 1968-2002 йиллар*

## ВАТАН

Дастур қилса оталар Амир Темур тузутин,  
Тақса оқил оналар Тўмариснинг узутин.  
Алломалар ҳақ сўз-ла бугласа юрт бузуғин,  
Ёвқур боболар руҳи бўрон бўлса юракда,  
Истиқлолу истиқбол Турон бўлса юракда.  
Ўзбекистон бўлажак Худо хушлаган Ватан,  
Ватанки Туғ, Туғросин хумо ушлаган Ватан.

Ахир жаҳон ақлининг ал-жабри биз бўлсак,  
Исломиий илмларнинг ҳам кабири биз бўлсак.  
Жами ўтган шоҳларнинг тўртдан бири биз бўлсак,  
Ёвқур боболар руҳи бўрон бўлса юракда,  
Истиқлолу истиқбол Турон бўлса юракда.  
Ўзбекистон бўлажак Худо хушлаган Ватан,  
Ватанки Туғ, Туғросин хумо ушлаган Ватан.

Жами миллат бирлашиб бир жаҳоний гал қилсак,  
Иқтисодда истибодд мутелигин даф қилсак.  
Истеъдодни, ижодни Ватанга бир саф қилсак,  
Ёвқур боболар руҳи бўрон бўлса юракда,  
Истиқлолу истиқбол Турон бўлса юракда.  
Ўзбекистон бўлажак Худо хушлаган Ватан,  
Ватанки Туғ, Туғросин хумо ушлаган Ватан.

Оталар меросига берсак яна сайқаллар,  
Жаҳоний ҳосил берса ўзбаки фан-пайкаллар.  
Тош эмас иш, ижоддан қўйсак юртга ҳайкаллар,  
Ёвқур боболар руҳи бўрон бўлса юракда,  
Истиқлолу истиқбол Турон бўлса юракда.  
Ўзбекистон бўлажак Худо хушлаган Ватан,  
Ватанки Туғ, Туғросин хумо ушлаган Ватан.

Чин йўлчи юлдуз бўлса Ватаннинг Бош Қонуни,  
Истиқлол янгиласа ҳар бир юрак қонини.  
Муқаддас билса ҳамма Ўзбекистон шонини,  
Ёвқур боболар руҳи бўрон бўлса юракда,  
Истиқлолу истиқбол Турон бўлса юракда.  
Ўзбекистон бўлажак Худо хушлаган Ватан,  
Ватанки Туғ, Туғросин хумо ушлаган Ватан.

## ЎЗБЕГИМ ОНАЖОНИМ

(Қасида)

Халқим, аждодинг изи мозийнинг қат-қатида,  
Мен уни кўраяпман Шумернинг лой хатида.  
Сервиқор номинг улуғ миллатлар рўйхатида,  
Обидаларинг ёди ЮНЕСКО тўйхатида.  
Жаҳонинг ҳайратидир Афросиёб, Холчаён,  
Ҳеродод ёзигидан Самарқанд, Термиз аён.  
Гоҳ массагет, гоҳ суғд, гоҳ бўлди номинг кушон,  
Нилуфар гумбазларинг осмон ичра бир осмон.  
Эй, менинг жон Ватаним – ўзбегим онажоним,  
Ватанга тортиқ десанг, бераман, мана, жоним.

Ўғлинг эди самога Улугбек бўлган бир зот,  
Шер фарзандинг шеърдан шеърий тахт бўлди Ҳирот.  
Бир йўлбарс боланг топди Жамна бўйида мурод,  
Пойгада ўзавердинг миниб Бойчибор, Ғирот.  
Замонларнинг уфқида қаддинг мудом Алпомиш,  
Гўрўғли қарашингдан айланади ёзга қиш.  
Меҳрингнинг баҳоридан бор яхшилик ураб ниш,  
Бир қўлинг олмос қилич, бир қўлинг олтин, кумуш.  
Эй, сен менинг бор шоним – ўзбегим онажоним.  
Шонингга тортиқ десанг, бераман, мана, жоним.

Гоҳ босирқи замонлар тушига топмай таъбир,  
Гумбазларнинг қаърида ўй сурдинг, қилдинг сабр.  
Лекин Берунийларинг башарга камол кабир,  
Кўҳна кошонам эдинг, хуррият қилди таъмир.  
Юз йиллар кутган тонгинг туққанди ўша саҳар,  
«Яшасин эрк» деб сен ҳам кўҳна Шарққа солдинг жар.  
Озодлик қўлинг дединг, тупроғингни олтин зар,  
Эди ҳар онинг кутлуғ, ҳар кунинг битта зафар.  
Эй, бахти бепоёним – ўзбегим онажоним,  
Бахтингга тортиқ десанг, бераман, мана, жоним.

Қамчинг қадаб унутсанг, шу кўкарар ерингдан,  
Чунки еринг тўйинган меҳрингдану терингдан.  
Даланг доврўғи сон минг меҳнатсевар шеърингдан,  
Ҳам улуғ қардошлиқдан Маккагача Берингдан.  
Ўзангнинг ҳар чаноғи тилла узатган бир жом,



Кўнглингдай оппоқ пахтаг «оқ олтин» деб олмиш ном.  
Ҳар хирмонинг билганга бир буюк олтин эҳром,  
Шундан жаҳон кўзлари ҳамиша ҳуснингга ром.  
Эй, сен қадри осмоним – ўзбегим онажоним,  
Қадрингга тортиқ десанг, бераман, мана, жоним.

Оқ ўтовдан отилиб, сўлқиллаб чиқсанг, сен қиз,  
От бошини бурганман, баҳона ичмоқ қимиз.  
Ибо билан ўтовга бошладинг юзи қирмиз,  
То қимиз симиргунча қозонда қилдинг «жиз-биз».  
Кетай десам, қўймадинг янгам бўлиб ўпкалаб,  
Кайвони момом бўлиб, улайвердинг гапта-гап.  
Оқсоқол бобом бўлиб, дединг «болам кепсан зап»,  
Сулув қиз кўзларинг-ла қўйдинг ҳар дам эркалаб.  
Эй, менинг меҳрибоним – ўзбегим онажоним,  
Меҳрингга тортиқ десанг, бераман, мана, жоним.

Осмон қадар юксалган бўйингдан ўргилсам фарз,  
Доим эгулик бўлган ўйингдан ўргилсам фарз.  
Қирларингда булутдай қўйингдай ўргилсам фарз,  
Карнай-сурнай, ногора тўйингдан ўргилсам фарз.  
Тулпорларинг суронда – бир ёнингда кўпкари,  
Полвонларинг бир ёнда, аскияда ёш, қари.  
Чилдирма мақомига навбат кутар минг пари,  
Бир сўз билан десам мен – сен Ватаннинг дилбари.  
Эй, менинг ҳаяжоним – ўзбегим онажоним,  
Завқингга тортиқ десанг, бераман, мана, жоним.

Давранг тўрида мен ҳам саз чалдим, бахши бўлдим,  
Завқингдан завқ ўрганиб кундан-кун яхши бўлдим.  
Гоҳ давранг ёшуллиси, гоҳида ёши бўлдим,  
Овунчим неча қалблар қувонч наққоши бўлдим.  
Лекин ҳаргиз бўлмасман илҳомга зорларга жуфт,  
Қўшиқ айтгум куйлари бўлсин деб «ёр-ёр»га жуфт.  
Кўнглим эса ҳамиша кокили торларга жуфт,  
Шафоатинг-ла бўлгум қалами борларга жуфт.  
Эй, менинг пок иймоним – ўзбегим онажоним,  
Имонга тортиқ десанг, бераман, мана, жоним.

## ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон, она Ватан умрлар баҳори сен,  
Ўзбекистон, бобо тарих йўлларининг бари сен.  
Ўзбекистон, сен Широқлар, Темуруларнинг тадбири,  
Ўзбекистон, сен Беруний, Навоийлар тақдири.  
Ўзбекистон, Ота мерос Жаннат пайдо тупроқсан,  
Ўзбекистон, Ватан, иймон ва баридан кўпроқсан.  
Ўзбекистон, сен толесан халқ қувончи ҳам ғами,  
Ўзбекистон, сен ўзингсан қисматимиз ҳаками.

Минг йилларким ўзбекона пок тутансан шонингни,  
Минг асрлар юртим яна шараф чулғар номингни.  
Ўзбекона ҳақиқат бу, ўзбекона қасамёд,  
Ўзбекистон, буюк юртсан, Ўзбекистон то абад.

Ўзбекистон, номинг жангда энг муқаддас онг бизга,  
Ўзбекистон, она сўзинг энг муқаддас панд бизга.  
Хурриятинг – Ҳумо қушинг ҳилпираган яловинг,  
Мангу сўнмас Истиқлолинг – қалбда ёниқ оловинг.  
Пок руҳингга йўлламас ҳеч ўткинчи ёт иллатлар,  
Ҳақ нонини баҳам кўрар бағрингда тенг миллатлар.  
Етти иқлим ипак йўли сен – заминнинг уст-боши,  
Сен саховат об-ҳавоси, сен ўзбекнинг қуёши.

Минг йилларким ўзбекона пок тутансан шонингни,  
Минг асрлар юртим яна шараф чулғар номингни.  
Ўзбекона ҳақиқат бу, ўзбекона қасамёд,  
Ўзбекистон бўлажаксан, Ўзбекистон то абад.

## БИЗКИМ ТЕРМИЗ

*(Термиз монолоғи)*

Бизким Термиз – шу ҳаётга қон ва тер биз,  
Тамадунилар илк улғайган қутлуғ ер биз.  
Ота юртнинг сарҳадида посбон шер биз,  
Эзгуликлар умматиға бизким пир биз,  
Авлиё биз, анбиё биз, бизким Термиз.

Ер-сувимиз ул илоҳий ризқдир жами,  
«Пайгамбар» ул кўксимизда орол номи.  
Балки шунда пайдо Зардушт -Спитами,  
Эзгуликлар умматига бизким пир биз.  
Авлиё биз, анбиё биз, бизким Термиз.

Фотиҳ воиз сўнг Искандар, Ҳомер бўлди,  
«Авесто» миз ёнди чала кўмир бўлди.  
Шарқ-Ғарб бизда вайрон бўлди, таъмир бўлди,  
Эзгуликлар умматига бизким пир биз,  
Авлиё биз, анбиё биз, бизким Термиз.

Биз эзгу нур – Ҳақ нурининг парвонаси,  
Зиё ипак йўлларин нор, Арвоиаси.  
Будданинг биз абадият нирвонаси,  
Эзгуликлар умматига бизким пир биз,  
Авлиё биз, анбиё биз, бизким Термиз.

Балқиб деди, сўнг Муҳаммад куёш ойи:  
«Жонли, жонсиз бор оламнинг бир Худойи»,  
Бот биз бўлдик ул даъватнинг таянч жойи.  
Эзгуликлар умматига бизким пир биз,  
Авлиё биз, анбиё биз, бизким Термиз.

Расулуллоҳ сўзи «Саҳиҳ ситта» бўлдик,  
Набишунос улуғлардан битта бўлдик.  
Тасуввуфга ҳақим, ҳақам катта бўлдик,  
Эзгуликлар умматига бизким пир биз,  
Авлиё биз, анбиё биз, бизким Термиз.

«Авесто»-ю «Типитика», «Инжил», «Қуръон»,  
Рух мулкига эзгу тўфон-соҳибқирон.  
Тўфонларни тиндирган биз Термиз-Турон,  
Эзгуликлар умматига бизким пир биз,  
Авлиё биз, анбиё биз, бизким Термиз.

Биз шундоқ дин, замонлар чорраҳаси биз,  
Йигирма беш асрнинг чўнг баҳоси биз.  
Ки қирқчилтан Термизийлар даҳоси биз,  
Эзгуликлар умматига бизким пир биз,  
Авлиё биз, анбиё биз, бизким Термиз.

## ТЕМУРИ БОР ЎЗБЕКМИЗ

Қадим турк зуволаи замири бор ўзбекмиз,  
Бугундан Шумергача томири бор ўзбекмиз.  
Қалбда «Ўзим бек» деган амри бор ўзбекмиз,  
Мангуликка йўғрилган умри бор ўзбекмиз,  
Улуғ йўлчи юлдузи – Темури бор ўзбекмиз.

Билга Хоқон бобомиз бир вақт битган тош сўзлик,  
Давлатчилик йўригин Темурибек қилган «тузук».  
Юртбошим БМТда сўзлар – бу буюк ўзлик,  
Мангуликка йўғрилган умри бор ўзбекмиз,  
Улуғ йўлчи юлдузи – Темури бор ўзбекмиз.

Палаги тоза халқмиз ҳар худбиний иллатдан,  
Азал кимлигимизни олган жами миллат тан.  
Марказий Осиёнинг марказини гуллатган,  
Мангуликка йўғрилган умри бор ўзбекмиз,  
Улуғ йўлчи юлдузи – Темури бор ўзбекмиз.

Бизни билмоқ бўлганлар шаҳаримизни кўрсин,  
Асакада уйғонган саҳаримизни кўрсин.  
Темурий маданият баҳоримизни кўрсин,  
Мангуликка йўғрилган умри бор ўзбекмиз,  
Улуғ йўлчи юлдузи – Темури бор ўзбекмиз.

Ўтмишимиз буюқдир, келажак ҳам буюқроқ,  
Элим деган ҳар саркор, ҳар жонимиз сууюқроқ.  
Бахтимиздан дўстлар шод, душман яна кууюқроқ,  
Мангуликка йўғрилган умри бор ўзбекмиз,  
Улуғ йўлчи юлдузи – Темури бор ўзбекмиз.

## ОНА ЮРТ

Эй замининг қат-қат, минг бир қаватдир,  
Ҳар кесагинг нураган бир рабоддир.  
Олис йўлинг инқироздир, ободдир,  
Тарихлардан улуғ ёшинг она юрт,  
Ҳар на бўлса омон бошинг она юрт.

Ҳар чарбоғинг бир либоси етугинг,  
Даштлардан кўйлагинг, тоғлар этигинг,  
Маърифатинг тошлардаги битигинг.  
Тарихлардан улуғ ёшинг она юрт,  
Ҳар на бўлса омон бошинг она юрт.

Гоҳ сен боқтир, кушон, чоған, тоҳари,  
Сўз ва созли завқ элининг баҳори.  
Дўстга маҳбуб, ғанимининг қаҳқори,  
Тарихлардан улуғ ёшинг она юрт,  
Ҳар на бўлса омон бошинг она юрт.

Гоҳ қисматинг ёт кўлларга қолдирдинг,  
Неча бобо муродингни ўлдирдинг.  
Икки шоирингни сувга олдирдинг,  
Тарихлардан улуғ ёшинг она юрт,  
Ҳар на бўлса омон бошинг она юрт.

Аммо шаксиз қутли ерсан, бу ҳақ рост,  
Дарё-дарё тўккан терсан, бу ҳақ рост.  
«Алпомиш»дай достон, шеърсан, бу ҳақ рост,  
Тарихлардан улуғ ёшинг она юрт,  
Ҳар на бўлса омон бошинг она юрт.

Яйловларинг кимнинг ўтар яйлови,  
Дарбандларинг не уюрлар бойлови,  
Давронларинг қай қисматлар сайлови?  
Тарихлардан улуғ ёшинг она юрт,  
Ҳар на бўлса омон бошинг она юрт.

Лек вақт учун уси киму буси ким?  
Жиндак саску бу зўр баам, бу кийим,  
Рост битиклар, тош битиклар бу ҳоким.  
Тарихлардан улуғ ёшинг она юрт,  
Ҳар на бўлса омон бошинг она юрт.

Барча ўтар, бағринг абадиятдир,  
Ибтидо, интиҳо на кам, зиёддир.  
Раҳматингга ноил бўлмоқ ниятдир,  
Тарихлардан улуғ ёшинг она юрт,  
Ҳар на бўлса омон бошинг она юрт.

## АЛПОМИШ

Мингга кирган алплар шоҳи алп Алпомиш,  
Довруғингга жаҳон аҳли жалб, Алпомиш.  
Ўзбегимнинг ўзалигига қалб Алпомиш,  
Юртнинг буюк тимсоли бўб балқ, Алпомиш,  
Сенинг ўзинг мангу қолиб халқ, Алпомиш.

Чечан қилдинг не Фозилдек асиллари,  
Қодир, Чорша, Шобердидай насларни.  
Шу ботир эл – бахши завқинг ҳосиллари,  
Юртнинг буюк тимсоли бўб балқ, Алпомиш,  
Сенинг ўзинг мангу қолиб халқ, Алпомиш.

Етти, етмиш, юз йил қолдинг зиндонда сен,  
Асоратда азобладинг чиндан-да сен.  
Ўшанда ҳам собит турдинг иймонда сен,  
Юртнинг буюк тимсоли бўб балқ, Алпомиш,  
Сенинг ўзинг мангу қолиб халқ, Алпомиш.

Замон келди, ҳақ жойида топди қарор,  
Эрк ёвлари ўнгламас бўб топди зарар.  
Ўзбекистон – озод Ватан топди барор,  
Юртнинг буюк тимсоли бўб балқ, Алпомиш,  
Сенинг ўзинг мангу қолиб халқ, Алпомиш.

О, Алпомиш сен мардикнинг оятлари,  
О, Ойбарчин сен садоқат баётлари.  
Мангу ибрат достон бўлган ҳаётларинг,  
Юртнинг буюк тимсоли бўб балқ, Алпомиш,  
Сенинг ўзинг мангу ролиб халқ, Алпомиш.

Қирларингда Қултой бўлиб қўзи боқдим,  
Туйларингда Ёдгор бўлиб илик қоқдим.  
Кенгликларда Бойчибор-ла бирга оқдим,  
Юртнинг буюк тимсоли бўб балқ, Алпомиш,  
Сенинг ўзинг мангу ролиб халқ, Алпомиш.

## ЗАРАУТ

Асрлар губорин боқса аритиб,  
Ўтмиш келажакни турар ёритиб.  
Эй Ватан, ҳар тошинг миллат тарихи,  
Тарих-ла тарихда бор минг тафовут,  
Бир қадим тарихсан, сен ҳам Зараут.

Ул улуғ аждодлар ўн ё қирқ минг йил  
Ўзлигига бериб шаклу шамойил,  
Тош китоб битмоқни этмиш тамойил.  
Эй, аждод мероси, ғурури овут,  
Сен қадим тарихсан – шонсан, Зараут.

Ҳақ қавми сочилиб заминда ўсди,  
Замонлар танитди душману дўстни,  
Мусони, Исони, топди Зардўштни.  
Балки сенинг боланг Зардўшг ё Довуд,  
Эй, Расул қавмига Ватан, Зараут.

Бир муддат ёв босди гоҳ шу Ватанни,  
Маҳв этди Широқни-вужудни-танни.  
Лек забт этолмади руҳий маъданни,  
Эй, руҳоний тарих – ўзликка совут,  
Енгилмас бир қалъа сенсан, Зараут.

Шу Ватан миллатнинг қутбул Қуръони,  
Шу Ўзбек – минг йилким тождор Турони.  
Ҳар уй улғайтар бир Соҳибқиронни,  
Шай ёвга солгали бургутдай човут,  
Қудрат ва қанотсан сен-да, Зараут.

Сенинг салтанатинг абадий пойдор,  
Кўҳитанг саройинг, маликанг баҳор,  
Шукур насиб этса зиёрат, дийдор.  
Пойимизга ёзгил поёндоз-мовут,  
Ассалом алайкум, ҳазрат Зараут.



## БАЛКИ МЕН МИНГИНЧИ ШАФОАТДИРМАН

Балки мен мингинчи Шафоатдирман –  
Мен бўлиб мингинчи нусхам пайдодир.  
Энди минг бўлагим ўзда бўлса жам,  
Ҳали минг бўлагим ҳамма жойдадир.  
Учар, излар сарсон атом, генларим,  
Дея: – «Бирлашмасак, у ҳали ярим».  
Мужассам бўлгунча мен бўлиб бари,  
Минг карра чаладир ўзлик дафгарим.  
Шу чексиз коинот корхонасида,  
Миллиард жараёнли ишлар биламан,  
Ҳали мен ечмаган сирлар қай бирин  
Ечгандир дельфинлар, қушлар, биламан,  
Менинг бўлагимдир ўша дельфинлар.  
Чумолилар ҳатто битта бўлагим,  
Токи ўзлигимни жамламоқ учун.  
Оламдан оламча мужда тилагим,  
То ҳар сир тишимда чайнилсин нондай.  
Қиличдай кесолсин ақлимнинг дами,  
Батамом очилган фойдали кондай,  
Юз фоиз ўзлашсин миям қатлами.  
То абад жамлаб бор қисмларимни  
Мангу комиллик деб фидо бўламан  
Ва айтиб илоҳий исмларимни  
«Анал ҳақ» деб жонадан жудо бўламан.

## ЎТАР ДУНЁ

Ўтар дунё, ўтди дўсту ғайир ўтди,  
Арбоб, ориф, ошиқ Зухра Тойир ўтди.  
Давронини ёқлар ўтди, койир ўтди,  
Бани башар замонига доир ўтди.  
Ўтарингни ўтаргача қайир ўтди,  
О, ўтди-я, бу оламдан шоир ўтди.

Ҳар ўтарнинг хос қисмати, кўрари бор,  
Ҳар собитнинг турари бор, нураи бор.  
Ҳар пайкалки пишарининг ўрари бор,  
Бир кун ҳосил соҳибининг сўрари бор.  
Сўрарингни сўрагача қайир ўтди,  
О, ўтди-я, бу оламдан шоир ўтди.

Сўрари бор: – Фалончидан нима қолди?  
Мулки фоний, боқий, ё бир тўма қолди,  
Юрт норига фалондин «ҳайт»-ҳимо қолди.  
Бетавфиқдан зино қолди, ғимо қолди,  
Нима қолди? Қоларингни қайир ўтди,  
О, ўтди-я, бу оламдан шоир ўтди.

Нима қолди? – Бойларингми, бойинг қани,  
Аждодлардай қурган кўшк, саройинг қани?  
Байтуш шараф, байтуладиб жойинг қани?  
Миллий бедор виждон сари саъийинг қани?  
Қани, қани? Меҳмонингни қайир ўтди,  
О, ўтди-я, бу оламдан шоир ўтди.

Қани, деса, юртим шу деб суялсанг-а,  
Ҳар қадрингини Макка қилиб суялсанг-а.  
Туфроқ ўғиб Ватаним деб куялсанг-а,  
Суяксизинг сохталикдан тиялсанг-а.  
Тиялмасанг – тилинг ростга қайир ўтди,  
О, ўтди-я, бу оламдан шоир ўтди.

Шоир ўтди, кунлари йўқ, шомлари йўқ,  
Ҳақдан бўлак камлари йўқ, комлари йўқ.  
Ишқдан бўлак ғамлари йўқ, жомлари йўқ,  
Сўздан бўлак шонлари йўқ, номлари йўқ.  
Йўқ-йўқ, йўқлик Шафоатга доир ўтди,  
О, ўтди-я, бу оламдан шоир ўтди.

## ТЕРМИЗ ҲАЙВОНОТ БОҒИГА ЁЗИЛГАН ШЕЪР

Термиз чеккасида Аму бўйида,  
Ҳайвонот боғи бор оддий беҳашам.  
Дарё оқиб ётар эркин, қуйида,  
Тутқин жониворлар бўлмиш бунда жам.

Гоҳ руҳий безовта ташвиш дамлари,  
Таскинга бораман ўша боғ томон.  
Она табиатнинг граҳдашлари,  
Мени қаршилайди, маҳбус оломон.

Ит ўз итлигича қафас ичида,  
Шер ўз шерлигича – шоҳсиймо, хафа.  
Ўзлиги мужассам буларда, аммо.  
Нечун инсон зоти – мен минг қиёфа.

Вужуд илоҳим-ку ўзимга аён,  
Либос тасаруффим мос дид, таъбимга.  
Ҳайвоний хислатлар нечун намоен,  
Идрокларим арё баъзан албимда.

Юз куйга солади мени шу замон,  
Ҳаёт мақомининг минг ранг товуши.  
Бир санам бўламан, қошлари камон,  
Одамзод наслининг дилбар товуси.

Офатижон сиймом борлигим сирти,  
Ичимда юз тўти кулгуларим бор.  
Йигитман, зоҳирим садоқат юрти,  
Виждоним даштида минг тулки айёр.

Юзма-юз турган бор беозор маҳбус,  
Беҳабар ботиним манзарасидан.  
Кўксимда урчиган одамий махсус  
Махлуқим чиқ кўкрак панжарасидан.

Шулар қариндошинг бўлса шунда қол,  
Бу жонларга тухмат қора сифатим.  
Инсонлик тошим сен вазмин лоқал,  
Таскин бўл, олиб кет мени юпатиб.

Мен шу тарз қайтаман ўзим кўрсатиб,  
Дунёнинг самимий ҳайвонларига.  
Ҳар жон кетиб борар умрини сотиб,  
Дунё бозорининг айвонларида.

## **-31-ДЕКАБР КЕЧАСИДАГИ ҲИЛАЛ**

Бир йиллик умр жоми тўлаётир лабо-лаб,  
Бир йилнинг сарҳисоби дилда ўйу тилда гап.  
Бир йил тугаб борадир лаҳза-лаҳза томчилаб,  
Секинлатинг, тўхтатинг, бўлса магар чораси,  
Воҳки, бир лаҳза эрур икки йилнинг ораси.

Яна бир газ сингади тарих кекса мезийга,  
Кечган йил ўйнамайди келарининг созига.  
Кечмиш жавоби сукут терговчи ҳар қозига,  
Йиллар-ла келди, кетди минг Искандар, Дороси,  
Воҳ, бир сипар серпашча икки йилнинг ораси.

Кимдар туғилди бу йил, ким юз бурди қазога,  
Кимни қисмати сийлаб, кимни тортди жазога.  
Кимлар сафдан чегирилиб, ким сайланди аъзога,  
Жамият осмонининг ҳар ким бир ситораси,  
Воҳ, юлдуз учган дамча икки йилнинг ораси.

Йил талош чоғи дилда ўрин борми армонга,  
Қай жигардан ҳол сўрдик, кимга бордик ҳорманга?  
Арзирликми улушлар эл кўтарган хирмонга?  
Хирмонки, осмон ўпар – қорли тоғча қораси,  
Воҳ, бир чаноқ терар он икки йилнинг ораси.

Гоҳ севги севинчидан кимга жаҳон тор бўлди,  
Кимларнинг дил дунеси ишқ ғамида қор бўлди.  
Барига сабаб дилин орзиқтирган ёр бўлди,  
Ҳижрон туни мунғайган қай ишқнинг бечораси,  
Воҳ, бир бўса умрича икки йилнинг ораси.

Кўнгилдаги ёр келар қорқиз бўб эшик очиб,  
Қор билан қорхат отиб кетар қирларга қочиб.  
Қувласанг бошда осмон турар оппоқ гул сочиб,  
Оламча бахт бу оппоқ бир орзуғ ишораси,  
Воҳ, бир ёруғ хаёлча икки йилнинг ораси.

Мангу тўхтовсиз юрак – лаҳза кўрғазиб кучин,  
Ўн иккига тақайдур соат найзасин учин.  
Ҳар ишнинг боши лаҳза, ҳар ишга лаҳза яқин,  
Қадах тўлдир, умринг ҳам лаҳзалар ижораси,  
Воҳки, бир лаҳза эрур икки йилнинг ораси.

## ХУЛОСА

Миллиард тур мавжудод туманларида  
Бир сўнмас Сурайё ўзимман дема.  
Ҳаётнинг худудсиз уммонларида  
Писта пўчоғидай сен ҳам бир кема.

Шу ҳакам табиат жон сарроф бўлса,  
Унга бир чумоли, битта сен нима.  
Ёшнинг яшаб-бир кун паймонанг тўлса,  
Бу табиий тенглик, мерос хотима.

Ана, тинчинг бузган бир хира пашша,  
Бир саъйи четркиндан мангуга тинди.  
Қай кирар нафасинг қачон қайтмаса,  
Сенинг вужудинг ҳам шу пайт чиқинди.

Лекин сен инсонсан, демак кифоя,  
Сен борлиқ тождори – ҳаммадан олдин.  
Бошингда пиширда минг турли гоя,  
Ўлмас қўш сармоянг – ақл ва олтин.

Эзгу орзуларни атолдинг рўёб,  
Қутблар исиди ақл тафсингдан.  
Лекин шарафингни қонларга бўяб,  
Қилган гуноҳларинг олтин нафсингдан.

Ахир, сен эмасми олтин тож учун  
Сўйган оналару оталарингни?  
Ўзни жиловлашга етмайди кучинг,  
Ҳануз такрорлайсан хатоларингни.

Уқмайсан салафлар ўғитини чўнг,  
Ақл меросини, шоъни пуллайсан.  
Тарихдан билганинг ҳукмлардан сўнг,  
Шуми, сен чиқарган олтин хулосанг?

Яна «мен-омад» деб қарта ташлайсан,  
Бошингда кўтариб сохта тузларни.  
Ҳукми ҳақ қистагач юла бошлайсан,  
Кўксингда қадалган жез юлдузларни.

Сен нима, замонлар юборган ютиб,  
Минглаб ман-манини аввал бўб доя.  
Бугун сен хоксану зар измин тутиб,  
Баҳо ҳануз ким ҳақ унга сармоя.

Сен ўчсанг нима ғам, порлайверади,  
Йўлчароғ ҳақиқат – поклик онаси.  
«Ҳаммага зол ҳукмим бор» лайверади  
Темир қбнун вақтнинг қозихонаси.

## МУШОИРА

(Шайх Абдол Мўмин Туркман билан  
биринчи мушоира)

– Биздан салом ул Шафоат дўғона,  
Юпунни чаққувчи тўқсон нимадир?  
Боқиб боласини ейдир қай она?  
Экмай, бар йиққувчи деҳқон нимадир?

– Биздан жавоб Мўмин шоир шеърдона,  
Юпунчақар қишдир – тўқсон ўшадир.  
Боқиб боласини ейдир Ер она,  
Малик-ул мавт – улуғ деҳқон ўшадир.

– Ул не қушдир қанот қоқмай тайронда?  
Муқим меҳмон ўрни на уй, айвонда?  
Бо бир махлуқ на қавм одам, ҳайвон-га?  
Ҳамма билар сўзсиз лисон нимадир?

– Ул хаёлдир қанот қоқмай тайронда,  
Ул Ҳақ меҳмон қалба на уй, айвонда.  
Ул Азозил на қавм одам, ҳайвон-га,  
Ул қароғдир – сўзсиз лисон ўшадир.

– У нимадир кундуз хобда, тун уйроқ?  
Мосдир дунё сифатина қай бўёқ?  
Не хасталик, айтадилар эм таёқ?  
Ҳаёт бергич ўзи бежон нимадир?

– Кавкабистон кундуз хобда, тун уйроқ,  
Ул қора – оқ руҳ борлиққа бош бўёқ.  
Ул жунулик балосига эм таёқ,  
Ул ҳаётбахш сув ҳам бежон ўшадир.

– Қайси тўда кўзин қушлар чўқирон?  
Ким лу ичра «анга субҳон...» ўқирон?  
Қай пайғамбар сават, замбил тўқирон?  
Ул Мусога ғалат эҳсон нимадир?

– Акуз қавмин кўзин қушлар тўқигон,  
Юнус хут қорнида «...субҳон...» ўқигон.  
Сулаймон ул сават, замбил тўқигон,  
Аждар асо – галат аҳсон ўшадир.

– Ҳафт бор ўлиб, шаш тирилган қайси зот?  
– Қайси куннинг бир номини дер «Ҳайҳот»?  
Яралмасдан анча бурун одамзот,  
Эллик минг йил умр сурган нимадир?

– Наби Жиржис шаш тирилган буюк зот,  
Қиёматнинг бир номини дер «Ҳайҳот».  
Яралмасдан етмиш минг йил одамзот,  
Даврон сурган қавм Банижон ўшадир.

– Матбахш ашъоридан тутдим таомлар,  
Тотор умидим бор олим, авомлар.  
Баргларида битик қутлуғ каломлар,  
Жаннат-ул маъвода ўсгон нимадир?

– Тилимда шаҳодат, лек бетоат мен,  
Балки тамуғийман, бе Шафоат мен.  
Ужмоҳқа йўллансам ажр соат мен,  
Ўқирман тубини, гумон ўшадир.

– Зоҳирий ҳам ботин сирдан огоҳ ким?  
Ҳаширда умматга Шафоатгоҳ ким?  
«Ман раббинг?» деб айлар савол-сўроқ ким?  
Мўминга мифтаҳил жинон нимадир?

– Ёлғиз Оллоҳ ҳамма сирдан огоҳ ул,  
Мустафо ҳаширда Шафоатгоҳ ул.  
Мункар-Накар тонг-ла қилар сўроқ ул,  
Иймон ул, мифтаҳил жинон ўшадир.



## **МУШОИРА**

*(Шайх Абдол Мўмин Туркман билан  
иккинчи мушоира)*

– Ул қай иқлим ал-мудом ёз ҳавоси?  
Ул қайси дард йўқ луқмони, давоси?  
Ғам-қайғудир қай манзилнинг навоси?  
Дўст Шафоат, шуннан биза хабар бер.

– Ҳиндистондир ал-мудом ёз ҳавоси,  
Нодонликнинг борми луқмон, давоси?  
Тамуғ эрур, фақат ғамдир навоси,  
Мўмин иним, биздан жавоб шул эрур.

– У нимадир, эллар билар униннан?  
Не елгир зот, маълум қайси туниннан?  
У не хайл, хабарсиздир дининнан?  
Дўст Шафоат, шуннан биза хабар бер.

– У шағолдир, эллар танир униннан,  
Буроқ отдир, маълум Меърож туниннан.  
Аҳли куффор беҳабарлар дининнан,  
Мўмин иним, биздан жавоб шул эрур.

– Қайси хотин бот-бот туғар эл кўрар?  
У нимадир ҳузурини ел кўрар?  
Кўз унга кўр, кўриб билмас тил кўрар?  
Дўст Шафоат, шуннан биза хабар бер.

– Ҳар ўттизда Ой туғадир, эл кўрар,  
Букурмаган мол ҳузурин ел кўрар.  
Кўз англамас, таъм мазасин тил кўрар,  
Мўмин иним, биздан жавоб шул эрур.

– Одам қилар, не ул, фарзанд лоласин?  
Не ул, ҳеч ким кўрдим демас боласин?  
Не ул, йиғлар кўздан тўкмай жоласин?  
Дўст Шафоат, шуннан биза хабар бер.

– Инсдир, истар-одам қилар доласин,  
Ҷиндир, ҳеч ким кўрдим демас боласин.  
Армон йиғлар, тўкмай кўздан жоласин,  
Мўмин иним, биздан жавоб шул эрур.

– Ло нарсадир сен ичида юрарсан?  
Бо қизиги назар солмай кўрарсан?  
Турмас қилиб йиқар, қайта турарсан?  
Дўст Шафоат, шуннан биза хабар бер.

– Йўқ нарса, рост, сен ичида юрарсан,  
Туш эмасми, кўзинг очмай кўрарсан.  
Ўлим йиқар, Ҳашр қайта турарсан.  
Мўмин иним, биздан жавоб шул эрур,

– У қандай жом ҳар касга бир донадан?  
Бир бор ичар ҳар ким туғиб онадан?  
У не, йўқдир, бизга мерос кўҳнадан?  
Дўст Шафоат, биза шуннан хабар бер.

– Ҳаёт жоми ҳар кимга як донадан,  
Бир сиқариб ўлар туқдан онадан.  
Ёмон зот йўқ бизга мерос кўҳнадан,  
Мўмин иним, биздан жавоб шул эрур.

– Ҳар замон ҳам надур халқнинг иқболи?  
Айтинг, нечук дард аҳлининг аҳволи?  
Сўрайверсак, битмас дунё саволи?  
Дўст Шафоат, шуннан биза хабар бер.

– Ватан ва шоҳ эрур халқнинг иқболи,  
Доим бир хил дард аҳлининг аҳволи.  
Шоир халқин то қиёмат саволи,  
Мўмин иним, биздан жавоб шул эрур.

## ЧЎЛПОН ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

(Қаландар ишқи)

На хуш дамлар эди бир кун севги шаробин тотдим-ку,  
Ки сахро чечагин, чаман булбулларин уйғотдим-ку,  
Ишқ кайвони субҳу шомин қоним бирла бўётдим-ку.  
Муҳаббатнинг саройи кенг экан йўлим йўқотдим-ку,  
Асрлик тош янглиғ бу хатарлик йўлда қотдим-ку.

Иниқлар куйдирар мисли елдирим ёлқини бордир,  
Сочлар қора фаввораким дилором салқини бордир.  
Хиромларда, ғамзаларда таннозлик талқини бордир,  
Карашма денгизин кўрдим на нозлик тўлқини бордир,  
Ҳалокат бўлғусин билмай қулочни катта отдим-ку.

Ўти инсонки Аллоҳ ишқин пайдоси, аё дўстлар,  
Шунинг-чун ул ошиқ-маъшуқ ишқ шайдоси, аё дўстлар.  
Қувди жаннатдан Одамни кўнгил Ҳавоси, аё дўстлар,  
Ажиб дунё экан бу ишқ дунёси, аё дўстлар,  
Бу дунё деб у дунёни баҳосиз пулга сотдим-ку.

Қайу манзилда ишқ сипоҳи нишон айлади бағрим,  
Ёрди кўксим офати барқ ва гулхан айлади бағрим.  
Гулхан эрмас, йўқ, ул ёнар гулистон айлади, бағрим,  
Унинг гулворида булбул ўқиб қон айлади бағрим,  
Кўнимдан ёшни жу айлаб аламлар ичра ботдим-ку.

Байни Мажнун янглиғ элдин бездим топмайин ёрни,  
Наволар бирлаким бағримни эздим топмайин ёрни.  
Ки качкулни белга боғларни сездим, топмайин ёрни,  
Қилиндардек юриб дунёни кездим, топмайин ёрни,  
Ини кулбамга қайғулар, аламлар бир-ла қайтдим-ку.

Шафвати ишқ аршида мен ҳам султон эдим, дўстлар,  
Хусн пайғамбарларига асҳоб, чилтан эдим, дўстлар.  
Зулайҳоларга Юсуфдек тенгсиз ўлпон эдим, дўстлар,  
Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар,  
Қўйининг нурига тоқат қилолмай ерга ботдим-ку.

## НАВОИЙ ҒАЗАЛИҒА МУҲАММАС

Бас, ҳижрон азобиким гар одамсен маън қилғил,  
Малҳами мурувватдин дарддин фориг тан қилғил.  
Ҳуснинг тожига меҳр гуҳарин ҳам шаън қилғил,  
Қаро кўзим келу мардумлуғ эмди фан қилғил,  
Кўзим қаросида мардум киби Ватан қилғил.

Кўрмамиш фалак ҳануз то сендек расо гулшан,  
Мўйсафид беҳиштдир ул, сен унга асо гулшан.  
Тангри ҳам чапак чалиб кўрса дер: – «Яша, гулшан»,  
Юзунг гулиға кўнгил равзасин яса гулшан,  
Қадинг ниҳолиға жон гулшанин чаман қилғил.

Ҳар рўзингта субҳу шом онидин хино боғла,  
Яктолиғингта «Оллоҳ» шонидин хино боғла,  
Кўзинг тийиға улус жонидин хино боғла,  
Таковарингта бағир қонидин хино боғла,  
Итингта ғамзада жон риштасин расан қилғил.

Сақоғинг холиға етсун десанг кўнгилларни,  
Лабингнинг олиға етсун десанг кўнгилларни,  
Тилингни болиға етсун десанг кўнгилларни,  
Юзинг висолиға етсун десанг кўнгилларни,  
Сочингни бошгин-аёғ чин ила шикан қилғил.

Бир суврат умрин кўрмай ўтди мусаввир **Мони**,  
Ҳар каски ҳаёт гулин **парвозатек меҳмони**.  
Йиғлангизким, бөр экан келса ким кетар **оми**,  
Ҳазон синопига, эй боғбон, эмас **моний**,  
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.

Юракдан черни суриб ўлсам, эй рафиқ, мени,  
Ёр босан ёрни кўриб ўлсам, эй рафиқ, мени,  
Илғида шеърани кўриб ўлсам, эй рафиқ, мени,  
Юзида терни кўриб ўлсам, эй рафиқ мени.  
Гулоб ила юву гул барғидан кафан қилғил.

Бас, Шафоат ҳолингга энди хуш чора тузсанг,  
Ибрати устоз дебон бир девон сара тузсанг,  
На ажаб ашғор ила давлат, фуқаро тузсанг,  
Навойи анжумани шавқ жон аро тузсанг,  
Анинг бошоғлиғ ўқин шаъми анжуман қилғил.

## МАНГУ ЧОРЛОВ

Ода

### I

Кунлар гиштдай уюлар, ойларким пахса-пахса,  
Қават-қават йиллардан барпо тарих-қасрлар.  
Келажакни ўтмишга силжитади ҳар лаҳза,  
Юз ёшига юз тутиб қариб борар асрлар.

Бордан йитмас, йўқдан йўқ, ҳар неки бари нисбий,  
Койнот чангиб ётир, минг уорма-гирдибот.  
Шу тариқдай тирқироқ олам ҷуниалар зақий,  
Ягона Ер тухмида бино этибдир ҳаёт.

Оқсилий ибтидодан то улкан диназавр –  
Бари қайд эраларда – бу минг қават ернома.  
Тўрт оёқини иккиси қўл бўлгунча ўтган давр-  
Миллион йил шажаридан пайдо шу улғу ҳумо.

Абад ишчи койнот ишлаб ётир ўт сочиб,  
Тунлар юлдуз сироти кўзини тоға тоға.  
Одам отадан инсон бўлгунча йўл очиб  
Келди, бугун ўзидан бузон ҳеч зот қолмади.

Қўш қутбли дунё бу – мусбат ва манфий олам,  
Эзгулик мингга сарбон, қабоҳат бирга моя.  
То қабоҳат бор экан, ҳаётнинг бйр чети кам,  
Одамзот, ўзлигини ўзиндан қил ҳимоя.

Шу оқ-қора тарихнинг минг даҳолар омади –  
 Ҳомердан то Навоий не зотлар ақли қўйма.  
 Қабоҳатнинг маҳвига оммани бошламади,  
 То Ҳақ Расулигача бирорта улуғ сиймо.

Адашган инсон эдик, шухрат билан шонга ўч,  
 То ўқигунча «Қуръон»нинг ҳақиқат қомусини.  
 Бори турк диёрида улуғ хуррият кўч-кўч,  
 Истиқлол-ла тиклаймиз инсонлик номусини.

Биз шу она Туроннинг ул сийнаи тахтидан  
 Юртнинг чин ўғли бўлиб қайта бошдан туғилдик.  
 Келажак авлодларнинг иқболига, бахтига  
 Миллат ва ўзлик дея БМТига туғ илдик.

Истиқлол бу биз демак, ахир тушган боламиз  
 Туроний йўлбарсларнинг ул ола чалворидан.  
 Истиқлолий кўз билан нишонни шай оламиз,  
 Ватан тақдир-қисмати ўйлари залворидан.

Қўш қутбли дунё бу – мусбат ва манфий олам,  
 Эзгулик мингга сарбон, қабоҳат бирга моя.  
 То қабоҳат бор экан, ҳаётнинг бир чети ғам,  
 Одамзот, ўзлигингни ўзингдан қил ҳимоя.

Марказий Осиёда айни юрак бўлдик биз,  
 Ҳам бори элатларнинг суянчи, қадрдони.  
 Биз бир сўзли ва танти ўзбеклар деган халқмиз,  
 Шу бурчга фидо этиб келганмиз доим жонни.

Ўзбек дегани асли – эзгуликнинг аскарари,  
 Яшнаган изларидан босганда боғ кўкариб.  
 Темурий қаломларнинг арғумоқ оққушлари  
 Уچار то букун туркнинг шавкатини кўтариб.

Маҳмуд Ялавочларни токи Қуёш ўчгунча  
 Лаънатлайди эзгулик, эзгулик қилмайди авф.  
 Тўймас мустамлаканинг наҳанги сурбет шунча,  
 Инсоният бошига солаяпти ҳамон хавф.

Чечен, Бошноқистонни қонга ботирган девлар  
Қўшқалла, қонхўр бургут уясида болалаб  
Ётир, шу башарият маҳв этмаса уни гар,  
У жаҳонга исноддир, тинчлик-тинчлик – бош талаб.  
Қўш қутбли дунё бу – мусбат ва манфий олам,  
Эзгулик мингта сарбон, қабоҳат бирга моя.  
То қабоҳат бор экан, ҳаётнинг бир чети ғам,  
Одамзот, ўзалигингни ўзингдан қил ҳимоя.

4

Шу ёшга кириб, аммо ҳақиқатнинг пойтахти,  
Башарият орзуси – Каъбани кўрганим йўқ.  
У ҳар қалба кўкарган эзгуликнинг дарахти,  
У ҳар мўмин юраги, у бор экан кўнглим тўқ.  
Муслимлар қаторида кўкси баланд ўзбекман,  
Бўйлашсам эътиқодим тенг тоғларнинг томига.  
Қўш дарёмдай қуйилган Оллоҳ меҳридан бекман,  
Шукурким лабим етди озодликнинг жомига.  
Жонлар фидо Ватанга, шу Турон онасига,  
Бир ўғилдай тузини оқлай олмоқ олий иш.  
Улуғ шоир айтгандай эзгулик биносига  
Муддао шу умримиз бўлса бас, битта ғишт.  
Шу олий маконда гоҳ нонкўрларни кўрганда,  
Турфа хил одамзот деб қоламан ўйга чўмиб.  
Шу ўтқинчи дунёда қайси бир нопок банд  
Ўзи борар тупроқни топтайдир кир мулк кўмиб.  
Қўш қутбли дунё бу – мусбат ва манфий олам,  
Эзгулик мингта сарбон, қабоҳат бирга моя.  
То қабоҳат бор экан, ҳаётнинг бир чети ғам,  
Одамзот, ўзалигингни ўзингдан қил ҳимоя.



## ДУНЁ

Дунё, мени унхайтдинг,  
Ўс, деддинг, мени ўндим.  
Мажнунтоқдай йиғлатдинг,  
Гулдай куллардинг, кўндим.

Кунга кундош, тунга ёр,  
Оқ, қора қиқнинг йўлим.  
Бир сиймонинг тўй, ёр-ёр,  
Бир тухфаниг бўлди ўлим.

Бошим кам, кўшим ерда,  
Шикваларингдан тўйдим.  
Илинжам ёлғиз шеърда,  
Қолганига тек кўйдим.

## ИМОМ ТЕРМИЗИЙГА МУНОЖОТ

У йўллар макруҳдир изга қайтаман,  
Суннати ҳақиқат сўзга қайтаман,  
Ақли мўмин сизга, ўзга айтаман,  
Мен изга қайтаман – ўзга қайтаман  
Ё Имом Термизий сизга қайтаман.

Йўқ эдим тўлиқми, ярим аср мен,  
Кўр эдим тўлиқми, ярим басир мен.  
Телбани, манкуртми, ақли қосир мен,  
Мен изга қайтаман – ўзга қайтаман  
Ё Имом Термизий Сизга қайтаман.

«Учлик» шайхасига салламни бердим  
Сўнг калом, шайхони, калламни бердим,  
Арбобу адабу мулламни бердим.  
Мен изга қайтаман – ўзга қайтаман  
Ё Имом Термизий Сизга қайтаман.



Меросни топташ ҳам маданиятми,  
Аждодни топташ ҳам маънавиятми,  
Ёлгонни мақташ ҳам айнул ҳаётми?  
Мен изга қайтаман – ўзга қайтаман  
Ё Имом Термизий Сизга қайтаман.

Фалсафа онаси китоби Карим  
Қолиб куфр дарсин олди бу сарим.  
Менда иймон йўқдир, бўлса ҳам ярим,  
Мен изга қайтаман – ўзга қайтаман  
Ё Имом Термизий Сизга қайтаман.

Туф ёлгон дунёга, асл қайдасан,  
Шарқ фикри жам этган ҳосин қайдасан,  
Ҳаққа етакловчи Расул қайдасан?  
Мен изга қайтаман – ўзга қайтаман  
Ё Имом Термизий Сизга қайтаман.

## ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Ватан, иймон,  
Улуғ дидорим сен менинг.  
Буёқ гурур, муқаддас шон,  
Чин ифтихорим сен менинг.

Тарихингни қилсам сўроқ,  
Ҳар ўғлонинг битга Широқ.  
Тумарислар сўнмас чироқ,  
Ному су орим сен менинг.

Ал-Жабрга ота юртсан,  
Ҳадисгунос каяга юртсан,  
Осиёда битга юртсан,  
Собит сардорим сен менинг.

Сен Темурий саркардасан,  
Сен Навоий сарпардасан,  
Ери олтин зар кордасан.  
Бахту баҳорим сен менинг.

Таърифингга етмас сўзим,  
Жамолингга тўймас кўзим,  
Шафоатинг, шайдонг ўзим,  
Ки йўғу борим сен менинг.

## ОНА ҚАЛБИДАГИ ОҲАНГЛАР

Шу тўзғиқ сочимга кечагина мен,  
Юз таманно билан урардим шона.  
Бугун борлигимни банд айлаган сен,  
Бешигинг бошида мен бедор она.

Сен бу он не учун йиғлайсан кўзим,  
Қоп-қора сочларинг бирам чиройли.  
Йиғинг боисини тушунолсайдим,  
Мурғак умринг бўпти энди тўрт ойлик.

Йиғлатган агар бир тикан бўлсайди,  
Киприкларим билан ташлардим олиб.  
Жонингни қийнаган ё мубҳам дардми,  
У менинг меҳримдан чиқарми ғолиб?

Ошпоғим, билсайдинг онангга бу он  
Минутлар ўтмасин йилдай туйилиб  
Қоронғудир бу чоғ кўзимга жаҳон,  
Бағримни эзмоқда бир мунг қуйилиб.

Сен билан қўшилиб йиғламоқдаман,  
Руҳимда ваҳмлар кўтармоқда туғ.  
Мана, сен тинчландинг, мен севинчдаман,  
Орзулар босмоқда кўнглингдай ёруғ.

Ху ана, суқсурдай сен кўрсатдинг бўй,  
Атрофинг ўраган қизлар чамани.  
Ҳовлини тўлдирган бир гургума тўй,  
Ўйинга тортмоқда қудалар мани.

Аёл умрининг суюк дамлари,  
Ҳоким бўпти сенинг вужуд боринга,  
Адрас чимилдиқдан чиқиб илгари,  
Салом қилмоқдасан севган ёринга.

Айланма ҳаётнинг шоҳ орзулари,  
Руҳимда эриркан бўлиб бир оҳанг.  
Сочинга уланди офтобнинг зари,  
Бешигинг ортидан кўтарилиб тонг.

## **КУМУШ ТОЛАМ-КУМУШ ТОЛАМ**

Баҳорни илк бор қутлар,  
Ипак бўлажак тутлар.  
Япроқлари барқутлар,  
    Пиллам – нозик юмуш толам,  
    Кумуш толам-кумуш толам.  
Ипак қуртим сеҳргарим,  
Боқсам бериб меҳрларим.  
Ҳар ғумбаги нуқра зарим,  
    Нуқра толам – юмуш толам,  
    Кумуш толам-кумуш толам.  
Ипагим атлас янги,  
Нусхасида гул ранги,  
Завқимнинг кўрк жаранги,  
    Пиллам – нозик юмуш толам,  
    Кумуш толам-кумуш толам.

## ҚҰШИҚ

Оқ тишларинг садафлардан соз, сенинг,  
Туришларинг қўшиқ, сенинг, ноз, сенинг.  
Келишларинг баҳор, сенинг, ёз, сенинг,  
Таърифингта шоир сўзи оз, сенинг  
Туришларинг қўшиқ, сенинг, ноз, сенинг.

Қундузмидир, қалдирғочми қошингдир,  
Ўн етими, ўн саккизи ёшингдир,  
Хуснинг бутун юрта татир ошингдир.  
Таърифингта шоир сўзи оз, сенинг.  
Туришларинг қўшиқ, жоним, ноз, сенинг.

Тундан қора, кундан ёруғ кўзингдан,  
Лолаларни ҳайрон этган юзингдан,  
Ҳамма гўзал садқа бўлсин ўзингдан.  
Таърифингта шоир сўзи оз, сенинг,  
Туришларинг қўшиқ, сенинг, ноз, сенинг.

Ғам кўрма ҳеч, қовоғингни уйма ҳеч,  
Қадр билмас ошиқларни суйма ҳеч,  
Шеър ёзди деб Шафоатга куйма ҳеч.  
Таърифингта шоир сўзи оз, сенинг,  
Туришларинг қўшиқ, сенинг, ноз, сенинг.

## АЛЛА

Оқ юваман, оқ тарайман, оқ чойшабга ўрайман,  
Кечалардан, оқ тонглардан камолингни сўрайман.  
Алла айтсам, сен ухлайсан, алла сози дилимнинг,  
Алла айтсам, сен ухлайсан, алла тори тилимнинг.

Сен ухла, мен ҳар тун сочинг то тонггача силайин,  
Бахт чироғинг ху, юлдуздек ёниқлигин тилайин.  
Алла, алла менинг кўзим, алла кўнглим чироғи,  
Алла, алла менинг кўзим, алла ҳаётим боғи.

Кўаларингдан ўргилайин, ўхшар менинг кўзимга,  
Юаларингга термулайин, ўхшар даданг юзига.  
Киприкларинг, жуфтгла, жоним, кўзингни юм, гиргиттон,  
Ҳали қирлар орқасида ухлаб ётир опшоқ тонг.

Ёнгинангга мендек бедор, сув оқадир милдираб,  
Кўк саҳнидан тушиб кетди, Ой ҳам олгин гилдирак.  
Ухла кўзим, ҳаво салқин, ухла кўзим, тун сокин,  
Сен ухласанг, мен ухлайман, ухла кўзим, тонг яқин.

## АРМОН – МУҲАББАТ

Самонинг семурғи тўкмаса оқ пар,  
Қирларнинг кифтидан тулса қор совут.  
Майсалар уйғонса бир вақт силкиб бар,  
Адирлар кийганда ям-яшил мовут.  
Дилимда барг ёзар бир армон фақат,  
У ёлғиз муҳаббат, ёлғиз муҳаббат.

Минг рангда намоён бўлгувчи даҳо –  
Мўъжиза кўргазса ҳар тонг табиат.  
Чақину гулдирос энг олий баҳо,  
Ёмғир-ла булутлар битганида байт,  
Қалбимга ёради бир армон фақат,  
У ёлғиз муҳаббат, ёлғиз муҳаббат.

Турналар «кур-ей»и куйи бетақроқ,  
Аршга чорлагувчи илоҳий ироқ.  
Юр деса, изидан силкитганда пар,  
Орзулар ёнига учганда йироқ,  
Кўксимга кўнади бир армон фақат,  
У ёлғиз муҳаббат, ёлғиз муҳаббат.

Кўёшнинг шафақи кўкариб ердан  
Гул бўлиб чўпланса самовий ол ранг.  
Шамолда чайқалган ул қадаҳлардан  
Қалбларга оқданда сассиз бир жаранг.  
Бағримда ёнади бир армон фақат,  
У ёлғиз маҳаббат, ёлғиз муҳаббат.

Баҳорда ер қиёс уммонга зеро,  
Қирлар тўлқин отар, тоғлар пўртана.  
Адирларнинг нилий гирдоби аро  
Не жонзот сас берса бағри ўртана,  
Жигарим ўртайди бир армон фақат,  
У ёлғиз муҳаббат, ёлғиз муҳаббат.

Беун гап уқтирса юлдуз юлдузга,  
Кўжлам сафосидан маст бўлса ҳарёқ.  
Туннинг хаёлини бир пошна бузса,  
Сукунат ойнасин синдириб «тақ-тақ».  
Жисмимга урилар бир армон фақат,  
У ёлғиз муҳаббат, ёлғиз муҳаббат.

Ишқнинг бекатида висол ва ҳижрон,  
Гулларни гул кутса йўлга кўз тикиб.  
Гумондан оқ тортиб юборганда жон,  
Лаҳзалар соғинчдан кетса энтикиб,  
Вужудим титратар бир армон фақат,  
У ёлғиз муҳаббат, ёлғиз муҳаббат.

Қалбларга бесўроқ босиб киргувчи  
Наврўз насимида куй келса синиқ,  
Севгига лиммо-лим порлаб тургувчи,  
Кўзларни кўрганда чашмадай тиниқ,  
Дилимда оқади бир армон фақат,  
У ёлғиз муҳаббат, ёлғиз муҳаббат.

Боғларда қайси бир ошиқ лабида  
Бўса лаззатини таърифласа най,  
Базм аро бесоҳиб қадаҳ тубида  
Севги кўз ёшидай милтираса май,  
Қалбимга оқади бир армон фақат,  
У ёлғиз муҳаббат, ёлғиз муҳаббат.

## «СУРХОН ТОНГИ»ГА ҚУТЛОВ МАКТУБИ

Ҳаёт буюк ўрам қоғоздир, ёзар,  
Ҳар жонга не қисмат лавҳин ЕР, само.  
Ўтаётган кунлар бедам, бебозор,  
Ҳар бири бетакрор улкан рўзнама.

Шу рўзнама ичра элга рўз бўлган  
Ва кийган юрт деб лафз, суҳан жомасин.  
Завқ, ҳайрат аҳлига сўзу кўз бўлган  
«Сурхон тонги» сенга шогирд номаси.

Сен менинг қалбимда қутлуғ бир садо,  
Кечмиш кунларимнинг чақириқ сур занги.  
Она алласидай дилгир, дилнаво,  
Қулоғимда таниш сасинг жаранги.

Мени олиб кирган сенсан тўдага,  
Сен-ла пухталадим машқим, созимни.  
Аргумоқ умрингга умрим садаға,  
Кўрдим сенинг қанча чавандозингни.

Замон кўлқариси сенга ҳар номда,  
Даврон ҳашамига мос урди эгар.  
Лекин сен долғали не субҳу шомда,  
Қаламзот аҳлига бўлдинг дўст, жигар.

Ўлка сарринида гул каби ёйдинг,  
Адиблар насрин, шоирлар шеърин.  
Сенда кўрдим бағри юртдай кенг, ойдин,  
Суҳан бешасининг не турфа шерин.

Уларга бўй ўлчаб қадам ташладим,  
Вовайло, не бири орадан кетди.  
Умид-ла жиловинг тутган бўлса ким,  
Баҳоли қудрат муродга етди.

Сен-ла не манзилда чопдик, ҳоридик,  
Биздан кейингилар маррада бу дам.  
Уларким сўз юки юртнинг оридек,  
Бизлардан нуқтадон, бизлардан ўктам.

Нафақа ёшига етибсан қутлуғ,  
Лекин сен навқирон, сен ҳамон ғолиб.  
Истиқлол беҳиштий, яшариш улуғ,  
Боз давринг маслагин борурсан олиб.

Ҳар сўзгир сўралмиш ажри Сиротда,  
Энди каломимни қисқа қилай ман.  
Барчани етказсин мақсад – муродга,  
«Сурхон...» арқонингга омад тилайман.

## ҲИКОЯ

Учрашувга шошадир қиз,  
Қиз шаддод, қиз бокира.  
Кампир уйда қолар ёлғиз,  
Недандир дили хира.

Қиз кетади, кампир яна  
Қол дейишга бетламас.  
Ахир бу йўл ёмон бўлса,  
Қизи нечун четламас.

Учрашувдан қола бошлар,  
Кейин чиқмас қиз сира.  
Юзларига сепкил тошар,  
Кампирнинг дили хира.

Туғруқда кетди сўнг қиз,  
Фарзанд кўрди отасиз.  
Кампир шу кун ўлиб қолди,  
Жанозага бордик биз.



## АЁЛ БИЛАН ХИЛВАТДА

(Расул Ҳамзатовдан)

Кечиринг, бормайман, дўстларим,  
Ҳам менга сим қоқманг, албатта.  
Бугунги кечани ўтказгум,  
Мен фақат аёл-ла хилватда.

Мен ва у бўламиз биз фақат,  
Соат ҳам юришдан тўхтайдди.  
Хушоҳанг қилади сукунат,  
У ҳам бир жумбоққа ўхшайдди.

Оломон табиат феъл билан  
Шарт кирманг ёнимга сиз яна.  
Ўтказгум бугунги тунни ман,  
Фақат шу аёл-ла ягона.

Поезддан ўрмонга боққандек,  
Майлига айлансин бош яна.  
Тундаги юлдуздек милтираб,  
Ишқ сўзи порласин жимгина.

Тунги рейс билетин йиртаман,  
Дабдаба залига бериб панд.  
Бугунги шу уззу тунда ман,  
Фақат шу аёл-ла бўлгум банд.

## СУРХОНДАРЁМСАН

Тарихи минг бир китоблик алп мозийлар юртисан,  
Ал-Ҳаким, Собирдек зако Термизийлар юртисан.  
Раънохонимдек қалами қирмизийлар юртисан,  
Она ўлкам, бахти кўркам Сурхондарёмсан ўзинг.

Боботоғинг ҳар тонг чиқар Қуёшнинг меҳробидур,  
Бағрингда қанча қўрғонлар камолнинг эҳромидур.  
Донгли достонингни халқинг Рустаму Сухробидур,  
Она ўлкам, бахти кўркам Сурхондарёмсан ўзинг.

Тонгларинг шуълаланар зар пахтагнинг толасидан,  
Саодатинг ойдин сенинг сурларинг жилосидан.  
Бахтинг балқар хирмонларинг кўк ўлар тиллосидан,  
Она ўлкам, бахти кўркам Сурхондарёмсан ўзинг.

Ардоқлаган макондирсан меҳнатчилар мардини,  
Фидойиларинг кўксидан Ватанинги Шухрат ордени.  
Шафоат айлади мадҳин сен юрти жўмардини,  
Она ўлкам, бахти кўркам Сурхондарёмсан ўзинг.

## УЧРАШУВ

Чиқдим бу кеч қизга берган ваъдага,  
Кетдим дея олисдаги подага.  
Жоним ёрнинг кўзларидан садага,  
Чиқдим бу кеч қизга берган ваъдага.

Бу йўлларда тентир тунда айиқлар,  
Ошиқ одам айиқдан ҳам ҳайиқмар.  
Белбоғимда ялтирайди зўр ханжар,  
Бу йўлларда тунда тентир айиқлар.

Анови ким, олма қоқиб ётибди,  
Олмаларни жарга отиб ётибди.  
Ўрмончи ё терга ботиб ётибди,  
Анови ким, олма қоқиб ётибди?

Ўрмончига салом бердим қотириб,  
У ташланди алик олмай бақириб,  
Ханжар урдим юрагига ботириб.  
«Ўрмончи»ни қўйдим шундай қотириб.

Ана, яқин манзилимнинг ораси,  
Кўринди-ку дилбаримнинг қораси.  
Оғрияпти айиқ солган яраси,  
Битта бўса булар унинг чораси.

Ёр кўриб дер: «Жанжал қилдинг ким билан,  
Гаплашмайман сен жанжалкаш шум билан.  
Отам уйда, даф бўл дара-гум билан,  
Гаплашмайман сен жанжалкаш шум билан».

Кириб кетди сўнг кўзасин кўтариб,  
Ота юрар уй гирдида йўталиб.  
Туриб қолдим, йиғлаб ҳайрон мен ғариб,  
Кириб кетди, қиз кўзасин кўтариб.

Инграндим мен оғриқнинг зўридан,  
Ота шитоб тушиб келди сўридан.  
«Озор кўрдинг айиқданми, бўридан?»  
Инграйман мен оғриқнинг зўридан.

Айиқ билан бўлди дейман шундай гап,  
Ота мени уйга кетди елкалаб,  
«Бир қорага етиб қопсан болам, зап»,  
Ота мени уйга кетди, елкалаб.

Сўнг чол минди юган уриб йўргани,  
Мен ўлдирган душманини кўргани.  
Дилбар менга ёпар неча кўрпани,  
Лабларимга пуфлаб тутиб шўрпани.

Тақдиримдан хурсанд бўлиб ётаман,  
Ёрнинг ўкинч бўсаларин тотаман.  
У парвона: «Қилибман, – деб, – хато ман»,  
Тақдиримдан хурсанд бўлиб ётаман.

## **ГИПОТЕЗА**

*(Елгон шеър)*

Тафтининг тушишига Қуёш топмай чоралар,  
Ўзи томон тобора тортиб борар ҳаётни.  
Ва унинг болалари бетиним сайёралар  
Навбат билан алмашлаб ортиб борар ҳаётни.

Марсда ҳаёт қайнаб, тириклик уй қурганда,  
Ер Қуёш иссиғидан қовжирар эди қуриб.  
Марсга етмай иссиқ ҳаёт тугаб турганда,  
Тириклик унсурлари Ерга келгандир кириб.

У олис сайёралар: Сатурн, Юпитер, Марс,  
Тарк этган тирикликнинг мангу харобасидур.  
У олис сайёралар: Венера ва Меркурий,  
Ердан сўнг навбат кутган ҳаёт аравасидур.

Миллиард-миллиард йилларни бир ғалвирлаб қарасам,  
Ақлимнинг ойнаси шунини этди тақозо.  
Тортишув улоғига ажаб эмас ярасам,  
Аниқ гап айтилгунча минг йиллар қилур қазо.

## **ДАНТЕС ШАРПАСИ**

Мен кеча учрадим битга сурбетга,  
Кўзи олазарақ, сўхтаси совуқ.  
Шивирлади тортиб аста бир четга:  
«Наф кўрасиз менга бўлсангиз ёвуқ».

Сизда учрашувлар, тўю ҳашам кўп  
Ва унда кўрасиз яхши-ёмонни.  
Ундай йиғинларда турфа гап тўп-тўп,  
Етказасиз менга, бу бир томони.

Қайсики даврада кўрсангиз кимни,  
Чизиб келинг тагин портретини.  
Яъни қош-кўз, ранг-рўй, эсласангиз бас,  
Мен ўзим тиклайман унинг бетини.

Фақат сиз қиласиз қулоқларни динг,  
Юрасиз одамлар қадамин ўлчаб.  
Изини сўрамай, гинг демасдан, гинг,  
Камина комига гап қўясиз, гап...»

Бу зот ким, дилдаги нияти нима,  
Нечун одамлардек яшамас очиқ?  
Инсон ҳуқуқлари кўзи ҳукмидан  
У қайси қавақда яшайди қочиб.

Гар кимда иши бор, узун қулоқсиз,  
Нега шарт айтмайди мақсад, арзини?  
Шубҳа дурбинидан кузатар нечун,  
Озод одамларнинг турмуш тарзини?

У менинг кимлигим биларми, асли?  
У тошдай бефарқ-ку қалб, қувонч, ғамга.  
Совуқ чехрасига абад босган у,  
Инсонга нафрат деб аталган тамга.

Ахир мен шоирман, бўлак йўригим,  
Майдонлар, далалар – кенг гурунг жойим.  
Каттакон йўлдаман, бўлак тўригим,  
Ғаламисликлардан тозадир лойим.

Ялангтўш кираман халқ орасига,  
Бошга байроқ қилиб БАХТ ҚОМУСИМни.  
У не дер, мен – эрkning фуқаросига,  
Топтаб фуқаролик ор-номусимни?

Бўлмагач, у кейин тухматга ўтди:  
«Барбод қиляяпсиз давлат ишини...»  
Мужмал, ғайб маҳмама номидан сўкди,  
Сўнг писди нафрат-ла қайраб тишини.

Ҳайрон бўлдим, мен ким — давлат эмасми?!  
Давлат ишimasми, гар фидойи шеър?!  
Айтинг, хуфийдан рўй-ростлик настми  
Ёки халқ ишичуи тўккан тоза тер?!

Улуғ Истиқлолнинг ҳамиятидан,  
Шу ярим покланган XX аср.  
Айтсин, озод БАТАН жамиятида  
Яшашга лойиқми шу қалби басир?!!

Мана, рўй-рост айтдим Дантес шарпасин,  
Рухимга етказган талафотини.  
Ёдим таъқиб этса васиятимга,  
Ҳалок бўлсам, қотил ким у — отини.

## БЕШ ДАРВОЗА

*Расул Ҳамзатовдан*

Ишлар олисларга бошлаган гали,  
Ва яна орқага қайтганда такрор.  
Ота юрт четига етган маҳали,  
Эй тоғлик, тўхташни унутма зинҳор.

Соялар узун гоҳ, қисқа гоҳида,  
Бекат ҳам гоҳ ёвуқ, гоҳи бенуқта.  
Кун, тунинг нофармон талош чоғида,  
Хира юлдуз мисол бир муддат тўхта.

Йўллар шамолидан ютганинда чанг,  
Ҳам бошинг ўйлардан бўлганида кам.  
Отлик, шидасан эй йўлчи дилтанг,  
Ўтпарастдек тошин тўхтаб ўтга ҳам.

Сомон йўлларини қығали яқин,  
Кенгликлар танобин олсанг сиқувга.  
Эй тоғлик, тўхтатсин сени бир оқин,  
Таъзим қил, йиллардек тез оқар сувга.

Сўқмоғинг чувалар гоҳ паст, гоҳ қирда,  
Орқа-олдинга ҳам йўлчи назар сол.  
Қара, йўлингдаги анов қабрга,  
Мусибат ёнида бир дам тўхтаб қол.

Фақат кенгликларда шилдир шаббода,  
Югурар, тўхтамас, доимо озод.  
Лекин у муқаддас беш дарвозада  
Тўхтамай ўтмайди ҳеч бир одамзот.

## БОБОМГА

Сен оят ўқийсан арабча, форсча  
Маъносин билмайсан, қиласан такрор.  
«Бу инсон зотининг гуноҳи қанча? –  
Барини дуо-ла покламоқ даркор».

Беғубор қалбингда доимо шу ўй,  
Тилингда энг эзгу сўзлар лугати.  
Аза ҳеч бўлмаса, бўлса доим тўй,  
Шу бобо қалбингнинг куйи, баёти.

Доим бахт тилайсан болаларингга,  
Элга ҳам омонлик тилайсан, бобом.  
Минг ҳовуч дуога юзингни ювиб,  
Минг бор соқолингни силайсан, бобом.

Бобо, гўллингга қиламан ҳавас  
Ва шу гўллингдан чекаман афғон.  
Ўзингнинг дилингда бошқа дилларни,  
Равшан қилармикан, дуонг, бобожон?

## МЕҲМОН КУНЛАР...

*(Уруш фахрийлари Турдимурод Хўжамуродов ва Нурмамат Қулмаматовнинг сўнги сўзлари.)*

Йўрғакда илк қиқирлаб оналарни овутидик,  
Сўнг улғайиб, буй етиб тўйга кўрпа қавитдик.  
Чимилдиқлар чимида ёшлик отин совутдик,  
Меҳмон экан у кунлар, мезбон кунлар хуш энди.

Ҳарбийга кетдик, юлдуз тақиб, ол, беш чаноқли,  
Қайтдик, фарзандлар ўсди алпу алвон ёноқли.  
Ким ўйлабди тириклик соати деб саноқли,  
Меҳмон экан у кунлар, мезбон кунлар хуш энди.

Кўксимизда урарди бир арслоннинг юраги,  
Гап галирсак бўлди у ҳақиқатнинг тираги.  
Ўзни чорлаб яшадик элнинг дея кераги,  
Меҳмон экан у кунлар, мезбон кунлар хуш энди.

Дўст эдик жон айрилмас, ўртада ош-нонимиз,  
Фидо эди бир-бирга жангчи темир жонимиз.  
Номард тасодиф бу кун бирга тўқди қонимиз,  
Меҳмон экан у кунлар, мезбон кунлар хуш энди.

Кетди биздан рўзғорга оқсоқоллик-катталиқ,  
Не рўзғор эл-қариндеш маврудига оталиқ.  
Завол бўлди умрга бу жувонмарг хатолик,  
Меҳмон кунлар хуш энди, мезбон кунлар хуш энди.

Овунч шу, бу дунёнинг ҳеч ким бўлмас устунни,  
Буглаб яшанг дунёнинг кийим-боши, устинни.  
Беш кунлик эди дунё, бизларники уч кунни,  
Меҳмон кунлар хуш энди, мезбон кунлар хуш энди.

Қабримизга тиклангу камтарона тошларни,  
Дадил тутинг, оғалар, бирдам эгик бошларни.  
Биз кўзлаган маррага бошлай бering ёшларни,  
Меҳмон кунлар хуш энди, мезбон кунлар хуш энди.



Бишлар енган жангчимиз, бор денг доим сафларда,  
Жаранглатинг номимиз Галаба кун гапларда.  
Ўзин шоир ўғлимиз Шафоатли дафтарда,  
Меҳмон экан у кунлар, мезбон кунлар хуш энди.

## **СЕНГА ҲАВАС ҚИЛАМАН**

*(Ушшларим Ҳумоюн ва Ҳусайнга аталган шеър)*

Гулдек бола, гуллар ўпсин лабингдан,  
Тутиқушлар сабоқ олсин гапингдан,  
Ўргилайин болалик мансабингдан.  
Бола, мансабингга ҳавас қиламан,  
Сени улуғ, ўзимни паст қиламан.

Тулпор бўлар минган хивич отларинг,  
Тегранг тўла жўраларинг, ётларинг,  
Қутлуғ сенинг шоҳликларинг, мотларинг.  
Бола, мансабингга ҳавас қиламан,  
Сени улуғ, ўзимни паст қиламан.

Кулсанг кўзинг кўкка юлдуз сочади,  
Гар йиғласанг булоқлар кўз очади,  
Сен бор жойда ғамлар туриб қочади.  
Бола, мансабингга ҳавас қиламан,  
Сени улуғ, ўзимни паст қиламан.

Умринг сенинг ўқилмаган китобдир,  
Улғайтириб ўтар кунлар шитобдир,  
Бор вужудинг бутун ҳайрат, хитобдир.  
Бола, мансабингга ҳавас қиламан,  
Сени улуғ, ўзимни паст қиламан.

Белларингга белбоғ, қайиш бўлайин.  
Меҳмонингга соқи, саис бўлайин,  
Тўйларингга ўзим раис бўлайин.  
Бола, мансабингга ҳавас қиламан,  
Сени улуғ, ўзимни паст қиламан.

## МУАЛЛИМ

О, минг кўзлик болалик ҳам шоҳсан, ҳам мунажжим,  
Тилларда савол мингта, кўзларда ҳайрат лим-лим.  
Юлдузли орзуларнинг хаёлига ботсак жим.  
Бизларни чин ҳаётнинг рост йўлига бурган ким?  
У ўша, бизлар ҳавас қилган мураббий-муаллим.

Олис йиллар сардор бўб маърифат гуруҳига,  
Бир тоза шамол олиб кирган қишлоқ руҳига,  
Куч берган, гурур берган ёшларнинг шукуҳига.  
Ким эди ўша ибрат, маърифат сардори ким?  
У ўша, бизлар ҳавас қилган мураббий-муаллим.

У ўтганда файз кирган тупроқ кўчамизга,  
Куйу оҳанг қўшилган байраму кечамизга,  
Ўхшасак дердик муаллим акамиз, чечамизга.  
Ким эди, ўша йиллар бизга ибрат бўлган ким?  
У ўша, бизлар ҳавас қилган мураббий-муаллим.

Йиллар улғайтди бизни, ҳар ишга доир бўлдик,  
Ишқ кўчасида биз ҳам Зухра-ю Тойир бўлдик,  
Ишчи, деҳқон, зиёли, олиму шоир бўлдик.  
Лек ибрату устозни унутмас ҳеч вақт ҳеч ким,  
У тотли хотиралар қутлуғ, мураббий-муаллим.

## МАКТУБ

*(Муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлариға)*

Қилдек кийигини кўрмай ўзбекнинг,  
«Оғалар» мағзава тўкади нечун?  
Илдизи қаерда бу ғазаб, кекнинг,  
Қулини сўккандек сўкади нечун?

Чунки бизлар энди куйламай кўйдик,  
«Ассалом» «хўжамиз», «буюк оғамиз».  
Ёлғон шиорларга тушундик, тўйдик,  
Оғаларни тоқай текин боқамиз?

Бизнинг бу қадамни улар ёқтирмас,  
Яна мустақиллик шамолимизни.  
Тагин юз йил қилиб бизни хору хас,  
Қул текин улғайтса камолимизни.

Ахир «Олтин бешик», «Маърифатнома»,  
Миллатни уйғотса нима бўлади?  
Юз йиллик хўжангиз эмас хомтама,  
Унда юрт мустақил кема бўлади.

Билади, сиз алда уйғотган гурур  
Тиллолар йўлини тўсиб қўйишин.  
Қачонки ўзалигин таниса қул хур,  
Бир кунни хўжасин кўзин ўйишин.

Билади, ўзалигин таниган миллат,  
Сўровин таланган жавоҳирини.  
Ва яна очилиб қатли ом иллат,  
Бой бериб қўйишин қонли сирини.

Шунда жосусига эҳромни илиб,  
Пойингиз ўлчаш-чун жўнатар ҳажга.  
Сиз-чи, ишонасиз қўғирчоқ қилиб,  
Ўйнатароқ ўша шайтони кожга.

Унинг ичингиздан нодонни ёллаб,  
Бузғун ва алдоқда синалган кучи.  
Бугун орангизга кирган ихтилоф –  
Эртага ўлдирар ханжарин учи.

Сиз эса бўлмайсиз бир жону бир тан,  
Уқмайсиз «Қуръон»ни, ҳаққу ҳадисни.  
Ахир, у етмиш йил қилди тақиқ-ман,  
Муҳаммаддан эсар ифорий исни.

Халқ эса мўминдир, гуржилар эмас,  
Иғво бирин урса, минги бўлар жим.  
Ҳаққини англасин ҳар мусулмон кас,  
Ҳушёрлик лозимдир, уйғонмоқ лозим.

У маккор хўжангиз минглар қалбига,  
Боз қатағон, қўрқув уруғин экса.  
Токи етказмаса эркининг лабига,  
Уйғониш кечикса, қуллиқ кечикса.

Бизлар энди мутлоқ куйламай қўйдик,  
«Ассалом», «хўжамиз», «буюк оғамиз».  
Алдоқ, макрларга тушундик, тўйдик,  
Қуллиқ кундаларин ўтга ёқамиз!

*1990 й*

## БЕРУНИЙГА

Фалакнинг чархига кетди ўралиб,  
Худо қадар шоҳлар ва қанча замон.  
Сен-чи, шу ўйинда чиқолдинг ролиб,  
Шу ғалтак устида келасан омон.

Буюк ақл билан буюк иш қилиб,  
Мангулик юртига топгансан имкон.  
Ким жаҳон илмини сенчалик билиб  
Олибди, тенги йўқ, эй қодир инсон.

Ақлингни олмос тошлари билан  
Камол қасрига қўйдинг пойдевор.  
Бугунги бу ақл мухташамнинг ҳам  
Тағида сен қўйган ўша фиштлар бор.

Шоҳлар нима экан, жуда бўлганда,  
Бир аср уларни сақлар хотирот.  
Замонлар олдида замин ҳам жанда,  
Йўқ бўлиб кетди-ку ҳатто шаҳри Кот.

Сен эса Бақонинг тахтидан туриб,  
Ўн аср йилларин санадинг бир-бир.  
Сен олган қўрюшнинг битта фиштини  
Ололмай чириди миллионлаб шамшир.

Сўнгсиз сафарингнинг мингинчи йили,  
Бугун бекатидан сенга олқишим.  
Тўхтамас ҳеч шуҳрат соатинг мири,  
Сен ахир мангулик мулкига ҳоким.

## ОТАМГА

Ота, сиз касбинг деб тутқазмай таёқ,  
Чўпонлик касбингиз қилдингиз зое.  
Китоблар шахри аро қўйдингиз саёқ,  
Қоғоз уй бошладим мен мўрт савдойи.

Энди сиз кўз ташланг иморатимга,  
Яроқлими унга бу шеърый лойим?  
Бузиб ташламасми рақиб вақт бир кун,  
Шоирлик деган бу бемансаб жойим?

## ҚАБРЛАР

Ҳаёт демиш боқий бу иморатга,  
Ўлим зилзиласин боқий озори.  
Шундан инсон кашфи – чаманларининг  
Бир четида доим ўзин мазори.

Мен бугун қабрлар ёнидан ўтдим,  
Қабрким эшигу туйниксиз чодир.  
Бунда отам ётир, бунисида ким,  
Унисида ётир қай бир баҳодир?

Барида одам бор, барида бу чоқ,  
Гўё дам олмоқда ҳорғин жангчилар.  
Чодирга тикиб улар оқ байроқ,  
Кучли рақибидан гўё сулҳ тилар.

## СЎНГГИ СЎЗ

Дўстлар айтгач тоғ сайрига кўндимда,  
Афсонамас жаннат кўрдим ўнгимда.  
Кучоқ очиб кутиб олди Кўҳитанг,  
Ҳаволанди тоғ навоси кўнглимда.

Мен куйладим жаранглади даралар,  
Тоғда қўшиқ узоқларга таралар.  
Қўшиғимдан лол бўлма сен эй, дилбар,  
Севган қалбда шундай қўшиқ яралар.

Лола тердим, булоқлардан ичдим сув,  
Терган лолам сулувми ё сен сулув?  
Ростин айтсам билолмадим тоғ қизи,  
Кўҳитангда оху сенми, сен оху?

Қўрқма гўзал, меҳмонингга чалоб бер,  
Коса гул бўл, коса лабин ялаб бер.  
Юрак куйди тоғнинг тенгсиз барноси,  
Чалобингга тоғ музидан қалаб бер.

Сен қоласан, тоғ қолади, оху ҳам,  
Чашмалардан оққан турна кўз сув ҳам.  
Чалоб келтир, энди шоир кетади,  
Ўзи билан севинчи ҳам, охи ҳам.

## СИНГИЛЖОН

Майсазор қўйнида сайёҳ нигоҳни  
Ўзига тортган бир қизғалдоқсимон,  
Нечун сен бир ўзинг пайкал қўйнида  
Паришон турибсан, жажжи сингилжон?

Олис уфқларга мунгли қарайсан,  
Қимгадир муштоқми ёки ёш кўнгил?  
Оҳиста ёнингга борсам қалайсан,  
Ғузалар қўйнидан униб чиққан гул.

Ўткинчи бўлса гар сенинг дардларинг,  
Севинч қўшиқларин айгиб овутай.  
Оғир бўлса агар дарду шартларинг,  
Дардкашман, дардингни баробар ютай.

## ОТА ТИЛАГИ

Болам, сен бир менмас, элнинг кўз нури,  
Юрт боғида гулдек чўзаверсанг бўй.  
Онанинг қувончи, отанг ғурури,  
Жажжи умринг учун тузулган шу тўй.

Тўйингда айтилган шу эзгу гаплар,  
Ҳали сингмас кўзим, бола қалбингга.  
Балоғат белгиси мўйловдан кўра,  
Сутнинг таъми яқин ҳали лабингга.

Ҳар айтилган истак битта гул бўлиб,  
Қамолот боғигдан таратарми ҳид.  
Шу ўйда турибман ҳисларга тўлиб,  
Тилимда шукрона, қалбимда умид.



Биз ота-боламиз, бизнинг бурчларни,  
«Қобуснома»ларда битган котиблар.  
Лек катта ҳаётда қай бир буржларни,  
Ҳамон эгалламиш Абдуллатифлар.

Сен энди бошлаган бу катта йўлда  
Улугбек қисматин эслатиш оғир.  
Лекин қилич, қалам жилови кўлда,  
Шу кўлни бошқарар қай бош, қай бағир.

Олимжон қалами, Собир қиличи,  
Ошиқлар, мардларнинг лабида оят.  
Айтилган тилаклар бор катта, кичик,  
Истагим умрингга кўрк бўлса шоят.

Кеча бола эдик биз ҳаммамиз ҳам  
Ўғлим, бу дунёнинг шиддати қизиқ.  
Эрта бир кун кўриб ажабланмайман,  
Лабингнинг устида тим қора чизиқ.

Алпомиш келбатли йигит бўларсан,  
Сен бирла безалар қизларнинг туши.  
Кўлимда турган шу биллур қадаҳдан,  
Ҳозир келяпти «ёр-ёр» товуши.

Сенинг бахтинг учун ушбу қадаҳни  
Ўғлим, тагигача кўяй сипқориб.  
Дўстларим айтишсин қолган сабоқни,  
Тўйинг бораверсин тонг каби ёриб.

## ОҚ ЙЎЛ ТИЛА

Масъуд кунлар бир шикорни истайман,  
Тулпоримни тонготар ёқ қистайман.  
Саболардан сўнгсиз атир искай ман,  
Оқ йўл тила, тоғ сайрига, дилбарим.

Унда бориб олтин тонгни кўрайин,  
Минг хил рангни, минг оҳангни кўрайин.  
Чўққи демиш мангу шонни кўрайин,  
Оқ йўл тила, тоғ сайрига, дилбарим.

Булоқлардан қониб тўйиб келайин,  
Қояларга номинг ўйиб келайин.  
Боботоғдан пойга қўйиб келайин,  
Оқ йўл тила, тоғ сайрига, дилбарим.

Йўлимга кўз тутиб турсанг қайтаман,  
Тонгда, шомда кутиб турсанг қайтаман.  
Соғиниб қон ютиб турсанг қайтаман,  
Оқ йўл тила, тоғ сайрига, дилбарим.

Тоғ қизига камолингни мақтайман,  
Вафо онгин ҳар жабҳада сақлайман.  
Шоирлигим шеърлар ила оқлай, ман,  
Оқ йўл тила, тоғ сайрига, дилбарим.

## ТЕШИКТОШ ҒОРИ

Миллион йиллардирким гувоҳи шу ғор  
Момо-Ҳаво қилган буюк «хато»нинг.  
Шу ғорга қувилди маъсум гуноҳкор,  
Ул тўнғич фарзанди Одам Атонинг.

Уни қаршилади бепоён дунё,  
У ўзига қўйди инсон деган от.  
Кунлик заруратга даркордир дея,  
У қила бошлади ҳар кун кашфиёт.

У Прометий бўлиб топган оловдан  
Илк бора ёриган ушбу ғор эди.  
Уни севинтирган нурда ялт этган,  
Келажак ва бизнинг аср бор эди.

Одамзот бешиги шу муқаддас ғор,  
Не-не қасрлардан буюк минг карра.  
Шу ғорнинг шаънига дoston ва ашъор,  
Миср эҳромлари унга неvara.

Пирамидалардан улўғроқдир ул,  
Фиравнларнингмас ул қабргоҳи.  
Бунда кўмишган зот на подшоҳ, на қул,  
Ул эрди ҳаётнинг, хилқатнинг шоҳи.

## СЕВГИ

Оқ қаптар оғушингдан мени ҳеч қўйма, севги,  
Самовий созинг беру кўйимдан тўйма, севги.  
Кўзларимдан ўп севги, боққаним баҳор бўлсин,  
Тилларимдан сўр севги, сўзларим шакар бўлсин.  
Ҳаётим-мамотим сен, йўрғагим, кафанимсан,  
Мен сендан айрилмасман, сен менинг Ватанимсан.

## РАҚҶОСА

Ҳуснингга лол қолур чиқсанг саҳнага,  
Ўзингни яратган табиат наққош.  
Олий санъатингга, нозинг сеҳрига,  
Одамлар тебранар беролмай бардош.

Кўзларинг имоси, сочларинг мавжи  
Ҳисларни элтади жаннат қўйнига.  
Бедил мадҳ айлаган Комдемисан сен,  
Шунчалар жозиба бердинг ўйинга.

Сен табассум қилсанг авжланар куй ҳам,  
Гўё суҳбат қилар булбулу лола.  
Кипригинг юзингга соя солган дам  
Йиғлар куй таратиб мунгли бир нола.

Чолгучи созимас, сенинг ғамзангдан,  
Ҳар бир қарашмангдан гўё пайдо куй.  
Агар сенга монанд таъриф топмасам,  
Мен шеъримга дердим оловда ён, куй.

Латиф хиромингни кўрса товус ҳам  
Сен юрган йўлларга бўлгуси фаррош.  
Бетимсол дилбарлик сиймонг олдида  
Баҳорнинг минг йиллик кўрки бўлур фош.

Ҳуснингга тақдос чун Ой ҳам мезонмас,  
У сенинг рақсинг чун саҳнадир оддий.  
Чирой кўригида ҳамма сендан паст,  
Ягона гўзаллик чамбарин сен кий.

\* \* \*

Баҳор елларидай эркин эдим мен,  
Чопардим шўхликлар билан изма-из.  
Эрку ихтиёрим олдинг фақат сен,  
Ногаҳон йўлимда пайдо бўлган қиз.

Ақлимни ўша он этиб сен асир,  
Бўйинимга кўринмас каманд ташладинг.  
Бечора сайдингга боқмай сўнг бир-бир,  
Сўқмоқдан уйингга кета бошладинг.

Мен қолдим, қалбимда ажиб ширин ғам,  
Сен юрган йўлларда кездим уззу кун.  
Севгисиз онларим кенг уфқига ҳам  
Бир умр алвидо дедим мен бутун.

## ЧОРЛОВ

Юртдошим, тушинг ҳам оққа йўйгил сен,  
Тушлари алаҳсиб даврим-далам деб.  
Ҳар гўзанг кифтига қоқиб қўйгил сен,  
Манзилимиз яқин, опшоқ болам деб.

Ғўзалар сафланган куз майдонига  
Ҳар тонг аёзида кела бер чиқиб.  
Ярашиқ сўз айтгил мардлик шаънига,  
Қировдан жиққа ҳўл яктагинг сиқиб.

Пахтангни асрагил ёмғирдан, қордан,  
Ҳар чаноқ кафтини олгил кафтингга.  
Сарҳадсиз сафларга буюргил бардам,  
Сўнгги тонналарни қўй, деб кифтимга.

Бурчингнинг байроғини туггил юқори,  
Сўзингга устувор чиқарсан ғолиб.  
Улуғ мамлакатнинг олмос виқори –  
Бўлғай хирмонларинг – у олгин Олимп.

## ТУРКМАН ҚИЗИГА

Махтумқули девонидан васфинга сўз изладим,  
Боқди ундан қисматики қарғаб бебахт Менглихон.  
Миралининг ўзбегиман, мен ишқингда бўзладим,  
Ошиғингда боқсанг нетар Туркман қизи Санамжон.

Менглихонлар замонимас, эркинг-ку ўз қўлингда,  
Менинг қисмат дафтаримга ишқ иншосин битсангчи.  
Кўшкка боққан Ғариб мисол кўзим сенинг йўлингда,  
Сен Санамсан ғарибингнинг оҳига бир етсангчи.

Ҳар кўрганда бир зўр олов ёқар менинг жисмимни,  
Юзми, кўзинг қай бири у Кушканинг куёшим?  
Билсанг ҳар кун такрорлайман минг бор сенинг исмингни,  
У эримас қалбинг сенинг Копет-Доннинг тошимми?

Сен хуснининг подшоҳсан, майли, шоҳлик гаштин сур,  
Ишқ олами жафоларин мен қиламан дилга жо.  
Сен Санам-ку, топинаман мен мажусий бир умр,  
Лабларимда Санам, номинг, кўзларимда илтижо.

...ГА

Ҳамдард бўлди дилбар шеърларинг  
Бутун менинг етим қалбимга.  
Қайтди кўзга ёшлар – йиғладим,  
Сўз жаранги қайтди лабимга.

Ва бахш этди менга-ки илҳом,  
Юрагимдан суриб аламини.  
Ташламагил булбул сингилжон,  
Бутун юртга зарур қаламини.

Мен тан бердим ҳассос қалбингга,  
Туйғуларга у зийрак посбон.  
Иситди у юрак халқимни,  
Қуёш бўлиб, ҳам бўлиб осмон.

Камолингни авлодлар кўрсин,  
Элга татир қалбингдаги дард.  
«Қиз жисми»ингда ўт ёниб турсин,  
Шеър юртида йиғит бўлгил мард.

Эзгу истак, сен дилбар қиздан,  
Бут қидайлик биз ярим бахтни.  
Униб чиқсин юрагимиздан,  
Шеъриятнинг мангу дарахти.

## М.Х...ГА

Бир кунлар келади, келади кунлар,  
Шоира бўласан у пайт эл суяр.  
Мен сени ўйлайман, ўйласам тунлар,  
Ичларим куяди, ичларим куяр.

Қайларга кетасан, ардоқлайди ким,  
Гуллардан нозигим, нозик қалбингни?  
Айтмаган қўшигинг бўлар азобим,  
Рашклар муҳрласа гунча лабингни.

Хаёллар ўлдирди, ким у ҳимоянг,  
Кўтариб яшарми у сени бошга?  
Бир умр чехранга туширмай соя,  
Қўшиқлар битарми сен Ой, Куёшга.

Зулфия, Ҳамидлар келади ёдга,  
Ҳаваслар қилдим мен шундай тақдирга.  
Оқшом қўшиқ бошлаб дилбар ҳаётга,  
Тонгларда тугатса ёр билан бирга.

Қайлардан кирдинг, о, юрагимга чўғ,  
Мен ростдан севаман – бу иқроор таним.  
Хонамга кираман, энди хонам йўқ,  
Сен кетган ёқларга қўчган Ватаним.

Бу менинг ҳавойи орзуларим пуч,  
Сенга етолмайман, буни биламан.  
Биламан, бу ишқдан кечолмайман, ҳеч  
Ўлсам ҳам энди мен сен деб ўламан.

## БОЛАЖОНИМ, ОҒРИМА

*(Ҳизим Нилуфарга)*

Кеча оғар мен-ла бедор  
Тун буржида ярим ой.  
Сен тўшакда алаҳлайсан,  
Сўзларинг ҳам пойма-пой.  
Олисдаги ой ботади,  
Олмас бўлиб бағримга.  
Болажоним, оғрима сен,  
Болажоним, оғрима.  
Ёш новдадай мурғак танинг,  
Ёниб ётар чўғ бўлиб.  
Оқ докадай оқ чойшабда,  
Бораяпсан йўқ бўлиб.  
Сочларингни силайман гоҳ,  
Гоҳ босаман бағримга.  
Болажоним, оғрима сен,  
Болажоним, оғрима.  
Кўзларимдан ёш думалар,  
Юлдуз учар самодан.  
Доктор опанг игна санчар,  
Оқ танингга дам-бадам.  
Кўзичоғим, ўтса нетар,  
Сенинг дардинг бағрима.  
Болажоним, оғрима сен,  
Болажоним, оғрима.  
Баъзан бир зум кир шубҳалар,  
Босиб кирар дилимга.  
Ишонма, деб Гиппократ,  
Гален, Сино, илмга.  
Йўқ-йўқ дейман ишончимни,  
Қайтараман бағрима.  
Болажоним, оғрима сен,  
Болажоним, оғрима.  
Тонгга бориб дард чекинди,  
Тушди танинг иссиғи.  
Бизлар енгдик – ҳаёт енгди,



Енгди мөхр, тиб тиғи.  
Сенга берар жоним яна  
Қайтиб кирди бағрима.  
Болажоним, оғрима сен,  
Болажоним, оғрима.

## ЧАҚИРИМЛАР

Ёшлигимдан атрофларга ҳайрон-ҳайрон боқаман,  
Атрофимдан нур мисоли таралади чақиримлар.  
Ўйларимни маржон қилиб чақиримларга тақаман,  
Ўйга кирсам деразамдан мўралайди чақиримлар.

Умрим улар кифтидадир, йўловчидир улар ҳам,  
Мени чорлаб турар доим уфқ ортига, фазога.  
Чақиримларнинг ортида ёр, Ою Қуёш, бор олам,  
Шошган хурсанд, эринганни тортар улар жазога.

## ВОКЗАЛДА

Дуторга ўхшаркан бу рангин дунё,  
Рангин одамлардан оҳанглари бор.  
Манзиллар-бекатлар пардадир гўё,  
Темир йўллар гўё таранг икки тор.

Товуш тўлқинидай поездлар келса,  
Одамлар оҳанги кетгай таралиб.  
Бошқа бекатларга кетар у тўлқин,  
Бу бекат-пардадан янги куй олиб.

Мен ҳам бир пардада битта оҳангман,  
Фақат шу пардада о, менинг авжим.  
Ўзга пардаларга гоҳ ўтай дейман,  
Ўзга пардаларда жўр бўлади ким?

## ЙЎЛДА

Чўқмор таёғимни энгакка тираб,  
Ўтган йўлларимга узоқ қарайман.  
Қайси бир бекатда қолгайман нураб,  
Яна дейман қанча йўлга ярайман.

Бу ёғимда Жануб, бу ёғимда Шарқ,  
Ернинг киңдигида ўзим турибман.  
Шимол-Ғарб – тўрт томон қароғимда ғарқ,  
Жуда кўп кўрибман, беҳад юрибман.

Гугуртнинг чўшидай у симёғочлар,  
Сўқмоқларга қўйган белги таёғим.  
Ўша сўқмоқлардан кетиб, қарангиз,  
Ойга ҳам етолди, бугун оёғим.

Қайси бир манзилда тўхтасам бир он,  
Боғу иморатта айланди жойим.  
Хилқатда эканман ягона боғбон,  
Ва олға интилоқ қисматим доим.

Чўқмор таёғимни энгакка тираб,  
Янги марраларга бу дам қарайман.  
Қайси бир бекатда қолгайман нураб,  
Яна дейман қанча йўлга ярайман.

## РАҲМАТ

Яқиним, бегонам, холисим ҳам сен,  
Қалбдаги қўшиғим, нолишим ҳам сен.  
Юлдузим, орзудай олисим ҳам сен,  
Раҳмат, сен дунёда борлигинг учун.

Йўқ дердим, сен келиб севги бўлди бор,  
Энди қалб истаги қўшиқ ва баҳор.  
Рухсоринг баҳордир, сочинг созга тор,  
Раҳмат, олий сиймонг – борлигинг учун.

Барча дилбарлардан тондим мен, ишон,  
Сенинг ишқинг билан ёндим мен, ишон.  
Тушларда хуснингга қондим мен, ишон,  
Раҳмат, ўйларимга ёрлигинг учун.

Сен борсан дунёда, яшамоқ ширин,  
Қалбимда ҳам шодлик, ҳам ғам яширин.  
Ҳеч ким ечолмади севгининг сири,  
Раҳмат, сенга менинг зорлигим учун.

## **КЕНГ ДАЛАДА БИР ТУП ЎРИК БОР**

Соянгда дам олди ўрик,  
Кимлар, қандай асллар?  
Неча йил айт, қилар кўрик  
Бардошингни фаслар?

Кузда меванг ёрарди лаб,  
Куз сўнггида сарғайдинг.  
Қишда кўрдим, кўлинг булғаб,  
Сен қисматни қарғардинг.

Саратонда салқинингни,  
Истамас қай одам бор.  
Ҳаммасидан севимлисан,  
Келган чоғи гул баҳор.

Шунда бўлар тегранг денгиз,  
Ўзинг мисли оқ елкан.  
Ё чўмилмоқ истаган – қиз,  
Сен мунчалар оқ елканг.

Ё далалар саҳнанг сенинг,  
Тушасанми ўйинга.  
Кийганинг у оқ кўйлагинг,  
Ярашиб хўб бўйингга.

Гул фаслида яшнатиб дил,  
Туришинг саз, бўйинг саз.  
Яна шунда от сур юз йил,  
Ўрик – танҳо чавандоз.

## ТЕАТР БУ

*(М. Уйғур номидаги Сурхондарё театри жамоасига)*

Қайси юрт, қай шаҳар борсанг қилар меҳмон театр бу,  
Жаҳон аҳлига дўст, бағри очиқ мезбон театр бу.  
Миллатнинг бўйи бастини ўлчар мезон театр бу,  
Адлу покликка чорловчи субҳу азон театр бу.  
Масжид, кутубхона, у-уч роҳи иймон театр бу.

Қадим инсон театрин бор табиат безағидур,  
Қоҳинлар, шомон, фолбинлар ижрода устоду моҳир.  
Овропани кезиб ўтмиш қанча бард, вагант, трубадур,  
Аския, зикри дарвиш ҳам, ҳар бахши ҳам бир театр,  
Девори уфқ, томи осмон, саҳни майдон театр бу.

Ҳа, унинг тарихи узун, келмиш Эсхил, Софоклдан,  
Ҳинди-ю, Хитой, Жапандан, ҳар минтақа, ҳар хил элдан.  
Балки улардан ҳам олис Шумердан, эҳроми Нилдан,  
Икки минг йилким «Коллизей» Рим мулкида тушмас тилдан,  
Мозийдан то бугун келмиш улуғ карвон театр бу.

Энди театр унвони «академик», «олий», «катта»,  
Маърифатни усиз маҳол тасаввур қилмоқ, албатта.  
Катта-кичик театр бор ҳар шаҳру ҳар вилоятда,  
Бу Сурхон санъат эҳроми қутлуғ ёшга тўлди, ҳатто.  
Театр бу мангу ёшлик, энг навқирон театр бу.

Бугун у юртда шухратли, эришмаган бунга бирдан,  
Қадам-қадам ўсиб борган гоҳ муриддан, гоҳи пирдан,  
Репертуарлар танламиш Яшин, Шиллер, Узурдан.  
Режиссёрлар бақувватким, қўйсин Марло, Шекспирдан,  
Балки Абдуладан ўйнар «Соҳибқирон» театр бу.

Зўр иқтидорлар кўп бунда ва бор неча трагиклар,  
Зиммасига олса агар улуғ ролларни ҳам тиклар.  
Ҳамлету Отеллони етказиб ўйнарким магар,  
Не тонг шод ўлса Шукурнинг руҳи ҳам арвоҳи Аброр,  
Буюк устодларга монанд катта имкон театр бу.

Яна бу жой Насриддин назар солган улуг жойким,  
Кулгу тулпорига ҳар бир артист бунда моҳир пайқим.  
Қаҳ-қаҳалар шалоласи бир зум тинмас мисли Жайхун.  
Уруш пайт бунда бир муддат ишлаган Аркадий Райкин  
Ёки шунданми ҳамиша гули хандон театр бу.

Мухтасар қилай азизлар, номингиз тилим учиди,  
Режиссёрдан то реквизит бор меҳрим катта-кичикда.  
Директордан то кастюмер ҳаммангиз шеърнинг ичиди,  
Барчангиз бағримда, севгим ҳавояки шу муччида,  
Шафоатга дўст-қадрдон, ёри жонон театр бу.

## ИҚРОР

(«Пайғамбар» ороли қиссаси)

Қалбим менинг эзгу ҳисларга Ватан.  
Бу ҳам кимга малол кимга эрур хуш.  
Бир кун меҳваримдан чиқиб дафъатан,  
Танҳолик деб қилдим бир руҳий уруш.

Давралар, базмлар, не айш бўлса ким,  
Гар кимга муддао ўшанга бари.  
Дея қўлим силтаб бош олиб кетдим,  
Хонгулларнинг хилват Ватани сари.

Дастлаб хонгуллардай беташвин, беғам,  
Улар даврасида юрдим мен яйраб.  
Руҳимдан кетгандек бўлди бөр алам,  
Тонгларда уйғотса булбуллар сайраб.

Маъсум тўдаميزга сўнг келди офат.  
Сафимиз камаяр ҳар кеч хун дийда.  
Бир мунис жуфтими бир қора соат  
Бўрилар еб кетди кўзим олдида.

Қасосга отландим, аёзли тунлар  
Пойлардим юлдузлар кетгунча эриб.  
Шундай ўтди қанча бесамар кунлар,  
Бўрилар кетишди ҳар гал чап бериб.

Бирдан қариб қолдим шу кунлар ҳайҳот,  
Тарки дунё қилган девона чолдай.  
Бунда ҳам пок эмас экан бу ҳаёт,  
Ўзимни мен ўзим не йўсин алдай?

Охири бир куни алвидо айтдим,  
Узлуксиз сипқориб аргувон бода.  
Тўпимга билдирмай даврамга қайтдим,  
Мендан ҳам айрилди бу мунглиғ пода.

Мен қайтдим уларга бир сўз демасдан,  
Фақат бўш шишалар мендан қолган из.  
Хилват бир пастқамда ётгандир ҳамон,  
Улар суяклардай сочиқ ё тигиз.

Ўша шишаларни кўрса хонгуллар,  
Балки ўйлар менинг устухоним деб.  
Яна чап берган деб очкўз бўрилар,  
Уни ҳам кетган деб шу қонхўрлар еб.

## АЁЛ

### 1

Улуғ ишқи илоҳийга эшик аёл,  
Озод руҳга озод ишқий қўшиқ аёл.  
Буюк севги – буюк бахтта бешик аёл,  
Аёл, аёл ҳар юракда фармонинг бор,  
Аҳли башар измингда, не армонинг бор.

Камолотнинг чин баҳорий садоси сен,  
Уйғотувчи буюк бурчнинг адоси сен.  
Ошиқларнинг мангу тинмас нидоси сен,  
Аёл, аёл ҳар юракда фармонинг бор,  
Аҳли башар измингда, не армонинг бор.

Лабларингда қора юлдуз холларинг бор,  
Сўзларингда жондан ширин болларинг бор.  
Ҳусн демиш баҳоси йўқ молларинг бор,  
Аёл, аёл ҳар юракда фармонинг бор,  
Аҳли башар измингда, не армонинг бор.

### 2

Тўмарисдай оналар бор, юрт иймони,  
Маликалар шаҳаншоҳи Бибихоним.  
У Темурий салтанатнинг ярим шаъни,  
Шараф тожин кийса қутлуғ аёл зоти,  
Ким у она, у эркакнинг зурриёти.

Пайғамбарлар онаси ҳам қай бир хотин  
Ё Насоро, ё Арабий, ёхуд Лотин.  
Расулulloҳ юксак тутмиш аёл отин,  
Шараф тожин кийса қутлуғ аёл зоти,  
Ким у она, у эркакнинг зурриёти.

Ҳаққа тенг дўст, шундан номинг «ёр»ми аёл?  
Бу оламда бани башар ярми аёл,  
Давлатнинг ҳам, миллатнинг ҳам шарми аёл.  
Шараф тожин кийса қутлуғ аёл зоти,  
Ким у она, у эркакнинг зурриёти.

## МЕН ГУЛХАН ЁҚАМАН...

### 1

Мен гулхан ёқаман овлоқ далада,  
Тун ваҳмин оҳишта ямлайди олов.  
Сассиз титроқ кезган само қалъада,  
Мартабам – ёлғизлик, шоним – ўт-ялов.

### 2

Мен гулхан ёққандим, бийрон ёлқин мавж,  
Сўйларди қайси бир афсона сирин.  
Ғалча истагига бериб ногоҳ авж,  
Оловим ўчирди дайди изғирин.

### 3

Қоп-қора сукунат уйи тўрида  
Ақиқ кўзларини юмди сўнги чўғ.  
Энди кўл исимас унинг кўрига,  
Энди ҳароратли ёруғ ҳамдам йўғ.



## НАВРЎЗНОМА

Ҳамал келди, Наврўз деган фармон келди,  
Баҳор сепи – гуллар хирмон-хирмон келди.  
Дуо қил, ай дилинг, сўзинг, кўзинг билан,  
Ўлмаганга ушалажак армон келди.

Гуллаш-гуллаш ҳаётга бош йўриқ бугун,  
Бир гарам чўғ ҳар шафтоли, ўрик бугун.  
Табиатнинг ҳар тарҳида бир яшариш,  
Наврўз олам тирикликка кўрик бугун.

Қизил-яшил бу мавсумнинг кўйлаклари,  
Қирқ минг қирда гул қўшиннинг шай лаклари.  
Тизим-тизим аргамчисин кўкка отиб,  
Турна қатор, чапак чалар лайлаклари.

Уюрларда айғир, бия тувлашади,  
Кулунтойлар шамолдан тез қувлашади.  
Осмонни ҳам кўтаргудай алп буқалар,  
Жомрашган қўй-қўзилар чувлашади.

Бир ҳуркитиб уйдан нари чаганани,  
Вой, бойнучча саралайди баганани.  
Парча булут келиб ыт-юлт, қарс-қурс қилар,  
Брилади момогулдир қағаноғи.

Ҳеч қайтмасанг бу адирлар ўйноғидан,  
Кун мўралар булутнинг кўк ойнағидан.  
Чўғ устидан жазиллаган сас келади,  
Оқ буғдойи замбуруғлар чойнағидан.

Қурда кураш, қирда улоқ, кўкда турна,  
Карвон карнай сур тортади, қўлда сурнай.  
Бир томонда чанқовузлар афсунласа,  
Дўмбира жўр, ўнгда бир най, сўлда бир най.

Кайвонилар буғдойини ундиради,  
Келинчаклар уни туйиб тиндиради.  
Ўспиринлар ўчоқ қазар сумалакка,  
Чавандозлар «охири»ни эндиради.

Қир бетида қирқин қизлар қатор-қатор.  
Бўзболалар катта «хит»да ошиқ отар.  
Ошиқ-маъшуқ бўй қизлару, бўз ўғлонлар,  
Жуфт-жуфт бўлиб, белдан ошиб ойдек ботар.

Ҳамал келди, Наврўз деган фармон келди,  
Баҳор сепи – лола хирмон-хирмон келди.  
Дуо қил, эй дилинг, сўзинг, кўзинг билан,  
Ўлмаганга ушалажак армон келди.

## БОБОТОҒДА БИР ОҲУ КЎРДИМ

Боботоғда бир оҳу кўрдим,  
Товус хиром, ой юз, ўт нигоҳ.  
Ошиқ бўлиб эргашиб юрдим,  
Бир қиз бўлиб имлади у гоҳ.

Бир кун деди зебо қуралай:  
«Эй, ошиғим келгил ёнимга.  
Сўқмоқларни ёшинг қилди лой,  
Шунча озор бердим жонингга.

Оламда ишқ бўларди ёлғон,  
Етмасалар ошиқ оҳига.  
Бу булоқдан сув ич, эй нолон,  
Жуфтим бўлсанг, айлан оҳуга».

Оҳу бўлдим ул сувдан тотиб,  
Ширин ади висолнинг дами.  
Бир кун деди ёрим уйғотиб:  
«Бунда етди овчи қадами».

Кийикўтни оқзимга тутиб,  
Деди: «Энди ўз ҳолингга қайт».  
Одам бўлдим бир баргин ютиб,  
«Қардошингга», деди – жавоб айт.

Кийик уйин кўрсатаман деб,  
Улоқтирдим мерганни жарга.  
«Сайёдингни кетди сорлар еб» –  
Оху бўлиб сўзлардим ёрга.

У нозланди: «Севгинг бўлса рост,  
Тозалайсан тоғни мергандан».  
Шундан бери оламан қасос  
Охуларга озор бергандан.

Одам бўлиб овчи овлайман,  
Оху бўлиб оқ кийикка ёр.  
Эртакнамо бу қисмат экан,  
Мажнунона тақдиримда бор.

## **СУРХОН ЧЕЧАКЛАРИ**

*(Қўшиқ)*

Гуллар сирли сумани,  
Малакларнинг чамани.  
Сурхон чечакларининг  
Муборак анжумани.

Ҳар битта гул – бир малак,  
Ноёидохи камалак.  
Малакларнинг тухфаси  
Сумалакжон, сумалак.

Гул қизлар – фаришталар,  
Пазанда саришталар.  
Улар дилга боғлайди  
Ишқидан зар ришталар.

Ошпоқ гул – ошпоқ тилак,  
Ҳизр ҳам сен, сен малак.  
Ҳамма юз наврӯз кӯрсин,  
Юз бор тотсин сумалак.

## **СУҒДИЁНА ҚЎШИҒИ**

(«Темур ва Ҳофиз» драмасидан)

Тоғлар – менинг қабрим ётир ўйга чўмиб,  
Баҳорларда кўксимни кўк майса кўмиб.  
Бу арчалар кокилларим чиққан униб,  
Суғдиёнанг – сенинг зангор кўзлигингман,  
Суғдиёнанг – афсонавий ўзлигингман.

Ҳаво эдим, мен жаннатни ташлаб кетдим,  
Ер ишқи деб Одам кўзин ёшлаб кетдим.  
Шоҳ, гадони муҳаббатга бошлаб кетдим,  
Суғдиёнанг – сенинг зангор кўзлигингман,  
Суғдиёнанг – афсонавий ўзлигингман.

Шонли бўлсанг, хизматингда чўринг бўлдим,  
Гулхан ёқсанг мангу ўчмас кўринг бўлдим.  
Умидларинг униб чиқар еринг бўлдим,  
Суғдиёнанг – сенинг зангор кўзлигингман,  
Суғдиёнанг – афсонавий ўзлигингман.

## **ТЕМУР**

*(«Темур ва Ҳофиз» драмасидан)*

Самарқанддан турган буюк бўрон бўлдинг,  
Маҳшаргача унутилмас сурон бўлдинг.  
Дунёларни тиз чўктирган Турон бўлдинг,  
Тақдирингда Оллоҳ битган шон бор, Темур.

Жанг олдидан очар эдинг Қуръондан фол,  
Ҳар истагинг келмаганким Ҳаққа малол.  
Шундан жами рақибларинг топмиш завол,  
Пешонангда илоҳий оқ тонг бор, Темур.

Тиклаб бординг улуғ шайхлар мақбарини,  
Қўлинг тутиб улар айтди сақларини,  
Золимлардан олдинг халқнинг ҳақларини,  
Сен бор жойда ризқ, саховат, ном бор, Темур.

Эъозладинг Расулуллоҳ авлодини,  
Юксалтирдинг улуғ турклик савлатини.  
Бунёд этдинг буюк Ўзбек давлатини,  
Қисматингда олтин битик донг бор, Темур.

## **ОЗОДЛИК ҚЎШИҒИ**

*(«Темур ва Ҳофиз» драмасидан)*

Инсон, руҳинг ҳур яратган азал Худо,  
Озод руҳдан эзгуликнинг жами пайдо.  
Тахт-бахт эмас, озод руҳдир арши аъло,  
Мангу қўшиқ озод руҳнинг парвозлари,  
Жаҳонни тут озод қўшиқ овозлари.

Ҳофиз – каллик қафасингни бузиб яша,  
Инсон, руҳинг занжирларин узиб яша.  
Озод ишқнинг осмонида сузиб яша,  
Мангу қўшиқ озод руҳнинг парвозлари,  
Жаҳонни тут озод қўшиқ овозлари.

## САОДАТИМ

Еру кўрни нурга белар оппоқ фасл,  
Далаларнинг оқ оҳанги оппоқ ҳосил.  
Шу ҳосилнинг дур, гавҳари сенсан асл,  
Саодатим, ипак пахта – олтин пахта.

Сен севасан Сурхондарё қуёшини,  
Бир қуёшки қуёш шайдо қуёшини.  
Дехқонининг меҳри дунё қуёшини,  
Саодатим, ипак пахта – олтин пахта.

Далаларинг олтин мавжли олтин қўлим,  
Эгатларинг бахтга элтар ойдин йўлим.  
Чаноқларинг инжу тутган олтин қўлим,  
Саодатим, ипак пахта – олтин пахта.

Умид кўзи боқар ҳамма жойдан сенга,  
Тушлар боқар аксинг юлдуз, ойдан сенга.  
Шеърин битди Шафоат ҳам шайдо сенга,  
Саодатим, ипак пахта – олтин пахта.

## АРМОН ҚЎШИҒИ

Йўқ, кеч қайтдинг ҳузуримга сузук ёр,  
Дил гавҳаринг дилимга мос тузиб ёр.  
Муҳаббатим иши энди узик ёр,  
Ҳеч битарми, синган кўнгил, нозик ёр?

Ўтган кунлар энди менинг эртагим,  
Илк севгимиз хаёллари эрмагим.  
Кечиришни билмас зада юрагим,  
Ҳеч битарми, синган кўнгил, нозик ёр?

Мени авф йўлларига бошлама,  
Армонларинг айтиб, кўзим ёшлама.  
Оқ билагинг, қўй, бўйнимга ташлама,  
Ҳеч битарми, синган кўнгил, нозик ёр?

## ПАХТА ҚЎШИФИ

Боболарни роҳатдан яна қилгувчи сархуш,  
Йигитлар ғурурининг суянган ардоғи хуш.  
Қизларни соғинтирган ойдин висол, оппоқ туш,  
Юртнинг оқ қувонч олтин лолалари гуллади,  
Чаноқлар қарашида Ўзбекистон кулади.

Келинчак Ватан учун бободехдон тузди сеп,  
Тўёнасиз тўй қилмоқ ҳар жўмардга эмас эп.  
Терган дурдоналарим кўрманам-улушим деб,  
Дилбарлар зар кокилга зар тонгларни улади,  
Оппоқ тонглар қошида Ўзбекистон кулади.

Кун билан тунга эгиз ишлади ҳамма бирга,  
Сут мавжли денгиз узра зар йиғар кема бирга.  
«Оқ олтин» кўшиғидан ер билан само бирга,  
Юлдуз чаноққа, чаноқ юлдузга тўкилади,  
Юлдузларнинг чошида Ўзбекистон кулади.

Тизилди ердан ойга етгудек ажиб карвон,  
Муддаонинг қасрига ҳар карвон тилло нарвон.  
Алп тоғлар белин букиб юксалди улуғ хирмон,  
Хирмонлар чўққисидан булутлар ҳам кулади,  
Олтин тоғлар бошида Ўзбекистон кулади.

## ТАВБА

Маъсумлик, мусаффолик дунёсининг илоҳи,  
Сенга – эътиқодимга бир бора келтирдим шак.  
Шу-шу ўзим ўзимга, маҳбусман, виждон чоҳим,  
Энди бошимга оғир, олий жазо келажак.

Эй покликнинг тангриси,  
Тавбам инобатга ол.  
Гуноҳкор бандалар кўп,  
Мени ҳам кечира қол.

Тонг чоғида очилган гуя каби бокирасан,  
Самовий соф рудинга тунлар қилдим илтижо.  
Олам кўркисан, ҳаёт тушларига кирасан,  
Дардли тиловатларим қалбинга етарми, о.

Эй покликнинг тангриси,  
Тавбам инобатга ол.  
Гуноҳкор бандалар кўп,  
Мени ҳам кечира қол.

Саховатинга тутдим қалбимни – синиқ жомни,  
Караминг гулобига тўлдир уни Илоҳим.  
Саждангда кўз ёшларим қон бўб бағримга томди,  
Сенинг меҳринг қуёшча, зарра менинг гуноҳим.

Эй покликнинг тангриси,  
Тавбам инобатга ол.  
Гуноҳкор бандалар кўп,  
Мени ҳам кечира қол.



# БОБОТОҒ БАҲОРИ

## 1

Саратон, куз, қишлардан ўтдим,  
Шукр қилдим ҳар азиз дамга.  
Ширин илҳом онларин кутдим,  
Кўнгил бердим ҳар бир кўкламга.

Гуллар эди менинг қалбимда,  
Сатрларнинг нози, ибоси.  
Олис йўллар бугун олдимда,  
Ва елкамда сафар либоси.

Орзуларла тоққа кетаман,  
Кўзга суртиб сахий еримни.  
Унда кутар мени бир чаман,  
Гулларидан боғлай шеъримни.

## 2

Тортиқ эрур ҳисларга ҳислар,  
Шоирлар кўп, шеърият бозор.  
Мен шеърим-ла таратган ислар,  
Қувонч берсин, бермасин озор.

Кенгликларни қўшиққа солсам,  
Кимлар деди мени сахройи.  
Юртин севса айбми одам,  
Қўшиқ берса туғилган жойи.

Балки ўша сахро, кенгликлар,  
Ўзлигимдир, ўзгадан фарқим.  
Ўз юртида шеъри мусофир  
Ва мусофир шоирлар борким.

## 3

Бошинг узра қуёшдан тож-зар,  
Осмонларинг юлдуз чамани.  
Қояларинг сўйлар дostonлар,  
Боботоғ, сен баҳор Ватани.

Сенга соқчи оплоқ булутлар,  
Баҳор кўшки, эй буюк савлат!  
Оғушингда туман-барқуллар,  
Қўрғонингдир қирлар минг қават.

У қўрғонлар пойида ётган,  
Адирларинг минг-минг остона.  
Сен – кўшкидан ёруғ оламга,  
Боқиб турар баҳор – жонона.

#### 4

Ранг олови ҳоким борлиққа,  
Гулбарглардан сачрайди учқун.  
Келдим, кўзим нур уммонида,  
Бу гулханга сув сепмоқ учун.

Эл баҳоси ёнар нафармон,  
Бўтакўзлар олов тилла, зар.  
Қайта бошдан гурлади гулхан,  
Авжлангирди мен сепган сувлар.

Бу не ёнгин, бунча сеҳргар?  
Лахча гуллар аро қолдим жим.  
Ёниш бўлса шундай беозор,  
Шу ўт аро мангу ёнардим.

#### 5

Шеър ўқисам севгидан ёниб,  
Тоғ боласи, туйдинг бир ҳайрат.  
Қирларга боқ саҳар уйғониб,  
Оҳангларга тўла бу ҳаёт.

Йиллар сени улғайтар дуркун,  
Севги деган сўзлар бўлар рост.  
Оқа бошлар қалбингдан бир кун,  
Турфа оҳанг, турфа аҳтирос.

Ёниқ кўзлар, юзлар жамоли,  
Олиб кўяр ақл-хушингни.  
Паричеҳра қизлар висоли,  
Кечалари безар тушингни.

Тонгда туриб ҳислар аро лол,  
Мунглаар аро бўлганда фақир.  
Укажоним, тортинмай дарҳол,  
Дардкаш бўлар шеъримни чақир.

## 6

Булутларни оралайди ой,  
Олгин кўшиқ айтиб бир йўла.  
Қайлардадир бойқуш йиғлайди,  
Бутун кеча навога тўла.

Оҳанглардан энтикади жон,  
Қўлим бирдан қаламни ушлар.  
Юрагим дер: «тўхтама бир он,  
Куйлалшти ҳатто бойқушлар».

## СУРХОНДАРЁНИНГ ЛАФЗИ ҲАЛОЛ ДЕҲҚОНЛАРИ ХУСУСИДА СЎЗ

Табиат пахтакорни синайман дейди ҳар йил,  
Мард бўлсанг чидаб бер деб тўрт фасл ҳам муттасил.  
Гоҳ қиш тоғлар тўшида кам бўлса қорнинг чўғи,  
Сув кам бўлади, демак, бу табиат бир дўғи.  
Дўппини олиб деҳқон ўйлайди-ю бу ҳақда,  
Дейди: – «на чорамиз бор, бу ахир пахта-пахта».

Кўкламда кумуш тонгдан экиш кетади қизиб,  
У билар эрта эккан кузда қолмас ер чизиб.  
Деҳқоннинг кўзи, қўли, бор вужуди далада,  
Бир кун гармсел, бир кун дала қолар жалада.  
Қайта экиб офатни даф қилару ўз вақтда,  
Дейди: – «бошқа чора йўқ, бу ахир пахта-пахта».

Зироат улғаяди қалби қўри тафтида,  
Саратоннинг иссиғи бир кун олар забтига.  
Тўкилар кузда кумуш бўлажак қанча шона,  
Ҳар эгатнинг бошида боз деҳқон мисли она.  
«Йўқ, – дейди, – чекиниш йўқ, пахтакорсан тур ахлда,  
Мўлжалга етказамиз, бу ахир пахта-пахта».

Терим бошланар қизғин, басма-бас, тараф-тараф,  
Улоқ майдонда бўлгач, ким турар дейсиз қараб.  
Суръатта маълумотда рақамлар яққол таъриф,  
Ҳокимиятдан деҳқон баъзан чиқар қизариб.  
Шу пайт дўст кўнгли учун жиндак мақтаса сохта,  
«Тўғрисини айт, – дейди – бу ахир пахта-пахта».

Терим суръати айни олган пайтида барор,  
Табиат нағма қилар: ёмғир ҳам бор, қор ҳам бор.  
Бунга ҳам дош берар у мардона кўкрак кериб,  
Тафтига тоб беролмай қорлар ҳам кетар эриб.  
Она Ватан даъвати шаҳд қўшар яна шаҳдга,  
У сўзида устувор, бу ахир пахта-пахта.

Олдинда олтин марра, олтин марра – олтин тўй.  
Муддаодаги хирмон охир кўкка чўзар бўй.  
Мана, юртнинг деҳқони бонг урар бажардик деб,  
Ўзбекистон тўйига бу Сурхондан олтин сеп.  
Деҳқон шон оғушида, арзийди турса тахтда,  
Ахир бош бойлик ва нон ҳозирча, дўстлар, пахта.

## **СУРХОН ТҶЙНОМАСИ**

Карнайлар қаҳқаҳаси тутди Сурхон самосин,  
Бутун юрт тантанада шу қадар тўкис иқбол.  
Шоир дўстлар, бошлаймиз ҳосилнинг тўйномасин,  
Фафур Фулом бобомдек тилларга боғлашиб бол.

Менга ойнадай равшан юртимнинг харитаси,  
Боботоғу Кўхитанг ораси бу бўстон жой.  
Шу ўн тўртта туманинг ўхшашсиз ҳар битгаси,  
Сурхоннинг осмонида шу ўн тўртта тўлин Ой.

Шу ўн тўрти тузибди бу тўй дастурхонини,  
Элнинг катта-кичиги бари бунда жобажо.  
Жам бўлиб ушатади улуғ меҳнат нонини,  
Бу давранинг тўрида оқсоқол деҳқон бобо.

Менинг ҳам шу даврада битта шеър айтмоқ дардим,  
Тонгдан то бу дамгача зарур гапни ўйлайман.  
Юртимнинг ҳавосини чанқоқ-чанқоқ сипқориб,  
Отчопарнинг тоmidан кенгликларга бўйлайман.

Уфққача жимирлаб ётар чексиз далалар,  
Ошпоқ уйлар, қасрлар уланади қасрга.  
Ҳар ёнда ҳаёт ишқи, ҳар ёнда меҳнат борар,  
Истиқлолнинг ҳар куни татийди бир асрга.

Бир ёнда кон очарлар, бир ёнда нур сочарлар,  
Юртнинг фицойилари бут қилади ҳар камни.  
Бир ёнда тупроқни айлагувчи олтин, зар,  
Бир ёнда Тўпалангта ташлагувчи зўр дамни.

Элга хизматда кўмир, нефть, мармар, туз тоғи,  
Ҳатто менинг шеъримга таъм қўшади чимдим туз.  
Чарчоқ танларга шифо Хонжиззанинг булоғи,  
Сангардаклик бир дилбар ундан тўса бир жом муз.

Бугун юрт мақтовига бу таърифим ҳали оё,  
Ҳур Ватанда ҳар куни тўй-тўйласак арзийди.  
Тупроғин ҳар заррасин кафтларда қилиб эъзоз,  
Маҳҳига ҳофиз бўлиб куй куйласак арзийди.

Шундай улуғ Ватанда яшамоқ олий ғурур,  
Байроқ-байроқ бахт билан тўйлар муборақ бўлсин.  
Завқимиздан таралсин Ер юзига қувонч, нур,  
Янги истиқболларга куйлар муборақ бўлсин.

## БИР ЮРТКИ, ПАРИ СУРХОН

Кун чиқарда бир тоғи бор номи тоғлар Бобоси,  
Шу тоғ оша таралади оқ тонгларнинг садоси.  
Ул садога ҳамоҳангдур Жайхунининг сабоси,  
Менинг юртим эрур бу юрт – юртларнинг дилрабоси.

Бир алп йигит десам юртим, белда камари Сурхон,  
Гар осмонга менгзар бўлсам шамси, қамари Сурхон.  
Конга қиёс этсам агар бойлик самари Сурхон,  
Менинг юртим эрур бу юрт – бир юртки, пари Сурхон.

Ҳу қўрғонлар ўтмишининг дўмбираси, дафтари,  
Чўкиб ётган у тепалар ўтмишининг дафтари.  
У минорлар, мақбаралар заколари гаплари,  
Менинг юртим эрур бу юрт қадимдир тарихлари.

Кимки бўлсанг бўлсин унинг бугунига маҳлиё,  
Бугунининг оламшумул мазмунига маҳлиё.  
Бугунига шайдо халқи мафтунига маҳлиё,  
Менинг юртим эрур бу юрт, бўл кунига маҳлиё.

Шўх дарёлар ботир халқин шиддатига берди бўй,  
Чўларининг бўз кенглигин забт этди яшил куй.  
Ул кенгликлар энди буткул янги бекат, янги уй,  
Менинг юртим эрур бу юрт, ҳар уйда ҳар кун тўй.

Даласида кулган пахта аъло эрур пилладан,  
Яйловида сур қўзилар қиммат эрур тиллодан.  
Улоқчи ҳар аргумоғи маст бўлади чилладан,  
Менинг юртим эрур бу юрт – баҳор бўлган, гуллаган.

Ақиқларни уялтиргум анорини мақтасам,  
Жаннат хижил, неча сўлим қанорини мақтасам.  
Мангулик дер, ошнам бобо чинорини мақтасам,  
Менинг юртим эрур бу юрт, рост борини мақтасам.

Истиқлол-ла бирга келган саодати бор юрт бу,  
Ҳар жабҳада ғолиблиги зўр одати бор юрт бу.  
Деҳқонига шуҳрат берган саховати бор юрт бу,  
Менинг юртим эрур бу юрт, Шафоати бор юрт бу.

## ШОИР ТЕША САЙДАЛИЕВ ЧЎККАН КУН ЁЗИЛГАН ЙЎҚЛОВ

Энди наҳот эшитмасам сенинг ширин каломингни,  
Хузурингда айтолмасам ҳурмат ила саломимни.  
«Ҳайём невараси» дея эркалар эрдинг номимни,  
Кечагина Қофқаз бориб чархлаб келиб қаламингни,  
Бутун нечун раво этдинг бизга бунча аламингни.

Қай ғамни дей, ўзингиму, икки ғунча зурриёдингни,  
Ўзинг даврон булбулинму, Юлдузингму, Бунёдингни.  
Бутун Сурхон аҳли йиғлар ҳар лаҳза қилиб ёдингни,  
Кечагина Қофқаз бориб чархлаб келиб қаламингни,  
Бутун нечун раво этдинг бизга бунча аламингни.

Соғинганда қучоқлаган илкингни энди топмасман,  
Нурли чехрангни ҳам нурли кулгингни энди топмасман.  
Танҳо эрдинг бу дунёда улгунгни энди топмасман,  
Кечагина Қофқаз бориб чархлаб келиб қаламингни,  
Бутун нечун раво этдинг бизга бунча аламингни.

Қора денгиз сувларида чўмилганинг етмасмиди,  
Шоир одам дунёда даврон суриб ўтмасмиди?  
Кетганда ҳам эл-юрти-ла розилашиб кетмасмиди?  
Кечагина Қофқаз бориб чархлаб келиб қаламингни,  
Бутун нечун раво этдинг бизга бунча аламингни.

Қалбда армон бўлиб кетган гапларни энди нетгаймиз?  
Тўлғазмай кетганинг шеърый дафтарни энди нетгаймиз?  
Сенсиз номукамал бизнинг сафларни энди нетгаймиз?  
Кечагина Қофқаз бориб чархлаб келиб қаламингни,  
Бутун нечун раво этдинг бизга бунча аламингни.



## БУ ҚИЗЛАР

Эгаллашган оламда бор хусни,  
Кўзларга беркитган барча фусунни.  
Таъриф бўлмас дилбарлигин йўсини,  
Бунча эрка табиатта бу қизлар.

Ёруғ эмас юлдуз улар кўзидан,  
Ой айланар ойдек тўлган юзидан.  
Қайга борса баҳор келар изидан,  
Бунча ошна саодатта бу қизлар.

Ёнимиздан шалоладек оқишар,  
Боқмасак гар кўз тагидан боқишар.  
Боқса десанг боқмай ўтга ёқишар,  
Келмайди ҳеч итоатта бу қизлар.

Ҳар йигитнинг юрагида бор бўлар,  
Васли дея ошиқлари зор бўлар.  
Охир қайси омадига ёр бўлар,  
Бир муаммо Шафоатта бу қизлар.

## ДЎСТЛАР

Ҳаёт чағирлари товоним ёрди,  
Умр муҳтожликда поёнга борди.  
Қисмат ғуссасидан сочим оқарди,  
Гарчи оқармади косам, эй дўстлар.

Маъни қаздим қаламларим керк бўлди,  
Лекин менга омад йўли берк бўлди.  
Юрагимда азоб кулди, эрк ўлди,  
Синди қалам тешам-асом, эй дўстлар.

Тополмади иқтидорим нонимни,  
Сақлаяпман илинж ишда жонимни.  
Шу оломон турмуш сўрди қонимни,  
Куним қора, туним ситам, эй дўстлар.



Ёлғиз жоним – дўсту ёрим – бир илинж,  
Тириклигим – йўғу борим – бир илинж.  
Сарбадорман – нажот дорим – бир илинж,  
Ўз-ўзимга тутдим мотам, эй дўстлар.

## БОЙСУННИНГ ШЎХ ДИЛБАРИ

Даврада доим қувноқ,  
Йигит эдим бахтиёр.  
Уни кўргандан буён  
Қалбимда ишқ дарди бор.

Қалбим банд этган пари –  
Бойсуннинг шўх дилбари.

Шерободнинг чўлига,  
Пахта экай, гул экай.  
Қол, дедим мен севгига,  
Жисми-жонимни тикай.

Кетди қолмай ул пари –  
Бойсуннинг шўх дилбари.

Шундан бери ҳар тонгда,  
Бойсун сари қарайман.  
Қалбим қуёши сени,  
Саболардан сўрайман.

Келгайми деб ул пари –  
Бойсуннинг шўх дилбари.

Сайробдаги чинорнинг,  
Сосяи салқин дейди.  
Севги тушса орага,  
Йўл бўлар яқин дейди.

Борсам кутарми пари –  
Бойсуннинг шўх дилбари.

## ОЙЧАЛҚАР ҚАШҚИРЛАРИ

(Замонавий эртан)

Тунги шаҳар кўйида изғишар бойваччалар,  
Ҳамоғуш оймилар кўп, Ойчалқарда дачалар.  
Машинали пулдорнинг фурури мардлашади,  
Шундай пулмарддан бири дачани шартлашади.  
Сўққабош қаровул чол бу мижозлардан хушнуд,  
Ахир улар қадами ҳамиша барака, қут.  
Чол дастурхон тузаб дер: «бугун ажойиб кеча,  
Бемалол дам олинглар, мен бориб мизғий пича».  
Хуррак аро тинглар чол қадаҳлар жарангини,  
Тушларида кўради эҳтирослар жангини...  
Ойчалқар, о, Ойчалқар, ҳисобсиз боғ-работлар,  
Пар ёстиқ, пар тўшаклар, биллиардди қаватлар.  
Бағринга яширасан жамият қашқирларин,  
Улар увлар, ялашар, тарашар бир-бирларин...  
Пастда мовий кўл чалқар, уфққа оғмиш ҳилол,  
Пашшами чакқанидан ярим тунда турди чол,  
«Меҳмонлар кетдимикан?» чол борар бир-бир босиб.  
«Худога шукр, бугун чўнтакка ақча насиб.  
Чироқлар ёниб ётир, ҳамма ёқ очиқ-сочиқ»,  
Хонага кўз солди чол ва кетди кайфи қочиб.  
Ерда ётибди йигит, қиз кўр қилгур, лапашанг,  
Кесиб кетса билмайди хуррак отиб, қотиб донг.  
Қиз ётир пар тўшакда мисли онадан туғма,  
Баданлари чўғ сочар, сочлари илон бўғма.  
Кўзларини очмайди, қилгандек бўлар имо,  
Чолнинг кекса жисмига титроқ солди бир нима.  
Ўйлади: «кийимлариди кўйсаммикан кийдириб?»  
Сийналар дириллайди, эҳтиросни ийдириб,  
«Ўлиб-нетиб қолганми, олаяптими нафас?»  
Қиз бошига келди чол, титраб-қақшаб, шу нафас.  
Ногоҳ оппоқ билаклар тўшига тортди чолни,  
Ёшликнинг оғушида қари ҳафсала тояди.  
Бир замон тушиб кетди у шалвираб кўл томон,  
Ғўнғишлаб нелар деди, кимнидир сўкди ёмон.  
Қайтиб келиб бақирди: «кўнғироқ қилди катта!

Кетмасанглар бўлмайди, у келади албатта!..  
Меҳмонлар кийинишар, гангиган, чала ярим,  
Буларга тик боқолмай чол бир четда турар жим.  
Қиз қўлтиқлар йигитни Фалон Фалоновичлаб,  
Йигит борар пишқириб, мудраб, демай бир гап.  
Машинасин ўтлайди зўрға тутиб рулини,  
Шитоб-ла босиб кетар, кўриб-кўрмай йўлини...  
Шу кеча фалон жойда бир машина чилпарчин,  
Бу балки ўшалардир? Ҳа ўша, ўшалар чин.  
Не бўлса бор тақдирда, йигит ва қиз қўш мазор,  
Чол ҳеч нарса билмайди, виждони топмас озор.  
Фақат ўша тунни у гоҳ хотирлар ҳушида,  
Ўша оппоқ сийналар киради гоҳ тушига.  
Ойчалқар қутлар ҳар тун жамият қашқирларин,  
Улар увлар, ялашар, тарашар бир-бирларин.

## ЭЙ, ЧЕХРАСИ БИР ДАСТА ГУЛ

Эй, чеҳраси бир даста гул,  
Лаби гунча, тили булбул,  
Гулиқаҳдақ кулгингни кул,  
Сен-ла дунём баҳор бўлсин.

Ҳар замон бир боқғил қиё,  
Ҳар ён сочиб чақмоқ зиё.  
Ёлқинларинг бу маҳлиё,  
Жонга жон ҳам озор бўлсин.

Гар бўлмасанг менга хуш хулқ,  
Васлинг уйи очилмас – қулф,  
Хусн ганжинг посбони зулф,  
Қурбон кўнглимга дор бўлсин.

Қалб юртингдан топмай макон,  
Шеърларим қолса беватан.  
Хотирот бу Шафоатдан,  
Қўшиқ ҳам бемозор бўлсин.

## КЎЗ ТЕГМАСИН

Ўзи битта, сочи қирқта қиз бўлибсиз,  
Охудай шўх, хумор шахло кўз бўлибсиз.  
Гўзалларнинг маликаси сиз бўлибсиз,  
Ошиқларнинг тилларида сўз бўлибсиз.  
Ўзи битта, сочи қирқта қиз бўлибсиз.

Борлигингиз ишқдан мингта садо қилар,  
Бир ғамзангиз минг йигитни гадо қилар.  
Нигоҳингиз ором мулкин адо қилар,  
Ўзи битта, сочи қирқта қиз бўлибсиз,  
Гўзалларнинг маликаси сиз бўлибсиз.

Кўзлар сизда ё илоё кўз тегмасин,  
Тилимизда сизсиз дуо кўз тегмасин.  
Шафоатнинг шеъри шифо кўз тегмасин,  
Ўзи битта, сочи қирқта қиз бўлибсиз,  
Гўзалларнинг маликаси сиз бўлибсиз.

## БИТТА СЕН

Ишқ боғи эшигида пойлаганим битта сен,  
Жонингта жоним ипин бойлаганим битта сен.  
Кўксимга юрак эмас, жойлаганим битта сен,  
Қайс бўлиб сени Лайло айлаганим битта сен,  
Дилрабо қизлар аро сайлаганим битта сен.

Кўрмадим сендек малак эл-юртда, шаҳарларда,  
Мармар йўқ танинг қадар, лабинг на гавҳарларда.  
Сендек гул очилмагай ўткинчи баҳорларда,  
Куйламак ишқни булбул мен каби саҳарларда,  
То тилим лол ўлгунча куйлаганим битта сен.

Васли зор оқдим хаёл дарёйинг тўлқинида,  
Жисмимни ёқдим, нетай, ҳажр ўтинг ёлқинида.  
Ожиздир тилим соғинч севгимнинг талқинида,  
Жон истар оромижон сочларинг салқинида,  
Сен мени қизғон, мен авайлаганим битта сен.

Тунларим ёритган ой – ой эмас сен ойимсан,  
Бахт қуши бошимга гар қўнса сен ҳумойимсан.  
Яшасам яшноқ боғим, ўлсам ҳам қолар жойимсан,  
Шафоати боумид бандангман худойимсан,  
Тунлар тоатим, кундуз ўйлаганим битта сен.

## **БЎЛАК-БЎЛАК**

Ҳар мақсад отин ҳар ким совутар бўлак-бўлак,  
Ҳам кўнгил деган ёрин овутар бўлак-бўлак.

Турфа уй илтижода учган у дунё бўйлаб,  
Қаноти киприк кўзлар кабутар бўлак-бўлак.

Ким юрар юртни безаб, ким тузар фосиқ, режа,  
Ҳар одам эмган сийна ё сутлар бўлак-бўлак.

Ким кутар осон ўлжа, ким боқар қадоқ қўлга,  
У бунга лол бу унга, сукутлар бўлак-бўлак.

Ким йиғлар кулиб туриб, ким кулар қаҳқаҳ уриб,  
Ҳар соат кечган қалбда маврудлар бўлак-бўлак.

Барчага Ватан шу ер, вақт яксон қиламан дер,  
Ким дониш йиғди қолар, ёқут зар бўлак-бўлак.

Шафоат ҳар юракда ҳар йўсин ёниш кўрдинг,  
Бирлашса олам ёнар, вужудлар бўлак-бўлак.

## **ЎТИБ СОЧИНГ СУЗГИЧИДАН...**

Ўтиб сочинг сузгичидан тун баҳри бўлмиш қора,  
Ул баҳр ичра сочдаги инжунгнинг акси сайёра.

Кўзларинг тимсолин кўкда Мирриху Чўлпон демиш,  
Қай илк номчи қўйган буни кўзинг дардида овора.

Нигоҳинг йўлига юлдуз сочиб, нисор этиб ойни,  
Ул чарх – хушторинг сенинг солмиш имконин бозора.

Субҳидамда юзинг акси бўлиб қуёш чиқса магар,  
Йўқ бўлур чарх сенга берган ул юлдузи – арзон пора.

Дилбаро хуснинг мукаммал куйлай олмас Шафоатинг,  
Қаддинг рубобига етмай ҳамда сочингдек қўш тора.

## **БЎСА**

Вужудинг ичра тургай ажиб сиру нигин бўса,  
Шодлансанг лабинг узра меҳринг бўлар тутун бўса.

Илтифот китобларин ўқимоқку бахт эрур,  
Завқлансанг олиб агар ундан ширин мазмун бўса.

Лекин ҳар Лайли лабин муддао қилмоқ ёмон,  
Ҳам нигоҳ сахросида юрса уят Мажнун бўса.

Ўзгалар қошида ким ўпиб уялтма ёрни сен,  
Тонг юзин ол этгандек олиб тундан бугун бўса.

Шафоат, висол уйида ёр ўпиб «шаккар» деса,  
Бу лутфдан мудом лабингда жилва қилар мамнун бўса.

## ХОЛ

Ошиқ қалб нишонини пора айлар ўқда хол,  
Йўқ, хусн тугаллигин билдиргувчи нуқта хол.

Чехралар гулшанига нигоҳим посбон этсам,  
Лол этиб нигоҳимни боғда юрган шўх-да хол.

Ёлворгум гоҳи унга арзи дил айлаб шундай:  
«Лаб демиш ул ғунчадан пастроқда тўхта, хол».

Ул тўхтар, ёр ғунчасин мен ўпгум тўйиб-тўйиб,  
«Алдадинг» – деб талпинар гўё шу он дўқда хол.

Мен дейман, тортма жабр, куйиб дудоқ ўтида,  
Етмасми Шафоатнинг куйгани бу чўқда, хол.

## ЖИСМИМГА ЖОН КЕТИРМАС

Жисмимга жон кетирмас жонон жамол кўрсатиб,  
Жондан жудо этди бас, жон юзини беркитиб.

Энди мендек бемор йўқ, беморлик оламида,  
Дардимга даво топмас Сино ёзган илми тиб.

Ҳайрат ёқасин тутманг, фиғон этса булбуллар,  
Улар нолаи шарҳим гулга ёзгувчи котиб.

Кўзларим уммонида юлдуз чўмилгай ҳар тун,  
Кўёш ҳам ундан чиқиб, унга кетгуси ботиб.

Шафоат менинг жисмим ёр куйида хор ўлди,  
Ҳар киши мендек бўлур юрса гар жон йўқотиб.

## БИР СУЛУВ

Субҳидамда сув бўйида ўлтирипти бир сулув,  
Тўлғониб сув дейди унга: «Бўлақол, ой юзинг юв».

Қувлашиб ел бирла сочи сувга тушибди, қаранг,  
Сув мавжида соч ўйнарми, соч мавжида ёки сув.

Чехрасида зоҳир эрди бир йўла икки ҳолат,  
Лабларида бир табассум, кўзларида бир кўрқув.

Сайёд кўрган оху янглиғ кетди кўргач у мени,  
Йўқ, ул ўзи сайёд эрди, менинг қалбим бу оху.

Ишқ домига тушган дилга борми деб бир Шафоат,  
Қатнайман ул сув бўйига энди ҳар кун зув-зув.

## ДЎШПИНГ

Қирқ кокилинг жилғаланган бир тоғистондир дўшпинг  
Тундек сочинг узра гоҳи ойдин осмондир дўшпинг.

Дунёларга бергусиз чехрангинг турса устида,  
Тенгсиз ганжни бекитган бир арки султондир дўшпинг.

Ким юзингга боқмай бўлса дўшпинг бирла маҳлиё,  
Кўзларингнинг офатидан унга имкондир дўшпинг.

Лас кўйлагинг водийсида қўш кокилинг Аму, Сир,  
Қорли тоғ ул бори кўркинг Ўзбекистондир дўшпинг.

Шафоат бир дам чалғиса гўзаллар оламида,  
Ўша лаҳза кўзи тушса қайта иймондир дўшпинг.



## **ТИШЛАРИНГДЕК ИНЖУНИ ЗАБ**

Кўрмаган эрдим дилбарим тишларингдек инжуни заб,  
Воҳ унинг меъмори кимдир қўймиш бунча нозик қалаб.

Термулиб сарсон кўзларим шу инжунгдан оқ нур тилаб,  
Очилса деб қулфи ёқут дур устидаги лаъли лаб.

Боз устига олов сочар қўш қўриқчи чўлпонинг бор,  
Мен улардан сулҳ тиласам ёнмоғимни қилар талаб.

Зулфингнинг гажаклари ҳам мен ғарибни ҳайрон этар,  
Лаб, кўз, тиш, юз имконида бир ўзи ўйнаб, эркалаб.

Ишқингда чок кўксимга мен чок тикар жарроҳ истарам,  
Киприк игна, сочингни ип, тишларингни қилгил садаф.

Йўқса мен то маҳшаргача бағрим чок деб дод айларам,  
Тинч турсин бу олам десанг қўй лабларимни тутмалаб.

## **ШОИР**

Қоғозлар гарди билан оқаради бошинг сенинг,  
Вужуди қалам бўлиб эрийди бор ёшинг сенинг.

Замининг шайинисан сен, қалбинг замон тарозуси,  
Қайда не содир бўлди бор ўлчарга тошинг сенинг.

Кўнглингни саройида бор яхшилар мажлис курар,  
Ҳар куни аҳли дониш, хурлардир сирдошинг сенинг.

Шеърият иморатин кўлдир зако меъморлари,  
Безарга шу бинони сўзларинг нақдошинг сенинг.

Умримиз дарахтидан учса кунлар япроқ каби,  
Сен дейсан: «Сен кунингмас, кунлардир фаррошинг сенинг.

Шоирю сенга ҳечдир давроннинг ҳар мойнаси,  
Лаъли лаб, гулгун шароб, шеър эрур маошинг сенинг.

## САНАМ

Ишқ зарбидан дил давлатим бутун талатўпдир, санам,  
Қалб лашкарим пароканда бенажот тўп-тўпдир, санам.

Тахти хусннинг тавобига йўллай десам кўз элчисин,  
Ҳар кипирининг ўқдир, яна ҳар нигоҳинг тўпдир, санам.

Сўрай десам севгингдан сулҳ, шеъримдан оқ ялов ясаб,  
Юрагим ишқ лашкарингга ҳам чавгон, ҳам тўпдир, санам.

Охир кўнглим давлатига султонликни тарк айладим,  
Ол бу юртни, сипоҳинг ҳам марҳаматинг кўпдир, санам.

Ўзим сўнг дам бир бўса деб боқ қилолмам таслими жон,  
Мағлубингга мурувват қил, жон учун бир ўпгир, санам.

## ТЕРМИЗЛИК ҚИЗ

Дарвозангининг зулфини илдирма, термизлик қиз,  
Кўрсатмай бўй бағримни тилдирма, термизлик қиз.

Қоматингни яширгай тун бегона кўлардан,  
Кел оҳиста, ҳеч кимга билдирма, термизлик қиз.

Муддаом сирлашмоқлик юлдузлар панасида,  
Кўп куттириб бадғумон қилдирма, термизлик қиз.

Айтсин ойдин кечалар севгимиз «танавор»ин,  
Ул қўшиққа ой бўлсин чилдирма, термизлик қиз.

Чиқ энди, эшигингда илҳақинг мен – Шафоат,  
Ибонг юки шунчалар зилдирма, термизлик қиз.

## ҚИЗ ВА ГУЛ

Чикди Қуёшга пешвоз туриб саҳар вақти қиз,  
Гулзорга борди сўнгра унга хумор боқди қиз.

Гул-ёқут пиёлада шабнам атри тўла,  
Бу атрининг бўйидан маст бўлди-ку бахтли қиз.

Гулзорда хиром этди, гуллар салом бердилар,  
Ўзига энг зор гулни кўкси узра тақди қиз.

Қиз-ку бир кўнгили гули, гулни юлар ҳар кимса,  
Гул ва қиз қиёсини ўйлабон туюқди қиз.

Шафоат бу тонг кўрди қиз ва гул томошасин,  
Унинг дилида гулмас, ишқ оловин ёқди қиз.

## КИШИ

Жонни мендек фидо қилса гўзалларга ҳар киши,  
Кўрмагай улар лутфидан бир умр зарар киши.

Кўзин юлдуз, қошин қундуз, юзин ой деб ёрнинг,  
Сочларининг ҳар толасин деса қора зар, киши.

Қалбнинг ганжи ичра қанча меҳр зеб-зийнати,  
Сарфлангиз ул зийнатларни ёрга сиз заргар киши.

Кимки ҳотам бўлмаса гар, кўрмагай ёр васлини,  
Ёр холи чун Темурбекдан сўрган қўш шаҳар киши.

Қўриқ очиб, шон қозонмоқ қийин эмас-ку букун,  
Шонли улки кўнгили очиб қозонса зафар киши.

Эй Шафоат, оқил бўлиб, урма кўп ноғоралар,  
Атрофингда юрганларнинг бари ҳам сарвар киши.

## МЕНИНГ

Ул санамнинг гулгун юзи баҳористоним менинг,  
Табассуми шеърим менинг, сўзи дostonим менинг.

Кўзларига шўнғиб ҳар кун нигоҳим сарсон эрур,  
Чунки дурру ишқ бекинган улдир уммоним менинг.

Ул-ку мен-ла учрашганда имкони онча эмас,  
Минг йил бирга бўлсам дердим онча имконим менинг.

Ҳажрда қоним лоладек сиртда сочилмас вале,  
Лолалардан қонлироқдир дили рўеним менинг.

Ўзгалардек оҳим чақмоқ, фигоним гулдир эмас,  
Салқин оқшомдек қўйилгай унсиз фигоним менинг.

Ул кун мени паривашим «бу ҳам бир қулим» деди,  
Шафоат, султондан юксак ушбу унвоним менинг.

## СЕВГИ

Кун бўлиб чиқдинг саҳар, ҳам тунлар қамар севги,  
Ҳар умр уйгаким зеб бердинг меъмор, севги.

Дердик ишқ қучоғини, бир қалб қучмас боғини,  
Икки қалб булоғини баробар эмар, севги.

Севишдик ортиқ жондан, бахт қисқа экан чандон,  
Иккимиз икки ёндан бўлдик тез бемор, севги.

Бенажот юрдик бўзлаб, ёр кетди сўнг бахт излаб,  
Балони қилгувчи даф бўл унга тумор, севги.

Бўсага тўймай лаблар, юракда қолди гаплар,  
Фамимизни минг дафтар қилдинг, бесамар севги.

Шафоат сўзимизда, не гуноҳ ўзимизда,  
Айт нечун кўзимиздан қон бўлиб томар, севги.

## ШЕЪР

Шеърга мухлисман, ўзим ҳам ёзаман гоҳ-гоҳ шеър,  
Шодлигимдан хандон шеъру гоҳ ғамимдан оҳ шеър.

Ашъор жоми бирлан ичсам сўз майини айб эмас,  
Чун бошимга севги тушгач, бўлди бу ҳамроҳ шеър.

Ўзгалар дил имлосин ҳам ўрганаман энди мен,  
Ёзмоқ учун ҳар қувончу фожиға гувоҳ шеър.

Назм осмонига боқсам унда қанча шеър турур,  
Лек кимники Чўлпон эрур, кимникидир моҳ шеър.

Муддаом шул, бир шеър ёзсам унга таъзим этса эл,  
Деб: «Шеърият оламида бу ҳам битта шоҳ шеър».

## ҚОР ВА ЁР

Сочилур бошимдан бугун қаён юрсам қор гули,  
Қор боғин куйлар бутун, шавқ ила қалбим булбули.

Қор аро қараб кўзим-чи қора кўзга интизор,  
Берган ул сўзим-ку чин, кутдирар нечун гулзор.

Келса ёр тундек сочига қор гулин юлдуз қилиб,  
Кутган дилим кечасига кулгусин кундуз қилиб.

Қордек пок севгим учун ичай қасам қор устида,  
Деб: «Қорға қоним тўкилсин, ёр танласам ёр устига».

Кутганим келди ёнимга, кулгусин айлаб қуёш,  
Лек озор берди жонимга кипригида қатра ёш.

Сўрадим шунда ёримдан: «Кўзда ёш куласиз-а?»  
Ёр деди: «Қор эриган кўзларим шуъласида».

Артим лабим билан ёр кипригин шабнамини,  
Шунчалар ширин экан, шунда билдим қор таъмини.

## ДИЛБАР ЭРУР ЁН ЕТТИДА

Ўтмаган бундай пари олам элининг чўтида,  
Бу қадар ғавғо солиб олам аро ишқ ўтида.

Кўрмаган севги юрти бунингдек ёш подшоҳни ҳеч,  
Аҳли ишқ султони ул дилбар эрур ён еттида.

Қирқ кеча қораси жаъм бўлса қорароқ жаъмидан,  
Қирқ иқлим боғлангудек қирқ минг толим соч кетида.

Кўзалари муҳаббатнинг балқиган қўш чўлпонидир,  
Афсона жаннатнинг ҳам тасвири унинг бетида.

Дунёнинг бор дунёси у, барчага исми имон,  
У сиз йўқ маъно дунё ташвиши-ю кел-кетида.

Шафоат, сен ҳам умрга сўнгги нуқта қўярдингким,  
Хол бўлиб қолсанг агар ёноғининг бир четида.

## БУЛБУЛ ҚАЙ ГУЛГА ОШИҚ

Баҳор-қиз кўйлагининг этаги сўкилдими,  
Ундан яшил гиламга маржони тўкилдими?

Ҳарир кўйлак кийишиб, сайилга чиққан минг қиз  
Ғунча лабларин очиб ё баробар кулдими?

Гулзор ичра юрар ким хандон, ким паришон,  
Паришонлар қўлини гул тикони тилдими?

Булбул ошиққа тенгми, гулми маъшукда монанд,  
Булбул қай гулга ошиқ, уни биров билдими?

Шафоат ишқ боғида ҳануз тентгирар гулсиз,  
У ардоқлаган гулни ўзга биров юлдими?

## **АЗАЛДАН**

Азалдан бу одамларнинг бири одил, бири шум,  
Бўлди кимдан яхшилигу, кимдан ёмонлик удум.

Кими ундан боғ яратди, кими бунда қурди қаср,  
Кими улар тупроғини айлади бузиб уюм.

Қайда бўлди фаровонлик, қайда бўлди асоийш  
Бир ғаламус унда қўйди ёмонлик демиш тухум.

Яшилликка ундаб турди яхшиларни донолар,  
Нодонларга ўғитлар ҳайф, сув билдирмас мисли қум.

Эй Шафоат, қайси доно мангулик сарбонидир,  
Боқсанг улар эшагига даври бўҳтони тўқим.

## **ВАҚТ ВА ОДАМЗОД**

Гилдирак ясади вақтдан,  
Вақтни қуш қилиб минди у.  
Бир соат ичида қуррани  
Айланиб келади энди у.

Вақтни жиловлаб одамзод  
Умрини чўзади, чўзади.  
Умрнинг бугунги маррасидан  
Эртага яна ҳам ўзади.

## АНГОРГА АЙТГАНЛАРИМ

Кўхитанг этагида киндик қоним тўкилган,  
Қулоғимга «Шеробод» азони илк ўқилган.  
Лекин ангарларингда ризқим экан экилган,  
Жонимда ҳам ёнимда мунис ҳамхонам Ангор,  
Мен сенинг фарзандингман, сен эса онам Ангор.

Мурғак хаёлларимнинг муштипар ҳамшираси,  
Гўдаклик эртақларим, тушларим бокираси.  
Болалик кунларимнинг армонли хотираси,  
Жонимда ҳам ёнимда мунис ҳамхонам Ангор,  
Мен сенинг фарзандингман, сен эса онам Ангор.

Кетдим, айро қисматлар, дийдалар канда бўлди,  
Лекин меҳринг қуввати – қувват шу танда бўлди.  
Кийдирган кебанагинг елкамда жанда бўлди,  
Жонимда ҳам ёнимда мунис ҳамхонам Ангор,  
Мен сенинг фарзандингман, сен эса онам Ангор.

Дайдиган боланг эдим, бир кун йиғиб олдинг сен,  
Бокира келинчак-ла чимилдиққа солдинг сен.  
Мушқул тушса бошимга боз юпатиб қолдинг сен,  
Жонимда ҳам ёнимда мунис ҳамхонам Ангор,  
Мен сенинг фарзандингман, сен эса онам Ангор.

Қисмат шодлик, қувончин кўради ўлмаган қул,  
Бирдан баланд, бирдан паст улғаяр қизу ўғил.  
Тирикликка шукрона, юрт ёди қиблаи дил,  
Жонимда ҳам ёнимда мунис ҳамхонам Ангор,  
Мен сенинг фарзандингман, сен эса онам Ангор.

Мен ўттиз йил яшадим қаватларда қамалим,  
Тош томлар табласида сарғайди бу жамолим.  
Етмай қолар гоҳида Тешик тепанг шамоли,  
Жонимда ҳам ёнимда мунис ҳамхонам Ангор,  
Мен сенинг фарзандингман, сен эса онам Ангор.



Гоҳ шаҳардан бош олиб даштингга қочгим келар,  
Хилват кенгликларингга бағримни очгим келар.  
Азиз остоналарга ёшимни сочгим келар,  
Жонимда ҳам ёнимда мунис ҳамхонам Ангор,  
Мен сенинг фарзандингман, сен эса онам Ангор.

Жўякларинг оралаб сув тизар кунлар армон,  
Боғларингдан саралаб гул узар кунлар армон.  
Элинг аро эл бўлиб уй тузар кунлар армон,  
Жонимда ҳам ёнимда мунис ҳамхонам Ангор,  
Мен сенинг фарзандингман, сен эса онам Ангор.

Мадҳ эмас, ҳақ сўз айтдим, юртим Ота Қўрқутдай,  
Бахтингга дарға бўлсин, ҳар фарзандинг бургутдай.  
Қутлуғ бугун камолинг Самарқанддай, Ургутдай,  
Жонимда ҳам ёнимда мунис ҳамхонам Ангор,  
Мен сенинг фарзандингман, сен эса онам Ангор.

## **БОЙСУНЛИК ҲОФИЗ ҲОЛИҚ ХУРСАНДНИНГ УМР ҲАҚИДА АЙТГАН ҚЎШИҒИ**

Билдирмайин ўтди ёшлик чоғлар-эй,  
Кўнгилларда армонлардан доғлар-эй.  
Кўнгил узиб кетолмадим йироққа,  
Бағрингиздан сизнинг юксак тоғлар-эй.

Яшайвердим арчаларга илиниб,  
Тошлар кечдим товоқларим тилиниб.  
Балад тоғлар, виқорингиз олдида,  
Гоҳ мунғайдим ожизлигим билиниб.

Бошимга ҳеч омад қуши кўнмади,  
Ёруғ орзум тақдир бўлиб унмади.  
Армонларим йиғлар тўлиб бағримда,  
Ўжар бахтим айтганимга кўнмади.

Куй эзгу деб бир куни соз ушладим,  
Тоғ юртимни қўшиқ билан хушладим.  
«Ҳолиқ меҳри Шафоатда юпанч» деб,  
Панд ўргатди дўстларим – ҳаққушларим.

## **ТАБИИЙ ҲАЙКАЛ-БОШГА**

Минг бор ўтиб сени бунда кўрмабмиз,  
Буюк кекса дея салом бермабмиз.  
Гўё дейсан: «Эй болалар, хурматсиз»,  
Узр бобо, қовоғингни оч энди.

Уй қилибсан Шаррак деган қояни,  
Умрингга йўқ асрлар зиёни.  
Минг йил кутдинг кашфчинг Менгзиёни,  
Шодлан, бобо бир табассум соч энди.

«Кимсан», дединг пари қишлоқ йўлида,  
У деди: «Мен завққа ташна лўли-да.  
Жоним, – деди, – бир парининг қўлида,  
Севги, – деди, – бўйнимдаги хоч энди».

Муҳаббатнинг булоғига дарға сен,  
Завқсиз кимса келса майли, қарға сен.  
У бир ўғлинг, етсин дея ёрга сен  
Оқ дуога қўлларингни оч энди.

## **БОЛАЛИГИМИЗ ДАРЁСИ**

*(Сурхондарёга)*

Руҳинг вужудингни олса суғуриб  
Ташвишлар уйининг бўсағасидан,  
Маъсум ҳайратларинг чиқар туғ уриб,  
Болалигинг ўтган сув ёқасидан.

Ана, сенинг дарёнг, ўзанлар қати,  
Бошингда юлдузли ложувард чодир.  
Тўшагинг қум, чимлар заррин қавати,  
Болишларинг ана минг қатор адир.

Сен ечасан филоф либосларингни,  
Тан, руҳ созинг мослаб бахтли йиғига.  
Унутиб етуклик кирдикорингни,  
Кирасан болалик чимилдиғига.

Сочиб сувнинг зумрад мунчоқларини,  
Висол оғушига кираркан танинг,  
Сурхоннинг шу мунис қучоқларида  
Бор меҳрини туйдинг она Ватаннинг.

### **2**

Қани ўша дарё? Ўзанлар қати?  
Бўзарган, бошида лоқайд кўк чодир.  
Тўшақдир қумларнинг исқирт қавати,  
Сулуvidан жудо болиш ҳар адир.

Замон лашкарининг темир бўлими,  
Озод кенгликларни келдилар қисиб.  
Даврон жарроҳлари сувлар қўлини  
Тирсақдан, елкадан ташлашди кесиб.

Оқар дарёларнинг ҳар бир қадамин,  
Ўлчашгач фақат «оқ олтин» милида.  
Сувимиз тола бўб айланар бутун,  
Давр тортанагин зирҳли тилида.

Қани дарё-руҳлар қувват камари?  
Ўзанлар бенаво, соҳиллар ғариб.  
Олтин болаликнинг Ватан самари –  
Дарёмиз биздан-да тез қолди қариб.

## СУРХОН ГЎЗАЛИГА

Шу гўзал диёринг аталмиш Сурхон,  
Тоғларингда тентир юзлаб афсона.  
Сен ўзинг хусида подшоҳи замон,  
Искандар қул бўлган гўзал Рахшона.

- Неча асрларким Сурхон ва Жайхун  
Сочларинг бўлолмай тўлқинлар отмиш.  
Неча асрларким бағри бўлиб хун  
Ошиқлар ишқингда тинчин йўқотмиш.

Қирмиз лабларингнинг рамзи ўзим деб,  
Ҳар баҳор оламга жар солмиш лола.  
Ганчкорлар шаклингга бермоқ бўлса зеб,  
Минг йил қилмоғи шарт лойин зувола.

Нурли юлдузларга монанддир кўзинг,  
Камон қошларингга ўхшар камалак.  
Минг йиллар ой дея мақталган юзинг,  
Сенсиз ишқ аҳлига номақбул фалак.

Юртинг аноридан еган юз яшар,  
Кўксингда етилмиш унинг бир жуфти.  
Сени кўрса беҳишт хуридан кечар,  
Каъба остонасин супурган муфти.

Бехустун тоғини Фарҳодлар енгди,  
Мажнунлар гул экди Хўтан даштига.  
Ошиқлар тарихин сўнгида келдим,  
Мен ҳам етарманми васлинг гаштига?

\* \* \*

«Вақтинг – бахтинг» деган умр ўлчар гап,  
Рост тарози экан, мен уни таниб  
Кўйгач, палласига ўтмишим жамлаб,  
Ғафлат уйқусидан кетдим уйғониб.

Ўтиб кетмиш нурсиз умримнинг ярми,  
Сўзларим шуғласи шам нуридай оз.  
Ҳатто шу милтироқ иқтидоримни,  
Тугатмиш маъғал деб оломон эъзоз.

Мени олмиш мақтов шум панасига,  
Яшабман қарсақлар майига тўйиб.  
Кўз очсам ғофиллик майхонасида  
Ётибман имконни бой бериб қўйиб.

Энди тураману, кетаман тезлаб,  
Бокира туйғумнинг оғушларига.  
Дарди армонларим айтаман бўзлаб,  
Илҳомнинг самовий оқушларига.

Сиз ўктам жўралар, бахтиёр зотлар,  
Энди жом сипқоринг менинг учун ҳам.  
Мени маҳв айлаган нафсиз «шоҳ-мот»лар  
Изтироби қалбим қийнаётган дам...

## ТОҒ ҚИЗИ, СЕН КИРДИНГ БУ КЕЧ ТУШИМГА

Бир сир айтай тинглагил, Гулиста қиз,  
Бодомқовоқ, дўдоқлари писта қиз.  
Оху янглиғ хуркак нозга уста қиз,  
Бир сир айтай тинглагил, Гулиста қиз.

Опоқ бўлиб кирдинг бу кеч тушимга,  
Хаёлларинг султон эди ҳушимда.  
Қаддинг эди қўним нигоҳ қушимга,  
Опоқ бўлиб кирдинг бу кеч тушимга.

Дер эмишсан: «Олиб кетинг шаҳарга»,  
Ҳузуримга келиб айни саҳарда.  
«Бу ёқларга қайтмаймиз куз, баҳорда, –  
Дер эмишсан, – олиб кетинг шаҳарга».

Сўнг кетибмиз водийга бош олиб биз,  
Сангардакка шитоб қайиқ солиб биз.  
Тоғнинг барча удумидан нолиб биз,  
Сўнг кетибмиз водийга бош олиб биз.

Сен бўлибсан уйимизнинг келини,  
Отам юрмиш тўйда боғлаб белини.  
Ош тотибмиз чорлаб шаҳар элини,  
Сен бўлибсан уйимизнинг келини.

Бир кун дебсан: «Тоғни соғиндим жуда,  
Жонга тегди шаҳар, турмуш осуда».  
Ғойиб бўбсан айланиб оқ оҳуга,  
«Хайр, – дебсан, – тоғни соғиндим жуда».

Изларингдан нолон, излаб кетибман,  
Осмонталаш тоғларига етибман.  
Сени топмай бу дунёдан ўтибман,  
Изларингдан нолон, излаб кетибман.

Шунда қопти тоғда тентиб арвоҳим,  
Тоғ удумин бузгангамиш йўқ раҳм.  
Тош деворлар панасида йиғлаб жим,  
Тоғда ҳамон тентир эмиш арвоҳим.

## БИРИНЧИ БЎСА

Бир-бирига сеҳрли боқар,  
Меҳрин айтар фақат кўз кўзга.  
Кўзни тўсар сўнг зил киприқлар,  
Дунё ўзга, шу жуфт жон ўзга.

Кўзлар гўё уйқуда бу он,  
Оташ лаблар босилар лабга.  
Осмон тўла юлдузлар ҳайрон,  
Лаблардаги товушсиз гапга.

Қалб эрийди қалбнинг тобида,  
Қизнинг кўкси қалқийди майин.  
Висол ичар улар лабидан,  
Ўн саккиз йил қидирган майин.

\* \* \*

Бунча шўхсиз, сақламайсиз сир,  
Тортинмайсиз нечун ҳеч кимдан.  
Бу шўхликлар юракка, ахир,  
Бир қулғула солгуси зимдан.

Бора-бора шўхлигингизни,  
Қўмсаш кимларгадир шарт бўлар.  
Бора-бора кимнинг қалбида,  
Бу шўхликлар сўнгсиз дард бўлар.

## ИККИ ФОЖИА

(Биринчи ривоят)

Ривоятким, шоҳлик тожин кийди довдир шаҳзода,  
Фаросатин лойқалатди баттар авж базму бода.  
Жоҳил фикр қаталаси кириб оғриқ бошига,  
Қўғирчоққул вазирини чорлади у қошига.  
Йўрғалаган қилтир вазир этагига қўйгач лаб,  
Тажанг подшо гап бошлади каламушдек чийиляб,  
«Ҳой бетовфиқ, нима бунча давлатимда кўп одам?  
«Инга»-«алла», «инга»-«алла», қаёққа қўйсам қадам!  
Билдим кимлар ярим қилар салтанатнинг нонини,  
Чумолидай ташир кимлар давлатимнинг донини.  
Қирқ йилгача кимки туғса бошини кес, дорга торт!  
«Инга»-«алла» садосидан юрт ҳавосин буткул арт!»  
Шоҳ фармонин байроқ қилиб бутун элга кетди жар,  
Сўзлар тиллар лол ўлсачи, тинглар қулоқ бўлса кар.  
Ясовуллар чопди ҳар ён, элни қилди қатағон,  
Не оналар, келинчаклар дор остида берди жон.  
Ўн йил ўтди, яна ўн йил, яна ўн йил, ўттиз йил,  
Қайси уйда бир бош қолди, қайси уй қолди сабил.  
Ўттиз беш йил ўтиб кетди, қора сочлар қолмади,  
Давлат бўлди ғам давлати, ҳеч қувончлар қолмади.  
Яна элнинг номсиз дарддан қурир эди силласи,  
Не дарддигин билмай ҳайрон табиби-ю мулласи.  
Фуқаронинг жисми-руҳи эрди мажруҳ ҳам майиб,  
Қилчўкиртак бўлди шоҳ ҳам шу дард билан сарғайиб.  
Подшо жони етганида охир деган бир жойга,  
Алломаи тиб мусофир ташриф қилди саройга.  
Элтди уни шоҳ ёнига инқиллашган аёнлар,  
Доно табиб ҳукмдорнинг дардин шундай баёнлар:  
«Аъло ҳазрат, озор етган сизда руҳий маромга,  
Чақалоқли бир чўрини келтирсинлар ҳарамга.  
Аримасин ёнингиздан бир ой «инга»-«алла»лар,  
Сизга танҳо шу малҳамдир, тингланг саҳар паллалар».  
Типирчиляб, оҳ урди шоҳ кўзларини қилиб лўқ,  
Деди: «Табиб, давлатимда чақалоқ ҳам она йўқ.  
Бор дунёмни тутқазаман, ол, шифокор, қўлингга,  
Даво бергил, кўзим очиқ, ташлаб кетма ўлимга!»



«Майли, деди доно табиб, сизни элтай давога  
Одил шоҳли ўз юртимга, чақалоқли маъвога».  
Султон тушди ажиб дори – «инга»-«алла» йўлига,  
Йўқ нажотга етолмади тушди қазо қўлига.  
Табиб бориб ўз шоҳига ошкор этди бу сирни,  
Оқил подшо бу фожега қилди шундай тадбирни:  
Чақалоқли минг оила бўлди юртнинг малҳами,  
Рухиягдан кўтарилди у элнинг дарду ғами.  
Кун-тун Қуёш, Ой нуридай тарқаб «инга»-«алла» лар,  
Бу садодан яйраб кетди эл-юрт, тоғ-тош, далалар.  
Оналарнинг пойини ўп, гўдакларни қил тавоб,  
Жами оҳанг ичра тингла «инга»-«алла» – энг савоб.

## ИККИНЧИ РИВОЯТ

Ривоятким, ғамлар бир кун бир аёлни эзганди,  
Шўрлик, энди ёруғ дамлар борлигидан безганди.  
Қисматини ўша кун иуввос солиб қарғади,  
Бор бўлсанг кел, нажот бер, деб у Хизрни чорлади.  
Оқ эшакли, оқ кийимли, Хизр келди қошига,  
Ва сўради нима кулфат тушганини бошига.  
«Кекса замин елларига сочларингни ёйибсан,  
Нечун бунча ғамга тўлиб, нелардан мунғайибсан.  
Айт-чи менга, она қизим, дилингда не армон бор,  
Барчасини етгум бажо кўнглингда не фармон бор?  
Яхшилиқнинг элчисиман – ўша бобохизирман,  
Не истасанг, барчасини қилмоқликка ҳозирман».  
«Оғаларим жангда ўлган, қолдим сағир, қолдим тул,  
Уч боламнинг отасига бутун ўзга ёр маъқул.  
Дош беролмай сочим ёйиқ қисматнинг ўйларига,  
Чикдим шундай жўр бўлиб мен тақдирнинг куйларига.  
Болаларим курашларда енгилмасин ёвдидан  
Ё учмасин отасидай тубанликнинг зовидан.  
Улар мангу гўдак бўлиб қучоғимда қолса соз,  
Улғайиш ғам, бола бўлиб ўчоғимда қолса соз».  
«Истагингни етгум бажо, сўнг бўлурсан пушаймон»,  
«Бажо этинг, – деди аёл, – сўзим қатъий отажон».

Йиллар ўтди, она аёл уч гўдакнинг қароли,  
Фарзандларнинг тенги кетди жангга, қайтди, ёр олди.  
Тул онадан қувват кетди, мадорсиз қўл, оёғи,  
Яна уни савай кетди сўнгсиз ғамлар таёғи.  
Хатосини сизди она қариликнинг қошида,  
Ётиб қолди, болалари чирқиллади бошида.  
Она ўлди, очиқ кетди кўзлари-ю қўллари,  
Ҳар эшикка равон бўлди фарзандларин йўллари.  
Эшик санаб ҳали-ҳали саёқ юрмиш уч бола,  
Бир қабрдан узоқ тунлар бир аёл қилмиш нола.

## ТАЗАРРУ

Мен ўзим кимман, у кун ўзимни танимадим,  
Боболардан мерос чин сўзимни танимадим.  
Осмонимда кўрагон кўзимни танимадим,  
Ватаним, деган ўғил-қизимни танимадим.

Мени худкуш қул этди итюррак «дўст» душманим,  
Сафимнинг илғорига тайёр қилиб кишаним.  
Лак-лак жоним у дўзах Церберига ишондим,  
Қаён баҳорим, қаён кузимни танимадим.

Шон, маъмур ерим бердим монов қисмат шўрига,  
Сув қуйдим тирихимга, боболарим гўрига.  
Аждод имлоси ҳайрон мен авлоди кўрига,  
Қаёққа, нечун? – Босар изимни танимадим.

Фойда аталмиш манкурт суратим-таназулим,  
Дарёларга банд солган қудратим-бахри ўлим.  
Иқлимни ғорат қилган журъатим-танрак зулм,  
Олам бир бутун деган тузумни танимадим.

Менга бўлса бас эди кир шухрат, ёлғон марра,  
Учбурчак эди умрим: минбар, чапак ҳам «ура».  
Ўтмишим, келажагим ўйламадим бир карра,  
Ўзим бегу ўзим йўқ ўзимни танимадим.

Бугун уйғонган руҳнинг эсиб тоза шамоли,  
Темир пардани суриб кўринди ҳақ камоли.  
Ўзлик эрк офтобининг байналмилал жамоли,  
Иситган бу вужуди музимни танимадим.

Чорлайман сафга энди борларни, йўқларни ҳам,  
Ноҳақ жароҳатланган бағрида ўқларни ҳам.  
Ёнаётган муштипар вужуди чўқларни ҳам,  
Уйғонган майдонда мен ўзимни танимадим.

Гувлар вулқон инқилоб руҳида жо ҳақиқат,  
Бу курашда қайтажак биздан жудо ҳақиқат.  
Виждони тирикларга бўлгай худо ҳақиқат,  
Шафоат ҳақдан бўлак тузумни танимадим.

## САВОЛ

Кўзларингдан сирли қўшиқ ўқидим,  
Сочларингдан кимга каманд тўқидинг.  
Севмаганлар бу дунёда йўқ дедим,  
Севги ширин, севганинг ким, сингилжон?

Бунча мастсан ичиб ибo майини,  
Қарашларинг чалар сеҳр найини.  
Жон оладир хуснинг гапнинг тайини,  
Севги ширин, севганинг ким, сингилжон?

Кокилларинг шамолларда эшилар,  
Кўзларингдан кундузга нур қўшилар.  
Сени маъюс кўрсам бағрим тешилар,  
Севги ширин, севганинг ким, сингилжон?

Ёрни ўйлаб тонгни бедор кутдингми,  
Ширин туш-ла ё ўзни овутдингми.  
Севганингга бол бўсалар тутдингми,  
Севги ширин, севганинг ким, сингилжон?

## ЎЗБЕК ОНАНИНГ НОҚОБИЛ ФАРЗАНДИГА ДЕГАНИ

Ноқобилим, эшит яна,  
Сен ҳам юртга тирик тан-а.  
Барча элар ўз деган-а,  
Ўз билмасдан ўз бегона.  
Гапим шаърий ўзбекона,  
Дедим менким – Ўзбек она.

Кўзинг бўлсин қувонч сочар,  
Юзинг дилда юз гул очар.  
Қатъий қарор – бўлма ночор,  
Дўсти кўпдан душман қочар.  
Гапим шаърий ўзбекона,  
Дедим мен ким – Ўзбек она.

Эзгуликнинг уммати бўл,  
Адолатнинг ҳиммати бўл.  
Ор-номуснинг чиммати бўл,  
Юрт ғурури – қиммати бўл.  
Гапим шаърий ўзбекона,  
Дедим мен ким – Ўзбек она.

Ўлгунча руҳинг чўқтирма,  
Тилга чет лаҳжа бўқтирма.  
Ўтмишинг ётга сўқтирма,  
Келажагингни тўқтирма.  
Гапим шаърий ўзбекона,  
Дедим мен ким – Ўзбек она.

## САМАНИМ

Қанот боғлаб уч, ҳей, менинг саманим,  
Чўпонларинг ити сенга кўп ғаним.  
Оқ ўтовдан айрон ичгим бор мани,  
Қанот боғлаб уч, ҳей, менинг саманим.

Илгари ҳам келган эдик бу ёққа,  
Тушган эди дил ўшанда тузоққа.  
Ташвишланма, тақанг бор-ку туёқда,  
Илгари ҳам келган эдик бу ёққа.

Унда айрон ичган эдим мисли май,  
Кишнаб кўйдинг сен ҳам шунда жим турмай.  
Айт-чи, гўзал борми чўпон қизидай,  
Унда айрон ичган эдим мисли май.

Айрон тутса бугун кўзлари сузук,  
Айронига садқа қилай бир узук.  
Жомга секин ташласам бўлур тузук,  
Айрон тутса бугун кўзлари сузук.

Бу йўллардан ҳали кўп бор қатнаймиз,  
Чўл кезмайди эганг сенинг мақсадсиз.  
Токи сенга мингунича ўша қиз,  
Бу йўллардан ҳали кўп бор қатнаймиз.

## НАЙЛАЙИН

Билмасдан севгингни хор этдим,  
Севмасдан бировни ёр этдим.  
Йўқ ғамни ўзимга бор этдим,  
Энди мен найлайин, найлайин.

Сен эдинг доимо тилимда,  
Севгинг-ку бор экан дилингда,  
Нега тик чиқмадинг йўлимга.  
Энди мен найлайин, найлайин.

Мен келсам бепарво кутардинг,  
Мен ўзни бепарво тутардим.  
Дилингда эканда бор дардинг,  
Энди мен найлайин, найлайин.

Уқмадинг кўзларим саволин,  
Ким тортар қалбингнинг уволин.  
Кутибмиз о, ишқнинг заволин,  
Энди мен найлайин, найлайин.

Барини сўнг этдинг ошкора,  
Иккимиз бир дардда овора.  
Армонга бормикан бир чора,  
Энди мен найлайин, найлайин.

\* \* \*

Баҳор елларидай эркин эдим мен,  
Чопардим шўхликлар билан изма-из.  
Эрку ихтиёрим олдинг фақат сен,  
Ногаҳон йўлимда пайдо бўлган қиз.

Ақлим ўша он этиб сен асир,  
Бўйнимга кўринмас каманд ташладинг.  
Бечора сайдингга боқмай сўнг бир бор,  
Сўқмоқдан уйингга кета бошладинг.

Мен қолдим қалбимда ажиб ширин ғам,  
Сен юрган йўлларда кездим уззу кун.  
Севгисиз онларим кенг уфқига ҳам  
Бир умр алвидо дедим мен бутун.

## ПАХТА СУРПИ БИЛАН

Чипта чориқлардан то скафандр –  
Минг хил либосли-ку инсон олами.  
Лекин пахта сурпи билан ўрамоқ,  
Таомил дунёга келган болани.

Эҳтимол шу сурпни илк ингасида,  
Содиқ танмаҳрам деб гўдак куйлайди.  
Дунёдан кетажак кунни ҳам зотан,  
Шу сурпдан бўлажак инсон кўйлаги.

## НЕЧУН

Машиналар шошар, одамлар шошар,  
Вақтлари кетиб, ҳа, вақтлари кетиб.  
Йўлларда юз берар гоҳ фожиалар,  
Ўтиш онларида уларни кесиб.

Хилват хоналарда, ойна ёнида,  
Кетган вақтга унча куймаймиз нечун?  
Кўчаларни кесиб ўтиш онида,  
Бир дам кўзимизга кўринар бир кун.

\* \* \*

Ийиб кетса булут саврда,  
Анҳорларнинг суви тошади.  
Севинч ийиб кетган даврда,  
Инсон меҳри лабдан ошади.  
Ўша пайтда дил изҳорини,  
Айтолмайди у бир гап билан.  
Маҳбубига ол деб борини,  
Лабларига қуяр лаб билан.

## ОНАМГА

Она, сиз боламга кўз тегмасин деб,  
Бир вақтлар таққансиз менга кўз тумор.  
Улғайиб бу кунлар юрибман ғам еб,  
Нечун кўз тегмайди менга бир хумор.

Бутун менга керак ўзга бир дуо,  
Ул шаддод дилдорни мен сари эгсин.  
Бир умрга унинг бетимсол дунё,  
У хумор кўзлари ўзимга тегсин.

## ЙЎЛЛАР

Йўллар чувалади далада, қирда,  
Йўллар – бу уфқ аро қурилган ўрмак.  
Улов-ла чувалиб борар гоҳ бирга,  
Гоҳ насиб пиёда чийратиб юрмак.

Умрлар йўлларнинг минг ип чашмаси,  
Ўриш-арқоқ бўлиб қилгувчи пойга.  
Йўллар – бу чеки йўқ ҳаёт тасмаси,  
Ки чексиз ўралган Ер, Қуёш, Ойга.

\* \* \*

Сен юравер беғам ва шодон,  
Сипқиравер тўқислик майин.  
Менда бўлмай сендаги имкон,  
Сенинг бахтинг орзу қилайин.

Ва сўйлайин ночорлигимни,  
Толе мунги куйимда ётсин.  
Менга ўхшаш ночор ҳар кимни  
Қўшиқларим майли, йиғлатсин.



## АМУГА БОҶИБ

Қаршимда намоён Аму жамоли,  
Қирғоқдан тош олиб унга отаман.  
Сочларимни ўйнар саррин шамоли,  
Сувга термулганча ўйга ботаман.

Минг йиллар бурун ким тош отган унга,  
Минг йилдан сўнг боқар унга қай одам?  
Минг карра айланиб бу сувлар унда,  
Минг йиллар ўйлар боққан киши ҳам.

\* \* \*

Қайтмас бўлиб кетдинг ул кун ёнимдан,  
Мен қолдим жазмингдан ўзни йўқотиб.  
Орқангга бир бора қарамадинг ҳам  
Уфқнинг ортига кетгунча ботиб.

Бугун узоқларда кечар ҳаётинг,  
Сени эслаган дам мен ўксик ғариб.  
Ул кетган йўлингга боқсам нигоҳим  
Уфқ деворига урилар бориб.

## ҚИЗ СЕВГИСИ

Сув бўйида соч тарайди, соч тарайди сулув қиз,  
Сув кўзуга кўп қарайди, кўп қарайди сулув қиз.  
Ўйноқ-ўйноқ тўлқинларга қалби кетар эргашиб,  
Тўлқинлардан гап сўрайди, гап сўрайди сулув қиз.

Сув бўйида бошланганди шу сулув қиз севгиси,  
Келар эди сочин шундан сув бўйида ювгиси.  
Сузиб кетган дарға йигит бу севгидан беҳабар,  
Етказарми у йигитга соч исини сув иси?

Ўша кема қайтар бу кун, у дарға ўктам, ғолиб,  
Келаётир, келаётир олис юртдан ёр олиб.  
Ҳамма қайтар манзилига кутганлари-ла шодон,  
Сув бўйида севгисига аза очар қиз қолиб.

## ОТГА ДАЛДА

Туёгингдан чопсанг, учқун сачрар,  
Дупурларинг тоғ хаёлин қочирар.  
Кишнашларинг эшикларни очирар,  
Манзил яқин, кишнасанг-чи, тулпорим.

Кумуш сенинг, жониворим, юганинг,  
Арпа эмас, мудом кишмиш еганинг.  
Кишнаганинг эгам ошиқ деганинг,  
Манзил яқин, кишнасанг-чи, тулпорим.

Кўринмоқда бизнинг севган манзара,  
Тош деворлар, дарвозалар панжара.  
Куёв келса қўл чўзилмас ханжара,  
Манзил яқин, кишнасанг-чи, тулпорим.

Борсанг, дилбар кийик ўтлар қўяди,  
Эганг эса кийик гўштга тўяди.  
Саҳаргача балки ёрни суяди,  
Манзил яқин, кишнасанг-чи, тулпорим.

Ёш бошимда севги деган савдом бор,  
Юрагимда соғинч деган ғавром бор.  
Қўрқма, ёрга Шафоатинг – совғанг бор,  
Манзил яқин, кишнасанг-чи, тулпорим.

## ҚАРИ ХОНГУЛНИНГ СЎНГГИ ҚЎШИҒИ

Сурувлар суронига йўқ энди менинг тобим,  
Гурунгим ўзим билан, ўз ҳолимча шитобим,  
Кекса руҳимда аён, ҳам беаён азобим.

Ҳар кеч келиб бошимда алп тоғлар ўйга чўқар,  
Булуғларнинг ортидан Ой ҳолимга ёш тўқар,  
Ўтаётган лаҳзалар ожизлигимни сўқар.

Баҳорги шўх булутим чақмоқ вақт кетди кийиб,  
Ёшлигим олисларда эмар маммасин ийиб,  
Сўнги жуфтим уфққа сингиб кетди кўк кийиб.

Шохим устида ҳар тун оғир осмон оғадир,  
Музлаган ер сирқироқ устухоним чағадир,  
Шағ аёзнинг қирови қовурғамга ёғадир.

Шилдир қамиш қасдимга шамолсиз ҳам гувлайди,  
Ёт шарпалар ҳар нафас отим айтиб увлайди,  
Кўзим илса тушимда тарғил бўри қувлайди.

Тарғил бўри кела қол, кела қол тирик тобут,  
Бу ҳаётнинг ваҳмидан мени мангуга овут,  
Совуётган юракка даво шу деб сол човут.

## МЕН ЙЎЛДАМАН

Чўқмор таёғимни энгакка тираб,  
Олис уфқларга узоқ қарайман.  
Қайси бир бекатда қолгунча нураб,  
Яна ҳали қанча йўлга ярайман.

Бу ёғимда Жануб, бу ёғимда Шарқ,  
Ернинг киндигида ўзим турибман.  
Шимол, Ғарб – тўрт тараф қароғимда ғарқ,  
Жуда кўп кўрибман, беҳад юрибман.

Гугуртнинг чўпидай у симёғочлар,  
Сўқмоқларга қўйган белги таёғим.  
Ўша сўқмоқлардан бутун қарангиз,  
Ойга ҳам етолди ҳатто оёғим.

Қайси бир манзилда тўхтасам бир он,  
Боғу иморатга айланди жойим.  
Хилқатда мен ўзим ягона боғбон,  
Ва олға интилмоқ қисматим доим.

Чўқмор таёғимни энгакка тираб,  
Янги марраларга бу дам қарайман.  
Қайси бир бекатда қолгунча нураб,  
Яна дейман қанча йўлга ярайман.

## ЯНА БАҲОР КЕЛДИМИ

Сафар оти кенгликларга чухла дер,  
Майин еллар кокилимдан ушла дер.  
Қизғалдоқлар кел, тиззамда ухла дер,  
Мени йўқлаб яна баҳор келдими?

Қиз кўзгуси бўпти булоқ сувидан,  
Най чақирар олис сойлар тубидан.  
Айрон тутар янга заранг кувидан,  
Мени йўқлаб яна баҳор келдими?

Ёнгинамдан ёмғир ўтди шитирлаб,  
Сур кўзилар ўрга чиқди дикирлаб.  
Тўрғай турар кўкда тинмай чиқирлаб,  
Мени йўқлаб яна баҳор келдими?

Ари куяр қоқигуллар шамида,  
Шабнам тўла жаранг лола жомида.  
Турна тегиб ўтди қирлар томига,  
Мени йўқлаб яна баҳор келдими?

Онажоним ош қилибди ифорли,  
Кишняяпти Алп акамнинг тулпори.  
Ол кийипти барча Сурхон дилбари,  
Мени йўқлаб яна баҳор келдими?

## **БИР ОТИМ БОР**

Бир отим бор – Фиротим бор,  
Югани Жайхуну Сир.  
Бу от менга Берунийлар,  
Синолардан меросдир.

Улугбекнинг юлдузлари,  
Сиққан шу от бағрига.  
Мир Алишер – шеър сардори  
Чиққан шу от сағрига.

Боболарим бор меросин,  
Барин бу от ортандир.  
Бобо тарих билан бу от  
Баробар йўл торгандир.

Унга монанд бўлсам бу от,  
Бор армоним кетказар.  
Ёруғ юз-ла барча эзгу,  
Тилагимга етказар.

## **КАБУТАРНИНГ ЎЛИМИ**

Оқ кабутар эдим муштдек оқ кўнгил,  
Севинч чапаклари эди қанотим.  
Само денгизида сузардим енгил,  
Бетимсол бир юртда кечди ҳаётим.

Ойнаи жаҳоним – у юрт кўкида,  
Кўринсам минг кўзга тушган тасвирим.  
Кўшиқлар тўқишиб менинг ҳаққимда,  
Хурлигин куйларди у юртда ҳар ким.

Ўша эъзозлардан жуда маст эдим,  
Ўзни сезабордин ҳар кун башарий.  
Курранинг бор аҳдин сиз менинг дедим,  
Ватанни тарк этдим бир кун мен – осий.

Толиқиб номаълум бир юртга қўндим,  
На меҳр кўрдим мен, на топдим бир дон.  
Бир олчоқ суворий кўнгил очишчун,  
«Башарий» кўксимдан шу кун тўқди қон.

Қўларимда нур йўқ, совуқ, нам ерда,  
Ётибман, мен томон сургалар бир қурт.  
Осий кабутардан сўнг бор алвидо,  
Уни эъзозлаган олис, опшоқ юрт.

\* \* \*

Термиздан чиқдик биз бир тўп шоирлар,  
Қайси бир кун миниб сафар отига.  
Чорлади тепалар, чорлади қирлар,  
Кетдик асотирлар ибодатига.

Мозий майдонига қараб от солдик,  
Забт этдик бир зарб-ла эски Термизни.  
Дарё ўртасида ҳарир либослик  
Имлар эди Орёл – Амунинг қизи.

Жануб юрти лоҳас, сукутга ботган,  
Офтоб жимирларди, борлиқ жим эди.  
Қора тепа гўё бир сапчиб қотган,  
Тўлқину теграмиз денгиз-қум эди.

Тепага тирмашиб қарадик форга,  
Кўрдик париларни бир тўп яланғоч.  
Бўрилар дуч келса қўзичоқларга,  
Бизнинг назар билан боқса керак оч.

Ниҳоя йўқ эди бизнинг ҳайратга,  
Сеҳру жодуларга қолдик ишониб.  
Баримиз берилиб ҳиссий ғайратга  
Ботинан алқадик ажлод Кушонни.

«Сафарий саждамиз бўлган ижобат,  
Будда санамлари кутар тирилиб.  
Бизларга булар-ла васли ижозат  
Пайғоми етишган дедик керилиб».

Оқноввот тизлари қумга кўмилиб,  
Кўкраклари тошиб сийна бандидан,  
Парилар ишларди терга чўмилиб,  
Билсак, қизлар экан Ленинграддан.

Ўртасида будда қурган чордона,  
Улар орасоз шу маликасига.  
Биз шарқча ўт мижоз, суқли ардона,  
Қараймиз санамлар баланд, пастига.

Қизлар мулоқотга тортмади парда,  
Суришгира кетди касб, исмимизни.  
Биз тўқдик шимолий мармар танларга  
Жанубча сахий сўз, ҳавасимизни.

Бир санам бўлди-ю сайрномачи,  
Осор-атиқадан дарс бера кетди.  
Рухимиз бўйнида буддалар хочи,  
Сафаримиз шундай охирга етди.

## ОЛТИН СОЧЛАР

### 1

Шарқликларда бор кўҳна удум,  
Сайёҳ бўлар шоирлар асли.  
Европага бош олиб кетдим,  
Гуркираган навбаҳор фасли.  
Эртақ айтди менга бирма-бир,  
Олис юртнинг ҳар бир шаҳари.  
Кўзларимга жаннатни тасвир,  
Этди ҳар кун Шимол баҳори.  
Таҳсин айтдим кезганим сайин,  
Чўнг куббалар, олтин хочларга.  
Ҳайратландим ипакдан майин,  
Офтобжило олтин сочларга.  
Юрагимга шеър бўб қуйилди,  
Зангор юртнинг зангор зиёси.  
Бор Европа бўлиб туйилди,  
Шеърятнинг мовий дунёси.

### 2

Нурин сочар ўрмонлар аро,  
Ойдек заиф шимолий офтоб.  
Мармар таним қилай деб қора,  
Офтобрўда ётар бир моҳтоб.  
Шундай гўзал бу қиздай кунни,  
Дунё бир бор кўрар чамамда.  
У сочади оппоқ нурини,  
Куйиб бориш менинг танамда.  
У куймайди қуёшга фақат,  
Ўргатади эрмак-нур дарсин.  
Куяр бўлса шу қизни хилқат,  
Қуёш қилиб кўкка кўтарсин.

### 3

Инон, жийда гулласа бизда,  
Йигит-қизлар севганин танлар.  
Ўзга экан таомул сизда,  
Айт, гуллайди қачон каштанлар?



Бугун кездим каштанзорингни,  
Очилмапги ҳали бир гунча.  
Булбул бўлиб айтдим зоримни,  
Имилларми баҳор ҳам шунча?  
Каштанларга боқиб ҳар саҳар,  
Ўтаяпги куним йилсимон.  
Мовий кўзали, сочи тилла, зар,  
Гул тутаман мен сенга қачон?  
Тонгда турсам бугун хаста таъб,  
Юртинг тутган каштанлар бўйи.  
Ҳаяжонда гуллар дасталаб,  
Ҳузурингга келдим бош қуйи.  
Кутган мисол шу кунни сен зор,  
Қучоқ очиб кел, дединг дилдор.  
Мен дер эдим такрор ва такрор:  
«Мангу гуллаб турсин каштанлар».

#### 4

Даврамизнинг тўрин безатиб,  
Ўтирардинг руҳингда ором.  
Мен ҳар сафар сени кузатиб,  
Не хаёлда сипқарардим жом.  
Ҳайрон бўлиб ёш юрагингда,  
Йўқлигидан ёшликка ўрин.  
Қайта ёқса бўлмасми дердим,  
Сўнаётган қалбингнинг кўрин.  
Бир кун, давра ҳайрон, «юр парим,  
Рақс тушайлик» дея қилдим ҳад.  
Меҳр тўла қора кўзларим,  
Илтижосин қилолмадинг рад.  
Тушиб кетдик Шопен вальсига,  
Даврадошлар кўзин ўйнатиб.  
Мағрур эдим мен ҳаммасидан,  
Сенинг сокин руҳинг уйғотиб.  
Кейин давра қилсак териблиб,  
Навбат билан куйласа йиғин.  
Сен бошлардинг менга термулиб,  
«Менинг қора кўзим» қўшиғин.  
Кўп термулдинг сўнг-сўнг кўзимга,

Олтин офтоб сочларинг сеппиб.  
Юзинг босар эдинг юзимга,  
Лола бўса гулларин экиб.  
Қайтаримда ўйлаб фиरोқни,  
Айрилиққа очдинг сен аза,  
Кўзларингдан аччиқ ёш оқди  
Мовий Висла сувидай тоза.  
Бари ўтди мисоли бир туш,  
Унутилмас шаън, давра йиғин.  
Ғамли кунлар куйлайман маъюс,  
«Менинг қора кўзим» қўшигин.

5

Ёмғир ювар мажнунтолларни,  
Ёмғир бўлиб ёғар мажнунтол.  
Мажнунтолнинг силаб чилторин,  
«Қани, дедим ҳар кунги висол?»  
«Кутма, келмас деди у шу чоқ,  
Сенинг ёринг, менинг дутонам.  
Кеча сендан ажрагач узоқ,  
Мени қучиб йиғлади санам».  
Уни қучиб йиғладим мен ҳам  
Бошим буркаб япон зонтига.  
Тушунмайман, нечун Оксанам,  
Қарши борди вафо онтига.

6

Қуёш каби ботди оразинг,  
Ишқ мулкини қоплади туман.  
Ўлим каби бўлди аразинг,  
Муродига етди ёсуман.  
Қачкулини боғлаган белга,  
Тиланчидай йиғлади шоним.  
Оққув қилиб совурдим елга,  
Аламимдан шеърим – достоним.  
Тентирадим беруҳ, бетайин,  
Ўзалигимдан бўлиб бегона.  
Ўрмонларга борсам ҳар қайин,  
Ўзинг бўлиб боқди ягона.

Сен билмассан, сўнги дамгача  
Панд бергунча юрак тулпорим.  
Менинг учун олий фалсафа,  
Сенинг севгинг бўлади ёрим.

## **СУНБУЛАГА БОРАЙЛИК**

Сунбуладан сув ичишган дўстларим,  
Шодлигимга тўн бичишган дўстларим.  
Юрагимга меҳри тушган дўстларим,  
Юринг, яна Сунбулага борайлик.

Сунбуллардан сувлар тушар сириқиб,  
Ул томчилар ирмоқ бўлар бириқиб.  
Нозанинлар, сиз ҳам турманг зериқиб,  
Юринг, яна Сунбулага борайлик.

Ҳар сунбулни битта томчи тарайди,  
Ҳар томчидан бир жоду кўз қарайди.  
Бўлинг, кимлар улфатликка ярайди?  
Юринг, яна Сунбулага борайлик.

Сочингизнинг рамзи эрур Сунбула,  
Сизга айтгур олиб сочингга ула.  
Томчилар-ла ўйнайсиз кула-кула,  
Юринг, яна Сунбулага борайлик.

## ТОҒЛИК ЧОЛ ЎГИТИ

Меҳмон бола, эшак қариган,  
Аччиқ-аччиқ урма халачўп.  
Сенинг учун завқли бу йўлдан,  
У ўтгандир балки мингдан кўп.

Халачўпга бепарво борар,  
Тоғ ўтларин хуш бўйин искаб:  
Тирсиллаган қай бир тойхарнинг  
Тезагига, ана, қўйди лаб.

Сен тезладинг, у узоқ ҳанграб,  
Ёш қалқиди қора кўзига.  
Юксак тоғлар қайтарди жавоб,  
Тушунгандек унинг сўзига.

Меҳмон бола, у айтган қўшиқ,  
Балки ўтган кунлар армони.  
Не қиласан, дардга дард қўшиб,  
Қариликнинг қаттиқ фармони.

## ОҚ СУВ

Тоғ юртини солар титроққа,  
Оқсув деган опшоқ инқилоб.  
Харсангларни отар қирғоққа,  
Шиддатига тошлар бермас тоб.

Монанди руҳ кириб юракка,  
Ҳамдам бўлмоқ истадим бир пайт.  
У ёқамдан тутди-ю шартга.  
Деди: «Аввал маслагингни айт?»

«Маслак – кураш эзгулик учун,  
Ёмонликка беомон ғазаб.  
Бу курашга ҳар бесамар кун,  
Ва муз қотган виждонлар сабаб».

Борлигидан таралиб зиё,  
Учқунлардан тутиб гулдаста.  
«Маслагимиз бир экан», дея,  
Мени олиб учди у пастга.

## ҚОРА СОЧИНГ

Қор сочинг қамчилади, кетдинг ёр,  
Кўздан ёшим томчилади, кетдинг ёр.  
Кетганинда кўчалар зор йиғлади,  
Келганинда кўчалар гулу гулзор.

Кел, ёр, сочинг севгимнинг қирқ занжири,  
Мажнунингман, боғлагандир ҳар бири.  
Қора – нажот кўзларингда яшасам,  
Ҳар сочингнинг қирқ йил бўлай асиря.

Ёр бошингдан қўшиқларим сочала,  
Бўйинг кўрсам куйга тўлар қир, дала.  
Йўлларимга турфа гуллар тўшалиб,  
Бахтим бўлиб очилади ҳар лола.

Буқилмасин ниҳол кўнглим пояси,  
Келсанг, кўксим бўлар тоғлар қояси.  
Кел, қалбимда қувончларим гулласин,  
Паноҳ бўлиб сочларингнинг сояси.

## БИЯНИНГ ЎРГАТИЛАЁТГАН ТОЙЧОФИГА ЎГИТИ

Туёғингдан сачрар учқун,  
Кўзингда бир телбалик.  
Кенгликларга гоҳо учиб,  
Гоҳ сапчийсан кўкка тик.  
Озодликни севган тойчоқ,  
Эркинликни севган жон.  
Чавандозинг чаққон, олчоқ,  
Сенда телба ҳаяжон.  
Тақдирга сен тан бер, болам,  
Отанг асплар аспидир.  
Бўйсундириш одамзотнинг  
Сут-ла кирган касбидир.  
Тарихига боқ уларнинг,  
Бири хўжа, бири қул.  
Биз-ку онгсиз бир жонивор,  
Бизга қуллик – қисмат шул.

## СЕН ВА МЕН

Раҳминг келиб севма мени,  
Рашкинг келиб сев мени.  
Раҳмим келиб севсам сени,  
Даргоҳингдан қув мени.  
Хотирангда тутма мени,  
Ҳажрингда тут мени.  
Ҳижронда тутсам сени,  
Ўша он унут мени.  
Ўзгалардан тондир мени,  
Ўзингга эт тан мени.  
Ўзга дея тонсам сени,  
Айла қатл сен мени.  
Рашк қилиб ҳар кимдан сени  
Мендек севар ким сени?  
Сен севасан кимдек мени?  
Мен дедим, Лайлим сени.

## ОНА, АЙТИНГ

Кунлар шитоб отин миниб боради,  
Анҳорларнинг суви тиниб боради,  
Офтобнинг ҳам тафти синиб боради,  
Она, айтинг, Сунбулами, кузми ё?  
Турналарнинг сир суҳбати бўлди тез,  
«Не учун тез, деб ўтдилар ўзинг сез»,  
Табиатни бўлб борар бир ранг жез,  
Она, айтинг, борлиқ зафар юзми ё?  
Бошланибди эгат сочлар саноғи,  
Кулмиш у соч инжулари чаноғи.  
Тиниқланмиш Ойнинг олтин ёноғи,  
Она айтинг, олам шоҳи қизми ё?  
Кўзларимда уйқусизлик мезони,  
Қулоғимда кимнинг мунис азони,  
Дейди: «Ҳар кун умр гулин хазони».  
Она, айтинг, илҳомми у, сизми ё?

## У КИМ ЭДИ

У кун менга кўз тагидан боққан эди,  
Шу қараши дилимга ўт ёққан эди.  
Сочларига пахта пилик таққан эди,  
У ким эди? Дилимга ўт ёққан эди.

Боши узра чамандагул дўпписи бор,  
Оқ либосда мисли эди оқ кабутар,  
Ёноғидан ранг сўраса арзир баҳор,  
У ким эди, чамандагул дўпписи бор?

Қирқта эди, юзта эди кокиллари,  
Булбулларга балки сабоқдир тиллари.  
Унда эди оламдаги кўркнинг бари,  
У ким эди, чамандагул дўпписи бор?

Сиримдан огоҳ қилмай ошиқ элин,  
Билай дейман, у гўзалнинг кўнгли феълин.  
Рози бўлса, бўлсак дейман куёв-келин,  
Ким эди у, ким эди у, ким эди?

## ЯНА ЛОЛА САЙЛИГА

Баҳор навосига тўлмиш самолар,  
Капалаклар ишқий учар номалар.  
Севги мушки бўлти боди саболар,  
Юр, дилбарим, яна лола сайлига.  
Қизғалдоқлар қоса бўлти қирмизи,  
У диёрнинг гулоб тутган бир қизи.  
Табиатнинг сен-ку кулган гулжози,  
Юр, дилбарим, яна лола сайлига.  
Чамбар тақиб гуллар сариқ, олидан,  
Қирга чиқсак камалаклар йўлидан.  
Бирга тутсак бахт-ку завқнинг қўлидан,  
Юр, дилбарим, яна лола сайлига.  
Гул баргига шеър битиб мен Шафоат,  
Дедим висол ҳар ошиққа саодат.  
Амринга мушгоқдирман шу соат,  
Юр, дилбарим, яна лола сайлига.

## ОНАЖОН

Севмас экан кўзлари қуралай,  
Бу даргоҳда энди қандай туролай.  
Боқсам ўтиб кетмиш қанча куну ой,  
Шу дам сени кўмсар кўнглим, онажон.

Севги сабаб бўлди чехрам зардига,  
Сен бўлурсан малҳам дилим дардига.  
Бошим тенгдир оёқларинг гардига,  
Шу дам сени кўмсар кўнглим, онажон.



Бориб бошим қўлай азиз кўксингга,  
Мен ўксиган, бугун сен ҳам ўксиган.  
Ҳисоб олгил бу омадсиз ўғлингдан,  
Шу дам сени қўмсар кўнглим, онажон.

Бор гапимни бир ўзингга айтаман,  
Балки яна қучоғингдан қайтаман.  
Олислардан бахт изларман қайта ман,  
Шу дам сени қўмсар кўнглим, онажон.

## СИНГИЛЛАРГА

Жиловни билмаган жажжи қулунлар  
Арава тортмоқда бугун от бўлиб.  
Мунис бешиқдошим, жажжи сингиллар,  
Сизлар ҳам қолдингиз бугун ёт бўлиб.

Ялангоёқ кезган чанг кўчаларда  
Қолиб кетди менинг болалигим ҳам.  
Кўп бор йиғлатганим – серзарда қизча  
Бугун мен топинган яғона санам.

Мен энди қиламан унга илтижо,  
Болалиқдагидай бўлгил деб яқин.  
У санам айламас истагим бажо,  
Тобора ётлашиб бормоқда лекин.

## КЕЛИНЧАК

*Автобусда*

«Мамма» дея болакайинг  
Кўйлагингни тортади.  
Ёқа очиб эмизмоққа  
Саросиманг ортади.

Ахир сента суқли, суқли  
Боқшмоқда эркаклар,  
Ийиб-ийиб эмизардинг  
Қулай имкон бўлса гар.  
У бегона қарашлардан  
Бунча ерга тикилма.  
Бекат яқии, сен тушасан,  
Келинчак, парво қилма.  
«Жанжалкаш»инг ўсиб ҳали  
Бу хатосин тузатар.  
Шу «беибо»эркакларнинг  
Келинларин кузатар.

## ФИҒОН

Ҳақ қуши хуршид самода қўндиролмайман, нетай,  
Ҳақ қуш қалбим ҳақ талабин сўндиролмайман, нетай.

Полапон кўнглимга осмон сафоси орзу эди,  
Уни Ер – саҳни бедодда қондиролмайман, нетай.

Мен толе излаб талпиндим давроним симурғига,  
Кел Ҳумо, бошимга қўн, деб кўндиролмайман, нетай.

Эзгулик ўтин йиғурда минқоримда қон шарор,  
Қонли хирмон – қақнус жоним ёндиролмайман, нетай.

Оламда пайдор адолат, бу қуш қалбим шеваси,  
Бу қумри сиқдан ўзимни тондиролмайман, нетай.

Шафоат, такрор то маҳшар қилсам тавба гўёсин,  
Ҳақ қарзин учган умрдан ундиролмайман, нетай.

## КЕРАК ЭМАС

Дилбари танҳом ўзинг, ўзга ҳур керак эмас,  
Кўзларинг зиёсидан ўзга нур керак эмас.

Ўзингнинг чаманида лабларинг лола гулим,  
Тишларинг садафидан ўзга дур керак эмас.

Ҳижронинг, васлинг ёди ҳаётим маъносидур,  
Сени ўйлашдан ўзга ҳеч ҳузур керак эмас.

Жон куйи ҳар бир гапинг жисмимнинг кулоғига,  
Ўзга куй, рубоб, ғижжак ё танбур керак эмас.

Шафоат беназокат бош қўйса оёғингга,  
Айб этма, ул Мажнунга ор, ғурур керак эмас.

\* \* \*

Ўн олтида бошланди севгинг,  
Илк кўзгута солдинг ўзингни.  
Катталардан нозни ўргандинг,  
Менга илк бор суздинг кўзингни.  
Ўн олтида бошланиб севгинг,  
Ўн саккизни кутиб борасан.  
Мен журъатсиз тушган кўчадан  
Шаддод имлаб кетиб борасан.

\* \* \*

Севманг майли, арзимаيمان ҳам,  
Юз ўгирманг фақат кўрганда.  
Жудо қилманг рухсорингиздан,  
Ҳаёт ишқи сўнмасин манда.  
Севинг, дея сўрамайман, йўқ,  
Илтимосим битта атига.  
Дариг тутманг табассумингиз,  
Мен шеър ёзай мукофотига.

## ТУТИНГ

Дўстларим, севги ишин ўзгалардан сир тутинг,  
Ёрга сўз айтурда тилни кўнгил бирла бир тутинг.

Вафони дилга тутиб кириг севги бўстонига,  
Садоқат бобида Фарҳод, Мажнунни сиз пир тутинг.

Ёр агар англамаса кўнглингиз ишқ қўшиғини,  
Гул ила булбул висолин мадҳ этган тасвир тутинг.

Хуш ҳаво манзилларни истаса кўнгли ёрнинг,  
Сиз баҳор қалбингиздан бир лолали қир тутинг.

Шафоат замон Зухрасин куйида ўлса агар,  
Қабрига гул экинг-у номини Тоҳир тутинг.

## СПОРТЧИЛАР ҚЎШИҒИ

Спорт соғлиқ – спорт бойлик,  
Юрт ишига спорт шайлик.  
Ким спортчи, у чиройлик,  
Спорт соғлиқ – спорт бойлик.

Спорт ёшлик жони тани,  
Бу ҳаётга мазмун-маъни.  
У мардликнинг чин ватани,  
Спорт ёшлик жони тани.

Ғолиб кураш – мардимиз у,  
«Ҳалол»деган шартимиз у.  
Ишқибозлик дардимиз у,  
Ғолиб кураш – мардимиз у.

Спорт соғлиқ – спорт бойлик,  
Юрт ишига спорт шайлик.  
Ким спортчи, у чиройлик,  
Спортчидан танланг қайлиқ.

## ЎЗБЕКИСТОН

Ватан борлиқ бормисан,  
Бетимсол диёримсан,  
Меҳрибоним ёримсан,  
Келинчак Ўзбекистон.

Мангу баҳор ҳар палланг,  
Олтин гул тутар даланг.  
Бахт, тинчлик тилда алланг,  
Беланчак Ўзбекистон.

Яшна, куйла, кул юртим,  
Ғазалхон булбул юртим.  
Гўзал юртим, гул юртим,  
Гулчечак Ўзбекистон.

Ҳар кунинг бир байрам, тўй,  
Бўйларингга қўшар бўй.  
Айлар яна моҳирўй,  
Муборак Ўзбекистон.

## БИЛСА ЁРИМ

Таққан маржон шодаларим,  
Ҳамма нозу адоларим,  
Қалбда инжа садоларим,  
Севганимдан, билса ёрим.

Кўрсам юзим ўт лоладир,  
Киприklarим бўлар оғир.  
Сассиз ёнар гулхан бағир,  
Севганимдан, билса ёрим.

Ишқ саволи қатор-қатор,  
Дилни ўртаб жонга ботар.  
Ёр тарафдан тонглар отар,  
Севганимдан, билса ёрим.

Қўшиқ қалблар шафоати,  
Бўлиб бир кун бахт соати,  
Ёрга етар ишқим хати,  
Севганимдан, билса ёрим.

## ЁЛҒИЗ

Осмон тўла юз минг юлдуз,  
Ой ўртада дилрабо қиз.  
Менинг ёрим қайда Термиз,  
Ёр ҳам ёлғиз, мен ҳам ёлғиз.

Юзин чайган олтинсойда,  
Сочин мавжи минг нур майда.  
Бир тимсоли фақат ойда,  
Ой ҳам танҳо, ёр ҳам танҳо.

Менинг ҳаёт созим ўша,  
Гул ифорли нозим ўша.  
Дилда танҳо озим ўша,  
У дилрабо, мен мубтало.

Қўшиғимда унинг оти,  
Ишқимнинг шаън шикоятти,  
Муҳаббатим ҳикоятти  
Етсин ёрга, шўх дилдорга.

## **ТЕРМИЗ ҲАҚИДА ИККИ ҚЎШИҚ**

### *1. Қуёш шаҳри*

Сен тарихлар оқсоқоли,  
Минг йиллардан умринг голиб.  
Ҳар замондан бир шон олиб  
Келган Қуёш шаҳарисан.

Нур эмизар офтоб сийнанг,  
Амударё кумуш ойнанг.  
Бағринг бахтли, хуршид сиймонг,  
Эрка тонглар наҳорисан.

Ишчи ўзинг, деҳқон ўзинг,  
Шаънинг – шараф, мардлик сўзинг.  
Сарҳад ўзинг, уйғоқ кўзинг,  
Сергак Ватан саҳарисан.

Сен фидойи шаҳри Термиз,  
Ҳар бир онинг меҳнат терсиз.  
Ўтмас кунинг кўшиқ, шеърсиз,  
Озод ўлка баҳорисан.

## **ШАМОЛ ШАҲРИ**

Сарҳадда турар Термиз  
Замонларга чўкмай тиз,  
Баҳорига ўраниб.

Ҳайқириб ғалча тилда,  
Селдек шиддати илдам,  
Босди Жануб бўрони.

Чорасиз жазавадор,  
Яшил фаввора тўзгар –  
Муштипар мажнунтоллар.

Борлиғи бардош қоя,  
Бўронларга сепоя –  
Хотиржам чинор-чоллар.

Гирдоб қуюни қайнар,  
Бағрида борлиқ ўйнар,  
Чанг қўпорар довул-сув.

Боради боғлар оқиб,  
Айқаш-уйқаш улоқиб,  
Бошида яшил шов-шув.

Оқимга қарши бир қиз,  
Сузиб боради ёлғиз,  
Кўчанинг хонбалиғи.

Бўроннинг сўзида у,  
Борлиқнинг кўзида у,  
Табиат қорачиғи.

Тошқин дарё бу шамол,  
Шиддатлари селжамол,  
Мисли Амуга эғиз.

Фироти Жайхун улуг,  
Бўрони бошида туғ,  
Гўрўғли шаҳар Термиз.



## БИР АДАШИБ

Адашса гар тунда одам капалакка ўхшаркан,  
Олов кўрса қайси ёндан отни уён қўшаркан.  
Милтираган ҳар бир чироқ кел, дея йўл тўшаркан,  
Адашса гар тунда одам капалакка ўхшаркан.

Олисларда, чўл қўйнида, ху кўринди бир чироқ,  
Кўринди-ю билинмайди яқинми ёки йироқ.  
Ул чироқнинг соҳибига меҳмон керакми бироқ,  
Олисларда, чўл қўйнида, ху кўринди бир чироқ.

Гурас-гурас қамчи босдим, чироқ сари от қўйдим,  
Учиб борар жониворим, йўл нотекис, йўл ўйдим.  
Танҳоликдан, тун васлидан бу онда обдон тўйдим,  
Гурас-гурас қамчи босдим, чироқ сари от қўйдим.

Якка ўтов турмиш борсам, мен мусофир-жойталаб,  
Эшик қоқсам, товуш қилди бир қиз қўрқиб «янга»лаб.  
Янга чиқди тун қўйнидан «Ойқиз, дея, – нима гап?»  
Якка ўтов турмиш унда, мен мусофир-жойталаб.

Довдирайман, ул янгага адашдим, деб айтаман,  
Жой берсангиз, шу кеча тунаб саҳар чоғи қайтаман.  
Афсус, дейман, келибманда бой акам йўқ пайтда ман,  
Довдирайман, ул янгага адашдим, деб айтаман.

«Аканг кетган, – дейди янга, – Боботоққа қўйига,  
Жой бераман, шумлик қилсанг чизим солгум бўйнингга».  
Жой беради, янга ётар қизни олиб қўйига,  
«Аканг кетган, – дейди янга, – Боботоққа қўйига».

Ўктам янга хуррак тортар, тун жим, мен жим, ойқиз жим.  
Кўзим бундоқ илгач тушди оқ бўйнимга қўш чизим.  
Жон ҳалқумда, кўзим очиб, шивирлайман: «Ҳой, сен ким?»  
У барно қиз дейди: «Сен-ла кетаман, бўл жим-жим».

Гусур-гусур от қўяман, орқамда ёр суқсурдай,  
Шу пайт кетдан қарғиш келар: «жувонмарг ўл, адашмай!»  
Бир адашиб, дўстлар, шундай қилган эдим уй-жой,  
Энди кўрса у янга дер: – «Юрибсанми, адашмай?»

## ОМОН-ОМОН

Умринг ошпоқ, унга қора ямоқ ёмон,  
Чекламасанг, тизгинсиз нафс тамлоқ ёмон,  
Қилмишга бор бўлса виждон-қамоқ ёмон,  
Ноҳақликка бошни қуйи солмоқ ёмон,  
Ёмонликни енгиб ўлсанг, омон-омон.

Бургут мисол доим тик тут бошларингни,  
Элга кўрсат кулгингни, кўз ёшларингни.  
Ўп ўз онаңг тупроғингни, тошларингни,  
Ноҳақликка бошни қуйи солмоқ ёмон,  
Ёмонликни енгиб ўлсанг, омон-омон

Қалбинг тўлса гар ечимсиз нолаларга,  
Топшир ўзни халққа, тоққа, далаларга.  
Ўлар бўлсанг, рост айтиб ўл болаларга,  
Ноҳақликка бошни қуйи солмоқ ёмо,  
Ёмонликни енгиб ўлсанг, омон-омон.

Сен одамсан – табиатнинг инояти,  
Умринг бир зум – шу оламнинг бир соати.  
Ҳаққа бий бўл – бу инсонлик бош ояти,  
Ноҳақликка бошни қуйи солмоқ ёмон,  
Ёмонликни енгиб ўлсанг – омон-омон.

## ЭНА ҚЎШИҚ

Ватан кутар бугун биздан бошқа қўшиқ,  
Қўшиқ бўлсанг қўшиқ бўл сен селдай жўшиқ.  
Ҳақ сўровга тутар шу юрт битта эшик,  
Оқиб борар эрк беланган эна бешик,  
Бешикни тут, сепоя бўл, эна қўшиқ.

Бор эй қўшиқ, уйғот ухлоқ ғунчаларни,  
Қуйингга қўш юз мақом булбулчаларни.  
Ҳам маҳв айла мадҳиябоз кулчаларни,  
Оқиб борар эрк беланган эна бешик,  
Бешикни тут, сепоя бўл, эна қўшиқ.

Боболарга бийронлат сен тилларингни,  
Момоларга боқтир далли дилларингни.  
Манкуртларнинг кўзига торт милларингни,  
Оқиб борар эрк беланган эна бешик,  
Бешикни тут, сепоя бўл, эна қўшиқ.

Фақат фидо хизмат билан поклан қўшиқ,  
Эл номидан сўз айтурда сақлан қўшиқ.  
Эна юртга, эна халққа оқлан қўшиқ,  
Бешикни тут, сепоя бўл, эна қўшиқ,  
Оқиб борар эрк беланган эна бешик.

## ТЕРМИЗИЙЛАР

(Қўшиқ)

Буюк аждод Термизийлар,  
Мангу устод Термизийлар.  
Фурур, қувват Термизийлар,  
Термизийлар, Термизийлар.

Пайгамбарга котиб бири,  
Бири устод Румий пири.  
Ҳамон тириклардан тирик,  
Термизийлар, Термизийлар.

Қирқдир улар, юздир улар,  
Ўтмишдаги биздир улар.  
Чағаниён-Термиздир улар,  
Термизийлар, Термизийлар.

Босган изи саховатли,  
Юрти, эли саодатли.  
Исми, ёди шафоатли,  
Термизийлар, Термизийлар.

## **ВАТАН ҲУР, АСР ЯНГИ**

*(Қўшиқ)*

Ватан ҳур, аср янги,  
Миллат мангу, юрт мангу.  
Ҳаёт завқин куйлаймиз,  
Қалбларда бахт жаранги.

Марҳабо омон-омон,  
Янги аср, янги замон.  
Аср, олтин аср бўл,  
Аср бўл дориломон.

Фидо қилиб жонимиз,  
Пок тутиб иймонимиз.  
Юксалтамиз жаҳонга,  
Унвонимиз-шонимиз.

Ватан қалқон, қоямиз,  
Садоқат сармоямиз.  
Шу озод Ўзбекистон,  
Иқболи ҳур ғоямиз.

## **ТЕРМИЗ – ТУРОН ЭШИГИ**

*(Қўшиқ)*

Термиз – Турон эшиги,  
Жайхун унинг бешиги.  
Жаранглайди тилларда,  
«Мардлар шаҳри»н қўшиғи.

Термиз бу Қуёш шаҳар,  
Шаҳарларга бош шаҳар.  
Тарихи тенг тарихга,  
Қадим шаҳар, ёш шаҳар.

Ҳар гӯшаси афсона,  
Термизийларга она.  
Истиқлол иқболидан,  
Термиз бўлди кошона.

Қуёш меҳр дилига,  
Жайхун белбоғ белига.  
Жаҳон қутлов айтади,  
Термизга, мард элига.

## **СОҒЛОМ АВЛОД**

*(Қўшиқ)*

Соғлом авлод, катта давлат, биз болалар,  
Оналарга қанду новвот, биз болалар.  
Оталарга эрка қувват, биз болалар,  
Эзгуликка мангу даъват, биз болалар.

Баҳор юртда хур чечак биз – соғлом авлод,  
Кўзлардаги нур чечак биз – соғлом авлод.  
Бахт-иқболи кулажак биз – соғлом авлод,  
Хур Ватанга келажак биз – соғлом авлод.

Юрт боғида тетик, соғлом ўсажакмиз,  
Юртбошим бор бедард, бекам ўсажакмиз.  
Иқбол гули боғлам-боғлам ўсажакмиз,  
Эрк, ўзликка ворис, ҳакам ўсажакмиз.

## **КЕЛ, ЭЙ ИЛҲОМ**

Кел, эй илҳом, сенинг билан бўлай маст,  
Ёз эй қалам, кимдан баланд, кимдан паст.  
Сен эй малак, кўнглимга берма шикаст,  
Кел, эй илҳом, сенинг билан бўлай маст.

Уч, эй югрик арғумоғим остимда,  
Қол, эй дунё, шовуллаб сен пастимда.  
Ой, сен чалсам қалқоним бұл дастимда,  
Уч, эй югрик арғумоғим остимда.

Жоним, сен кет мезонлардай эшилиб,  
Руҳим, сен бор булутларга қўшилиб.  
Жигарим, сен завқдан туга тешилиб,  
Жоним, сен кет мезонлардай эшилиб.

\* \* \*

Бир оз тинчлан, шовуллама, Сангардак,  
Бир оҳуни қилдим чама, Сангардак.  
Халал берма ширин дамга, Сангардак,  
Бир оз тинчлан, шовуллама, Сангардак.

У ўтмоқда ёнғоқзорни оралаб,  
Нигоҳлари ўтди кўксим поралаб.  
Оху кетар овчисини яралаб,  
Бир оз тинчлан, шовуллама, Сангардак.

Ғойиб бўлди қирқ кокили эшилиб,  
Кўзим қолди тош деворда тўсилиб.  
Шовқинингга оҳим кетди қўшилиб,  
Бир оз тинчлан, шовуллама, Сангардак.

\* \* \*

Дунё турар зангор куйга шайланиб,  
Ғунча рубобланиб, майса найланиб.  
Кўклам ҳам ўткинчи, қолмас бойланиб,  
Шошил, сен ҳам кет баҳорга айланиб.

Тулпорлар ҳам ипин узди – бўшалди,  
Жала қуйиб, сокин сойлар жўш олди.  
Овлоқларда алвон гуллар тўшалди,  
Шошил, сен ҳам кет баҳорга айланиб.

Ёмғир тушар кокилингдай эшилиб,  
Турна саси ёғар унга қўшилиб.  
Хумор гуллар турар бода нўш қилиб,  
Шошил, сен ҳам кет баҳорга айланиб.

Момогулдур сурпо қоқар фалакда,  
Ҳалинчак сол, сен ипак камалакка.  
Фарзанд бўлсанг дунё деган малакка,  
Шошил, сен ҳам кет баҳорга айланиб.

\* \* \*

Кундан меҳр олдим, табиатдан ранг,  
Табиат меъмордир, ишлари пухта.  
Ўлкам рухсориға ва менга қаранг,  
Бир ажиб монандлик бизда омухта.

Кўзларимдан сурма олмиш оқшоми,  
Сочимда тунининг қоралиғи бор.  
Майсазор қўйнида кутсам дилдорни,  
Уфқидан Ой чиқар, бўлиб рамзи ёр.

Шу гўзал ўлкамнинг икки кокили,  
Аму, Сир тушгандай қорли чўққидан.  
Атлас кўйлак узра ёрим сочи ҳам  
Оқади бошланиб заррин дўшпидан.

Ҳар баҳор тўйбоши ота сингари,  
Табиат беқасам ёпса даламга.  
Шундай беқасамдан айём кунлари  
Тўн қилиб бераман мен ҳам боламга.

Азалий касбим бор, мен ҳам деҳқонман,  
Жон ато этаман тупроққа, тошга.  
Ҳар тонг икки дарё оралиғидан,  
Деҳқон юртим пешвоз чиқар Қуёшга.

Қундан меҳр олдим, табиатдан ранг,  
Табиат меъмодир, ишлари пухта.  
Ўлкам рухсорига ва менга қаранг,  
Бир ажиб монандлик бизда омухта.

## КЕЧ КУЗ ОҶАНГЛАРИ

*(Манзара)*

Уфққа кифт тираб мудрайди тоғлар,  
Осмоннинг назари оғир қўрғошин.  
Эгасиз ҳовлидай бепардоз боғлар,  
Подалар оралар полизлар лошин.

Одимлай бошлайди оҳиста ёмғир,  
Жимирлар ҳудудсиз жигарранг воҳа.  
Водийга болиш бўб ётир олис қир,  
Қарғалар қуюндай тўзғийди гоҳо.

Рутубат оқади борлиқдан совуқ,  
Анҳорнинг лабида заҳарханда муз.  
Тубсиз бўзаради йироғу ёвуқ,  
Тубсиз кенгликларда ўй суради куз.

## ТУТУН

Ҳўл юлғун пояси ёнар чарсиллаб,  
Аёз самоватга ўрлайди тутун.  
Ёнади у вужуд бефигон, бегап,  
Бошқа бир вужуднинг роҳати учун.



Ёнади таратиб ҳузур ҳарорат  
Ва қурбон бўлади у вужуд бутун.  
Олов-ку у қилган улғу мурувват,  
Унинг оҳимикан шу аччиқ тутун.

## КЎЗЛАРИМ

Қора кўзим, ростини айтсам,  
Сен қўлимсан менинг энг буюк.  
Кўтараман сен-ла тоғни ҳам,  
Тариқ мисол кафтингда у юк.  
Агар сени кўкка узатсам,  
Юлдузларнинг олтин тангаси –  
Чўлпон, Миррих, Қароқчилар ҳам  
Меникидир ҳамма-ҳаммаси.  
Ва Ойнинг ҳам оламга ёйиқ,  
Олтин сочин силаб қўяман.  
Юлдузларни йўлига тўкиб,  
Нурли бўсасига тўяман.  
Гоҳ тонгларнинг зар кокилига,  
Булутлардан попук тақаман.  
Оқшомлари Мағриб уфқида,  
Гоҳ Қуёшдан гулхан ёқаман,  
Тоғларнинг чўнг кифтига қоқиб.  
Аллаласам гоҳи-гоҳилар,  
Эркалашим дебми ё таъқиб.  
Дарасида бўзлар оҳулар...  
Эй қопқора кўзларим менинг,  
Айтаверсам хислатларинг мўл.  
Фақат сенсан буткул борлиқни,  
Қалбим сари бошловчи кенг йўл.

## ҚАЕРДАСАН, ИЛҲОМ

Етмаганим бир сиймосан сеҳрли,  
Висол ваъда бир чорловсан меҳрли.  
Борай десам йўлинг мудом муҳрли,  
Қаердасан, қаердасан, гўзалим?

Сени излаб кенгликларга топиндим,  
Гулмисан деб гул кўрпалар ёпиндим.  
Аммо топмай гоҳо тошдим, гоҳ тиндим,  
Қаердасан, қаердасан, гўзалим?

Топиб бер деб туллар сочин силадим,  
Кўзларимда юлдузларни эладим.  
Етказ дея ойдин васлинг тиладим,  
Қаердасан, қаердасан, гўзалим?

Сен деб лоқайд давраларни сўқдим мен,  
Ёлғиз қолиб аччиқ ёшлар тўқдим мен.  
Ўйга ботиб нор тудай чўқдим мен,  
Қаердасан, қаердасан, гўзалим?

Билмай қолдим яхшимми сен, ёмоним,  
Қай бирисан орзумми ё гумоним?  
Қайлардасан, булутмисан, туманим,  
Қаердасан, қаердасан, гўзалим?

Айт, сен несан? Осмон, ҳаёт, ермисан,  
Малакмисан, илонмисан, шермисан?  
Кўксим аро юрагимни ермисан,  
Қаердасан, қаердасан, гўзалим?

## ЛУЛИ БОЛА

Лули бола йўлларимдан қоч,  
Менинг ўзим катта девона.  
Ўрни боқар мендаги саноч,  
Умид қилма сен ундан яна.

Тиланчилик сенга-ку қисмат,  
Туғилгандан насибанг тайёр.  
Меникилар ёзиғи не хат? –  
Ул битик бир Худоба ошкор.

Билсанг, сенга соҳиб кўринган,  
Бир мирқуруқ фалончи ўзим.  
Толеи паст, ҳақир, суринган,  
Сендан баттар тиланчи ўзим.

Сенинг қавминг фақат рост яшар,  
Мен яшайман қавмимдай ёлғон.  
Бугун очдан ўлсам ҳам агар,  
Ўлгум мисли бўккан зодагон.

Бизнинг урф шу – ўлсам мен ҳақда,  
Каззоб қавмим сўқади рост гап.  
Чунки бизда тириклик риё,  
Гўрга кирган фақат ҳақ талаб.

Лули бола йўлларимдан қоч,  
Менинг ўзим катта девона.  
Ўрни боқар мендаги саноч,  
Умид қилма сен ундан яна.

## ЁРЛИҚ ХУСУСИДА МОНОЛОГ

Йиллар тўзонидан оқариб сочим,  
Ётганда оёқ гўр остонасига.  
Шахсий хазинамни келтириб очдим,  
Ғариб ижодимнинг хос хонасига.

Хазинам нима у – эски жомадон,  
Кўкрак нишон бир румб, бор – темир-тақам.  
Турфа фахрий ёрлиқ-тақдирномадан,  
Бўлак ҳар галгидай йўқ бошқа вақам.

Мен ёлгон сўзлашдан қиламан ҳазар,  
Не наф ўзи бунча фахрий ёрлиқдан?  
Умр йўлларимга ташласам назар,  
Суюгим шовшайди муҳтож, хорлиқдан.

Ёрлиқлаш усули Шарқда-ку бор гап,  
Йўқсулга ғанийнинг бу – мулк инъоми.  
Беқадр қоғозга қадринг парчинлаб,  
Шу бахт деб қутлашнинг нима чин номи?

Темур, Хусайнлар даврида, ахир,  
Тан олинса хизмат, тан олинса шеър.  
Иш соҳибин кутган рост ёрлиқ-тақдир,  
Афзалли ё бир от, ё бир таноб ер.

Бу-чи, истибоднинг ёлгон усули,  
Турфа риёларда устувор, ғолиб.  
Фидойи хизматкор мендек ҳар қулни  
Бесамавр ёрлиқлаш қарсақлар чалиб.

Асли ёрлиқ нима? Имтиёз, имкон,  
Аёнларга пешкаш мулклар, дачалар.  
Мен-чи шир қоғозли жўжабирдай жон,  
Менинг ёрлиғим бу нимжонваччалар.

Муслимман, тақдирга шукур қиламан,  
Келажак кунлардан умидим ёруғ.  
Менинг ҳам руҳимни қилажак шодмон,  
Бошимда қилпираб кадр демиш туғ.

Тирикка емак-ку бор табиий таъма,  
Ўлгунча пок ғовзай, аммо нонимни.  
Худойим нокасга муҳтож айлама,  
Иймондан ажратма меҳмон жонимни.

## БИТТА ҚИЗ БОР ТЕРМИЗДА

Сабо елар ўша қизнинг сочларини ёйсам деб,  
Дарё келар ўша қизнинг юзларини чайсам деб.  
Жами малак сиймолари бир ўзида мужассам  
У илоҳий бир тажассум – бор камолат жамулжам.  
Шошил, сизин Термизга эй, ой, юлдуз бор Термизда,  
Юлдузлардан юксак, аммо битта қиз бор Термизда.

Табиатнинг тухфаси у қиз кийиги-охуси,  
Бир кам дунё бўлар эди ўша қизсиз, оҳ, усиз.  
Дарё-дарё, ўша қизнинг сочларидай бурал сен!  
Қуёш-қуёш, ўша қизнинг юзларидан нур ол сен!  
Шошил, сизин Термизга эй, ой, юлдуз бор Термизда,  
Юлдузлардан юксак, аммо битта қиз бор Термизда.

Кўш зухродай кўзи ёруғ, булбул монанд товуши,  
Қизлар аро ўзи танҳо гўё қушлар товуси.  
Дунё уч ой сўрар ҳар йил ўша қиздан баҳорни,  
Ўша қиз йил – ўн икки ой баҳор қилар шаҳарни.  
Шошил, сизин Термизга эй, ой, юлдуз бор Термизда,  
Юлдузлардан юксак, аммо битта қиз бор Термизда.

## ПАЙҒАМБАР ЁШИГА ЕТГАНЛАРГА

Пайғамбар қирқ ёшда пайғамбар бўлган,  
Илоҳи олийдан пайғомлар бўлган.  
Олтмиш учда фано муддати тўлган,  
Олтмиш уч бу ёлғиз пайғамбар ёши.

Наби ҳам, уммат ҳам худога банда,  
Ҳар ким тақдирини яшар бир танда.  
Ким бунда, ким унда бўлмай арзанда,  
Барига Оллоҳнинг бор ўлчар тоши.

Инсон яшай берар асрдан ошиб,  
Умматга камолат пайғамбар ёши.  
Ахир умр деган Худодан насиб,  
Режалаган барин ўша ишбоши.

Набиуллоҳ ёши олтмиш уч қутлуғ,  
Иккинчи олтмишга босган уч қутлуғ.  
Жисмингизда баравж қувват-куч қутлуғ,  
Бир кун юз бойларга бўлинг юз боши.

## ЯРАШАР

Қиблагоҳ оталар-оналар азиз,  
Болаликлар кечган хоналар азиз.  
Умрни жамлаган саналар азиз,  
Азиз умрларга назм ярашар.

Таваллуд жойлари дала-дашт, дарбанд,  
Миллиён тақдирларнинг биридир гарчанд.  
Бир уйда туғилиб, бир юртга фарзанд,  
Бўлолган зотларга таъзим ярашар.

Жон борки бир корга муаллим бўлади,  
Бўладиган бошдан маълум бўлади.  
Биров ғофил, биров олим бўлади,  
Мақсад мардларига разм ярашар.

Минбарда ҳар ваъзгир устоз эҳтимол,  
Толиблар кўнглида минг битта савол.  
Устоз у юракни ким этса ишғол,  
Ўшанга унвони азим ярашар.

Халқинг доим йўқлаб: – «эй сен» деб турса,  
Хизматинг элингга эҳсон деб турса.  
Болам-а, доим бўл эсон деб турса,  
Шундай юрт ўғлига таъзим ярашар.

Қайдаки эзгулик жаббор даргоҳи,  
Барчага шафоат этсин илоҳи.  
Меҳр-мурувватнинг ким битта шоҳи,  
Ки унинг шаънига назм ярашар.

## **ИСТИҚЛОЛДАН ИЛК ТУҲФА БУ ОЛИЙ ДОРИЛФУНУН**

*(Академик Н. Тўраева)*

Юртга оқ иқбол бўлиб чиқажак энди ҳар кун,  
Озод юрт ечиб боргай дилда бўлса не тугун.  
Расул демиш ҳадисда: – «ҳар кунинг наврўз бўлсин»,  
Қутлуғ бўлсин юртдошлар, чин маборак кун бугун,  
Истиқлолдан илк туҳфа бу олий дорилфунун,

Мустақиллик тифидан синди кишан, қолиплар.  
Ўзбекнинг ўз байроғин ҳилпиратди толиблар,  
Бир жону бир тан бўлган сиз устозлар, толиблар.  
Қутлуғ бўлсин юртдошлар, чин муборак кун бугун,  
Истиқлолдан илк туҳфа бу олий дорилфунун.

Инсон вақт бозорида минг йиллар деб «пўш-пўшт»ни,  
Борди Масиҳ, Буддага алмаштириб Зардуштни.  
Ислому ва илмдан зўр лек топмади чин дўстни,  
Қутлуғ бўлсин юртдошлар, чин муборак кун бугун,  
Истиқлолдан илк туҳфа бу олий дорилфунун.

Энди бошлайлик юртга фидо умрдан дарсни,  
Шу тенгсиз Ватан ҳам мулк, олгин темирдан дарсни.  
Бори туркнинг арслони улуғ Темурдан дарсни,  
Қутлуғ бўлсин юртдошлар, чин муборак кун бугун,  
Истиқлолдан илк туҳфа бу олий дорилфунун.

Истибдоднинг итлари боз қон тусаб турса ҳам,  
Миллати йўқ, дини йўқ сотқин писиб турса ҳам.  
Қай махфийчи енгада пичоқ қисиб турса ҳам,  
Қутлуғ бўлсин юртдошлар, чин муборак кун бугун,  
Истиқлолдан илк туҳфа бу олий дорилфунун.

Бу тонг Турон тонгидир, қайта бу кун ботмайди,  
Туркий улус жам бўлса дунёни бошатмайди.  
Хушёр бўлинг истибдод малайлари ётмайди,  
Қутлуғ бўлсин юртдошлар, чин муборак кун бугун,  
Истиқлолдан илк туҳфа бу олий дорилфунун.

Шукр, шу кунлар учун Худога минг бир хазар,  
Истиқлол илҳомидан Шафоат шод шеър ёзар.  
Бу олий маскан сари толедан тушган назар,  
Қутлуғ бўлсин юртдошлар, чин муборак кун бугун,  
Истиқлолдан илк туҳфа бу олий дорилфунун.

## **ЖИГИ-ЖИГИ**

Қадамингга гул сўрадим баҳордан,  
Таърифингга тил сўрадим шакардан.  
Изинг олиб чиқдим шомдан, саҳардан,  
Қайлардасан, қуралайкўз суйгим,  
Жиги-жиги, ой қучоқ қиз кийгим.

Сайрон айла кўксимдаги қатларда,  
Жуфтлиқ иқбол, кулфат қисмат тоқларга.  
Қўш энайлик тунжираган қоқларга,  
Қайлардасан, қуралайкўз суйгим,  
Жиги-жиги, ой қучоқ қиз кийгим.



Тун чимилдик, еллар шарпанг насими,  
Фалакда ой висол шамин исими.  
Сен, мен, олам ёлғиз – бу ишқ расими,  
Қайлардасан, қуралайкүз суйигим,  
Жиги-жиги, ой қучоқ қиз кийигим.

## ЗАМОНА, БУ ЗАМОНА

Расул, Аҳмад, Боқирғон,  
Боқмас қаён чақирғон.  
Жабажо шайтон урган,  
Замона, бу замона.

Иймондан устун ақл,  
Инсоф идиши чил-чил.  
Нафс султони мустақил,  
Замона, бу замона.

Ёлғон, хиёнат, тоат,  
Илми риё-эйтиқод.  
Манфаат-о, манфаат,  
Замона, бу замона.

Елкада кўчу кўрон,  
Бозорда олгин, уран.  
Чайқовда «Инжил», «Қуръон»,  
Замона, бу замона.

Жанозада мусулмон,  
Чун хатнаги махлуқон.  
Рухдан жудо оломон,  
Замона, бу замона.

Аралаш кин, қон, хуруш,  
Танфуруш, ғояфуруш.  
Қаср қуриш, «қарс» уриш,  
Замона, бу замона.

Шафоат хукми ҳақ бор,  
Қисмати муҳаққақ ёр.  
Юпанч бир – Аллоҳ Акбар,  
Замона, бу замона.

\* \* \*

Кунлар ҳайдаб бормоқда,  
Ҳай-ҳайлаб одамларни.  
Товонларни босмоқда,  
Унинг зил қадамлари.  
Ҳайдаб бормоқда ундан  
Ҳам зулм, ҳам ҳимоя,  
Бировга гўрков бўлиб,  
Бировга бўлиб доя.

\* \* \*

Қайтмас бўлиб кетдинг ул кун ёнимдан,  
Мен қолдим жазмингдан ўзни йўқотиб.  
Орқангга бир бора қарамадинг ҳам  
Уфқнинг ортига кетгунча ботиб.  
Бугун олисларда кечар ҳаётинг,  
Сени эслаган дам мен ўксик, ғариб.  
Ул кетган йўлингга боқсам нигоҳим,  
Уфқ деворига урилар бориб.

## БОЛАМ

*(Қизим Нодирага)*

Яхшиларни айлагил ёд,  
Ёмонларни ҳақ сўз-ла от.  
Гўзалликка кўзларинг сот,  
Гўдак болам, гўлдак болам.

Юрт сўзига жавоб айла,  
Ҳар не деса савоб айла.  
Эл нонини тавоб айла,  
Ўйчан болам, бўйчан болам.

Давраларнинг хушрўйи бўл,  
Гулбоғларнинг хуш бўйи бўл.  
Ҳамиша камтар, қуйи бўл,  
Оқил болам, ошпоқ болам.

Шу юртнинг сен бир ушоғи,  
Қўзичоқларин қўшоғи.  
Жигари, эрка, юмшоғи,  
Ширин болам, ширмон болам.

## ЎЗБЕКИСТОН ЎЗИНГ ЯГОНА

Ватанлар кўп, Ватан Ер шари,  
Ватанлар кўп, минг хил номлари.  
Ватанлар кўп, гўзалдир бари,  
Мен талпингум фақат сен сари.

Ўзбекистон, ўзинг ягона,  
Мангу чорлов, мангу тарона.  
Эй Ватан она – тенгсиз ягона,  
Ўзбекистоним – озода кошона.

Кетар бўлсам бағрингдан йироқ,  
Мен оламан бир ҳовуч тупроқ.  
Қийнар бўлса соғинч ва фироқ,  
Ўша тупроқ таскиндир, бироқ.

Ўзбекистон, ўзинг ягона,  
Мангу чорлов, мангу тарона.  
Эй Ватан она – тенгсиз ягона,  
Ўзбекистоним озод кошона.

Сен умримнинг севинчи, оҳи,  
Орзу қилсам орзумнинг шоҳи.  
Сажда қилсам дуом илоҳи,  
Увол-савобимнинг гувоҳи.

Ўзбекистон, ўзинг ягона.  
Мангу чорлов, мангу тарона.  
Эй Ватан она – тенгсиз ягона,  
Ўзбекистоним – озод кошона.

## **ДУНЁДА МЕН ТОПГАН ЭНГ ОЛИЙ ҚАДР**

Дунёга кўз очиб келган палладан,  
Онажоним айтган мунис алладан,  
Ватан вужудимга жон бўб таралган,  
Ватан юрагимда собит ёралган.  
Ватан Боботоғим, Ватан Оролим,  
Ватан даштларимда кезган маролим.  
Ватан мен ов қилган тоғларнинг зови,  
Ватан у қирдаги бобом ўтови.  
    Авлодимга бешик, аждодимга қабр,  
    Шу она Ватандир, озод Ватандир.  
    Дунёда мен топган энг олий қадр,  
    Фақат шу муқаддас Ватанга тандир.

Ватаннинг тупроғи илоҳий ифор,  
Бағрига бош қўйсам онам иси бор.  
Мен оппоқ Ватанни сут ила ичдим,  
Шу азиз Ватансиз мен ахир ҳеч ким.  
Хорижий сафларда юксалтсам байроқ,  
Жаҳон минбарида гар тилим сайроқ.  
Ватанга дахлдор ва тан аъмолим,  
Тил, Туғром, Байроғим – Ватан жамолим.  
Авлодимга бешик, аждодимга қабр.  
Шу она Ватандир, озод Ватандир.  
Дунёда мен топган энг олий қадр,  
Фақат шу муқаддас Ватанга тандир.

## ҚАҚНУС

Қоралар ичида оққуш қақнусим,  
Галалар ичида тоққуш қақнусим,  
Риёлар ичида ҳаққуш қақнусим,  
Оққушим, тоққушим, ҳаққуш қақнусим.

Жисминг тилка-тилка ишқнинг тифида,  
Тилинг сайроқда-ю қалбинг йиғида,  
Жаҳон жонингда-ю жон бўғзингдая.  
Оққушим, тоққушим, ҳаққуш қақнусим.

Субҳу савтларингдан чекилсин зулмат,  
Нақши пешравингдан сурилсин иллат,  
Эй мусиқий давлат – илоҳий миллат,  
Оққушим, тоққушим, ҳаққуш қақнусим.

То сенсиз оламда товуш бўлмасин,  
Боғларда булбулу товус бўлмасин.  
Товбан васфингсиз то ишқ бўлмасин,  
Оққушим, тоққушим, ҳаққуш қақнусим.

## ИККИНЧИ МАНЗИЛ



## МЕНИНГ АВЕСТАМ

*(Монологлар ва диалоглар китоби)*

*ДЕБОЧА 1973-76*

Чўпон бўлган отам ҳам онам,  
Тоғу тошлар бўлган маскани.  
Чўпонликни севардим мен ҳам,  
Хушхон қилди тақдирим мани.  
Чўлда ўтди шўх болалигим,  
Шарафлардим ота касбимни.  
Сурув-сурув қўй боқар эдим,  
Гижинглатиб тўриқ аспимни.  
Кўзиларни эркалар эдим,  
Ўпар эдим чўл лолаларин.  
Чўлнинг қанча неъматин едим,  
Тинглаб қанча қуш нолаларин.  
Энди кўрсам лола юзларни,  
Ёдга тушар ўша лолалар.  
Зангор кўзли шимол қизлари,  
Чучмомаларни эслатар.  
Ўтзор денгиз, сузади қўйлар,  
Бепоендир чўлим, кўрагим.  
Кўкда тизгин турна «кур-ей»лар,  
«Чирт-чирт» ўтлар ёнда тўригим.  
Мен ётардим эгар бошимда,  
Шу чоқ янграр тепамда бир най.  
Бу най таниш гўдак ёшимдан,  
У кенгликлар куйчиси тўрғай.  
Хаёлларим жам бўлар шунда,  
Менинг ўйноқ кўзларим тўхтар.  
Банд этадир мурғак вужудим,  
Кўк тоқида турган у нуқта.  
Тўрғай турар кўкда муаллақ,  
Мисли тилсим палахмон тоши.  
Осмон зангор кўзу ғамга лиқ,  
Тўрғайми ё бир томчи ёши?  
Йўқ, у фақат тўрғайнинг ўзи,  
Кўкда тушган ипсиз туюққа.  
Унга боқар борлиқнинг кўзи,

Кетолмас у энди узоққа.  
Сайрайди у, тинмай сайрайди,  
Шу чоқ уни тинглайди олам.  
Тинглайди бу сеҳрли найни,  
Хатто менинг тўриқ отим ҳам.  
Тўрғай кўрар борлиқ-ла баҳам.  
Неки бўлса митти дилида.  
Қани эди шу чоқ тушунсам,  
Лоақал шу тўрғай тилига.  
У шодлигин айтаяптими,  
Сайроғими ёки ғам куйи?  
Бу чўлларда у бахт топдим,  
Бузилганми ё унинг уйи?  
Бўшалгандек гўё тузоқдан,  
Тўрғай пастлаб қўнганда аста.  
Мен жўнадим у қўнган ёққа,  
Инда уни кўрмоқ ҳавас-да.  
Борсам ётар Турсуной мисол,  
Қонга ботиб тўрғайим бежон.  
Боқар мендан кутгандек савол,  
Мағрур қотил илон совуқдон.  
Қайтдим шунда бағрим бўлиб сув,  
Қалбим қийнаб ҳаётнинг ўйи.  
Кўз ўнгимда илон турқи-ю,  
Қулоғимда тўрғайнинг куйи.  
Шундан бери кўп вақтлар ўтди,  
Унутмадим у кўчни сира.  
Чалмоқ бўлиб тўрғай куйини,  
Қўлга олдим шу кун дўмбира.  
Чўпон бўлган отам ҳам онам,  
Бўлмоқчийдим чўпон улардай.  
Лекин мени айлади хушхон,  
Шу чўпонлик ва куйчи тўрғай.



\* \* \*

Термизий дахмаси оша бўйласам,  
Навоний мақбари турар кўриниб.  
Амунинг ўйноқи тўлқинидан ҳам,  
Собир ғазалининг урар сўрини.  
Сўзнинг султонлари тушмагай тахтдан,  
Отсизлар йўқ бўлиб кетди-ку отсиз.  
Дуо қилинг, ич деб илҳомий бахтдан,  
Юртдошлар Навоний, Адиб Собир сиз.  
Мен энди бошладим қалам йўнишни,  
Шу ишга мойилкан юрак ва имон.  
Гоҳида билолмам қайга қўнишни,  
Мавзу осмонида учаман ҳайрон.  
Ранг ва оҳанглардан тўқилган олам,  
Қалбимга соларкан бир ажиб наво.  
Ҳаяжонларимни айтаман кам-кам,  
Тўқис шоирликни қилмайман даво.  
Боботоғ, Кўҳитанг оралиғидан,  
Ортгирсам етади бир-икки муҳлис.  
Илҳомим-ла ёлғиз қолганимда ман,  
Шуларнинг даврасин доим қилгум ҳис.  
Мунаққид не деса, мен унга таслим,  
Байтларимнинг ҳали балоғати кам.  
Ёшлик шўхлигидан холи дамларнинг,  
Мулоҳазаси бу менинг Авестам.

## КОИНОТ ҲАҚИДА МОНОЛОГ

Кўп вақтлар бўлдим мен нодон мунажжим,  
Туркумларни номлаб қўйдим таваккал.  
Юлдузлар равшанроқ порлагандаким,  
Бу менга зафар деб қилдим жанг-жадал.  
Мангу фонусларим – Ой ҳам Қуёшим,  
Гоҳида тўсатдан қолса тутилиб.  
Уларга хайрихоҳ қозонлар чалдим,  
У қора балодан кет деб қутилиб.  
Қуйруқли юлдузлар кўрсам фазода,  
Шарҳладим гоҳ офат даракчиси деб.

Ақлим ғуборлардан бұлди озода,  
Мангу ўргатувчи вақт пандини еб.  
Бугун миллион бора ўткир кўзларим,  
Коинотни тинглар қулоқларим ҳам.  
Мен шаррос ўқийман нурнинг сўзларин,  
Мен само харитасин тузолган одам.  
Юз миллиард, минг миллиард йиллик ўтмишни,  
Гоҳида қоламан титкилаб, сўраб.  
Ўн беш миллиардгина йилким куймишдир,  
Галактика уран соатин бураб.  
Ўн беш миллиард йиллар бошида бўлган,  
Дейдир бу гардунда буюк бир портлаш.  
Ўн беш миллиард йилким чексизлик сари,  
Бизнинг Галактика олиб бормиш бош.  
Чексиз йиллардан сўнг Ер фараандларин  
Камолин чўққиси мен бўлдим худди.  
Ечдим қуёш уйим қўп жумбоқларин,  
Эндиги мўлжалим само худуди.  
Сомон йўллари-ку доимий сирдош,  
Ҳамсоя экан Андромедалар.  
Биллион йиллик йўлдан олис самодош –  
Чақирадир бугун минглаб квазар.  
Шу буюк кенгликнинг замирида ҳам  
Буюк бир боғланиш, буюк бир мазмун.  
Қуёшдан то кичик бир заррага қадар,  
Ҳаракат, курашда яшамоқ учун.  
Олам ғилдираги тўхтамас бир он,  
Коинот соати чалар қўнғироқ.  
Бу соатнинг ўзи бир бутун жаҳон,  
Миллари қадамин тезлигига боқ.  
Мен агар ёзсайдим Ер йилларини  
Миллионга ноли бор рақамлар билан.  
Шунда ҳам миллион бор қисқа бўларди  
Коинот соатин бир секундидан.  
Фазо кенгликлари бўйлаб юурса,  
Дам олса ҳам нурнинг патига қўниб.  
Тезликлар ичра энг учкур хаёл  
Сўнгсиз кенгликларда қолгуси сўниб.  
У шундай бепоен бир улкан жисм,

Унинг бир гардидир Галактика ҳам.  
Унинг атомидир биз қўйган исм –  
Қуёш системаси дейишимиз олам  
Айланар шу атом теварагида.  
Бизларнинг Ер демиш нейтрон зарра,  
Ёзаман ақлимнинг телескопи-ла  
Мен уни кузатиб миллион карра.

## ОЛОВ ҲАҚИДА МОНОЛОГ

Коинот қишлоғин чироқзорлари –  
Юлдузлар-ку ҳар кеч кўзимга меҳмон.  
Муқаддас ҳамроҳим, бетимсол пари –  
Ўт, сенинг қўшиғинг бошладим бу он,  
Гоҳ сени дедим мен борлиққа асос.  
Гоҳ дедим тўрт асос аро бир унсур.  
Кичик сўровим бор шунга қулоқ ос,  
Вужудимда ҳали кўп вақт ёниб тур.  
Айтар гапларимни айтиб олайин,  
Ўтнигоҳ у қизга, кетган куйдириб.  
Оташин куйимни чертиб қолайин,  
Не ажаб, шу куйим қўйса суйдириб.  
Ўзингга ҳам айтар гапларим бор жўн,  
Ўзингдан майда бу гапларим бари.  
Менинг ҳақ ҳукимини рад эт, хоҳи кўн,  
Сенда-ку кўп азал ақидалари.  
Гап бу ким, ўчоқдан чиқса бир чўғинг,  
Сенинг қўшиғингни бошлайди шолча.  
Зулматни савалар нур демиш ўқинг,  
Сен-ку кўп мўминсан гоҳ эса ғалча.  
Гоҳ сен-ла не илож рўй-рост куйдирдим,  
Душманам лаҳча-ла сийласа мени.  
Ўзда йўқ севиндим, даҳшатга тушдим,  
Атом қудратида жо кўргач сени.  
Гоҳида бўлдинг сен аждар аланга,  
Гоҳ зулмат қасрида бир тешик шуъла.  
Танҳолик дардидан адо бир дамда,  
Шу шуъла айтди бир нажот ашула.

Шаббода ўчириб кетса шамимни,  
Ху олис сен сари чопдим кўп, ахир.  
Ямлаб қўяр эди мендек ғанимни,  
Саломсиз кирсам ул ялмоғиз кампир.  
«Ўт балонгдан сақла» деб гоҳо онам,  
Киссамга соларди чақмоқ тошимни.  
Гулханим, сен билан кўп сафарлардан,  
Саломат кўтариб қайтдим бошимни.  
Қайлигим келган кун «ёр-ёр» ичида  
Йулига қурдилар сендан дарвоза.  
Уялиб ўша кун катта-кичикдан,  
Бир олов шаробдан маст эдим тоза.  
У қувонч кунлари севинчларимни  
Машғалалар билан кўкларга отдим.  
Тирикликнинг бутун аччиқ-чучугин,  
Муқаддас ҳамроҳим сен билан тотдим.  
Шунингчун уйимдан изинг ўчмагай,  
Сен – зулмат душманин қўйгайман ёқиб.  
Аммо маст норингда дўстлар кўчмагай,  
Ўтбоз сарбонларни қилгайман таъқиб.  
Шарафлар сенга эй, муқаддас олов,  
Ерни ватан тутган қуёш парчаси.  
Интизор кўзларим этавергил ов,  
Олис чироқларнинг кичик шарчаси.  
Ва хайр барчага баробар меҳр,  
Башар лашкарининг тирик байроғи.  
Келишмаган бўлса қўшигим кечир,  
Ҳаваскор куйчининг қурби шу чоғи.

## ТУПРОҚ ҲАҚИДА МОНОЛОГ

Ноўрин гап айтсам кечиргин, олдин,  
Менинг иссиқгинам, алла тўшагим.  
Тилим чиқиб, катта ўғил бўлиб қолдим,  
Шу шеърим шаънинга малла тўшагим.  
Оёғини кўмиб том қилдим сендан,  
Мўъжаз кулбамизга қилиб гоҳ тақлид.  
Афту башарамни чанг қилдим сендан,

«Кўрқоқ» укаларга қилишчун таҳдид.  
Гоҳо сувга бориб, сувим ярмини  
Куйган оёғимга қуйиб қайтганман.  
Уялганман шунда онам дадамга.  
«Бунингиз нодон» деб суйиб айтгандан.  
Ҳовлилар, ариқлар кўрганман қанча,  
«Қовун» ўйинларин бир-бир санайми?  
Мурғак вужудимни сен бирла кўмиб,  
«Ўлма-қиз» ўйнаган дамдан тонайми?  
Одам бўлиб қолдим белкурак ушлаб,  
Томорқа кулоғин ўзим очган кун.  
Сен билан ўтказдим умрни хушлаб,  
Ўзингга ром қилиб олган сўнг бутун.  
Қўлимдан тушса гар битга бошоғим,  
Уни мингга қилиб урдирасан ниш.  
Эй, турган-битганинг мўъжиза чоғим,  
Менинг онагинам бепоён юмуш.  
Омочимни унут қолдирсам бугун,  
Шуни ҳам қўясан индин кўкартиб.  
Саховатингдан-ку мен абад мамнун,  
Иштаҳанг ҳам эрур буюк бир тартиб.  
Не тушса дамингга қиласан ҳазм,  
Ҳатто ўлаксалар ётса ҳам сасиб.  
Оғуларга ҳам сен балои азим,  
Не бўлса йўқ қилгунг бағринга босиб.  
Миллиард йиллардирким сўзинг иккита,  
Турасан доимо ҳам «ол», ҳам «бер» деб.  
Ақлимни танигач ном қўйдим сенга,  
Мижозингга монанд «она», деб «ер» деб.  
Фақат сен эурсан мутлоқ тириклик,  
Мангулик равомас бошқа ҳеч кимга.  
Не мангу деганим бўлиб чириклик,  
Йўқ бўлиб кетдилар сенинг ҳукмингда.  
«Муқаддас» жойлардан гоҳ ташиб сени,  
Ялардим, дилимда жаннат умиди.  
Нодонлик не куйга солмади мени,  
Замонлар ҳам у пайт қаттол шум эди.  
Мен бугун яратдим сенинг бағрингда,  
Ўзимга энг гўзал жаннат-чаманлар.

Илоҳ тулпоридек мукамал эрур,  
Мен ўзим яратган пўлат саманлар.  
Арши аълолар-ку бир орзу экан,  
Мен сендан яратдим юксак аршимни.  
Ўзимни ҳали кўп кашф этаман,  
Ҳали кўп чаламан голиб маршимни.  
Сен мени кашф этдинг, мени ҳам ўзингдай,  
Кетмоним қўлимда кашфиётчингман.  
Олу бер сўзим-ку сенинг сўзингдай,  
Сен мудроқ, мен эса тез ҳаётчингман.

## СУВ ҲАҚИДА МОНОЛОГ

Чақмоқ сўнг гумбурлар момоқалдироқ,  
Шеър деб чапагини бошлар томчилар.  
Сирдош фикрлар ҳам ҳар ёндан шу чоқ,  
«Сув» шеърингни ўқи дея қамчилар.  
Сув-ла рўёб этдим мақсад-аҳдимни,  
Сузиб кетдим мен гоҳ орзулар сари.  
Олтин балиқлардан сўрдим бахтимни,  
Ёр бўлди менга гоҳ не-не сув пари.  
Дарёлар гирдоби бўқирса агар,  
Мол сўйиб ташламоқ одатим қадим.  
Қурбонлик қони-ла ул сувдан келар  
Балолар оқзини гўё боғладим.  
Даҳшатли селларда неча бор ўлдим,  
Тошқинлар кўп кулфат солди бошимга.  
Лекин мен сув билан доим дўст бўлдим,  
Ўтовимни тикдим мудом қошига.  
Вужудда ўт боркан чанқоқ инсонман,  
Бир дам яшамадим сувни ўйламай.  
Ху, унда дунёнинг уммонларига,  
Энг буюк тоғлар ҳам кетар бўйламай.  
Қуруқлик ўғлийдим, болалик чоғдан,  
Ошнодир дарёлар, бори чучук сув.  
Шўртак уммонларнинг чексизлигидан,  
Сафаргир қалбимга оқди кўп қўрқув.

Лек олис сафарга қилолдим журъат,  
Кўрдим буюклигим завқини тотиб.  
Ерни кўтаришга маҳжум этилган,  
Ҳўкиз, балиқларни қайтгач бўшатиб.  
Қуруқлик сувлари энди изимда,  
Уни мақсад сари буриб олдим мен.  
«Қайга борсам, юр деб менинг изимдан,  
Сенинг дарғангман»-деб туриб олдим мен.  
Энди мен хоҳласам табаррук замин,  
Кўп гулсиз нуқтанга чечак тақаман.  
Содиқ хизматкорим – сувим бор маним,  
Истаган нуқтанга чироқ ёқаман.  
Шулардир ютугим – шулар учун ҳам  
Юрибман ўзимни буюк деб суйиб.  
Ҳали шундай қилай мен истаган дам,  
Булутлар гулимга кетсин сув қуйиб.  
Сахролар бошига келтириб қўяй,  
Антарктиданинг муз тоғларини.  
Зангори денгизлар яратиб суяй  
Ўзимнинг жаннатий гулбоғларимни.  
Уммонлар ортидан бўйлаган чоғда,  
Ул менинг севганим олтин саҳарлар.  
Уммонлар остидан ишга чорласин,  
Ўзимнинг қурганим пўлат шаҳарлар.  
Юзлаб ракеталар карвонларида  
Ойга ҳам таширман бир кун балки сув.  
Олис келажакнинг давронларида,  
Не ажаб, у бўлса бир диёр сулув.  
Мен боравераман мақсадим сари,  
Қудратим рамзидир ўроқ-болғалар.  
Менга бўйин эгиб қолгуси бари,  
Ҳали асов юрган буюк долғалар.

## ҲАВО ҲАҶИДА МОНОЛОГ

Қайларга бормайин тепамда доим,  
Сен мисли зўр гумбаз зангор жўшали.  
Дунёнинг худудсиз уммонлари ҳам  
Бошига том этган сендек гўшани.  
Минг чақирим келгувчи қалин тўн билан  
Курраи қутлугни турасан ўраб.  
Фалақдан келгувчи дайди тошларни  
Ўзингсан тургувчи парчалаб-сўраб.  
Менинг-ку бисотим сенинг бағрингда,  
Сен, ахир, ўзимни яратган уммон.  
Сендан ажрасам гар сувсиз балиқдек,  
Икки минут берар ўлмоққа имкон.  
Гоҳо сафарчилар дуч келса сўргум,  
«Қалай, деб у юртда нарх билан ҳаво?»  
Хилват кучоқларинг сари юз бурдим,  
Ҳорғин вужудимга гоҳ излаб даво.  
Тоғларнинг бағрида, булоқ бошида  
Сен мени кутардинг шаффоф ва тоза.  
Гоҳ ёвлар кўп кулфат солди бошимга,  
Сендан маҳрум этиб – беришиб жазо,  
Бўғзимни қисди ўшанда сиртмоқ.  
Сен эса борардинг қорайиб, тўниб,  
Уфқдан қайтган у сўнгги аксинг ҳам  
Кўзларим ичида қолдилар сўниб.  
Гоҳ сен айлангирдинг тегирмонимни,  
Гоҳ тортмай донимни қолдирдинг дўлда.  
Совуриб кетдинг гоҳ хонумонимни,  
Ўргата олмадим сени ҳеч қўлга.  
Улашиб ўйнайсан гоҳ гул бўйларин,  
Узу кун ёгасан гоҳо мудраб.  
Гоҳида ҳуриллаб, бузиб ўйларим,  
Қайларга юр дейсан, аста судраб.  
Бокира қизларнинг дудоқларин ҳам  
Бемалол ўпмоқлик сенга ихтиёр.  
Ёрнинг висолига етмаганим дам,  
Шаббода бўлсам, деб ёздим кўп ашғор.



Сўз билан айтилмас ҳисларим менинг,  
Қалбимда бўлган кун бир унсиз наво.  
Мен найни кашф этдим, мунис туйғумни,  
Шу най-ла айтган ҳам сен эдинг ҳаво.  
Гоҳо оғушингда сузмоқ истадим,  
Анов сузаётган булутлар қадар.  
Қушлардек эркинлик эди истагим  
Ва олис юртлардан топмоқлик хабар.  
Учар гиламларда учдим хаёлан,  
Майналар ташиди ёзган хатимни.  
Яшадим мен буюк орзулар билан  
Ва бугун яратдим учқур отимни.  
Отимга тенг эмас қирғий лочинлар,  
Орзуларим қадар у учқур, ўктам.  
Жиловин тўғрилаб бир қистасам гар,  
Етказар у Ойнинг ййловига ҳам.  
Сен ҳаёт тарвузин ноёб пўчоғи,  
Мангу эмизигим – эй уммони сут,  
Янги бир қўшиқни бошлашчун тагин  
Сенинг мавзуйингдан қиламан сукут.

## ИНСОН ҲАҚИДА МОНОЛОГ

Миллиард-миллиард йилким, эй она замин,  
Тириклик боғига ўзингсан посбон.  
Миллион йилким ҳаёт шажарасининг  
Камол сўқмоғидан келдим мен – инсон.  
Тош билан ўлжамга ташланган куни,  
Мен ўша қадимий Австралапетик.  
Она табиатга тик айтдим шуни,  
«Энди қўймагайсан имконимга чек».  
Ҳам жисман, ҳам руҳан бўлдим такомил,  
Ўткирлаша борди сангин қуролим.  
Имо тухумидан кўкартирдим тил,  
Форлардан ўзимга кулба қуролдим.  
Топганим ўртада умум дастурхон,

Аёллар васли ҳам гоҳо умумий.  
Оқсоқол вақт деди бир кун: «ҳой инсон,  
Энди сен ибонинг либосини кий!»  
Тошлар варағига битдим мен дoston,  
Бардошим синади не муз фасллар.  
Билар ривож йўлим бўлмаган осон,  
Унут устухоним ўқиб насллар.  
Кучлидан йиғладим, кучсизни урдим,  
Қабиламни йиғиб туздим гоҳ давлат.  
Қанча эшикларда қул бўлиб юрдим,  
Подшоҳлик тахтидан гоҳ тўқдим савлат.  
Гоҳида алдадим, алдандим гоҳо,  
Ҳақлик нишонига йўлладим ўқим.  
Итоат этдирдим асов руҳимни,  
Илми илоҳдан уриб эътиқод-тўқим.  
Ҳисобсиз давлатлар туздим ва буздим,  
Ҳатто кўп тилларим кетдилар ўлиб.  
Дарё эди менда тажриба тўзим,  
Билимим денгизи борарди тўлиб.  
Билсам ёнгинамда юришар экан,  
Дунё қонунлари «мени топ-чи?»лаб.  
Не бахтки буюк бир кашфимга бўлган,  
Бир олма узилиб тушиши сабаб.  
Гоҳ қайда ҳақиқат, қайда бахт сири,  
Доб ёздим минг-минглаб чалкаш фалсафа.  
Эй, сен қаердасан адолат асри,  
Менга бахт маёғин кўрсат илк даъфа.  
Минг йиллик орзумнинг жамлаб барини,  
Чорласин маёқдан бир куч илоҳий.  
Унутай тириклик алдоқларини,  
У маёққа бошла қани сен доҳий.  
Мана ярмим етди орзулар рўёб,  
Доно йўлбошчилар, сизларга балли.  
Лекин қай жойларда баданим бўёб,  
Авратим бекитмай юрибман ҳали.  
Шу она заминда қадамим ҳатто,  
Етмаган жойлар бор минг-минг чақирим.  
Сир эмас қудратли темир қанотда,  
Ул куни юлдузлар ёнига учдим.

Мен энди дономан, ҳали нодонман,  
Шу улуг йўлимда ёр бўлсин тўзим.  
Яхшиликнинг ўктам овози билан  
Шарафлай берайин ўзимни-ўзим.

## АЁЛ ҲАҚИДА МОНОЛОГ

Илҳом санамлари – илоҳ қизлари,  
Байтларимга бугун бир оташ солинг.  
Таърифин қилайин ҳаёт заргари,  
Муқаддас маъбуда, улуг аёлнинг.  
Аёл, сенинг сиймонг турар қаршимда,  
Гоҳ оталар мисол сен ёвқур ўктам.  
Замонларнинг ҳукми тескари зумда,  
Гоҳ сени кўраман ночор муте ҳам.  
Рақиб эр бошини фарқ этдинг қонга,  
Қасос майдонида бўлиб Тўмарис.  
Бир васлинг баробар бўлди гоҳ жонга,  
Ҳуснинг Клеопатра шунчалар иблис.  
Гоҳ сенга шоҳликнинг пар тўшагидан,  
Жаннат эди севган қулинг кучоғи.  
Не-не олишувда ғолиб чиқдинг сен,  
Қўлингда ўйнагач макр пичоғи.  
Искандар уддалай олмаган ишни,  
Қилдинг, бу сенга келтирмади шон.  
Бир шухратий рашкла жипслаб тишни,  
Не эрлар бошини кесолдинг осон.  
Гоҳо сен овутдинг Шаҳризод бўлиб,  
Ул ўзинг топтаган эрлар гурурин.  
Гоҳо хазон бўлдинг очилмай сўлиб,  
Дунёда тополмай эркинга ўрин.  
Мукамал чиройинг – зафар байроғинг,  
Ҳар не муддаонинг эди зўр сеҳри.  
Шамдек гуноҳингдан ўтди фарзандлар,  
Қуёш қадар бўлгач оналик меҳринг.  
Зулмат ўрмонида йўлсиз одамзод,  
Жовдираб турганда бир йўлчига зор.  
Туғриқ тўшагидан сен хитоб қилдинг:  
«Кутинг, болаларим у ҳам менда бор!»

Гоҳо тубан зотлар: нодон, фаҳш, мурдор –  
Эркинг душманларин ташладинг туғиб.  
Қай боланг бўлишин билсанг оқмодар,  
Бешиқдан тобутга йўллардинг буғиб.  
Ҳақингда айтилса тутамас гаплар,  
Сен борсан, яшамоқ ҳар фарзандга тўй.  
Яхшилик куйингдир, чехранг субҳ-сахар,  
Бешик меҳробида сенсан дуоғўй.  
Ишқингни тараннум этган китоб-ку,  
Етади қаласа Ердан Ойгача.  
Ишқ аҳли сен сари жазми шитоб-ку,  
Кими етар висол деган жойгача.  
Минг йиллар минг-минглаб ошиқларингнинг,  
Толе ошиқлари келдилар ютмай.  
Улар армонига бутун йиғлайман,  
Кетган-чун муқаддас этагинг тутмай.  
Илдам боряпсан камолот сари,  
Бутун коинотда фазогир ўзинг.  
Камситувчилар ҳам чекилди нари,  
Ўша ақли қисқа, соқоли узун.  
Замин айланмоқда, у билан башар,  
Башар куррасида ўзинг бир қутб.  
Аёл тўлғоғингда мангулик яшар,  
Ҳаёт посангисин туравер тутиб.

## ЭРКАК ҲАҚИДА МОНОЛОГ

Тарих деб ўқиди, ўқилур доим,  
Сен қахрамон бўлган бу буюк эртак.  
Қани сенга монанд бир шеър ёзсайдим,  
Турмушнинг заҳматкаш доҳийси эркак.  
Шу ер кемасининг рулини тутиб,  
Гар бўлмасанг эди сен жасур сайёҳ.  
Бутунги воқелик минг йилни кутиб  
Ётар эди ҳали дилда бўлиб оҳ.  
Санаб саноғига етиб бўлмайди,  
Қилган кашфларингни илм бобида.  
Майда ишларингни айтмайман, майли,

Тенгсиз-ку қурганинг минг-минг обида.  
Сенинг ақлинг билан бунёд этилди  
«Зижги Кўрагоний», «Хуфу мақбари».  
Энг гўзал ёр истаб сафар кетгандинг,  
Сени оғушида кўрди ой пари.  
Овулнинг бир ёғин гоҳо тутади  
Улоқчи тулпоринг кўтарган чанглар.  
Аямай ул ширин жонинг ютади,  
Гоҳ ўзинг улфайтган аждаҳо жанглар.  
Бир сарв қоматга ишқинг тушган дам,  
Севгини тараннум айловчи найсан.  
Бир пок ёстикдошинг бўлиб туриб ҳам  
Гоҳ ўзга ёр ила зинога шайсан.  
Шариатга, шоҳга, пайғамбарга ҳам,  
Гоҳо ўлимга ҳам сен борасан тик.  
Зотан курашчисан, кураш дегани,  
Эрк учун муҳитга бўлган шаккоклик.  
Сен ўзинг кашф этган Ерни, Ватанни,  
Фарзандлар она деб майли, атасин.  
Сенга ҳам камол-ку оналик фани,  
Лек рўзгор мулкига подшо ота сен.  
Тарих деб ўқилди, ўқилур доим,  
Сен қахрамон бўлган бу қизиқ эртак.  
Қани, сенга монанд бир шеър ёзсайдим,  
Турмушнинг заҳматкаш доҳийси – эркак.

## ЮЛДУЗЛАР ҲАҚИДА МОНОЛОГ

Юлдузлар, сизни деб гоҳо от, айиқ,  
Қантариб ташладим «Олтин қозиқ»қа.  
Дедим сабрингизни таҳсинга лойиқ,  
Ахир сиз мангусиз емай озуқа.  
Осмон гумбазига жозиба сизлар,  
Номаълум жонларнинг эй қуёшлари.  
Мен бугун демайман ёнувчи кўзлар,  
Сиз осмон соатим олтин тошлари.  
Қўлимдаги кунлик соатдагидек,  
Сизда йил соатим ўн икки буржи.

Бу буржлар бонгига қулоқ тутмоқлик,  
Менингдек деҳқоннинг эътиқод бурчи.  
Соатим милида кўринса Жадий,  
У билан ёнма-ён Далв билан Хут.  
Ўзимга дейман тўй либосларин кий,  
Бир фурсат раводир ҳордиқ ва сукут.  
Дўшмимни дастурхон четига қўйиб,  
Ўйлайман бу пайтда янги режалар.  
Нималарни қилсам вақтдан ютиб,  
Нималарни қилсам сарфим тежалар.  
Тушуниб қолганман вақт тилига,  
Бу мангу соатим шитоби авжда.  
Шошаман, қарасам соат милида,  
Кўриниб турибди Ҳамал, Савр, Жавзо,  
Бўй етган қизлардай исибди тупроқ.  
Унинг қучоғига кўмайин хумлар,  
Хумлар мен, дояга инъом этилган.  
Она гиёҳлардан она тухумлар,  
Соатим ишлайди бу пайт кўрсатган.  
Рақами Саратон, Асад, Сунбула,  
Чексиз пайкалларда болаларимни  
Кузатаман ҳар кун бўйга бўй улаб.  
Иссиғин оширмай, меҳрим деб кунча,  
Камолига қилиб умримни емиш.  
Оёқ-қўлин йиғиб одам бўлгунча  
Ҳар майсабонуга жоним парвариш.  
Ақраб ва Қавсни етаклаб Мезон  
Хазинанг палламга қўй дегани он,  
Балоғатта етган болаларимнинг  
Фотиҳа тўйига қураман қозон.  
Бўлажак зўр ҳосил тўйлари учун  
Хирмон-хирмон қилиб сўнг уяман сеп.  
Шунда ўз-ўзимни бир дуо қилгум,  
Айланай безое меҳнатимдан деб.  
Соатим милида кўринар Жадий,  
У билан ёнма-ён Далв билан Хут.  
Ўзимга дейман тўй либосларин кий,  
Бир фурсат раводир ҳордиқ ва сукут.

## ҚИШ ҲАҚИДА МОНОЛОГ

Ҳаёт ёритгичи – Хуршиди олам,  
Жануб тарафлардан ўтади пастлаб.  
Бу пайт унинг меҳри ҳарорати кам,  
Деҳқон ижоди ҳам қолди тоб ташлаб.  
Вақт ўйинида оққўнгил кундуз,  
Сеҳргар кечгача қўйди ютқазиб.  
Сокинлик эртагин тинглар водийлар  
Оқсоқол тоғларни тўрга ўтқазиб.  
Шунда биз ёқларни этди ихтиёр,  
Қиш дея аталмиш шимол дилбари.  
Борлиқ унга этди ўзлигин нисор,  
Шарқлик бир ишқпараст шоир сингари.  
Осмон далалари борди оқариб,  
Булутлар ҳосилдан бўка бошлади.  
Қишнинг деҳқонлари ҳосилни йиғиб,  
Бизнинг ер хирмонга тўка бошлади.  
Биз эса афзаллаб аргумоқларни,  
Иш ва қиш шаънига чопдик кўпқари.  
Ошпоқ рўмолини силкитиб юрди,  
Улоқчи тўдамиз ёнида пари.  
Иссиқ хоналарда давра қурсак ҳам  
Дераза ортида у турди кутиб.  
Бир муздек нафас – чун сиртга чиққан дам,  
У муз бўсаларга тўйдирди тутиб,  
Йилмомонинг тўнғич бу эрка қизи.  
Ўзи истаганча тушди ўйинга,  
Синглиси баҳор-ла чиқишмай сўзи,  
Охири чекинди Шимол кўйнига.

## БАҲОР ҲАҚИДА МОНОЛОГ

Куз қизин тўйида ҳориган замин,  
Дам оларкан ичиб қиш жомидан май.  
Муваққат гафлатин қувлади унинг,  
Қун чалган ҳарорат демиш ажиб най.

Тетапоя қилди унинг бағридан,  
 Яна гиёҳларни боболар хоки.  
 Уфқларга етган бу бўз гиламнинг,  
 Майса игналар-ла сўкилди чоки.  
 Заррин рўмолчасин силкиб бойчечак,  
 Узатар йўллардан ўтсам энди мен.  
 Тўрт кунлик сулувдан сўрадим бир чоқ: –  
 «Қай биримиз меҳмон, менми ёки сен?»  
 У жавоб айлади тебраниб хумор: –  
 «Ҳаммамиз меҳмонмиз, дилни қил фориг,  
 Умримдан сенга завқ, менга савоб бор,  
 Сенинг ҳам умрингми савобли, ёруғ?»  
 – «О, мен ҳам билман савобнинг қадрин,  
 Кўзим ардоғида шунингчун олам.  
 Меҳр-ла яшнатган нечовнинг қалбин,  
 Ҳаёт чаманида бир гулман мен ҳам.  
 Лекин ҳар кўкламда ёшим бир ошар,  
 Яна кўп туяман яшаш завқини.  
 Баҳор селларидай жўшқин вақт шошар,  
 Беармон сур дея умр шавқини».  
 Шундай жавоб билан боргум йўллардан,  
 Баҳор гулханида ҳар ён ловулар.  
 Ўриқлар ортидан, ўнгу сўллардан,  
 Иши бор янгадек имлар овулар.  
 Ариқлар ҳам чорлар пешонасига,  
 Сингсила қилишиб мажнунтолларни.  
 Кампирлар сизмайди ҳур хонасига,  
 Ялпиз ош маст қилса хизр чолларни.  
 Бугун юртдошлар ҳам тупроқ бағрига,  
 Яна зўр ният-ла ташлайди уруғ.  
 Индин эгатлардан ғўза лашкари,  
 Кўзни забт эттали кўтаргуси туғ.  
 Ҳа, бугун ҳаммага чиқади пешвоз,  
 Гулбаҳор келтирган қувончлар янги.  
 Ҳамманинг қалбидан беради овоз,  
 Сехргар наврўзнинг жўшқин оҳанги.



## ЁЗ ҲАҚИДА МОНОЛОГ

Кўхитанг ортига бекинар Қуёш,  
Боботоғдан тушиб келади шомлар.  
Қирнинг орқасидан Ой кўтарар бош,  
Хаёлларга ташлар юлдузлар домлар.  
Уятчан шаббода эгар бошини,  
Гул бўйли лабимдан ол дея бўса.  
Кўнгил истар бу пайт бир ёр қошини,  
Орзудек мукаммал бир висол бўлса.  
Буткул тирикликка мунис жонажон.  
Қизлар кокилидай майин, илиқ тун,  
Йигит чиқар аста пашшахонадан  
Қўшни ҳовлисига бир бўйлаш учун.  
Олма панасида кимлар шивирлар,  
Сояга қўшилиб кетар сўнг соя.  
Бу ёз кечалари азиз умрнинг  
Лазиз дамларига бўлгучи доя.  
Уфқлар қолгуси бир вақт ловуллаб,  
Ҳаяжонда қолган дилбар юзидай.  
Қуёш бўса учун тўзилган ол лаб  
Ёки узатилган бир жом гулгун май.  
Нурлар уфқлардан кетади тошиб,  
Кундуз кўнғироғин мен ҳам чаламан.  
Деҳқонман, минг йиллик йўлимдан шошиб  
Доимий ишимга жўнаб қоламан.

## КУЗ ҲАҚИДА МОНОЛОГ

Тўрт фасл навқирон тўрт гўзал дастим,  
Дейди шаънимизга бир ажиб шеър туз.  
Улар даврасида кўп вақт юрдим жим,  
Турфа ранглар сари бошлар бугун куз.  
Бунда далалар ҳам заррин либосда,  
Ҳаво ҳам касб этган ажиб тиниқлик.  
Менинг ҳам руҳимдан йўқолур аста,  
Ноилҳом дамлардан қолган синиқлик.

Бу шаффоф фаслни тасвирда кўшлар,  
Умрнинг сўнгига қилишар тимсол.  
У менинг борлигим ўзига тортар,  
Зар кийиб қаршимга чиққан ёр мисол.  
Ҳа, гоҳ изғирини лабни ёради,  
Симлар ғувлар мисли силтанган қамчи.  
Зангор кенгликларда оқиб боради,  
Бу чоқ турналар ҳам бўлиб арғамчи.  
Олисдаги ёрнинг совға сирғасин,  
Бир кун ирғитгандай бесабр келин.  
Дарахтлар ҳам бу дам баҳор совғасин –  
Барглари ташлайди қаргаб куз елин.  
Япроқлар тўкилиб, турналар кетиб,  
Зар фасл келтирса булут серзарда.  
Кимнингдир кўнглига куздан мунг етиб  
Қолса, дейман унинг кўрки шулар-да.  
Унинг шу кўрки ҳам бўлмас эди-ку,  
Инсон кийитмаса заминни ахир.  
Менинг тупроғимда кечгуси ғулу.  
Ҳам деҳқон, ҳам кузга ҳусн-ку тақир,  
У ғулу шу эрур миллион-миллион қўл.  
Ёниқ юраклардан олишиб имдод,  
Бутун Ўзбекистон бўйлаб йўлма-йўл  
Ўзбек эҳромларин этади бунёд.  
Улар Хуфу мисол зил тошларданмас,  
Ошпоқ толалардан бир-бир тикланар.  
Иморатлар аро қалбида ҳавас,  
Бибихоним мисол юрар фасли зар.

## ВАТАН ҲАҚИДА МОНОЛОГ

Кулбалар, каваклар, уялар, инлар,  
Тинглайман минг турли Ватан куйини.  
Қўнғиз уясига элгар ноёб шар,  
Болга тўлдиради ари уйини.  
Куннинг иссиғидан, қиш совуғидан,  
Жонли жониворга керак бошпана.  
Асровчи ғанимнинг дайди ўқидан,

Шу қалқон тупроқдан Ватан бир хона.  
Ҳар шигир овоздан жонсарақ сичқон,  
Қўзлаб турар нажот ватан – инини.  
Қилич бебошлигин кўп билганимдан  
Олдиндан ясайман Ватан қинини,  
Ҳаёт тирикликнинг сўнгсиз жангоҳи.  
Уйқуда оламиз нафасни ростлаб,  
Шу ростлаш имкони бўлган ётоқни,  
Ватан бўлдимикан дейман мен дастлаб.  
Ватан сўзин қалбга қилдимми ё банд,  
Олис ҳужрамда қолган кун она.  
Ё шундан дейманми онага монанд.  
Бу ҳам бир ҳақиқат, эмас афсона.  
Мен уни яратдим, қурдим, кенгайтдим,  
Белимда ҳамиша сайёҳлик фўтам.  
Торкистон Ватанлар эшигин чертдим,  
Шоқаландар бўлиб қўлимда сўтам.  
Мен муҳожир ўзга юртда шоҳ бўлдим,  
Ўлган куним бўлди зардан кафаним.  
Лек таваллуд кунги одми йўрғаким,  
Ҳам йўрғакчим ул юрт эди Ватаним.  
Бобо юрт тарихи, боболар шони,  
Фарзандлар руҳига буюк тасалли.  
Шундай тасалли-ла сайлаган мени,  
Бетимсол, бетакроп Ватаним, балли.

## ҲАЁТ ДРАМАСИ ҲАҚИДА МОНОЛОГ

Машриқдан Мағриб сари яна сурилиб кетди,  
Қопқора ва азалий тун демиш улкан парда.  
Ҳаёт драмасининг яна авж они етди,  
Ер саҳнасин ёритгач фалак шами саҳарда.  
Бу буюк драмада ўйновчилар кўп моҳир,  
Улар минг йиллар олган олам дарсидан таълим.  
Улар шу тирикликдир, улар шу одамлардир,  
Ўтмишнинг ҳар сабоғи уларга бир муаллим.  
Бу буюк драманинг саҳнасини она ер,  
Унда бир онлик ўйин бўлгуси минг-минг тарих.

Бу саҳнада миллионлар бетиним тўкади тер,  
Улар меҳнатин буюк обидалар қилур шарҳ.  
Бу саҳнада миллионлар қўшиқ айтур бахтидан,  
Бу саҳнада миллионлар бўлашар кўзида ёш.  
Бу ўйинда шавкатли шоҳлар қўллаб тахтидан,  
Бу ўйинда ўқ еган мангу кўтармагай бош.  
Бу саҳнада саргардон ишқда минг-минг мажнунлар,  
Бу саҳнада эъозли минг Фарҳодлар севгиси.  
Бу саҳнада ҳисобсиз толеидан мамнунлар,  
Бу саҳнада таралар минг хил чечаклар иси.  
Бунда қанча найранг бор, бунда қанча жиноят,  
Бир ёнида одамнинг қони чиқар наҳ тизга.  
Бунда бировлар номи дунёда тенгсиз оят,  
Бунда бировлар она сути қадар покиза.  
Бунда минглар ўзин дер ориятда ягона,  
Бу саҳнада гаровга қўяр минглар номусин.  
Бу саҳна даштларида хору зор қанча она,  
Кимлар битар бир ёнда кўрганларин қомусин.  
Ахир бугун ўйналган эртага қўйилмайди,  
Бугуннинг сабоқларин эртага элтмоқ тадбир.  
Минг йилдан кейин бунда ўйновчилар биларми:  
Ким бугун мурид эди, ким ўйнади бўлиб пир?  
Кимлар бугунги буюк ишларин ҳам чала дер,  
Кимлар эса ҳали йўқ омадлардан кўнгли тўқ.  
Мен ҳам ушбу саҳнадан чираниб ўқийман шеър,  
Бир-икки мухлисимнинг мақтовидан ўзда йўқ.  
Сўнг кимлар қўлин қисиб кимларга бергум салом,  
Ва эртанги ўйиним режаларин тузаман.  
Гоҳ кечмиш ўйларининг оёғига ташлаб дом,  
Гоҳ келажак хаёли уммонида сузаман.  
Бу саҳна кечмишига боқсам бир ҳовуч зўрлар,  
Айш кемасин суздирган башарнинг кўз ёшида.  
Буюк саҳна бағрини буюк бир фоже хўрлар,  
Айланар буюк саҳна бахт орзуси бошида.  
Келажакка боқсам минг йиллар деворидан  
Фожеалар ўрнида савти наво кўринур.  
Башарият покланиб қабоҳат губоридан,  
Азал жароҳатига мангу даво кўринур.

## ГЎЗАЛЛИК ҲАҚИДА МОНОЛОГ

Гўзаллар расмини чизган ўтганлар,  
Барча гўзаллардан шу деб мукаммал.  
Йўқ дейман, гўзалим чизмапги улар,  
Менинг истагимни этишмапги ҳал.  
Галерияларга кириб бораман,  
Мадонналар ёнида қиламан сукут.  
Ўлик расмларга мен-ку маҳлиё,  
Лекин сен каъбамсан эй тирик вужуд.  
Гоҳ бўлиб қўш дарё, гоҳо қирқ жилға,  
Оппоқ елканг оша соч оқса тўлиб.  
Бахтлиман мен букун эрк берсам қўлга,  
Ўйнаса у сочинг балиғи бўлиб.  
Кўзинг юлдуз бўлса, чехранг ой бўлса,  
Қадам товушингда ўлчанадир вақт.  
Гоҳ кўнглим ғамларнинг кирига тўлса,  
Сен табассум қилсанг мен ундан соқит.  
Нигоҳлар ўқига сен нишона қад,  
Эй илоҳий вужуд, эй мисли нодир.  
Сенга боқмай сурат сари қилсам ҳад,  
Шу кўзларим ҳаққи кулли уволдир.  
Сен юрган далалар-галериялар.  
Ана сен, миямда сиймонг-суратинг,  
Суратинг тагида менинг имзом бор –  
Фақат ҳайрат сўзи – хотира хатим.  
Гўзаллар расмини чизган ўтганлар,  
Барча гўзаллардан шу деб мукаммал.  
Йўқ, гўзалим сени чизмапги улар,  
Менинг истагим ҳам этишмапги ҳал.

## РАНГЛАР ҲАҚИДА МОНОЛОГ

Шу бепоён хилқат – она табиат  
Камол беланчагим азалий рангин.  
Кўзларим тинглайди ҳар кун, ҳар соат,  
Минг турли товланган ранглар оҳангин.  
Миллиард йилким айтар ҳилол қўшигин,  
Етти хил ранг товуш бирла камалак.  
Қалбимга билдирмай санъчи ишқ тигин,  
Илон аврашини чалган жамалак.  
Қўмсасам бўсанинг ол қўшиқларин,  
Гулларнинг куйига соламан қулоқ.  
Юлдузларнинг олтин қўшиғи ширин,  
Тонгларнинг қўшиғи бепоён оппоқ.  
Баъзан сеҳрига олиб кетади,  
Ҳу, юксак чўққилар – мангу садолар.  
Баъзан оғушида қолиб кетаман,  
Кўклам куйин чалса майса адолар.  
Гоҳ кечанинг қора симфониясида,  
Ўтнинг оқ созини тинглайман ёқиб.  
Гоҳ ўзимга ёққан қўшиқ гулларнинг  
Бирини юраман кўксимга тақиб.  
Мана шу бўз, қирмиз, яшил, зангори,  
Осмон демиш шипли заминдир уйим.  
Унинг оғушида не рангки бари  
Менинг кунлик ишим, ҳаётим куйим.

## ОҲАНГЛАР ҲАҚИДА МОНОЛОГ

Шодликдан қалбларга тўлар ҳаяжон,  
Ғамдан гоҳ тўлғониб қолар туйғулар.  
Сўз-ла айтолмаса дардини инсон,  
Унинг юрагида оҳанг туғилар.  
Оҳанг дунёдаги энг мукаммал тил,  
Фақат керак эмас унга таржима.  
Бу тилнинг устоди эмасдир одил,  
Шундан раво эмас бу тил ҳар кимга.

Бу тилда гаплаша олса гар ҳар ким,  
Кўрсатар ҳаммага ўзин завқини.  
Ўгалар хайрихоҳ бир томошабин,  
Гоҳ кўриб унинг мунг ҳаёт лавҳини.  
Дўмбира гумбирлар ўтов тўрида,  
Торлар сўқмоғида учади Фирот.  
Парилар ухлайди олтин сўрида,  
Қирқ кунлик йўл бундан Чамбилу Ҳирот.  
Мажнунтол мисол паришон наво,  
Аёллар мунгини турар кўрсатиб.  
Мен ўша озорга излайман даво,  
Паришон наволар ўгитин тотиб.  
Оқавер оҳангнинг узун бойлами,  
Майин кокилларинг турайн ўриб.  
Нозик товушларнинг толаларида,  
Яшайин ҳаётнинг минг лавҳин кўриб.

## ХОТИМА МОНОЛОГ

Қаерда, излайман ҳақиқат боши?  
Нима у ҳеч нима? Не ул илоҳий?  
Сенга тан бераман олам Қуёши –  
Эй, бош яратувчи – эй, қодир доҳий,  
Зарралардан тортиб сенга-ча боқсам,  
Икки куч курашар – манфий ва мусбат,  
Шулар курашида сирларни еча.  
Бугун қопқасида турипти ҳаёт,  
Сўзимнинг охири шу икки қутб –  
Мусбат ва манфийлик – Хурмузд, Ахрамон,  
Мен ҳам шу иккисин йўлини тутиб.  
Икки тарафлама бўлдим қахрамон,  
Мусбат ишларимчун асрлар оша.  
Авлодлар ёдида номим шарафда,  
Нафрат ва лаънатлар ёғилгай бошга,  
Қачонки иш қилсам манфий тарафда.

## БИРИНЧИ ТУШДАГИ ДИАЛОГЛАР

*МЕН*

Ошпоқ булутлардан беланчак қилсам,  
Ҳилол ипагидан ҳалинчак қилсам.  
Боботоғ келбатли куёв бўлсаму,  
Баҳорни ўзимга келинчак қилсам.  
Менинг орзуларим тоғлардан буюк,  
Эзиб ташлай олмас, йўқ, мени бу юк.  
Тирикманки токи тарк этмас орзум,  
Ҳам йўқлик комига фарқ этмас орзум.  
Улуғ орзулардан туғилар амал,  
У менга шеър бўлиб кўрсатур жамол.

\* \* \*

Юлдуз гулзорида сайр этар Ой қиз,  
Мен туннинг қаърида турибман ёлғиз.  
Йитган ўйларимнинг боши-адоғи,  
Ана, Сомон йўли – самонинг доғи.  
Кўзимга илинар нурсиз ва хира,  
Ҳар тунги сайримда содиқ хотира.  
Бу кеча калавам учин топдим мен,  
Ва мўъжаз кулбамга қараб чопдим мен.  
«Эврика» деб чопган Архимед мисол,  
Эй назм париси, мени кутиб ол.  
Йўқолинг қаршимдан мужмал китоблар,  
Танимни эркаланг бокира хоблар.  
Кўзимдан бекитинг ғулу оламини,  
Қўлимдан сирғалтинг мажруҳ қаламини.  
Илҳом парвозига бўлиб мен мойил,  
Қуёш қабулига бўлурман ноил.  
Ҳар кеча ажойиб тушлар кўрарман,  
Сўнг уни назмда сўзлаб берарман.

\* \* \*

Уйқу элтиб бутун таним бўшашди.  
Самодан бир саман ёнимга тушди.  
Кўзида яшин бор, саси гулдирак,  
Араваси ҳам бор олтин гилдирак.



Унга миниб само сайрига кетдим,  
Қуёш, сайёралар базмига етдим.  
Улар кўриб менинг ғамгин тарзимни,  
Сўраша бошлади, айт деб арзингни.  
Тўрдаги нуруний давранинг боши –  
Илк бор гап бошлади олам Қуёши:

### **ҚУЁШ**

Яна нима важдан қовоғинг солиқ,  
Руҳингни лойқатар бир бебош балиқ?  
Нигоҳинг тикиб сен сўнгсиз самога,  
Очофат боқасан нечун дунёга?  
Яралган кунингдан тарзинг шу тахлит,  
Нималар истайсан, недан бўлдинг хит?  
Яшасанг Ер демиш палахмонимда,  
Менинг шароратим оқса қонингда,  
Норозилигингнинг боисини айт,  
Улуғ падарингман, барисини айт?

### **МЕН**

Фақат сенсан сеҳр буткул вужуди,  
Таралган нурларнинг тириклик сути.  
Буюк падаримсан, сўзларим эшит,  
Нима қийнар мени, нелар қилар хит?  
Худо, пайғамбарга тиловатим йўқ,  
Ҳайтда бир лаҳза ҳаловатим йўқ.  
Улуғ аждодларнинг улуғ наслиман,  
Тарихнинг қаърида ётган аслим ҳам  
Курашиб келгандир егужлик учун,  
Мен сезиб турибман камолим кучин.  
Сув қилиб юбордим Ер асрорини,  
Ўргандим осмоннинг илми борини.  
Нимага сифинай, топинай кимга,  
Ўзимнинг оғирим қолди ўзимга.

### **ЕР**

Аввалда яланғоч чопган кунларинг,  
Авратинг барг билан ёпган кунларинг.  
Худонинг бўлганда Ра, Аммон, Зевс,

Ўзни этардинг-ку худо қадар ҳис?  
Ўзинга яратиб сўнгра турфа дин,  
Юрагинг кемирди илтижою кин.  
Асрлар-чи сени ўқитиб борди,  
Ақлинг ўрмагин тўқитиб борди.  
Бутун яна, болам, келдинг ўзинга,  
Олам кўринмоқда рўйрост кўзинга.

### *МЕН*

Олам кўринмоқда рўйрост кўзимга,  
Лекин қулоқ бергил, она, сўзимга.  
Не учун баҳорнинг либоси яшил,  
Нечун одамларда минг бир тусда тил?  
Атомлар бағрида нечун бу қудрат,  
Нечун коинотда бунча тез сурат?  
Нега мен бунчалар орзунинг қули,  
Не учун тинмайди кўнглим булбули?  
Ақлим ўсяпти турипсан кўриб,  
Адо қилишман сени ҳам сўриб,  
Кундан-кун сийнанганда суларинг танқис.  
Ўзни сезилман етимлардек ҳис,  
Лек буларга жавоб берар ақл бош.  
Бошқа муаммодан кўзаларимда ёш.

### *ҚУЁШ*

Инсон ақлингга эрурмиз қойил,  
Шундан даврамизга бўлолдинг ноил.  
Яна қийнар сени қандай муаммо,  
Яна қай тартибга исёнинг, аммо?

### *ЕР*

Тақдирнинг ҳукми ўз кўлингдасиз,  
Бор жумбоқни ечдинг гар йўлингдасиз.  
Мен туққан гўдаклар ичра шоҳи сен,  
Қалбимнинг севинчи, гоҳи оҳи сен.  
Гоҳ поклигингдан фаришта ҳайрон,  
Гоҳ сендан дарс олар иблис, шайтон.  
Бугун кўнглинг ичра тошиб нафс, инсоф,  
Яна келдинг, болам, неларни кўмсаб?

## *МЕН*

О, буюк Падарим, о, буюк Эна,  
Мен осий фарзанддан қилмангиз гина.  
Сизлар-ку яратган тарзим шу тахлит,  
Айбми етуклик истасам яхлит?  
Тўрт фасл – умримнинг тўртга бўёғи,  
Тез ўтар тузатмай уёқ-бўёғим.  
Жуда қисқа, ахир, умрим-йўлим,  
Жуда тез тутади қўлимдан ўлим.  
Менга боқийликни қилингиз раво,  
Мен ўлим дардига истайман даво.

\* \* \*

Давра ҳайратланиб ёқа тутдилар,  
Бир лаҳза сукутни ичга ютдилар.  
Шивирлашиб қолди Ер билан Қуёш,  
Менинг эса гўё елкамга зўр тош  
Ортилгандек қолдим эгик, букчайиб,  
Ўз сўзим ўзимни қилгандек майиб.  
Бир вақт Қуёш Ерга қилгач ишора,  
Унинг лабларидан учди ибора.

## *ЕР*

Кўп эзилма, Одам, буюк, нотавон,  
Ўзимдек ҳам сахий, ҳам тўймас инсон.  
Ҳа, сенинг умринг ҳам бўлгуси боқий,  
Мангулик майига бўлурсан соқий.  
Бир жойга тўплагил ақл-хушингни,  
Кўп зотлар безайди ҳали тушингни.  
Одамзод, чаманим обдон орала,  
Хулоса дафтаринг тўлдир, қорала.  
У тушлар бўлса ҳам ажойиб расо,  
Тафаккуринг сенга биринчи асо.  
Бир куни тушингга ясалур яқун,  
Ягона ҳукми тингларсан ул кун.

## ИККИНЧИ ТУШДАГИ ДИАЛОГЛАР

**МЕН**

Замин йўргагидан мен кўтарсам бош,  
Боботоғ ортидан боқарди Қуёш.  
Илҳом парисига топшириб измим,  
Кечаги тушимни назмга тиздим.  
Ва сеҳргар тунни кута бошладим,  
Кутиш азобин юта бошладим.

\* \* \*

Тун кела бошлади охир қорайиб,  
Дунё борар эди кўзга торайиб.  
Эриб кетиб буюк тоғлар қўлкаси,  
Кечага ғарқ бўлди кундуз ўлкаси.  
Азиз дафтаримга бош қўйдим мен ҳам,  
Дилимда бир тушнинг соғинчи ҳамдам.  
Уйку элтиб яна таним бўшашди,  
Илҳом фариштаси ёнимга тушди.  
У аста қўйди-ю лабларимга лаб,  
Самовий тилсим-ла қўйди сеҳрлаб.  
Вужудим бўлганди мезондай енгил,  
Бир гўдак дилидай завқли эди дил.  
Бор бўлди олдимда шу чоқ бир дулдул,  
Қуёш нури мисол учқур эди ул.  
Фариштам юр деди ўтмиш сайрига,  
Мингашдигу кетдик кечмиш дайрига.

**ФАРИШТА**

Бу учқур дулдулга қамчи урамиз,  
Чиқамиз у билан сайри осмонга.  
Шунда юлдуззордан боқиб турамиз,  
Она Еримизга – Одамистонга.

**МЕН**

У ёрқин кўкимтир порлаб турипти,  
Ўзга юлдузлардай кўрк у жаҳонга.  
Туркумларга сингмай танҳо юрипти,  
Бебаҳо шу хилқат Ватандир менга.

### ФАРИШТА

Сўнгра уни пастлаб айланамиз гир,  
Бу дулдул денгизлар, тоғлардан хатлар.  
Шу улкан Ватанни бўлишиб бир-бир,  
Ватанчалар қилиб олган миллатлар.

### МЕН

Ана, икки дарё оралиғи ҳам,  
Орасида қанча воҳалар, тоғлар.  
Қанча олисларга кетмайин қалбим,  
Фақат шу ўлкани севар, ардоқлар.  
У менинг Ватаним, шундадир халқим,  
Шундадир ўтмишим, келажагим ҳам.

### ФАРИШТА

Ватан ва халқи-ла фахрланса ким,  
Дунёда энг бахтли одам чинакам.  
Бугун биз ўтмишга ташлаймиз назар,  
Асрлар тасбеҳин санаб тескари.  
Қаршингдан чиқгуси аждод арбоблар,  
Ва буюк саналган Ўзбекнинг бари.  
Қарагин, чайқалиб ётибди Орол,  
Жиловга ўхшайди Аму билан Сир.  
Оқ телпак чавандоз у сурган хаёл,  
Жиловни бўш қўйиб юборган Помир.  
Сурхон бўйларидадан ўтмоқдамиз биз,  
Кўргил динозавр – ер наҳангини.  
Тешиктош ёнида, ана, аждодлар,  
Қизитиб юборган мамонт жангини.  
Мамонт ўлдирилди, қийқириқ, қувонч,  
Улар жўн ақл-ла тузар режалар.  
Бу катта бобонглар биларми ҳали,  
Уларнинг хоки-ла тарих безалар.  
Хом мамонт гўштидан тотиб кўрамиз,  
Ғор-уя-кулбани кузатамиз тек.  
Кейин яна ўзлик сари юрамиз,  
Шуларни атабон биринчи Ўзбек,  
Замонлар варағин очиб-ёпамиз.  
Ху, ана, Боботоғ, ул баҳри Ҳазор,

Бобо уруғларни излаб топамиз.  
Ва улар урфига ташлаймиз назар.  
Қара, юз либосли ёвқур одамлар,  
Уларга доимо аргумоқлар эш,  
Мағлуб бўлган дамда чекади ғамлар,  
Ғолиб онларида кайфияти беш.

### *МЕН*

Оловга сигинар анов гуруҳлар,  
Санамга топинса буси бегуноҳ.  
Камоли келажак қўйнида ухлар,  
Уларга бош гоҳ эр, гоҳи хотин шоҳ.

### *ФАРИШТА*

Бу дам айрим-айрим яшарлар, лекин,  
Замонлар бир қилар зуволасини.  
Шуларнинг пуштидан кўрган одамзот,  
Сенинг ўзбегингни – бир боласини.  
Асрлар варағин очамиз яна,  
Мағрибдан ёв келган ингранар юртинг.  
Урушда ғолиблар қилар тантана,  
Қилич қайрамоқда эркини севса ким.

### *МЕН*

Душман тажрибали, душман кўп маккор,  
Қўш дарё сувига қотилмиш қонлар.  
Юртнинг ботирларин тўшламай нечун,  
Тоғларга қочадир ношуд хоқонлар?!  
Спетомин, Спетомин, ботир дўстгинам,  
Олчоқ ёв мутабди ҳамма тарафни.  
Келажак насллар сенга атаган,  
Биринчи қахрамон деган шарафни.

### *ФАРИШТА*

Тоғлар ҳам таъқибдан қутқазолмади,  
Топталган юртингнинг оқсоқолларин.  
Фақат сақлай олди ёв ханжаридан,  
Ғолибни дол этган бир тенгсиз пари.

## МЕН

У ана, Рахшона – гўзал Ватандош,  
Искандар қул бўлган ягона жонон.  
Келганди, қўйнида нечун сен ювош,  
Нечун шухратингни кўтармадинг сан?!  
Бир шонли фурсатда босқинчи ёрнинг  
Кўксига не учун санчмадинг ханжар?  
Искандар шонидан сенинг шонингни  
Минг карра юқори тутарди башар.

## ФАРИШТА

Келганди на ерли бир сулҳ туғида,  
Грек ва боқтирлар қўшилган умр.  
Юнон сарбозининг шаън қўшиғида,  
Амудан ўтибди, қара, кўр Ҳомер.  
Дўстлик ва севгини куйлар «Одиссей»,  
Ул қўшиқлар манзур сенинг халқингга.  
Ишқибозлар ўзин йиғинларида,  
Шароб кўтармоқда Ҳомер ҳаққига.

## МЕН

Қайси бир билагон ул «Одиссей»дан,  
«Алпомиш» яратди юртига мослаб.  
Алпомиш денгизмас, биёбонлардан  
Сафарга жўнади Барчинни ташлаб.  
Қийноқларда қолди етим Ёдгор,  
Ҳанимлари олди Алпомиш жойин.  
Барчин дер: – «Талашманг, сўнгги шартим бор –  
Ким тортса, тегаман Ҳақимбек ёйин».

## ФАРИШТА

Минг шаҳар гуркирар Аму, Сир аро,  
Бу жаннат диёрда юзлаб Парфенон.  
Фидий, Полаклетдай заргар фуқаро,  
Ҳайкаллар яратиб бағишлабди жон.  
Замонлар сўндирди санъат гулларин,  
У олий саройлар қолмади собит.  
Ғарбу Шарқдан эсанг ёв довуллари,  
Барини бир бошдан айлади нобуд.

**МЕН**

Ғамларга лиммо-лим ўтмишим они,  
Юр парим, кетайлик ўзликка караб.  
Ана у қайси бир ғаним карьони?

**ФАРИШТА**

Ислом қонунларин келтирар араб.

**МЕН**

Рухингга ҳам ҳамла қилди бу гал ёв,  
Моварауннаҳр энди қора кий.  
Сенга мадад бўлсин Муқанна олов,  
Отингни эгарла юртдош Зардуштий.  
Нотенг кучлар билан киргандинг жангта,  
Халқлар тарихида сендек ботир кам.  
Нафратдан юзингни очмай душманга,  
Худонгга қўшилдинг мағрур ўзинг ҳам.

**ФАРИШТА**

Моварауннаҳрли ул ўктам халқнинг,  
Энди руҳи араб руҳидай ҳазин.  
Дарвешлар саргардон чўлларидаким,  
Йўқотиб маккалик карвонлар изин.

**МЕН**

Эй сиз, Боқтирларнинг мард уғиллари,  
Қани, санъатдаги қозонилган шон?  
Чинни саройларнинг қолди куллари,  
Ижодни кабоҳат қилди қатағон.

**ФАРИШТА**

Қабоҳат қушлари бўлса ҳам қаттол,  
Фаннинг булбуллари қилдилар хониш.  
Инсон камолингга сен бир назар сол,  
Юртингда бошланди тўнғич уйғониш.  
Арастулар илмин юксалтиб балли,  
Фаробийлар қилди фанда инқилоб.  
Синонинг битган ул дастур амали,  
Тиббийёт оламин ёритган офтоб.



Минг йил бурун айтди Беруний дадил: —  
«Уммонлар ортида яна бир ер бор».  
Юртдошинг сўзининг ҳақиқатлигин,  
Қани исботлайди қайси бир номдор.

*МЕН*

У фан оталарин алломаларин,  
Сўзига золиму замон боқмайди.  
Нодон сандиғида олтин китоблар,  
То ҳануз шарқона сукут сақлайди.

*ФАРИШТА*

Ана у бит боққан, ёввойи Чингиз,  
Эмирар, ўлдирар, ёв-бедиёнат.  
Авлодлар қолсин деб майли мероссиз,  
Башар равнақиға қилар хиёнат.

*МЕН*

Моварауннаҳрнинг ҳам рангин ўчирди,  
Мурмалах сингари ёпирилган мўғул.  
Заковат лавҳини буткул ўчирди,  
Сағъат ҳам, фан ҳам яна қолди тул.

*ФАРИШТА*

Машриқдан Мағрибга юради Қуёш,  
Абадул-абад бу ҳеч ўзгармас йўл.  
Одамлар ҳам мудом Қуёш йўлидан  
Гоҳ олға, гоҳ ортга тошади нуқул.

*МЕН*

Фақат Фарбу Шарқдан бўлурму босқин,  
Қонунийми эллар уруш довули?  
Йўлин ўзгартмасми бу ваҳм тошқин?  
Асрларни ингратар ҳар кечган ғулу.  
Отинг ирғимайди не учун сенинг,  
Тобелик қисматми сенга, эй ўзбек?  
Ечиларми охир тушов тугунинг,  
Таловларга охир қўярсанми чек?

### ФАРИШТА

Асрлар варагин яна очамиз,  
Юртингни Темурбек қилган як жилов.  
Ҳисобсиз саройлар, ҳисобсиз чаман,  
Эл тилар буюк шоҳ умрига тилов.  
Элин таловлардан қилди у соқит,  
Душманларни эса жудо бахтидан.  
Самарқандим гўзал бўлсин дер ҳар вақт,  
Жаҳон шоҳларининг пойтахтидан.

### МЕН

Моварауннаҳрнинг олов вулқони,  
Эй Турон йўлбарси, буюк жаҳонгир.  
Давр саҳнасида қозонган шонинг  
Шўровий талқинда нечун бунча кир?

### ФАРИШТА

Сенинг асрингнинг ўғитларига,  
Темурнинг асри солмайди қулоқ.  
Фотиҳ жаҳонгирлар ичра фақат,  
Уни айбламоқ хатодир бу чоқ.

### МЕН

Эркин фикр қилса қай бир фуқаро,  
Бўзини қисади Мансур дорлари.  
Улугбек сен шоҳ-ку, от сур фан аро,  
Сайр эт сеvimли юлдуззорларни.

### ФАРИШТА

«Зижи» деган диёр чекига тушди,  
Осмон шоҳи эрди буюк Улугбек.  
Лек самовий руҳин тупроқда қўшди,  
Атрофин ўраган фитна, фасод, кек.

### МЕН

Шоҳаншоҳ бир тараф, шоир бир тараф,  
Навоий ғам ичмиш, шоҳаншоҳ шароб.  
Оқибат лаънатга ўрадик шайғони,  
Шоирга тож бердик, исмидир – шараф.

### ФАРИШТА

Сенинг бу баҳойинг тўғримикан,  
Навойи эшитса тугмасми ёқа?  
Умрининг энг сўнгги дамларигача,  
Дўстга содиқ эрди ул буюк даҳо.  
Муҳтожлик этмади шоирни таъқиб,  
Дўстнинг қанотида мудом Алишер.  
Аввал Ҳусайннинг шеърларин ўқиб,  
Тил, элга ҳурматин ўлчаб баҳо бер.

### МЕН

Тож-тахт курашидан халқим ҳам зада,  
Тенгсиз курашларда енгилди Бобур.  
Ҳинд сари от сурди шунда шаҳзода  
Ва унда тож кийди ўзбек-муҳожир.

### ФАРИШТА

Хоҳи шоҳ бўлсин у ва ёки гадо,  
Ватанидан жудо бўлмасин ҳеч ким.  
Фироқ дарди қилтур ул зотни адо,  
Аламда кўз юмди шоҳ Бобур егим.

### МЕН

Базми ҳам, ҳусни ҳам, тахти ҳам бари,  
Мангулик соатин онига нотенг.  
Учқур тулпорларнинг суръат чидами,  
Йиллар чопонига бўлолмайди енг.  
Ҳар инсон зотининг ярқироқ мавқе,  
Нафсоний қони-чун овунчоқ гаплар.  
Бобурни элтажак мангулик томон,  
Назмини кўтарган Семруғ дафтар.

### ФАРИШТА

Шоҳларни бедин деб ўлдирар шоҳлар,  
Жаҳолат шу қадар кучга қодир-а.  
Юртинг осмонини тўлдирди оҳлар,  
Сўйилгач шеърят шоҳи Нодира.

*МЕН*

Фан аҳли бошига тушди қора кун,  
Шеър аҳли қувилди саналиб кофир.  
Махмур, Муқимийлар сўнди бағри хун,  
Хорижда жон берди Фурқат мусофир.  
Адашган бўтадай бўзлайди мардум,  
Уни талаб борар очкўз кучуклар.  
Йиғилар қаърида ҳайқиреқ кўрдим,  
Уфққа тирмашар эл кутган саҳар.

*ФАРИШТА*

«Муножот» тўлғонар, йиғлар «Чўл ироқ»,  
Карвонлар йўлидай минг чақирим куй.  
Ҳар бир бекатида бир олам фироқ,  
Ҳорғин йўлчилармиз куй шаробдан қуй.

*МЕН*

Тенгсиз оҳанглари яратган халқим,  
Куйи ҳам ўзидай мунис мукамал.  
Уни тавсифлашга йўқ балки ҳаққим,  
Ҳар бири ҳаммага аён бир ҳайкал.  
Сел қилар дилларни нолали чертмак,  
Ғамим дарахтидан йўнилган созлар.  
Куйларга таъриф деб жўн сўзлар айтсам,  
Кечирмайди мени ўтган куйдозлар.

*ФАРИШТА*

Элнинг елкасида қуёшнинг тиғи,  
Ардоқли ғўзасин кўзи ёрийди.  
«Бер-бер» деб қистайди беклар миттиғи,  
Тўккан ёшлари-ла хирмон қорийди.

*МЕН*

Халқим тарихи-ла баробар пахта,  
Ҳар кунги сарфига ул-ку зарурат.  
Алданиб қолди-ку пахта деб сиқтаб,  
Шаън учун зарурдир ўзга бир суръат.

### *ФАРИШТА*

Халқнинг шухратига чекканида хат,  
Буюк зотларини чиқарлар санаб.  
Алломаларни кўп яратган миллат,  
Тарих гурунгида олдин бошлар гап.  
Курашлар ўрмони ичра ҳайиқмай,  
Инсон келажакка тушиб борар йўл.  
Орзулар қуёши қолмагай чиқмай,  
Эрк охир бир куни узатар-ку қўл.

### *МЕН*

Бизнинг қўшиғимиз Ўзбекномамас,  
Ўзлим куйланган бир жўн қўшиқлар.  
Баралла куйлашни қиламан ҳавас.

### *ФАРИШТА*

Қалбингдан ҳали авж қўшиқлар чиқар.

## УЧИНЧИ ТУШДАГИ ДИАЛОГЛАР

### *МЕН*

Кўз очсам куларди офтоб юзлари,  
Оламни тутганди нур сочи-зари.  
Дунё оқликка чайилар эди,  
Кундўзининг оқ сепи ёйилар эди.  
Мен шунда илҳомга бериб бор измим,  
Кечаги тушимни назмга тиздим.

\* \* \*

Мен тунни кутардим илҳақ дамо-дам,  
Охири машриқдан сирғалиб оқшом.  
Термиз боғларини қучди – фарқ этди,  
Сурхон далаларин нурлар тарк этди.  
Менинг ҳам бошимни қучди пар болиш,  
Хўроэлар қилар пайт муаммо нолиш.  
Кўзимга инганда бу сеҳргар хоб,  
Ал-Ҳаким пойини қилгали тавоб.  
Қадимий Термизда юрган эмишман,  
Саратон заптидан лоҳас эди тан.  
Лол этганди буюк шаҳар шовқини,  
Жайхун шиддатига қиёслаб уни.  
Шарқона бозорга оралаб кетдим,  
Қатор расталарга кўз ташлаб ўтдим.

### *САВДОГАР*

Бунақасин олам кўрмаган ҳали,  
Шунчаки лаъл эмас Бадахшон лаъли.  
Бу лаълга муҳтождир подшолар тожи,  
Бир пари чехрадир кўрмана божи.

### *ҚУЛ ЭГАСИ*

Қулимнинг таваллуд жойидир Тусда,  
Нархи арзон ўзи қўли гул уста.  
Жайхун ҳайратланар у эшса эшкак,  
Юк ортсанг беш пуд дер мисли нар эшшак.

### *КҮР ДЕВОНА*

Биродарлар, кетманг йироқ,  
Ожизларга бўлинг чироқ.  
Куйлар бўлсам ўзим Ҳомер,  
Лек шарафсиз ўтди умр.  
Достоним бор Спитомен,  
Тугатгунча кетманг то мен.

### *ҶИЗИҚУВЧИ*

У бир айтса, уч кун айтар,  
Кун оғиб, вақт бўпти қайтар.

### *ДАНАКФУРУШ*

Олиб кетинг писта, бодом,  
Дард кўрмагай еган одам.

### *ОЛЧИНФУРУШ*

Келиб қолинг зару кундал,  
Ҳар мушкулни қилар у ҳал.  
Ўйнатар у қизлар кўзин,  
Ҳар на десанг ўтар сўзинг.

### *МЕШ КЎТАРГАН ОДАМ*

Ичиб кетинг муздай қимиз,  
Кампир ичса бўлади қиз.

### *ҚАЛАНДАР*

Елкамда қоғоз халтам,  
Қўлда қалам таёғим.  
Мен мангу сайёҳ одам,  
Уловим шу оёғим.  
Юлдузларнинг тагидан  
Тунда кетиб бораман.  
Саҳарлар қирғоғидан  
Ўтиб-ўтиб бораман.  
Чўлпон-чарос кўзлардан  
Мурувват кутаман мен.  
Парча-фуруш сўзларга  
Қулоғим тутаман мен.

Пулпараствлар сиз қочинг,  
Олмаймаи мен сийму зар.  
Қўнгил ганжингиз очинг,  
Мен қалбпараст қаландар.

### **ЖИНИИ**

Бу уч гавҳар мерос қолган отамдан,  
Кимга керак, арзон-гаров сотаман.

### **МУЙСАФИД**

Анов жинни ечяпти иштонини,  
Ҳой ясовул, ҳайданг у беимонни.

### **ЯСОВУЛ**

Бозорчилар йигиб берсин тўрт танга,  
Ўлдиртириб юборай бир барзангига.

### **ЖАРЧИ**

Ҳой бозорчи, катта-кичик, биродарлар,  
Ҳаммангизни жанозага мачит чорлар.  
Ал-Ҳакимни ўлдирдилар юз йигирма ёшида,  
Қанча улуғ гаплар кетди унинг олтин бошида.

### **МЕН**

Эсиз менинг юрган минг йиллик йўлим,  
Орзуларим поймол этди шум ўлим.  
Қўрарман деб шод бўлган дил чек фироқ,  
Қучмоқ бўлган қўлим сиқимлар тупроқ.  
Замон саногидан йитсин бундай кун,  
Мен ҳам бориб кўтаришай тобутин.

\* \* \*

Шаҳар бўлиб қолди шу куни ғариб,  
У кўкка минорлар-қўлин кўтариб  
Улуғ Термизийга тутарди мотам.  
Қулбалар, кўшкларда изғир ади ғам,  
Одамлар шошарди қалбида фироқ,  
Қабрга ташлаш-чун бир сиқим тупроқ.  
Мен ҳам амал қилиб урфу удумга,



У улуғ сиймони кўмишдим қумга.  
Сўнг кўнглим водийси бўлиб қоронғу,  
Жайхун бўйидаги бир туп туранғи  
Тагига бордим-да олдим салламни,  
Ҳаёт ғулусидан буриб калламни.  
Тўлқинлар баҳсига кўз тикиб ётдим,  
Хотир дафтаримга сўз тикиб ётдим.  
Шу пайт менга қадам овози етди,  
Ёнимдан бир одам шарпадек ўтди.  
У шитоб борди-ю тик зов қирғоққа,  
Туриб қолди боқиб йироқ-йироққа.  
Сўнг кўйнидан олиб қалин бир дафтар,  
Қўлида тургандек олгин ё гавҳар.  
Узоқ айлангириб, термулиб қолди,  
Дафтардан уч бора бўса ҳам олди.  
Сўнг отди пойгачи тўлқинлар сари,  
Оқим қила кетди уни кўшқари.  
Ул зот турди бир зум ҳам қилиб бошини,  
Қузатиб бўтана сувнинг талошини.  
Сўнг эса тик қирғоқ бўйлаб югурди,  
Ўзини гирдоблар бағрига урди.  
Отган дафтарини олди-да тутиб,  
Соҳилга интилди неча сув ютиб.  
Тобора сув уни босарди пастга,  
Шўрлик ёпишарди ҳар кўпик, хасга.  
Билдим, зўр оқимга етмайди кучи,  
Югурдим чуватиб салламнинг учин.  
«Ушла» деб салламни унга ташладим,  
Бор куч-ла қирғоққа торга боладим.  
Соҳилга чиқди-ю у кетди хушдан.  
Бўккан кийимларин бир-бир ечиб ман  
Дафтари-ла қўйдим офтобга ёйиб.  
Ажалнинг кўлкаси юзидан ғойиб  
Бўлиб у алла пайт кўзини очди,  
Миннатдор нигоҳи менга нур сочди.  
Ва туриб ўтирди одам нотаниш,  
Кўзларида унинг балқирди дониш.  
Мен шунда, ҳол сўраб саволга тутдим: –  
Нечун бу телбалик, баён бер, сен ким?

### **НОТАНИШ ОДАМ**

Менга устоз эди улуғ Ал-Ҳаким,  
У пирдай камолга етмаган ҳеч ким.  
Тўрт муқаддас китоб унга эди ёд,  
Унинг кўп кашфига гувоҳ бўлиб шод.  
Мен бир шогирдиниинг куни кечарди,  
Илм муаммосин бирга ечардик.  
Обрўси ортиб унинг кун аро,  
Рақиблар кўксига соларди яра.  
Уни «дахрий дея мутаассиблар,  
Етказмоқ бўларди шанига зарар.  
Жонига тегдими мижғов рақиблар,  
Руҳин чарчатдими, охир таъқиблар,  
Бир кун менга деди: – «Термизий Варроқ,  
Бу чиркин зотлардан тоқатимдир тоқ».

### **МЕН**

Сени учратибман Худога шукур,  
Қоронғу дилимга таралмоқда нур.  
Келгандим қилай деб пирни зиёрат,  
Аммо фожеасига дуч қилди ҳаёт.  
Камина ҳам юрган мурид мусофир,  
Балли, пир не деди, сўнгини гапир.

### **ВАРРОҚ ТЕРМИЗИЙ**

Жонига тегдими, мижғов рақиблар,  
Руҳин чарчатдими, охир таъқиблар.  
Мени чорлаб деди: – «Варроқ Термизий,  
Ушбу китобни ол, кафишингни кий.  
Азиз бўталоғим, қани, юр» деди.  
Соҳилга борардик, вақт саҳар эди.  
Қирғоққа боргач у китобни олди,  
Ёлдор тўлқинларга термулиб қолди.  
Сўнгра китобини ўпиб уч бора,  
(Мен ҳам турар эдим гангиб бечора).  
Тўлқин сари отди илк ёзган ишин,  
Ҳайратдан лол этиб мен ожиз кишин.  
Мен сувга талпиндим деб «эсиз китоб».  
У мени тўхтатиб қиларди хитоб:

«Қадим Анахита – ҳосил онаси,  
Бугундан сен Ҳаким кутубхонаси.  
Менинг бошим эди сендек ҳосилдор,  
Лекин кўр инсонлар унга тикди дор.  
Китобларим элт сен буюк сафарга,  
Кечалардан ўтиб етказ саҳарга.  
Ва эзиб заррага тарқатиб юбор,  
Гадолар ҳам ичсин, ичсин ҳар кибор.  
Зарралар буғдойга сингиб бўлсин дон,  
Донишга интилсин еган ҳар инсон».  
Дея кўзларига устоз ёш олди,  
Жайхуннинг уфқига термулиб қолди.  
Сўнг деди: – «Таниб қўй, ушбу боладан  
Қолган китобларим бир-бир оласан».  
Бу эртак ҳайратга солар ҳар кишин,  
Мендан санаб унинг юз ёзган ишин.  
Қабул қилди Жайхун кутубхонаси –  
Улуғ Анахита – ҳосил онаси,  
Мусофир, шу эрур менинг фожеам,  
Нетарди мен кўр қул пирини алдасам.  
У ақл дурларин қўйсам яшириб,  
Бир бор ёлғон десам ва қилсам фириб.  
Сўнгги ишларин пир бугун эрталаб,  
Жайхунга ташла деб қилганди талаб.  
Зада қилиб жоҳил шайхлар тафтиши,  
(Ўзин ҳам йўқ қилди чаёнлар ниши).  
Ҳужрамга келиб дафидан қайтиб,  
Кутиб элнинг тушда дам олар пайгин,  
Дафтарни ташладим келиб соҳилга  
Ва кирди даъфатан виждоним тилга: –  
«Пир руҳи шод бўлар сўнг бор алдасанг,  
Сен ичганинг йўқ-ку энг мудҳиш қасам.  
Ул дурни сақлаб қол!» дея буюрди,  
Мени тўлқинларнинг бағрига урди.  
Буёғига эса ўзинг гувоҳсан,  
О, энди не фойда минг оху воҳдан.

## ***МЕН***

**Биларсан эл аро бор шундай нақл,  
Тентакка тушдан сўнг келармиш ақл.  
Биз доим юрамиз алдаб, алданиб,  
Ҳақиқат қизини олгунча таниб.  
Сўнгги жасоратинг учун ҳам балли,  
Балки олам кезар бу дафтар ҳали.**

## ТЎРТИНЧИ ТУШДАГИ ДИАЛОГЛАР

### МЕН

Бир маҳал сачраб кетдим уйғониб,  
Кўкда тонг юлдузи турарди ёниб.  
Шунда мен топшириб илҳомга изминм,  
Кечаги тушимни назмга тиздим.

\* \* \*

Кечага жой берди оламнинг шамси,  
Чироқлар ул шамсдан узилган томчи.  
Қора тун бағрига сочар эди нур,  
Дилимда бир тушнинг завқидан сурур.  
Кўз илгач бошланди ажиб томоша,  
Борардим Термизнинг қумлари оша.  
Қумда қизғалдоқлар чайқалар эди,  
Борлиқ баҳорги кўк пайкаллар эди.  
Бир ёнда лайлақлар қиларди мажлис,  
Оламни тутганди кўкламий бир ис.  
Турналар қур тортиб мовий самода,  
Йўлбарслар виқорли чипор жомада.  
Юришарди иноқ, беозор, озод,  
Оху сурувлари ййрашарди шод.  
Шу чоқ қайдан милтиқ қарсиллаб қолди,  
Бу жаннат манзара бирдан йўқолди.  
Сахрода бир ўзим қолдим хувиллаб,  
Шамоллар қум сочди бетга шувиллаб.  
Олиса чорларди Жайхун ялтираб,  
Ўша томон юрдим ҳайрон, қалтираб.  
Мени дадиллатди дўмбира сози,  
Танамга куч бериб сеҳр овози.  
Борсам, юрмиш кичик хонгул подаси,  
Пода ичра биров ҳислар гадоси.  
Турарди оқ кўксин очиб муз елга,  
Қарашлари эди Мажнуний телба.  
Ул зотнинг ёнига ингилиб бордим,  
Дардлашмоқ илинжи дилимни ёрдим.  
«Хонгул подасига қўшилган одам,  
Дилимга бир ҳайрат ташладинг бу дам.

Жониворлар ила нечун ошна сен,  
Ёлғизлик даштида нечун ташна сен?  
Нечун мунгли қўлда сайрар дўмбиранг,  
Дилингда не ҳислар қилаяпти жанг?  
Ҳайрат водийсида йўлиққан кишим,  
Кимлигинг баён бер, бўлиш ташвишинг?\*

### У ОДАМ

Мен сўнги бахшиман, сўнги хонгуллар,  
Мен ўлиб кетаман, йўқолур улар.  
Шу зебо жонлар-ла тақдиримиз бир,  
Шу тақдир бирлиги юришимга сир.  
Аммо менинг ҳолим булардан ночор,  
Буларнинг бугун-ку ҳимояси бор.  
«Хонгуллар сақлансин» деб қилар хитоб,  
ЮНЕСКО сейфида бир қизил китоб.  
Гумроҳлар ҳали ҳам отишяпти,  
Мана хонгуллардан бори шу қопти.  
Хўп, дейлик ЮНЕСКО уларга соя,  
Менинг тақдиримга ким бўлар доя?  
**Бахшилик санъатим ямга қолади,**  
**Айт, бу дўмбирани қай мард чалади?**  
Ўрним босолмас-ку мақомчи, машшоқ,  
Санъат олами бўлур-ку қашшоқ?

### МЕН

Ўйлар саҳросида адашган кимса,<sup>\*\*\*</sup>  
Менимча ўйларинг пишмаган тимса.  
Сенинг меросхўринг мен ҳам шоирман,  
Фикр кўйлагини шеърда чайурман.

### БАХШИ

Сўзларим тагига етмадинг, бола,  
Бахшилик, шоирлик иккита олам.  
Шоирларинг халқни қилмай юзхотир,  
Бири-бири учун шеър тўқиб ётир.  
Ҳар ғўза бошида бир шоир букун,  
Майдалаб юборди шеърни ҳам бутун.  
Бир янги фикр йўқ, бари қайтариқ,

У шоирга ковуш бу кийган чориқ.  
Нима деганларинг гоҳо муаммо,  
Номин шеър қўйган-ла шеър бўлмас, аммо.

### МЕН

Шоирларнинг бари сен айтгандаймас,  
Бахшининг ҳам бири баланд, бири паст.  
Ҳаммага тенг тортиқ эмас иқтидор,  
Шундан тақлидчи бор, зукко шоир бор.

### БАХШИ

Кел, менинг кичик бир термамни эшит,  
Кейин сўзларингни тинглайман йигит.  
«Сени билан баланд чиқар товушим,  
Сени билан ривож олар ҳар ишим.  
Шодлик билан ўтади ёзу қишим,  
Юрагимга малҳам бўлган, дўмбирам.  
Сен бошладинг қанча яхши жойларга,  
Эл бошлайди кел, деб бизни тўйларга.  
Йўл очасан яхши оҳанг куйларга,  
Ижодимга илҳом бўлган, дўмбирам.  
Менинг билан бирга орзу тилагинг,  
Жўш уради қайнаб ижод булоғинг.  
Сухбатларда сайраб турдинг қўлимда,  
Қўш булбул қўнгандай икки қулоғинг.  
Ҳамроҳ бўлдинг йўлда, чўлда, газада,  
Қоматинг келишган, ўзинг озода.  
Сени чертиб ўтди қанча шоҳ, гадо,  
Боболардан мерос қолган, дўмбирам.  
Ўзинг ёғоч, қанча нағма, нозинг бор,  
Тарихларнинг қаърида ҳам изинг бор.  
Ёлғон эмас, ҳозир гувоҳ ўзинг бор,  
Ўтмишни ёдимга солган, дўмбирам.  
Чертиб ўтди сени қанча бахшилар,  
Хаёлимдан кетмас ўша яхшилар.  
Терма айтсам тинглаб неча кишилар,  
Халойиқнинг кўнглин олган, дўмбирам.  
Чаноғинг тугдона, қулоғинг тутдан,  
Қошқоғинг тол, бўйнинг-чи олмурутдан.

Йўнган устанг эса Сурхондай юртдан,  
Кел, мадҳингни бир дам куйлай, дўмбирам.  
Сенинг катта уканг эрур ул дутор,  
Бу ҳаётда қанча ёғоч асбоб бор.  
Хафа бўлма, сенга йўлдош топилар,  
Қардошларинг бир-бир сўзлай, дўмбирам.  
Отганда зангиллаб чиқади ўғи,  
Яшицдай чўзилиб кетади чўғи.  
Қанча қурол-анжомларнинг қўндоғи,  
Бари сендай ёғочдандир, дўмбирам.  
Хонанда қўлида рубоби, торн,  
Сен билан қўзғалар бахши жигари.  
Бедов отнинг гўзаллиги эгари,  
Бу ҳам сендай ёғочдандир, дўмбирам.  
Сенинг билан жўшар бахши қўшиғи,  
Уйларнинг ярашган роми, эшиғи.  
Гўдакларнинг бир энаси – бешиғи,  
У ҳам сендай ёғочдандир, дўмбирам.  
Абадий ўчмасин элнинг чироғи,  
Шу чироқдан яшнар юртнинг ҳар ёғи.  
Чўпонларнинг баракали таёғи,  
Бу ҳам сендай ёғочдандир, дўмбирам.  
Кўз қувнатар ҳунарнинг минг нусхаси,  
Нусха-безакларнинг қўлдир устаси.  
Ўроқ, кетмон, болта, болға дастаси,  
Бари сендай ёғочдандир, дўмбирам.  
Гумбирлаб сўйлайбер қиш билан ёза,  
Сендан чиқар дўмбирача куй тоза.  
Шаҳар, саройларда қанча дарвоза,  
Бу ҳам сендай ёғочдандир, дўмбирам.  
Меҳнат қилганларга боқар бахт қиё,  
Илм нури бўлди турмушга зиё.  
Бугун қанча телевизор, радио,  
Бу ҳам сендай ёғочдандир, дўмбирам.  
Илк бор хаёл шу ёғочдан от қилган,  
Меҳр қўйиб қоғоздан қанот қилган.  
Қанча газет, китоб, журнал сотилган,  
Бари сендай ёғочдандир, дўмбирам.



### *МЕН*

О, шу чоқ дўмбира сўқмоғи ила,  
Ёғоч камолати бўлиб силсила.  
Кўзимнинг олдидан бирма-бир ўтди,  
Лол бўлиб ҳайратим ичимга ютдим.

### *БАХШИ*

Тингладинг бахшининг ички товушин,  
Айтган термаларин равон равишин.  
Дўмбирасидаги илоҳий оҳанг,  
Сенинг тушунчангга очмадими жанг?  
Сен ҳам бир шеър ўқи, айтгум шарҳини,  
Кейин шоир билан бахши фарқини.

### *МЕН*

Сиртимга қараб сиз чиқарманг ҳукм,  
Билмасдан дилимда нималар ҳоким.  
Даврада вақт деган бир донишманд бор,  
У ҳали айтади сиз киму мен ким.

### *БАХШИ*

Ҳа, дуруст топибсан, яхши фалсафа,  
Мен худди сенинг шу таънангдан хафа.  
Сен айтган вақтда менинг фожеам,  
Без кетарманми, деб чекаман ғам.

### *МЕН*

Достонларинг китоб бўлиб ёзилди,  
Танирсан Жуманни, бахши Фозилни?  
Шуларнинг сафида сен ҳам қолурсан,  
Бу дам тушкин наъманг ҳечга чалурсан.

### *БАХШИ*

Китобда достонлар ўқилар ҳиссиз,  
Ижро санъати ўлмоқда изсиз.  
Шу санъат тақдири менинг бор қайғум,  
Ўлмоқда эл аро машҳур бу удум.  
Чин шогирд изладим, топилмади чин,  
Бу касбни эгаллаш нақадар кийин.

Китобда дostonнинг ярим завқ-нақши,  
Ижрода дostonнинг худоси бахши.  
Замонлар ўтмоқда, ўтади шитоб,  
Жонга теккан пайтда китоб, шеър, рубоб,  
Зерикиб келажак аср одами  
Соғиниб қолмасми дoston оламин?  
Бахшисиз кўринмас у жаннат дунё,  
Ижрочи йўқ бўлса, у дунё руё.

### *МЕН*

Деди-ю, кўзлари кетди олайиб,  
Чехрасидан бўлди сиполик ғойиб.  
Қалтираб юзларим сари қум сочди,  
«Мана бу бўри» деб сахрога қочди.  
Хонгуллар ҳам унинг йўлини олди,  
Сахронинг уфқида қизғиш чанг қолди.

## БЕШИНЧИ ТУШДАГИ ДИАЛОГЛАР

### *МЕН*

Кўзларимни очсам кулар эди тонг,  
Нурлардан таралиб самовий оҳанг.  
Булбуллар нағмаси тутган сабони,  
Қушларнинг ўйини тутган ҳавони.  
Мен эса топшириб илҳомга измим,  
Кечаги тушимни назмга тиздим.

\* \* \*

Яна мен сеники сеҳргар кечам,  
Юлдуз – сингилларим, менинг Ой – чечам.  
Сатрлар йўлида саргайди нигоҳ,  
Бир алла бошлангиз «Наво», ҳам «Сегоҳ».  
Кўзларимга суртинг уйқу-елимни,  
Бир туш сафарига боғлай белимни.  
Ёстиқдан бошланиб кетди яна туш,  
Бир аёлни кўриб бошдан учди хуш.  
У зафар бир боғда сайр этарди,  
Ёнида бир жажжи гўдак кетарди.  
Хазонларни аёл оҳиста босиб,  
Борар эди куйлаб, кўкка кўз осиб:

### *АЁЛ*

Болам, ҳали олтин қабр,  
Олис тоғлар ортида.  
Олам кезар сенинг отанг,  
Ўша қабр-отида.  
Етти йилким ўша қабр,  
Олис юртда айланар.  
Арвоҳига хат юбордим,  
Элтолмади майналар.  
Келмасини била туриб,  
Келар дедим сизгинсам.  
Сочим олиб кетган эди,  
Соч тутатдим соғинсам.  
Сор булутлар гулдираги  
Оти мисол кишнайди.

Уфқларда олтин чақин,  
Қиличидай яшнайти.  
Олтин қабр кўрина қол,  
Нурингни соч оламга.  
Ўша нурдан бир ҳовучи  
Етар менинг боламга.  
У улғайса отасидай  
Бўлар олам ҳокими.  
Онасига келтиради  
Отасининг хокини.  
Сариқ ёйин тортар у кун,  
Само бағри сўкилар.  
Кўкнинг олтин юлдузлари  
Оёғимга тўкилар.

### *МЕН*

У шундай куйларди, кўзларида ёш,  
Бола ҳам борарди йиғлаб, эгиб бош.  
Ўйлардим, ё рабби, дostonлар чинми,  
Бола – Ёдгорми? Жувон – Барчинми?  
Изтироб кўшиғи юрагим эзиб,  
Яқинлашдим, аёл етганим сезиб,  
Ўғлига деди: – «Хой Ёдгор, тинчи,  
Бизни таъқиб қилиб етди бир синчи».

### *МЕН*

Ё рабби, дostonлар олами чинми,  
Боланг Ёдгорми, ўзинг Барчинми?  
Вужудингни қийнар қай дард олови,  
Қалбингда қай марднинг ғамин ялови?  
Мен дали сайёҳга сўйлагил синглим,  
Гумон булутидан арисин кўнглим.

### *АЁЛ*

Сўзинг ҳақ, мен Барчин, эй сайёҳ сенчи,  
Кўшиғим одатий ёрнинг соғинчи.  
Шу ҳажр кўшиғин айтаман ҳар кеч.

**МЕН**

Ҳайратим жумбоғин аниқроқ еч?

**БАРЧИН**

Ҳар куни йўқлайман ёрни – Ҳақимни,  
У эди бутун шу Ернинг ҳокими.  
Бир синамоқ бўлди яна бахтини,  
Ой-ла беамоқчи бўлди тахтини.  
«Юлдузларга, – деди, – етар иложим,  
Зухра тожим узра туриши лозим»,  
Дея самоватга томон от сурди.  
Кўнглида зўр шикор довули турди,  
Ва «қайтаман, – деди, – келгуси кузда.  
Агар қайтолмасам етар бир мужда».  
Узоққа чўзилди у улуғ сафар,  
Қатор кузлар ўтди, келмади хабар.  
Бир куни туш кўрдик бутун юрту эл,  
Йиғимиздан юртни босди ёшдан сел.  
Сочилиб ётарди марднинг совути,  
Ой эрмиш ул марднинг олтин тобути.  
Бошида битта чол мисоли чинор,  
Турарди қилиб шу сўзларни такрор.  
«Бу зотда йўқолгач инсоф, қаноат,  
Рўй берди бу янглиғ кору синоат.  
Авлодларин ҳам шу бўлса шеваси,  
Бутун Ер бўлгуси инсон беваси».

**МЕН**

Менга ҳам шарқлик бир улуғ донишманд,  
Айтган эрди бир кун бир ҳикоя-панд.  
Сўзи ўхшар ўша чолнинг сўзига,  
Ўзи ўхшар балки унинг ўзига.  
Ғам қўшиғин айтган эй келинчак хит,  
Ўша донишманднинг эртагин эшит:

**ДОНИШМАНД**

Оламни биринчи яратган кундан,  
Тангрининг ўзи ҳам қолди балога.  
Ер онанинг ўзга фарзадларидан

Шикоятлар ёғди Арши-Алога.  
Жониворлар ёзишар: – «Эй парвардигор,  
Ниятинг эдими бизларни қирмоқ?  
Ерда ҳар қадамда қоқсон, тузоқ бор,  
Сувни ҳам қолади у қўйган қармоқ.  
Одам эркимизни йўқотмоқ истар,  
Қаратмоқ бўлади бизларни қўлга.  
Биз билан тенг ҳуқуқ бўлсин одамлар,  
Тангримиз сен ўзинг сол уни йўлга».  
Гиёҳлар бетўхтов қилар шикоят,  
Шикоят қилади минг-минг тур дарахт:  
«Оламни қайтадан тузсангиз шоят...»  
Арзалардан Тангрининг вужуди карахт.  
Ер сари йўллар сўнг фаришталарин,  
«Борингиз, бебошни текширинг чунон!»  
Жаннатдан зериккан малойика бари,  
Ўша он Ер сари бўлишар равон.  
Худонинг кўринмас бу жосусларин,  
Ернинг гўзаллари этар ҳар он ром.  
Улар уйқусида қучиб қизларни,  
Висолли туш бўлиб этар беором.  
Сўнг Ер санамлари кўнглига ургач,  
Қайтишиб Оллоҳга сўзлашар ёлғон:  
«Номинг одамларнинг бўйнидаги хоч,  
Тангрим, измингдадир ул банданг инсон».  
Тўлиб борар Тангрининг сабр косаси,  
Шикоятлар охир бўлмагач канда.  
Ақли жуда заиф, қўпол жуссали,  
Жиноятчи наҳот ул мўмин банда?  
Дарвоқе, шу кичик фурсат ичида  
Бу қадар қудратли бўлмас-ку одам?  
Сўнгра буюради фаришталарга:  
«Келтиринг одамни, гувоҳларни ҳам!»  
Эрам боғидаги Оллоҳ саройи,  
Шу жойга тўшланмиш Ер фарзандлари.  
Жой кўрсатиб юрар руҳлар фидойи,  
Ҳайрат-ла одамга боқишиб бари.  
Одам ўтиради болалари-ла  
Унга кўрсатилган қора курсида.

«Худо келаяпти» деган даҳшатли,  
Овоз учар шу он сарой устида.  
Сарой аҳли бирдан ер ўшиб қолмиш,  
Одам эса хиёл этади таъзим.  
Худо нигоҳида бир ҳайратланиш,  
Бундай муомилани қилмас у ҳазм.  
Сўнг бош фариштага шивирлаб дейди: –  
«Биз уни ақлдан этсакчи жудо?»  
Фаришта одамнинг ғамини ейди: –  
«Ноўрин бўларди ҳазрати Худо,  
Бай-бай камолига қаранг уларнинг.  
Анови қиздай хур йўқ-ку жаннатда,  
Ахир биздагидек Ерда аллаким  
Бошқариб турмоғи керак албатта».  
Бу бош фаришта ҳам Ерга неча бор  
Фалақдан элчи бўб келиб кетганди.  
Жаннатий хурларга бой зангор диёр  
Унинг ҳам руҳига ором элтганди.  
Яна дер: – «Ақлни ўзингиз берган,  
Қайтиб олсангиз бу бўлмасми мункир?  
Жуссасин ҳам сизу бизга ўхшаган,  
Қилиброқ ясаган ўзингиз ахир.  
Қаранг, қарашида қанча маъно бор,  
Камоли биз тенги бўлибди, ана.  
Рухсат берсангиз гар, айтай, ҳазрат,  
Бир олий жазо бор унга ягона».  
Худо айтавер деб ирғади бошин,  
Шивирлай бошлади фаришта унга: –  
«Ернинг ҳокимлигин, майли, у олеин,  
Бошқарув зўр жазо бўлади бунда.  
Идора қилолмай битар қирилиб,  
Ҳар куни ўзаро қилишиб жанжал.  
Ҳавони ифлослаб, сувни булғатиб,  
Ва яна топғуси минг турли ажал.  
Ақл балосидан қутқарманг уни,  
Даҳшат қуролларни ўйлаб чиқарсин.  
Эргаси мўъжиза, ваҳм бугуни,  
Бўлиб камолотта у кириб борсин...»  
Сўзларин тугатиб ўша фаришта

Худонинг пойини ўпар мисли қул,  
Ҳукм минбарига чиқади Худо.  
Фаришта сўзлари бўлган сўнг маъқул  
Ва сўзлар: Ердаги фуқароларим.  
Тинглангиз, одамзод менинг қавмимдан,  
Унга топшираман Ер ишин барин.  
Шикоят олмайман энди ҳеч кимдан.  
Ул Ер манзилингиз ва сиз ҳаммангиз.  
Энди одамзотнинг жойи, ўз мулки,  
Мулкини ноўрин барбод этса ким,  
Ҳамиша бўлгуси аянчли, кулки,  
Кимки ўз уйига тош отса агар,  
Кўзини чиқарар болаларининг.  
Кулбангиз абадий ёритар Қуёш,  
Шу билан гап тамом, хайр, хўш боринг!»  
Ўша кундан бери Худо беҳабар.  
Инсоннинг измида қолди сайёра,  
У бу ерин тиклаб, у ерин бузар  
Ва ўзи излайди ўзига чора.  
Гоҳ Ерий мулклардан тўлмайн кўнгли,  
Худо самосига йўллар элчилар,  
Худо ҳам Арш аро пусиниб энди,  
Бу очкўз қавмига қаноат тилар.

### **БАРЧИН**

Ўша тундан бери мотамсароман,  
Мунгли кўшигимни куйлаб бораман.  
Ана, болам, Ой кўринди,  
У отангинг қабри.  
Кўзичоғим, онанг қадар  
Бўлавергил сабрли.  
Улғаярсан шиддатингдан  
Само бағри сўкилар.  
Кўкнинг олтин юлдузлари  
Оёғимга тўкилар...



## ОЛТИНЧИ ТУШДАГИ ДИАЛОГЛАР

**МЕН**

Уйғонсам самода алвон булутлар,  
Соғинган кўзларим нур қушин қутлар.  
Сочларимни силаб ўтди ёқимли,  
Саҳар насимин ҳам ором оқими.  
Мен яна топшириб илҳомга измим,  
Кечаги тушимни назмга тиздим.

\* \* \*

Кун ботмай тун бўлди – Кўёш тутилди,  
Зулмат шаппараги нурдан қутилди.  
Борлиқ бўлиб ғамгин чехрадек маъюс,  
Яшил кенгликларни олди қора тус.  
Сатрлар сайридан кўзим зерикиб,  
Уйқу келар эди танзим эритиб.  
Мен шунда кўрардим яна бир тушни,  
Туш дема бажариб заҳмат юмушни.  
Ўзимни топшириб хаёл жунунга,  
Юрибман қайси бир дорулфунунда.  
Ва чанқоқ нигоҳим ҳар сори сочиб,  
Кирсам бир имтиҳон хонасин очиб.  
Дуч келди кўзда ёш бир сочи толим,  
Хонада тунд чехра иккига олим.  
Назар эргаштирди қизнинг кетидан,  
Номақбул бир ҳолат аён бетидан.  
Мактабдошим эрди булар, во ажаб,  
Мени қаршилаган икки серғазаб.  
Кеча бола эди, бугунчи олим,  
Мен сиҳат сўрадим улар ҳам ҳолим.  
Сўнг бузилди тинчлик чўккан орага,  
Бойси тушишди мунозарага.

### **БИРИНЧИ ОЛИМ**

Очиқ айтай, шоир ўзимизники,  
Ноҳақ қўйдинг ҳозир у қизга «икки».  
Муаллимлик шаънига келтириб қаҳат,  
Лоақал қилмасдан бир кўр маслаҳат  
Нега қўйдинг бирдан варақасига,  
«Икки»ми аниқ, рост жавоб қасдига?

### **ИККИНЧИ ОЛИМ**

Бўлди, бас, етарли, бунча тергама,  
Қўлимнинг ёнига қўлингни қўй, ма.  
Битта «икки»ларга қайғурма зинҳор,  
Охири бахайр, кўрмайсан зарар.  
Ҳам ҳар йилги ҳол бу, ҳам бир режа бор,  
Одатдаги ишга сен-мен не даркор?

### **БИРИНЧИ ОЛИМ**

Тушундим, нимага қилганинг шама,  
Ўйлайсан, ўзингдек нафс қули ҳамма.  
У қизнинг ўрнига бесинов текин,  
Қайси бир пулдорнинг боласин секин  
Аъло баҳолар-ла жойламоқчисан,  
Тўймас жигилдонинг мойламоқчисан.

### **ИККИНЧИ ОЛИМ**

Шоир дейман, ошнам нима истайди?  
Мен унга бир сабоқ берайин, майли.  
Шунда у бўлса гар ақли расо,  
Сўзларимдан ясаб олар хулоса.  
Мана сен ҳам худди менингдек олим,  
Солиштир мен билан ўзингнинг ҳолинг.  
Чугурчуқ оиланг наздимда юпун,  
Баҳоли қудрат кўраяпсан кун.  
Менинг-чи, иккита ҳовлим бор шинам,  
Ғизиллаб турибди тагда машинам.  
Ҳақ десам қўлимга пулдорлар қўнса,  
Бир мўйлов бурасам бир ўним ўнса.  
Бунингдек омаддан юзни бурайми,  
Сен каби қаддимни букиб юрайми?

## *МЕН*

Одам қачон бўлса гар пулнинг қули,  
Қалбида ўларкан виждон булбули.  
Ҳар айтган сўзингдан даҳшат туяман,  
Инсон ҳам кетарми бу қадар тубан?

## *ИККИНЧИ ОЛИМ*

Йўқ, дўстлар, покиза бўлсин деб виждон,  
Юрмайман сизлардек дилдир, бечопон.  
Битта ҳақиқатни олинглар англаб,  
Қай биримиз қилдик фанда инқилоб?  
Кўпимиздан зарра фойда кўрмай фан,  
Дипломимизга сандиқлар кафан.  
Зўр мерос қолдириб ўлган отадек,  
Сандиқ тобутига жойлаймизда тек.  
Олишаверамиз тегар маошни,  
Кашф қилган олимдек ғоз тутиб бошни.  
Мен катта илмга эмас даъвогар,  
Биламан, ўзимда қанча иқтидор.  
Бир марта келгувчи қисқа ҳаётда  
Юрсам эдим қилиб сизлардек хато,  
Бунақа шоҳона яшамас эдим.  
Мана, сен виждонли шоир бўлдинг ким?  
Сендаги иқтидор менда бўлганда,  
Ноширларни қилиб ўзимга банда.  
Чиқарган бўлардим китоблар қатор,  
Киссанг пучлигидан юрибсан ночор.

## *МЕН*

Мен шундай шоирман, шоирман ўртоқ,  
Илҳом аргумоғи тутқазган тизгин.  
Рухимда талашиб ётибди бу чоқ,  
Ҳаётни тўлдирган яхшилик ва кин.  
Ойни ҳам ўпаман тунлар хоҳласам,  
Саболар тугади ичсам гар қимиз.  
Тор кулбамда туриб жазм этган дам,  
Ҳатто шоҳларни ҳам чўктираман тиз.  
Менга маошлардан бошламанг сўзни,  
Мансаблар баҳоси менга бир дирҳам.

Шоҳлардан ўктамроқ сезаман ўзни,  
Фақирроқ бўлсамда гадолардан ҳам.  
Халқимнинг шуҳрати, Ватан шуҳрати,  
Тирикчилигимнинг нони илҳомим.  
Кўҳна муҳаббат у бобо эзгулик  
Майи-ла лиммо-лим қўлдаги жомим.  
Аммо сендек қай бир пасткаш одамлар,  
Гоҳида атайди мени савдойи.  
Шуларга гоҳи шеър ўқиган дамлар,  
Пинҳона йиғлайман бўлдим деб зое.  
Барибир ўқийман, тинглар аллаким,  
Кимнингдир руҳида бадиат маориф.  
Шеърин қабрларга кўмилган қалбим  
Қолдирмайди улар гулсиз ва ғариб.

### *ИККИНЧИ ОЛИМ*

Ишингдан шодланиб гар ичмасанг май,  
Ўлиб кетсанг бир кун натижа кўрмай.  
Илҳом дея тинмай қумурсқа мисол,  
Кичкина умринг топсачи завол.  
Ноширлар ёнида етим боладек  
Чўнтагинг бўш учун мўлтирайсан тек.  
Уларнинг кўзлари доимо овда,  
Шеърининг ёнида борми деб совға.  
Пул дегани билсанг шундай лашкарким,  
Кўп виждон давлатин айлайди таслим.

### *БИРИНЧИ ОЛИМ*

Ҳа, энди башаранг рўйрост кўринди,  
Қанчалар ёйгансан иблис тўрини.  
Сендеклар турмушнинг мувозанатин  
Бўзиб ва қайириб нечов қанотин.  
Одамлар баҳосин пул билан ўлчаб,  
Виждонли қалбларга айғиб бўчтон гап.  
Юришти инсонлик номини сотиб,  
Эзгулик йўлига қора тош отиб.  
Сенинг сафсатамга қулоқ бериб тек,  
Ўтирмаймиз келди қўймоқ пайти чек.  
Қайта жавобга кир «икки» олган қиз,  
Сенинг жавобингни баҳолаймиз биз!

## **АБИТУРИЕНТ ҚИЗ**

*(Иккинчи олимга)*

Бурро жавобимга, ҳаяжонимга,  
Домуллам, тўнкадай ўтирдинг лоқайд.  
Бир нафрат оғуси сингди қонимга,  
«Икки» деганингда тугатганим пайт.  
Шунда юрагимга бир яра солдинг,  
Ҳақсизлик аламин тортдим илк бора.  
Ҳаммага билимим кўз-кўз қилардим,  
Лек сенинг ҳукмингга қолдим бечора.  
Биламан, рақибни йиқит деб турди,  
Киссангда кимларнинг қора хатлари.  
Менинг жавобиммас, бошингда юрди,  
Пора фарзандларин қора отлари.  
Пулнинг кучига-ку тан берар ҳар кас,  
У таърифин олган неча даҳонинг.  
Пулпараст домумлам виждондан эмас,  
Чўнтакдан чиқариб қўйдинг баҳони.  
Мен сени танидим, сен ибтидода  
Жаннатдан қувилган иблис-алвасти.  
Маҳшар кунигача инсонлар аро,  
Қора қабоҳатнинг сен қилмиш дасти.  
Энди сен мен учун ўлик сумбатсан,  
Шу менинг нафратим сен учун кафан.  
Сендек ифлосларга тизгинин берса,  
Бугуннинг авжида бўлмас эди фан.

## ЕТТИНЧИ ТУШДАГИ ДИАЛОГЛАР

### *МЕН*

Уйғонсам Шарқ уфқи эди лоларанг,  
Тонгнинг жарчилари чалар эди занг.  
Осмон уммонининг музи синибди,  
Булутлар идрабди – ёмғир тинибди.  
Барглар учар мисли олтин капалак,  
Куз ели уларни қувлаш-ла ҳалак.  
Дедим, эй зар фасли, олма ҳушимни,  
Назмга келтирай кўрган тушимни.

\* \* \*

Олис ўлкаларга кузатдим кунни,  
Яна қаршиладим сирдошим тунни.  
У бирла баробар келди «афғоний»,  
Сукунат мулкини босди у ғаний.  
Қора тун денгизи чайқалиб қолди,  
Гуё минг наҳангнинг тинчи йўқолди.  
Ташқарида симлар изғиқ нолиши,  
Мен эса бошимга тортдим болишни.  
Хайр, то тонгача дафтару қалам,  
Ассалом, янги туш – янги бир олам.  
Яна туш бошланди – илҳом бақриғи,  
Илҳом бақриғи бу – даврон чақриғи.  
Давронда рўй берган эрмиш бир фоже  
Ва ҳукмга лойиқ бўлмиш ривожи.  
Ҳукм ҳукмдори у одил Ҳакам,  
Маҳкумлар аҳволин дея кўрасан,  
Иснод водийсига бошлади мени.

### *ОДИЛ ҲАКАМ*

Минг турли томоша кутмоқда сени,  
Ана, ўша водий, темир тусида.  
Қуёш олов пуркаб турар устида,  
Бир-бир у палидлар ҳолига қара,  
Ҳазолар шарҳини билмасанг сўра.

### *МЕН*

Бу ким робот билан олишиб ётган,  
Буткул баданида сизгиб қон қотган?  
Жон-жаҳд-ла урар у темир одамни,  
Лек жароҳат топар ўзин бадани.  
Бир тушириб қўяр робот ҳар замон,  
Шунда у инграб ва талашиб жон,  
Аллапайт сургалиб қомат ростлайди,  
Яна робот сари калла ташлайди.

### *ОДИЛ ҲАҚАМ*

Тирик Темир эди унинг ўзи ҳам,  
Ўта расмиятчи эди, муттаҳам.  
Ҳатто хотинини ётсанг қучоқлаб,  
Шунда ҳам бу палид айтар расмий гап.  
Тенгинг шу деб унга рўбарў қилдим,  
Темир юрагини минг пора қилсин.

### *МЕН*

Буниси ким, пулни қувлаш-ла ҳалак?  
Пул учиб қочади мисли капалак,  
У туган заҳоти пулни ютади.  
Шу пайт вужудида зўр дард тутади,  
У бақриб заминга уради бошин.  
Тупроққа қорилиб, тўкиб кўз ёшин,  
Инграниб кучаниб, сўнг пул туғади,  
Туққанин тутолмай тагин қувади.

### *ОДИЛ ҲАҚАМ*

Пулга ўч молпараст тимсолидир бу,  
Бу зотнинг имони пул эди мангу.  
Пул қувиб, пул туғиб яшарди муртад,  
Пул учун жуда кўп ишлар қилган бад.

### *МЕН*

Итялоқ ёнида ўтиргани ким?  
Белбоғи айилу кийими тўқим.  
Қаршисида турар ит билан эшак,  
Хуриш, ҳанграшни тўхтатмай бешак.

Ит хурса, у одам хурар ит бўлиб,  
Эшакка жўр бўлар, гоҳ завққа тўлиб.

### *ОДИЛ ҲАКАМ*

Бу нусхамиз эди нодон тақлидчи,  
Савлати йиригу бўш эди ичи.  
Минбарда сўзларди та-та, та-та-та,  
Ўз сўзини эмас фақат цитата.  
Бу ерда ҳам ўша ўрганган иши,  
Ит билан эшакка жўр ёзу қиши.

### *МЕН*

Чотига шапатлаб, эмчагин соғар,  
Тани олақуроқ, бу аёл ким, фар?  
Қутирган эҳтирос тошар кўзидан,  
Қўтир ит кўрқади кўрса ўзидан.  
Гирдида саланглаб уч-тўрт чипор зот,  
У меники дея ҳар ён солар дод.  
Шу қўтир махлуқни таллашиб ётир,  
Оққан сўлақларин ялашиб ётир.

### *ОДИЛ ҲАКАМ*

Бир вақтлар бу аёл қиз эди гўзал,  
Билдики хусн-ла кўп истаклар ҳал.  
Ўрганди осоннинг ошини тотиб,  
Кўп гуноҳлар қилди танини сотиб.  
Ҳирсидан ортгирди мансаб ва маош,  
Ана у нар харлар бўлгач унга бош.

### *МЕН*

Ямлаётган ким бу қоғоз хирмонни,  
Қорни ўтов бўлиб, чиқгудек жони.  
Вужудида унинг неча тешик бор,  
Баридан қоғознинг аркони мурдор.  
Буралиб, эшилиб оқар ҳар сари,  
Қайси бир бад ишнинг у гуноҳкори?



### *ОДИЛ ҲАҲАМ*

Ўзингга таниш бу бюрократ,  
Беқоғоз саломни қилар эди рад.  
Кўп аламлар тортди ундан халойиқ,  
Оқибат у шундай жазога лойиқ.

### *МЕН*

Минг бўш ўриндиқлар аро жавдираб,  
Ҳар биридан гўё тинглаб қутлуғ гап.  
Қарсак чалар биров ўтириб, туриб,  
Қарсакдан қўллари кетибди қуриб.  
Кафтидан буралиб чиқиб бир тутун,  
Гирдоб бўб оғзига кирди-ю бутун.  
Бирдан уни қилди ойу кун буғоз,  
Ва қорнидан сўнгсиз у олқиш овоз –  
«Ура» қичқириғи чинқириб қолди,  
Қай гуноҳи уни бу куйга солди?

### *ОДИЛ ҲАҲИМ*

Билмас эди бу зот инсон нарҳини,  
Биларди ўтирган курсинг фарқини.  
«Брея имоми» деган кўшиқ бор,  
Айни ўша имом бу лаганбардор.

### *МЕН*

Ким у қулоғига сирға телефон?  
Даҳшатли жаранглар, тўхтамас бир он.  
Бошида баҳайбат бир соат турар,  
Капгири аямай оғзига урар.  
Телефонларга у итдай ақиллар,  
Соатнинг зарбидан тиши шақиллар.

### *ОДИЛ ҲАҲАМ*

Бир вақт теккан эди бу зотга мансаб,  
Ҳузурига кирсанг тингламасди гап.  
Ўзини тутиб бу ифлос подшоча,  
Ўзгани кўрмасди ҳатто пашшача.  
Телефони қолса бир вақт жиринглаб,  
Соатлаб сўзларди эзиб, ҳиринглаб.

Ойлаб битмас эди ишинг тўғриси,  
Энг жирканч одам бу вақт ўғриси.

*МЕН*

Бунда ётганларнинг бари тасқара,  
Инсон отин қилиб ёгир масхара.

*ОДИЛ ҲАКАМ*

Ҳа, Инсон шаънига иснод қилган ким,  
Бари бу водийда жазога маҳкум.

## САККИЗИНЧИ ТУШДАГИ ДИАЛОГЛАР

*МЕН*

Дунёнинг мўъжиза девори тоғлар,  
Яна тонг шафагин ҳорғин кучоқлар.  
Водийларда эса салқиган туман,  
Тарқаяпти мавхум гумонларсимон.  
Эриниб менинг ҳам сарбон қаламим,  
Байтлар карвонига ортди каломим.

\* \* \*

Юлдузлар ялтираб қолди самода,  
Сариқ тутмалардек кулранг жомада.  
Тиңди кун қушларин завқи-сайраши,  
Тобора қорайди ернинг доираси.  
Ул доира гирдида қатор чироқлар,  
Олгин ҳалқалардек ярқираб ётар.  
Мен бир дам кузатиб бу ажиб онни,  
Мизғидим, уйқумда бир туш уйғонди.  
Судралиб юрибман адирлар аро,  
Ташналик очликдан бўлиб овора.  
Бошимда қузғунлар қоқмай қанотин,  
Дилдан ўтказибми, ўлимтик тотин.  
Айланар босгудек йиқилсам агар,  
Қимирилатар эди мени шу хатар.  
Охир ажал қуши кетмай кўзимдан,  
Бир юлғин пойида кетдим ўзимдан.  
Бир пайт қулоғимга элас-элас гап  
Чалинди, ётардим мажолсиз тинглаб.

*ОВОЗЛАР*

Эганга сен доим очиқ дастурхон,  
Давралар хурматлар сени мисли хон.  
Жамолинга ҳамма бўлиб маҳлиё,  
Чехраси нур олар, кўзлари зиё.

### **БИРИНЧИ ОВОЗ**

Ҳа, мен дастурхонман, сизлар зийнатим,  
Сизлар бўлмасангиз мени очар ким?  
Сизлар-ла гоҳ фақир, гоҳо шоҳона,  
Ҳар тоифага мосман: гадо, шоҳ, хонга.  
Бугун бир чўпоннинг ризқ-рўзин ўраб,  
Турибман бу ерда йўлига қараб.

### **ИККИНЧИ ОВОЗ**

Мен бўлсам устингда, доим сен шоҳсан,  
Ташналар кўзига қуёшсан, моҳсан.  
Буткул мавжудотнинг эҳтиёжи мен,  
Ҳаёт султонининг мангу тожи мен.  
Мен зарур баҳорнинг соч ёйишига,  
Мен зарур ҳар таннинг оройишига.  
Оламинг ҳар буржи мен билан сулув,  
Ҳаёт балигимдир, мен – макони сув.

### **УЧИНЧИ ОВОЗ**

Дастурхон тўн бўлиб менга бичилган,  
Ичимликлар мендан кейин ичилган.  
Мен – нонман инсоннинг муқаддас кашфи,  
Номимга қўшмайман бошқа ҳеч ташбеҳ.

### **ТЎРТИНЧИ ОВОЗ**

Мен ўша шаробман, Одам Ато ҳам  
Туғилган кунимни билмайди аниқ.  
Мен ўша шаробман, яралганимдан,  
Ҳар қандай кийимда ҳаммага таниқ.  
Меш чопонлар кийиб чилқ-чилқ яшадим,  
Ҳайём кўзасидан сўзладим «қул-қул».  
Шиша либосларда қуйласам бугун,  
Менинг хонишимга жўр бўлар булбул.  
Лекин кўп ташвишлар менинг зиммамда,  
Бировлар мени дер шайтоннинг суви.  
Энг етук ақл ҳам бўлса гар кимда,  
Менга дош беролмай чиқаркан чуви.  
Хўп, айб мендами, йўқ, беозорман,  
Ҳеч кимга осилмам, тураман беҳол.

Ақлли одамлар тортади мендан,  
Бир дам тентаклик-ла қилмоқ чун висол.  
Ва ўша дамларда нопок иш қилиб,  
Менга дер барига сен бўлдинг доя.  
Бокира қизлар ҳам шундай дамларда,  
Мен рўкач, иффатин этмас ҳимоя.  
Минг йиллик тухмат бу, бугун мен яна  
Эзгу дастурхонда турибман тайёр.  
Ўша тухматчилар кўрган тантана,  
Уларга ёр бўлсин мезон ва меъёр.

### *МЕН*

Эй сизлар қайдасиз, қилайин тавоб,  
Мунозарангизга берайин жавоб.  
Насибамни олай чўпон ризқидан,  
Ғойиб халоскорга дуоларим тан.

### *ОВОЗЛАР*

Юлгуннинг эгилган шоҳларин кўтар,  
Узалсанг бизларга қўлларинг етар.

## ТҰҚҒИЗИНЧИ ТУШДАГИ ДИАЛОГЛАР

**МЕН**

Товушлар билдирди тонгинг отганин,  
Ҳамма бир кор сари шошаётганин.  
Боқсам борлиқ узра ёйилган туман,  
Дунё ўрмонига ўт кетгансимон.  
Тириклик ивирсир хўл тутун аро,  
Ҳаракат яшаш чун ҳар кунги чора.  
Мен ҳам туман билан ишқаб кўзимни,  
Назм даласига урдим ўзимни.

\* \* \*

Кенгликларга чўқди ором сукунат,  
Кеча қоғозига ёмғир ёзар хат.  
Борлиқ қулоқ солар майин шитирга,  
Булутлар шеър битар далага, қирга.  
Муздек шаббода ҳам кезарди майин,  
Мен шунда нўш этдим ғофиллик майин.  
Ўрлаб бораяпман азим тоғ сари,  
Дилда жондорларнинг мубҳам хатари.  
Потирлаб қолишар қушлар ғовлардан,  
Ваҳм қичқирқиқлар келар зовлардан.  
Бир шохин синдириб, қилай деб яроқ,  
Ингилдим бир улкан арчага қараб.  
Синдириб йўлимга энди тушган дам,  
Ҳайқириб йўлимни тўсди қор одам.

**ҚОР ОДАМ**

Нега озор бердинг менинг жонимга,  
Бадкор зот бир оғу қўшдинг қонимга.  
Умрим манзилини бир ой қисқартдинг,  
Устимга келажак ғамини ортдинг.  
Ахир бу эди-ку умрим дарахти,  
Соғлом ва сафоли қушларим – бахтим.

**МЕН**

Туф-Туф-Туф, ё тавба, ўзинг сақла, раб,  
Умрни ўлчарми, дарахтга қараб.

Биз эса кўқдан бир ёрқин юлдузни,  
Менинг деб овутиб юрамиз ўзни.

### **ҚОР ОДАМ**

Ўзингни гўликка солма, муттаҳам,  
Умрга мезонми олис юлдуз ҳам.  
Сенинг умрингнинг ҳам дарахти бор,  
Ахир, у бўлмаса яшамоқ душвор.  
Кўрганим йўқ сендай инсоннинг кўрин,  
Ху, ана у тўнғак – отангнинг гўри.  
У қояда турган арча навқирон,  
Сенинг умрингнинг ҳам дарахти нодон.

### **МЕН**

Қизиқ, жуда қизиқ, қани бораёйлик,  
Умрим дарахтини обдон кўрайлик.

### **ҚОР ОДАМ**

Мана шу дарахт умринг қаноти,  
Яъни нафасингнинг мувозанати.

### **МЕН**

Ростдан ҳам бу ерда жуда енгилман,  
Мўъжиза софликдан яйрайпти тан.  
Кўзларим равшанлик куйин чалмоқда,  
Анов ниҳолчалар кўнглим олмоқда.

### **ҚОР ОДАМ**

Ниҳолчалар эмиш, болаларинг-ку,  
Шулар омон бўлса боланг беқайғу.  
Улғаяр, навқирон камолга етар,  
Энди муддао шу, кўп гап на даркор.  
Умринг дарахтининг битта шохини,  
Синдириб оламан хуним ҳақини.

### **МЕН**

У синдирган пайтда борлигим исиб,  
Бақириб юбордим нафасим қисиб.

## ЎНИНЧИ ТУШДАГИ ДИАЛОГЛАР

**МЕН**

Борлиқдан сидириб кеча этагин,  
Кундуз бошляпти оппоқ эртагин.  
Ҳаётнинг уммони келиб тўлқинга,  
Боряпти тўлиб само шовқинга.  
Дилга тутиб пирлар бардош ва сабрин,  
Шарҳ қилардим мен ҳам тушим таъбирин.

\* \* \*

Само ўрикзори оппоқ гул тўкар,  
Гулбарглар хазони қор бўлиб тўкар.  
Кеча пок – қизнинг ҳам чеҳраси ёруғ,  
Бўлгач дунё оппоқ, оппоқ ватан, туг.  
Кўнглимни шу қизнинг сеҳрига бериб,  
Оппоқ чойшаб ичра кетдим мен эриб.  
Кўп тентиб баҳайбат қоялар аро,  
Гумоним даштида кўрмай бир қора.  
Топмоқ чун мангулик мўмиёсини,  
Суртмоқ чун кўзга у лаъл зиёсини.  
Адашиб гунг тошлар аро топмай йўл,  
Тулардим қай жон деб узатаркан қўл.  
Ҳарсанглар ортидан шу пайт бир оху,  
Қаради, о, хуркак қарашлар ёху.  
Келмасин деб унинг тинчига малол,  
Дедим титраб унга, қаддим тутиб дол:

**МЕН**

Сен ёввойи, мен ҳам сендек ёввойи,  
Тоғлар эрур ёввойилик давойи.  
Кўзларинг мақтаган бобом Навоий,  
Кўзларингга мен ҳам хумор охужон.

**ОҲУ**

Шеърда турдим гул ва булбул ёнида,  
Мақтовим бор ҳар кимнинг имконида.



Шунча шеър битилиб менинг шаънимга,  
Тақмадим-ку шеърдан тумор, эй одам.

### **МЕН**

Атрофингга қара, минг хил жилолар,  
Таратмоқда минг буралиб жилғалар.  
Жилоларни кўзингми ё илғамар,  
Сенга битга саволим бор охужон.

### **ОҲУ**

Дараларда бир ўзим йўрғалайман,  
Оқар сувдан қўрқиб гоҳ қор ялайман.  
Жабр кўрдим бу оламда талай мен,  
Сен овчи деб мен кўп бедор, эй одам.

### **МЕН**

Йўрғалашинг сенинг иффат либосинг,  
Боқишингда кўрдим пари ибосин.  
Ибо, иффат мангу ўзингда қолсин,  
Қўндирма ҳеч унга ғубор, охужон.  
Жойинг бўлсин жаннат – тоғнинг қояси,  
Эркаласин сени тоғлар зиёси.  
Шу тоғдамиш боқийлик мўмиёси,  
Унинг жойин этгил ошкор, охужон.

### **ОҲУ**

Ҳа, биламан, чунки ўзим тоғ қизи,  
Бундан борсанг бир дара бор қирмизи.  
Унга алтар сени охулар изи,  
Ўша жойда подшо оқ мор, эй одам.  
Уни топиб оқзига қўл соларсан,  
Истаганинг бақо майин оларсан.  
Ичсанг уни мангу яшаб қоларсан,  
Хайр, бўлсин омадинг ёр, эй одам.

### **МЕН**

Кетдим чангалзорлар ичра сўнг тўрлаб,  
Гоҳ жарларга тушиб, гоҳ тикка ўрлаб.

Чиқиб бордим бир вақт юксак давонга  
Ва яна пастликка бўлдим равона.  
Қизариб борарди ҳар ён мисли қон,  
У қирмизи дара бўлиб намоён.  
Гирдида қоялар гўё тик минор,  
Ҳайбат ва бўйидан боқсанг кўз тинар.  
Туларди булутлар бағрини тилиб,  
Ер найзаси бўлиб кўкка санчилиб.  
Дара ўртасида улкан товада,  
Ётарди оқ илон яйраб ҳавода.  
Ҳайрат-ла боқди у мен – меҳмонига,  
Салом бериб дедим бориб ёнига:  
Боқийлик дориси бор эмиш сенда,  
Ундан нўш этмоқлик орауси менда.  
Ҳузурингга судраб келди ўша ғам,  
Чеккан жафоларим ҳаққи қил инъом?

### *ОҚ ИЛОН*

Инъом қиламан-ку, аммо шарти бор,  
Шарт учун ирода, фил қувват даркор.  
Заҳар-ла вужудинг олдин балзамлаб  
Қўяман, соғ қолсанг, қилганинг талаб  
Мўмиёни уч кун ўйинга тушиб,  
Ўлимим олдидан бераман қусиб.  
Лекин захрим ўткир, сен бир бедармон,  
Нобуд бўласан-ку, нечук бу фармон?

### *МЕН*

Азоблардан сенга лаънат айтмайман,  
Фидойилигимдан сира қайтмайман.  
Менинг табиатим ахир шунақа,  
Мақсадим йўлида ваҳм бир чақа.

### *ОҚ ИЛОН*

Огоҳ қилдим, ўзинг биласан, тагин,  
Оқзимга сол, йўқса бир бошмалдоғинг.  
Чақайин, майли, минг афсуслар билан...

## **МЕН**

Чақди-ю кулча буб қолди оқ илон,  
Вужудимга кетди зўр оғу сингиб.  
Қўзим тиниб борди, бошларим гангиб,  
Ер чирпирак бўла бошлади аввал.  
Қуёш хира тортиб кетди бир маҳал,  
Йиқилиб товадан кетдим думалаб.  
Жонталаш тинглардим Қуёш, Ердан гап:

## **ҚУЁШ**

Аттанг, мақсад сари етмоқмас осон,  
Бу гал ҳам адашдинг тинчимас инсон.

## **ЕР**

Дилингда туғилиб энг етук савол,  
Жавоб излаб умринг топмоқда завол.  
Қаддинг ростлаб келган йўлингга қара,  
Изинг босиб келар авлодлар сара.  
Ораунг сўқмоғидан ўшалар ўтар,  
Юпанч шу, дилингда армонни кўтар.  
Аждодларинг тинглаб ётир алламни,  
Сийнам узра сен ҳам қўйгил каллангни.

## **МЕН**

Хайр, иссиқ уйим қолган Жайхуннинг қирғоғида,  
Хайр, қолган жигарларим кўнглимнинг ардоғида.  
Қўзларимга қўшиқ эрди гулбаҳорнинг ранглари,  
Хайр, қолган гулларим, ҳей, жаҳоннинг ҳар боғида.  
Хайр, ишқу ошиқлигим, хайр, сочларнинг бўйи,  
Хайр, қолган бўсаларим гўзаллар дудоғида.  
Хайр, даври дабдабалар, хайр, фақирлар мунги,  
Хайр, қолган армонларим йўқликнинг овлоғида.  
Қўзги елда қолган баргдек вужуд ичра титрар жон,  
Хайр, ҳали кўм-кўк барглар дарахтлар бутуғида.  
Юзим сила тун сочлари, осмон тақ ой сирғангни,  
Хайр, сўнги нигоҳ қолган юлдузлар чироғида.  
Мен бир осий, бақо майин топиб ичмоқ истадим,  
Лек масканим бўлди фано ўша майнинг доғида.

\* \* \*

Тонг отиб тугади, тушим-нолишим,  
Йиглабман, хул бўлиб қопти болишим.  
Азиз жўраларим, қайдасиз борай,  
Даврангиз соғиндим, дилимни ёрай.  
Кўринмай қолдинг деб қилингиз сўроқ,  
Кейин тушларимни берингиз жўраб.  
Сўнг қамчи босайлик сафар отига,  
Саёҳат фанимат инсон зотига.  
Осмон айвонининг тиргаги тоғлар,  
Рухни абадийлик юртига боғлар.  
Ўша кенгликларга яна от қўйиб,  
Яйрайлик она юрт завқидан тўйиб.

*1973-1976 йиллар*

## УЧИНЧИ МАНЗИЛ



# ОҲУ

*достон*

## I

Зумрад булоқ, яшил арчазор,  
Юксак тоғлар уларга она.  
Арчазорда кичик қишлоқ бор,  
Қоялардир унга кошона.  
У қоялар сари тирмашиб,  
Қўлларидан тутиб бир-бирин.  
Ўрлаб борар не учун шошиб,  
Ху, икки қиз ва бир ўспирин.  
Лола базми чорлар уларни,  
Чор атрофда чўғланиб, ёниб.  
Ё қирмизи дудоқми бари,  
Қизлар ўпар кулиб, қувониб.  
Гўзал эди қизлардан бири,  
Ошпоқ худди тоғнинг қоридай  
Навбаҳорнинг минг бир таҳрири.  
Гўзал бўлмас шу шўҳ паридай,  
Қора шаҳло кўзларин унинг  
Кўрсанг қайтиб бўлмас унутиб.  
Қани энди илож бўлса бир  
Қошиқ сув-ла ул шўҳни ютиб,  
Гўзалликка абадий тўйсанг.  
Хусн аҳлидан сўзлашни кўйсанг,  
Табиатнинг тилсиз қизлари –  
Лолалардан ясаб гулдаста,  
Йигит унга тутса ул пари  
Табассум-ла оларди аста.  
Дугонаси эса бир четда  
Ғайрилик-ла қараб турарди,  
Ҳаяжони қалқиган бетда  
Ошкор бўлиб ички бир дарди.  
Кун оққанда қайтишди улар  
Лола сизмай кучоқларига.  
Йўлларига чиқса болалар  
Гул улашиб борди барига.

Шарқдан бошлаб ёндирган куннинг  
 Фарба сўнди сўнги яллиғи.  
 Шу ёнғиндан қолган кул-туннинг  
 Ой, юлдузлар сўнмаган чўғи.  
 Шуъла тарар кеча қаърига,  
 Худди шу пайт тандир бошида  
 Ул гўзал қиз узар эди нон,  
 Ўша йигит оғил қошида  
 Қашиларди саманин бу он.  
 Сўнгра отин бўлгач совутиб,  
 Йигит келди қизнинг ёнига,  
 Ҳаяжонин қиз турар ютиб.  
 Йигит боқиб унинг нонига,  
 Дейди: – «Гулим тандиринг осмон,  
 Юлдузлардир ичидаги нон».  
 Узиб бўлиб нонин сўнг қиз дер:-  
 «Қани юлдуз, тонг отди-ку, тонг?»  
 Нонларини кўтариб шўх қиз,  
 Кириб кетар хиром-ла уйга.  
 (Севгилингдан эшитган ҳар сўз,  
 Ўхшар мисли сеҳрли куйга).  
 Шодмон бўлиб қиз жавобидан,  
 Йигит бир зум хаёл суради.  
 Кейин эса қизнинг изидан,  
 Салом бериб уйга киради.  
 Уй тўрида қизнинг отаси,  
 Ўтирарди бир нуруний чол.  
 Қишлоқдаги чоллар каттаси,  
 Шу чол эди элга оқсоқол.  
 Яхшилиқни қилмасдан канда,  
 Манзур эди халққа ўгити.  
 Ўша эди етим қолганда,  
 Асраб олган ҳам шу йигитни.  
 Кекса қалбин муруввати-ла,  
 Бола дилин этганди банди.  
 Лойиқ бўлиб муҳаббатига,  
 Улғайганди чолнинг фарзанди.  
 Энди эса қобил йигитни

Куёв қилмоқ чолнинг мўлжали.  
Лекин ота ёлғиз қизининг  
Сўрамаган кўнглини ҳали.

3

Ойдин кеча, бутун тоғу тош,  
Ой нурида яйрар, чўмилар.  
Супа узра ўша икки ёш,  
Ойга боқиб ўйга чўмдилар.  
Ойдин кеча, одам қалбига,  
Олам мангулигин туяди.  
Ойдин кеча, бундай кечада,  
Ким куяди, кимдир суяди.  
Бундай кеча жуда кўп бўлган,  
Кеча қадим, одамлар қадим.  
Қадимийдир тунда ўпмоқ ҳам.  
Йигит қиздан бўса сўради,  
Истагини рад қилди дилдор: –  
«Уяламан, – деди, у ойдан,  
Кўз турганда лабга нима бор,  
Тўяди-ку кўзлар чиройдан».  
Йигит деди: – «Ойдан уялма,  
Ойнинг ўзи ёрга фидойи.  
Юзларига синчиклаб қара,  
Унда қанча бўсанинг жойи».  
Ишқ сеҳридан эриди дилдор,  
Шарм азобин шу кеч унутди.  
Қучоғига кирди у илк бор,  
Лабларидан шу кеч бол тутди.  
Тош деворнинг ортидан буни  
Кўрар экан ўша қўшни қиз,  
Бедорлик-ла ўтказди тунни,  
Юрагини дард тирнаб сўнгсиз.  
Ўша йигит бўсаларини  
У қиз кўпдан қиларди орзу.  
Йигит қучар ўзга парини,  
Қўшни қиз ҳам севар эди-ку.  
Илон каби шу кеч тўлғонди,  
Тўшак ичра бу дардли санам.



Юрак-бағри рашк ила ёнди  
Ва уларнинг бахтига барҳам  
Бермоқликни тутди кўнглига.  
Бир режани дилга кўмди-да,  
Саҳар пайти уйқута кетди,  
Кун ҳам исиб чошгоҳга етди.  
Шунда келиб деди: – «Дугона,  
Юринг бугун чиқамиз тоққа.  
Чўмиламиз, – деди у яна –  
Бориб анов хилват булоққа...»

4

Анча юргач қишлоқдан нари,  
Сувнинг саси келар қулоққа.  
Дугонаси билан шўх пари,  
Етиб келди зилол булоққа.  
Бунда саф-саф арчалар бари  
Сув кўзгуда ўзин кўрарди.  
Булоқнинг соф, шўх тўлқинлари  
Бақатўнлар сочин ўрарди.  
Сув бўйида ўтириб қизлар,  
Ўйнашдилар унга тош ташлаб.  
Бир-бирига «сиз тушинг», «сиз»лаб.  
Гўзал деди: – «Мен тушай бошлаб».  
Дугонаси: – «Сиз тушинг, майли,  
Мен баланддан қараб тураман.  
Олидан не қора кўринса,  
Чиқинг дея хабар бераман».  
Либосларин ечди гўзал қиз,  
Соч мавжи-ла ўйнаб бадани.  
Акси қалқиб зилол тўлқинда,  
Гўё дерди қучоқла мени.  
Гўзал бир дам ўзи-ўзидан,  
Ор қилди ва беҳад уялди.  
Сувчи «шилдир-шилдир» сўз билан  
Ул парининг кўнглини олди.  
Аввал силаб оёқларини,  
Кейин олди буткул оғушга.  
Қиз ҳам бир зўр эҳтирос билан

Тулқинларни босарди тўшга.  
Ва булоқнинг кумуш маржонин  
Сочар эди ҳамма тарафга.  
Булоқ қайнар гўё деб «жоним,  
Эркалигинг мен-чун шараф-да».  
Тулқинларда йўқ эди армон,  
Қучганидан шундай бир танни.  
Тоғ ҳам гўё юксак ғурурдан  
Бўлгани-чун шу қиз ватани.  
Тиниқ сувнинг латиф қўйнида,  
Пари ўзин унутган замон  
Риёкор қиз тушиб ўйинга,  
Деди: – «Шудир айни қулай он...»  
Сув қўйнида сезмас тоғ гули,  
Кийимига дўсти берди ўт.  
Фақат қолди бир ҳовуч кули,  
Юлқа кийим ёнмоғи не чўт.  
Сўнг маккора: – «Қишлоқ томондан,  
Яқин келиб қолти йигитлар.  
Мен кетдим, тез бўлинг, ўртоқжон,  
Шармсорлик улар кўрса гар».  
Дея тошлар ортига ўтиб,  
Яширинди, зарра шошмади.  
Тош ортида у бир зум кутиб,  
Сўнг йигитча кулги бошлади.

## 5

Тиниқ сувни сачратиб ҳар ён,  
Кийимлари томон чопди қиз.  
Кийимларин эмас шу замон,  
Бир сиқимча кулин топди қиз.  
Даҳшат ичра донг қотиб қолди,  
Гўё борлиқ сўкди деб: – «беор».  
Шум кулгуси яна ваҳм солди,  
Бир арчага бекинди дилдор.  
У арчанинг танасин қучиб,  
Гоҳ ўтирди, гоҳ сапчиб турди.  
Қалтиради кулгудан чўчиб,  
Титроқ қалби қоч деб буюрди.

Жудо бўлиб ақлу хушидан,  
Чопди тоғнинг ичкарисига.  
Какликлар ҳам боқар тўш-тўшдан,  
Ҳайрат билан тоғ парисига.  
Чопди-чопди бутун оламини,  
Шундай чопиб ўтгудек худди.  
Сайхонларда адашди дами,  
Кошки тоғнинг бўлса худуди.  
Дараларда учди у елдай,  
Сочларини арчалар юлди.  
Кўзларидан ёш оқди селдай,  
Оёқларин харсанглар тилди.  
Куни бўй қувлагач таққир,  
Сўнг ўпкаси шишиб, тиқилиб,  
Бир қоянинг пойида охир,  
Ғамли санам қолди йиқилиб.  
Шунда унинг пичирлаб лаби,  
Шулар бўлди энг сўнгги гапи: —  
«Эй азим тоғ, эй буюк қоя,  
Мени ўзинг қилгил ҳимоя.  
Қўлла, менинг устимга қула,  
Жудо қилгил жондан бир йўла.  
Ё махлукқа айлансин таним,  
Ўзинг бўлгил уйим, ватаним.  
Остонамда ётган бекафан,  
Бир ожизман, паноҳ сўрайман».  
Шундай дея бемажол пари,  
Кўзми юмди ўзидан кетиб.  
Уйғонди у Қуёш нурларин  
Илиқ тафти бағрига ўтиб.  
Уйғонганди у одам эмас,  
Айланганди мунис жонзотга.  
Гаширолмас одамзотга хос,  
Нозик оёқ, териси юпқа —  
Бир ҳайвонки, қиз кўзи фақат,  
Ўз ҳолича ўзгармай қолган.  
Қиздаги бор ибo-ю иффат,  
Вужудидан унинг жой олган.  
Мерос эди қўрқув ва хурқув,

Кеча қизни қувлаган сезги.  
Сойларда у чопарди зув-зув,  
Бирон бехос шарпани сезди.  
Қўзларида қисматнинг дарди,  
Тоғда чунон бўлиб девона.  
Кўп адашиб бу жонзот-пари,  
Қишлоқ сари бўлди равона...

6

Шум ўшал кун айланма йўлдан,  
Чопиб қайтган эди қишлоққа.  
Жинояти риёкор қизнинг,  
Ошкор эди булоққа, тоққа.  
Тарқалди сўнг шомда совуқ гап,  
Қиз йўқолган – шудир овоза.  
Чалинмади шу кун дутор, дап,  
Ҳоким бўлди қишлоққа аза.  
Кунлар ўтиб кунлар кетидан,  
Биров деса, кетган қашқир еб.  
Бошқа биров тахмин қиларди,  
Қароқчилар ўғирлаган деб.  
Туз тотмади кекса оқсоқол,  
Тунлар бедор қизини кутди.  
Ҳафта ўтиб, қайтмагач санам,  
Ажал унинг қўлини тутди.  
Йигит эса дўстлари билан  
Тоғни кезди неча ҳафталаб.  
Чиққан сари умиди пучга,  
Кўнгли бўлди баттар ёр талаб.  
Сўнг чидамай ҳижрон дардига,  
Шўрлик йигит ҳам ётиб қолди.  
Ишқ азоби севги мардига,  
Ҳар дам ўлим хавфини солди.  
«Дугона»син ҳурмати учун,  
Шум қиз унга келтирарди ош.  
Сўнар эди йигит кундан-кун,  
Еб-ичмасди, кўтармасди бош.  
Бугун йигит қизиб, алаҳлаб,  
Ёрин кўрар экан тушида.

Пешонаси кетди-ю яхлаб,  
Кўзин очди келиб хушига.  
Шум қиз экан, дилхаста унга,  
Гина билан боқди шу маҳал.  
Ахир, ўша қўйган ҳўл рўмол  
Ширин тушга берганди халал.  
Олиб ташлаб рўмолчасин ҳам,  
Сўнг ўгирди юзин тескари.  
Қўрқиб кетди шунда шум санам,  
Ўйлаб: – «Унга аёнми бари?»  
Турар экан ўйга мубтало,  
Хушёр этди одам шовқини.  
Дилин босиб ваҳм жо-бажо,  
Ҳовли узра судради уни.  
У қараса, қишлоқ оралаб,  
Чопиб келар ажиб жонивор.  
Шу ён кирди эшик саралаб,  
Тўпланишди бутун одамлар.  
Кўрмаганди илгари тоғда,  
Бу одамлар бундай жонзотни.  
Ҳамма келар, кўрмаган доғда,  
Ҳеч ким билмас бу жонзот отин.  
Не шовқин деб хаста йигит ҳам,  
Бир амаллаб уйдан чиқди.  
У жонзот ҳам йигитга бирдан,  
Ўзин шаҳло кўзларин тикди.  
У кўзларни таниди йигит,  
Хаста танга сизмай ҳаяжон:  
«Оҳ, у!» – дея йиқилиб бирдан,  
Шўрлик ошиқ берди шунда жон.  
Жонвор искаб ул жонсиз танни,  
Кўзларидан ёшлари оқди.  
Сўнг оқсоқол уйин айланди,  
Одамларга жовдираб боқди.  
Оқсоқолнинг гўзал қизининг  
Кўзларини таниди ҳамма.  
Бор эди қиз хуркаклиги ҳам,  
Ҳайвон эди бу вужуд, аммо.  
Шум қиз узра тўхтади келиб,

У жонзотнинг ёшли нигоҳи.  
У кўзларда турарди тўлиб,  
Одам қалбин нафрати, оҳи.  
Ёсуманга кейин ташланди,  
Унинг тили қолди тутилиб.  
Ўша таниш кўзлар қахридан,  
Қаён борсин энди қутилиб.  
«Оҳ, у» дея жонсарак шум қиз  
Одамларни оралаб қочди.  
«Кулфатларга сабабчи сўзсиз,  
Менман» дея бор сирни очди.  
Жонвор шунда қўйиб қувлашни,  
Тоғлар сари олиб кетди бош.  
Ҳамма жонзот-пари кетидан  
Қараб қолди кўзларида ёш.  
«Оҳ, у» дея сўнгра оломон,  
Нафрат билан боқди шум сари.  
Аста силжиб борди у томон,  
Лаънат тошин ёғдириб бари.  
Эл қахридан ёсуман қочди,  
Разилликни ҳақлик қувлади.  
Кўзларидан аччиқ ёш сочди,  
Йўлларда у тинмай увлади,  
Харсангларга суриниб борди.  
Рўмоллари юлқинди елда.  
Тошлаб борди ҳамма мурдорни,  
«Оҳ, у» деб у уларди телба.  
Кокиллари арчалар юлди,  
Осмоқчидай сочидан дорга.  
Лаънатлардан охир бекинди,  
Кириб кетиб бир тубсиз ғорга.

## 7

Минг йилардан кўп бўлди бунга,  
Бундан ушбу ҳикоя қолди.  
Ошиқ йигит калимаси-ла,  
Пари-жонзот оху аталди.  
Шум қиз кирган тубсиз ғорнинг ҳам  
Шундан бери номи «Ёсуман».

Бахил қизнинг афсус, оҳидир,  
Ғор ичра зулмат ва туман.  
Шамол турса ҳамон ўша ғор  
Ваҳм бирла «Оҳ, у» деб увлар.  
Бу нидодан чўчир ҳар жондор  
Ва йўламас ғорга оҳулар.

*1971 йил*

# ТҮРТИНЧИ МАНЗИЛ





# АРОСАТ ОДАМ

(Драматик достон)

## I. МУҚАДДИМА ҚИСМ

*(Юксак қорли тоғ, унинг бағридаги қишлоқнинг бир чети, яъни бир-иккита уйлар ҳам кўриниб туради. Ўртада баландроқ жойда бир туп ёш навқирон арча. Бир ён тик қоя, таги зов. Бу манзара охиригача ўзгармайди).  
Шоир киради.*

### Ш О И Р

Шоир эдим, шеър ёзардим баҳоли қудрат,  
Бутун кичик бир достонга ҳам этдим журъат.  
Билгайсизлар бун ишқдан битта парча деб,  
Чунки севги ҳар инсоннинг турмушига зеб.  
Асли севги ўқи бўйлаб одамзод чархи  
Айланадир, бу тарих ҳам севги тарихи.  
Биродарлар, балоғатга кирмаган ким бор,  
Айтинг, севги сўқмоғидан юрмаган ким бор?  
Сизлар қандай севилдингиз, қандай севдингиз?  
Балки энди севиларсиз. Балки севарсиз,  
Лекин сизнинг севги бўлар ўзингизга хос.  
Балки бизнинг ҳикояга келар, келмас мос,  
Айтмоқчимиз муҳаббатга бу гўр қасида.  
Бўлиб ўтар янги йилнинг арафасида,  
Бошланади тараддуд-ла арча байрамга.  
Шу байрамга зеб бўлғуси тўй демйиш дайга  
Ташриф қилар пировардда қахрамонларим.  
Мана, улар таништирай бирин-кетин. Ким?  
*(Аросат одам киради).*  
Менинг дўстим – аросатда юрган одам бу.

### АРОСАТ ОДАМ

Тирикликнинг ташвишлари бор бўлсин мангу,  
Кундуз-кеча, меҳнат, уйқу, қувонч билан ғам.  
Емак-ичмак, севги, ҳижрон, мотаму байрам

Билан кечар умрнинг шу жараёнида  
Қўникмалар зарра-зарра сингиб қонингга  
Аросатда қариганинг сезмас экансан.  
Бугун видо қўлин силкиб эски йил билан  
Хайрлашиб, янгисига очаман қучоқ.  
Бир шох арча ташвишида тоғ сари шу чоқ  
Кетаяпман. Уйимизда бу кеч тантана,  
Ўғлим келин об келади шу қутлуғ сана.  
Тавозе-ла «ота» дейди оппоқ келиним,  
Бир йил ўтмай мени «бобо»дегувчи жонким,  
Бу дунёга жар солади «бобо келдим»лаб.  
Заб ширинда ҳаёт деган, зап ширинда, зап.  
(кети)ди)

### ШОИР

Айтганимдек, сизу мендек оддий одам бу,  
Ҳаёт деган оҳанграбо бир умр мангу  
Бериб қўйган унга тинмай ўйнар ролини,  
Бир дақиқа бўш қўймайди оёқ-қўлини.  
(Қорбобо киради)  
Иккинчиси келаяпти – ана Қорбобо.

### ҚОРБОБО

Кечикмапман, менга муштоқ дунё жо-бажо,  
Икки қутб қўш пойтахтим, аёз эрким,  
Уммонларда сузар қалъам – айсбергим.  
Севган жойим сочларимдай оппоқ Шимол,  
Соқолларим силкинганда турар шамол.  
Қовоқ уйсам қировланир ўрмонларим,  
Оқ тўн кийиб тоғлар кутар фармонларим.  
Қўлимда бор олмос муздан қуйма асом,  
Қор босади водийларга қадам боссам.  
Жаҳон аҳли олқишлайди минг бир тилда,  
Қитъаларга юрсам атар янги йилда.  
Мана, яна совға босиб кажавамга,  
Келаяпман арчангизни безар дамга.  
Бор вужудим одамзодга оқ тилаклар,  
Қувват олар тилагимдан оқ юраклар.  
(кети)ди)

### ШОИР

Во ажабо, минг йилларким шу нуроний чол,  
Ҳаётда бор вафоларга бўлиб бош тимсол,  
Сиз-у бизни ўргатади чин садоқатта,  
Жами азгу вафоларга гўё бош ота.

*(Қорқиз кела бошлайди)*

Учинчи бўб келаётган бу гўзал Қорқиз.

### ҚОРҚИЗ

Қорбобога боқимта мен бордирман ҳаргиз,  
Мен ҳаётнинг Қорқизиман, эркасиман.  
Қорқиз севар ошиқларнинг эртагиман.

Том, тарновда товлангувчи сумалаклар,  
Афсунимдан бино биллур жамалаклар.  
Олам кезсам бошга кийиб зумрад тож,  
Жамодимга мулки борлиқ тўлар хирож.

Мен ўйнасам оқ булутлар саҳна қураб,  
Кокилларим қуюни қоргул сунураб.

Олам тўлар қаҳқаҳамдан оппоқ гулга,  
Бу гулбарглар парқу бўлар қиз-ўғилга.  
Оппоқ ишқнинг ўти ўзим, гўзал ўзим,  
Муҳаббатман – ҳар юракка висол ўзим.

*(кетади)*

### ШОИР

У ҳар қалбга босар ўзин шан суратини,  
Қорқизми у, муҳаббатнинг ҳур журъатими?  
Ўтиб кетди шамол каби бу эркин қушча,  
Шундай ёринг бўлса бирга кўкларга учсанг.  
*(Қор одам кела бошлайди)*

Қадам саси, демак, мужда бу Қор одамдан.

### ҚОР ОДАМ

Одамлар бор, демак, мен ҳам бор одамман,  
Асли сизлар бичиб-тиккан афсонаман.  
Афсонамас, барчасидан, йўқ, тонаман.  
Сиз қувгансиз мени узоқ-узоқларга,  
Орамизга эртаклардан тортиб парда.  
Бағрингизда яшаб сизга қайтолмадим,  
Ҳақ сўз эдим нима учун айтилмадим?

### **ШОИР**

Ишқ тилининг айтилмаган фармонидай,  
Ошиқларнинг ушалмаган армонидай,  
Еру осмон аро юрган сарсари зот.  
Армонлардан яратганми уни ҳаёт?  
(*Қор одам кела бошлайди*)  
Бешинчи бўб келаётган Қора одам.

### **ҚОРА ОДАМ**

Шу ўртада, қулоқ солиб кўрай бир дам,  
Нега улар беришмайди менга фириб,  
Ва аксинча, қўйди мени улғайтириб.  
Хоҳламайман, бурда-бурда қилиб ташланг,  
Қайтиб олинг, кўзим, қалбим, тилимни, манг!  
Хоҳламайман, хоҳламайман, хоҳламайман,  
Борлигимни бағирларга бўлиб ташланг.  
(*кетади*) ❁

### **ШОИР**

Қора доғлар, ғаму кадар, гумон, фасод,  
Емишидан кўкаргандай қора хилқат.  
Ҳаётда бор қораликка гўё тимсол,  
Буни инсон тукқанмикан, қора дажжол?  
(*Она кела бошлайди.*)  
Келаётган олтинчиси онаизор.

### **ОНА**

Шаҳар бориб олиб келдим ўйинчоқлар,  
Муҳаббат-ув, кўзичоғим, Вафо қани?  
Биз ҳам бугун бир безайлик арчамизни.  
Чол, бояқиш, тонгда туриб тоққа кетди,  
Ҳа демасдан, кўм-кўк арча келар етиб.  
(*кетади.*)

### **ШОИР**

Бола-чақа, рўзгор дейди то тонгдан туриб,  
Бечоранинг қўли косов, сочи сулурги.  
Кун кўради мисли она бўридай ишлаб,  
Фарзандларин ювиб-тараб, тишида тишлаб.

*(она кетган томонга укасини кўтарган қизча ўтиб кетади)*

Ниҳолчалар бир-бирини борар кўтариб,  
Ўсар, гуллар, мева боғлар шундоқ кўкариб.  
Кўрдингизлар қиссамизнинг бор авомини,  
Бошладикми, кўринг қолган давомини.  
*(кетади.)*

*парда тушади, чироқ ўчади.*

## II. АСОСИЙ ҚИСМ

*(Муқаддима қисмдаги манзара ўзгармайди,  
фақат сахнанинг бир ёнида оҳу ва бўрининг  
жасаdlари, Қорбобо билан Қорқиз киради.)*

### ҚОРҚИЗ

Қаранг, бугун қандай гўзал бу ҳаёт тоғи.

### ҚОРБОБО

Жуда гўзал, мана, бугун йилталаш чоғи,  
Койнотда аросатда шу Ер, Ой, юлдуз  
Вақт ишқида бир умрга куйиб, ёнади.  
Улар жисми вақт билан бир қовушишким,  
На тугайди, на ўлади, на-да қонади.  
Бу қовушиш асли ҳаёт деган ибтидо  
Вақт асли борлиқ жони – у мангу фидо.  
Замон-макон уммонида биз эса сайёҳ,  
Қаёғига қараб юрсак, ўша ёқ ўтмиш,  
Қаёғига қараб борсак, у ёқ келажак.

### ҚОРҚИЗ

Ачомлашиб ётмиш, қаранг, бўри ва оҳу!  
Кўзларида қотиб қолмиш даҳшат ва оҳи.

### ҚОРБОБО

Битта зўрлик, битта хўрлик, иккита қурбон,  
Ҳаёт-мамот курашида таслим этмиш жон.  
Бечоралар Янги йилга етишолмабди.

### ҚОРҚИЗ

Қаранг, қандай осмон қадар зовдан қулабди,  
Бу иккиси тирикликнинг сўнгги соати,  
Жонни тиккан яшаш деган олий ниятга.

### ҚОРБОБО

Мана, энди сингиб ётир абадиятга.  
Вақт қадами «чиқ-чиқ, чиқ-чиқ» – мангу ҳаракат,  
Ҳаракатни ҳаракатлар таъқиб этади.  
Ҳаракатнинг ҳалокатли селлари келиб,

Бу шўрликлар суюкларин чақиб кетади.  
(*Қор одам билан изма-из Қора одам  
киришади, оҳу билан бўрини кўришади*)

### **ҚОР ОДАМ**

Биз овчимиз, ҳеч нарсани этмаган мўлжал,  
Ўлжамизнинг ўзи бизни қилади ўлжа.  
(*у оҳуни орқасига кўтариб олади.*)

### **ҚОРА ОДАМ**

Бу ҳаётнинг, тирикликнинг бағри шундай кенг,  
Бу бутунги улушлар ҳам баб-баробар, тенг.  
(*Қора одам бўрини кўтириб олади*)

### **ҚОР ОДАМ**

Чекинтирар мени тағин йироққа бу юк.

### **ҚОРА ОДАМ**

Қораяман яна баттар кўмирдек куюк.  
(*иккиси саҳнанинг икки четига бориб  
туради*) Аросат одам билан Шоир киради.

### **АРОСАТ ОДАМ**

Омад бўлса янганг чиқар дерлар олдиндан,  
Шоир, қаранг, Қорбобо-ку Қорқизи билан!

### **ШОИР**

Анов икки ёнда турган ўлжалилар ким?  
Қаердадир кўргандайман, балки адашдим.

### **АРОСАТ ОДАМ**

Соз бўлди-да, ҳаммасини тўйга айтаман,  
Яхшиларга қутлуг ёрлиқ-саломимиз,  
Омонмисиз аёзбобокалонимиз?  
Бахтни қаранг, бобо, жуда бўлди қулай,  
Учрашибмиз бир-биримиз излагандай.  
Шу бутун, денг, бор бир кичик тадбиримиз,  
Сизлар меҳмон, мезбон бўлиб бел боғлаб биз,  
Тўйчамизнинг шодлигини кўрсак баҳам.

### **ҶОРБОБО**

Қўша базм эканда-а, ҳам тўй, байрам?

### **АРОСАТ ОДАМ**

Ҳа, ўғилга бутун келин туширамиз,  
Элни йиғиб турли таом пиширамиз.  
Уйлангириб қўйдим ўзи севганига,  
Тенгдошига, яъни бахт деб қувганига.  
Эй оқсоқол, бахтдан шундай бошим осмон,  
Ахир, севиб, севилмоқ ҳам эмас осон.  
Иккови, денг, бир-бирига шунақа мос,  
Қўш каптардай, кўрган одам қилар ҳавас.  
Шулар дейман бу ҳаётга ҳўб муносиб,  
Биз тотмаган бол уларга бўлсин насиб.  
Эй оқсоқол, бахтдан шундай бошим осмон,  
Ахир, севиб, севилмоқ ҳам эмас осон.

### **ШОИР**

Тўғри, аммо хўрсиниқлар тортдингизким,  
Ошиқтиқдан дарди борми тақсиримнинг?

### **ҶОРҚИЗ**

Ҳой амаки, севганмисиз, қандоқ бўлган?

### **АРОСАТ ОДАМ**

Қандоқ бўлган? – ширин, аччиқ, қанддақ бўлган.

### **ҶОРБОБО**

Ишқий қисмат қизиқтирар бу қизчани,  
Тўй, базмга ҳали вақт кўп, бошланг қани?

### **АРОСАТ ОДАМ**

Э бу ишқмас, қалбда қолган армон, кадар,  
Айтсам айтай, майли, тингланг, биродарлар.

### **ҶОР ОДАМ**

*(ўзича)*

Армон мени тагин туғиб, қилар етим.

*(кетади)*



## ҚОРА ОДАМ

(ўзича)

Қалб доғлари қорайтирар тагин бетим.

(кетади)

## ҚОРБОБО

(Қорқизга)

Бизлар унинг қалбидаги вафо-муҳаббат

Бўлиб, яъни

## ҚОРҚИЗ

Кечирамиз бир фурсат ҳаёт.

(Қорбобо ва Қорқиз ҳаммининг кўзи олдида

Қорбобо ва Қорқиз либосини ечиб ўртадаги арчага

илиб кўйишади ва оппоқ кийинган йиғит-қиз

ошиқ-маъшуқалар қиёфасида қучоқлашиб чиқиб

кетишади.)

## ШОИР

Ошна, бошланг, бунча узоқ тараддуланиб

Қолдингиз, биз ўзимиз-ку, турманг ийманиб.

(ўзича)

Ёзиб олай, диққат билан қандай кечган у,

Балки янги асаримга бўлгай боп мавзу.

## АРОСАТ ОДАМ

Суйиб – куйиб қолдим, аммо севги яшасин,

Кулма дўстим, бу ҳолимдан, нечун шошасан.

Инсон бўлсанг сўнгигача тинггла гапимни,

Қалбимдаги тошдайин зил изтиробимни.

Мен ҳаётнинг гулидаги тонгги бир томчи,

Вақт шитоби умрим отин қистовчи қамчи.

Бу дунёда сен менга, мен сенга омонат,

Кўп қўрқаман қолдирмайин дея ёмон от.

Бугун ишқий қувончимни ва алашимни,

Ул ёзмишга ватан бўлган ўз олашимни –

Юрагимни шу даврада шартта ёраман,

Ҳақ гап айтсам юракларга кириб бораман.

Биласанми, шу вақтгача аёл зотини,

Кимга она, кимга сингил, кимнинг хотини.  
Дердим – ҳаёт карвонининг битта мояси,  
Яъни кунлик турмушимнинг ҳамсояси.  
Энди ўша жинсдан битта малак илоҳий,  
Ҳам моддийу маънавийда бир жозиб доҳий.  
Қуёш бўлиб мени ошиқ сайёра қилди,  
Атрофидан ўргилишга тайёра қилди.  
*(Аросат одам сукутга кетиб, у турган  
жой қоронгулашади. Аросат одамнинг  
ўтмиш ёшлиги тимсоли бўлиб оппоқ  
кийинган йигит киради.)*

### **ЙИГИТ**

Кўзларимда эркаланар дунё ранглари,  
Гоҳ нафармон, гоҳ қирмизи, гоҳо зангори.  
Гоҳ кираман юлдузларнинг нақ орасига,  
Чўмиламан мажнунтоллар фавворасида.  
Севги борким яшаш ширин, ҳаёт бир чаман,  
Тунлар ойдек ёрим чорлаб кўшиқ айтаман:  
*(кўшиқ айтади)*  
Аста-аста алла бошлар Жануб оқшоми,  
Шивирлар тун қулоғига юлдузлар жами.  
Уфқ олам хонасига тутар Ой-шамни.  
Ой-шам ёнсин, ой ёр кулсин, олам ёрисин,  
Оппоқ кеча бағрида оқ севги бор учун.

Ойнинг нури ошиқларнинг олтин чароғи,  
Севишганлар сочларининг олтин тароғи.  
Оқ туйғулар одамзоднинг олмос яроғи,  
Ой-шам ёнсин, ой ёр кулсин, олам ёрисин,  
Оппоқ кеча бағрида оқ севги бор учун.

Ойдин кеча сайрат диллар сеҳр қушини,  
Нурга чайсин севишганлар сирли тушини.  
Ишққа бела инсонликка номзод кишини,  
Ой-шам ёнсин, ой ёр кулсин, олам ёрисин,  
Оппоқ кеча бағрида оқ севги бор учун.

Гўдакларнинг уйқусига ҳамдам бўл, Ой-шам,  
Келинларнинг туйғусига ҳамдам бўл, Ой-шам.

Ошиқларнинг қайғусига ҳамдам бўл, Ой-шам.  
Ой-шам ёнсин, ой ёр кулсин, олам ёрисин,  
Оппоқ кеча бағрида оқ севги бор учун.

Ана, ўзи келаяпти, оламда кўш Ой,  
Икки Ойга ишқ кўкида фақат бордур жой.  
Эй одамлар! Олтин қайиқ яна соҳилда,  
Борай, ёрим эртақ айтар бир булбул тилда.  
Оқ каптардай талпинади, қаранг, мен томон,  
Қанотларим қоқаяпман, ҳозир учаман  
(*кетади, оппоқ кийинган қиз киради.*)

### ҚИЗ

Севги юрти, севги кўки, о, бунчалар кенг,  
Қайси диёр, қайси жаннат сенга келар тенг.  
Севги нима? Кўш юракнинг қўшилиувидан  
Бунёд бўлган сир ва сеҳр сайёраси бу!  
Севги нима? Яшамоқнинг ҳақиқийси бу!  
Севмай тирик юрмак, дўстлар, ҳақиқат эмас.

Юзларимдан ҳусн фани ўқилар,  
Қалб қушига сочимдан дом тўқилар,  
Кулганимда оғзимдан гул тўқилар,  
Вафо, мендан гўзал борми оламда.

### ЙИГИТНИНГ САМОВИЙ ОВОЗИ

Йўқ, йўқ, йў-ў-ў-ўқ!

### ҚИЗ

Қошларимда ошиқларнинг хати бор,  
Камолимда муҳаббатнинг оти бор.  
Кимни севсам унинг саодати бор,  
Вафо, мендек гўзал борми оламда?

### ЙИГИТНИНГ САМОВИЙ ОВОЗИ

Йўқ, йўқ, йў-ў-ў-қ!

### ҚИЗ

Қоматимни сарв кўриб уялар,  
Лабим кўриб лола қонга бўялар.

Фақат мени вафодорим суялар,  
Вафо, мендек гўзал борми оламда?

**ЙИГИТНИНГ САМОВИЙ ОВОЗИ**

Йўқ, йўқ, йў-ў-ў-ўқ!

(қиз кетади, яна йигит киради.)

**ЙИГИТ**

Кўзларингдан сирли кўшиқ ўқидим,  
Сочларингдан кимга каманд тўқидинг.  
Севмаганлар бу дунёда йўқ дедим,  
Эй муҳаббат, севганинг мен эмасми?

**ҚИЗНИНГ САМОВИЙ ОВОЗИ**

Сен, сен, се-е-е-ен!

**ЙИГИТ**

Бунча мастсан ичиб ибo майини,  
Қарашларинг чалар сеҳр найини,  
Жон олади сиймонг гапнинг тайини,  
Эй муҳаббат, севганинг мен эмасми?

**ҚИЗНИНГ САМОВИЙ ОВОЗИ**

Сен, сен, се-е-е-ен!

**ЙИГИТ**

Мени ўйлаб тонгни бедор кутдингми,  
Ширин туш-ла ё ўзни овутидингми?  
Тушларингда бол бўсалар тутдингми,  
Эй муҳаббат, севганинг мен эмасми?

**ҚИЗНИНГ САМОВИЙ ОВОЗИ**

Сен, сен, се-е-е-ен!

**ЙИГИТ**

Оқ каптардай талпинади, қаранг, мен томон,  
Қанотларим қоқаялман мен ҳам учаман.  
(кетади, Аросат одам пайдо бўлади.)

### **АРОСАТ ОДАМ**

Одам-Ҳаво каби бизлар қўш норасида,  
Иккимиздек фақат осмон ер орасида,  
Лайли-Мажнун бўлиб армон шаробин ичдик,  
Минг ошиқлар соғинчини жамлаб ўпишдик.  
Гоҳ қувлашдик, гоҳ йиғлашдик, гоҳида кулдик,  
Гоҳ чамандек хандон отдик, гоҳ сўндик кулдек.  
Гоҳ юзимни қўйдим юзи гуллоласига,  
Кўз ёшларим қўшдим сочи шалоласига.  
Бу ишқ менга равнақмидир ёки таназул,  
Оламга бўй сочди, кетди мени севган гул.  
Кўк қаърида қировлайди турналар, қаранг,  
Юрагимда ажиб оҳанг бермоқда жаранг.

### **ЙИГИТНИНГ ОВОЗИ**

Ёй ўқидек турналар учар,  
Камалаклар баҳор тортган ёй.  
Менинг кўксим нишон, одамлар,  
Топиб беринг, бекинайн жой.

### **ҚИЗНИНГ ОВОЗИ**

Топиб беринг ва у гўшада  
Бор ишқ сирин ул ёр қилсин фош.  
Топширайин жонни ўшанга,  
Ботаётган Ой каби ювош.

### **ЙИГИТНИНГ ОВОЗИ**

Эшик қоқиб турналар саси,  
«Қани, – деса, – ошиқ жангари?»  
Одамлар денг, уни ўлдирди,  
Севги деган қисмат ханжари.

### **АРОСАТ ОДАМ**

Сиз тингловчим, қоракўзлар, бахтиёр зотлар,  
Ихтиёрсиз ишқ савдомдан топдингиз хабар.  
Билганинг сўнг севмай яшаш оҳу зор экан,  
Охир бир кун тақдиримда шу ишқ бор экан.  
Нега севмай уйландиму зинолар қилдим,  
Норасида фарзандларни бинолар қилдим?!!  
(укасини кўтарган қизча ўтади.)

## ШОИР

*(Ўзича залдан)*

Ниҳолчалар бир-бирини борар кўтариб,  
Ўсар, гуллар, мева берар шундоқ кўкариб.

## АРОСАТ ОДАМ

Қабринг ичра зиё тўлғур онаизорим,  
Кўз ёшлар-ла «уйлаб» қилдинг бахтимни ярим.  
«Ёшинг ўтди, уйлан» дединг, нега зўрладинг,  
Энг севимли боланг эдим, нечун хўрладинг?  
Йўқ-йўқ, мени кечир, она, мен осий ўғил,  
Сен онаи муқаддасга тегиздим-ку тил.  
Менинг ўзим пуч ёнғоқни жойлаб қўйнимга  
Яшаганман, ношудликнинг юки бўйнимда.  
Сен онажон мисли она буридай ишлаб,  
Улғайтирдинг ювиб, тараб, тишингда тишлаб.  
Уйга кириб аёл бўлдинг, эшиқда эркак,  
Умринг йўлин эсласам гар мунгли бир эртак.  
Машоқ териб юрган кезинг ангараларда,  
Тушларимга киради гоҳ субҳи саҳарда  
Ёз тунлари бутун борлиқ ухлаган палла,  
Сен эдинг-ку бошим узра куйлаган алла.  
*(она киради, Аросат одамни аллалайди.)*

## ОНА

Оқ юваман, оқ тарайман, оқ чойшабга ўрайман,  
Кечалардан, оқ тонглардан камолингни сўрайман.  
Алла айтсам, сен ухлайсан, алла сози дилимнинг,  
Алла айтсам, сен ухлайсан алла тори тилимнинг.

Сен ухла, мен ҳар тун сочинг то тонгача силайин,  
Бахт чироғинг юлдузлардек ёниқлигин тилайин.  
Алла, алла менинг қўзим, алла қўнглим чироғи,  
Алла, алла менинг қўзим, алла ҳаётим боғи.

Юзларингдан ўргилайин, ўхшар менинг юзимга,  
Қўзларингга термулайин, ўхшар даданг кўзига.  
Киприкларинг жуфтла жоним, кўзингни юм гиргиттон,  
Ҳали қирлар орқасида ухлаб ётир опшоқ тонг.

Жилғаларда мендек бедор сув аллалар милдираб,  
Күк саҳнидан тушиб кетди Ой ҳам олгин гилдирак.  
Ухла қўзим, ҳаво салқин, ухла қўзим, тун сокин,  
Сен ухласанг мен ухлайман, ухла болам, тонг яқин.  
(она кетади)

### *АРОСАТ ОДАМ*

Оналарнинг алласи, о, муқаддас оҳанг,  
Бола бўлиб тингласайди сени шу жаҳон.  
Ҳеч разолат бўлмас эди ёруғ оламда,  
Ҳеч бир она қолмас эди мотам, аламда.  
Болаликда ҳамма бир хил, катталар бошқа,  
Одамларнинг оласи кўп, феъли минг қашқа:  
Бири одил, бири қотил, биттаси доно,  
Бири буюк, бири суюқ, бири мардона.

(Қора одам Қор одамни қувиб ўтади, кейин Қор одам  
Қора одамни қувиб ўтади.)

### *ШОИР*

Қора оқни қувиб ўтди, энди қорани,  
Қора-ю оқ, оқу қора, қоришиқ маъни.

### *АРОСАТ ОДАМ*

Она фарзанд қисматини билиб туққанда,  
Разиларни гўдакликдан билиб бўққанда.  
Бу дунё кўп мараалардан фориг бўларди,  
Кекса тарих юзи гоят ёруғ бўларди.

### *ШОИР*

Кечирасиз, чекиндигиз бироз мавзудан,  
Хаёл қочар баъзан шундоқ ўзи-ўзидан.

### *АРОСАТ ОДАМ*

Ҳа, дарвоқе, чап ағдариб ўз сир қиссамни,  
Узрдан сўнг бошлай яна кечмиш қиссамни.  
Студентлик даврим сувдай оқди шаҳарда,  
Ёшлик деган шундай тезкор фасли баҳорда

Унинг учқур шитобини сезмай ҳам қолдим,  
Чўнг турмушнинг фикратида ўйга кеч толдим.  
Романтика қанот эди менга ўша чоқ,  
Қайга боқсам гўё кел, деб бахт очмиш қучоқ.  
Писанд қилмас эдим унча-мунча қизларни,  
Орзуимнинг осмонидан пари излардим.  
Ўтирганни ундоқ дедим, турганни бундоқ,  
Ота соқол оқарай дер мен эса бўйдоқ.  
Бир кун онам кўз ёш тўкиб айтди зорини,  
Юрагини босиб ётган алам борини:  
(она киради)

### *ОНА*

Жоним болам, эл оғзига элак кермайсан,  
Сен ҳаққингда миш-мишларга қулоқ бермасам  
Қуйинмасдим, келинлардан очилса гурунг,  
Ҳар маврудда қулоғим қар, менинг тилим гунг.  
Фалончининг тўйи куни фалон бетамиз:  
«Ҳой бойвучча ўғлингизни эрга берсангиз,  
Қайси қиздан совчи бўлиб борайин», деди.  
Шу пайт ерга кирмадим мен, ер ёрилмади,  
Неча кунлик умрим қолган, болам, билмадим.  
Оқ сутимни оқлар бўлсанг, бугун бир гап айт,  
Фарзанд бўлсанг, она дилин оғритмоқдан қайт?!

### *АРОСАТ ОДАМ*

Майли, она, мен розиман, майли, таваккал,  
Дилингизда не йўриқ бор, майли, этинг ҳал...

### *ОНА*

Гап бу бўпти, қўзичоғим, бўйингдан онанг,  
Йиққанини сочди қилсин тўйингта онанг.  
(она кетади)

### *АРОСАТ ОДАМ*

Мен бу гап терс боролмадим, ночор эгилдим,  
Ўзимдан не ўтганини бир ўзим билдим.  
Эл-қариндош қўлтиғимдан қилишиб той-той,  
Ғарибгина бир кулбани тўйга қилиб шай,



Қисқа вақта рўёб этиб эзгу юмушни,  
Чимилдиққа жо қилишди бизнинг Кумушни.  
Ўша сирли чимилдиққа рўбарў пайтим,  
Видо айтдим муҳаббатта, видолар айтди:  
*(йигит ва қиз икки ёндан чиқишади, бир-бирига  
роз айтишади, бир-бирларига етишолмайдилар)*

### **ЙИГИТ**

Билмасдан севгингни хор этдим,  
Севмасдан бировни ёр этдим.  
Йуқ ғамни ўзимга бор этдим,  
Энди мен найлайин, найлайин.

### **ҚИЗ**

Сен эдинг доимо тилимда,  
Севгинг-ку бор экан дилингда.  
Нега тик чиқмадинг йўлимга,  
Энди мен найлайин, найлайин.

### **ЙИГИТ**

Мен келсам бепарво кутардинг,  
Мен ўзни бепарво тутардим.  
Дилингда эканда бор дардинг,  
Энди мен найлайин, найлайин.

### **ҚИЗ**

Уқмадинг кўзларим саволин,  
Ким тортар қалбингнинг уволин.  
Кутибмиз, о, ишқнинг заволин,  
Энди мен найлайин, найлайин.

### **ЙИГИТ**

Бариси сўнг бўлди ошкора,  
Армонга бормикан бир чора?

### **ҚИЗ**

Иккимиз бир дарда овора,  
Энди мен найлайин, найлайин.

### **ЙИГИТ**

Иккимиз бир дардда овора,  
Энди мен найлайин, найлайин.  
(иккиси икки томонга кетишади)

### **АРОСАТ ОДАМ**

Бугун таъна гапларим йўқ ёстиқдошимга,  
Неча йилдир у не тушса менинг бошимга,  
Оғириму енгилимни тортди баробар,  
Иззат-икром шевасида ғоятда лобар.  
Ҳар тундан кеч ва ҳар тонгдан у эрта турди,  
Бечоранинг қўли косов, сочи супурги.  
Гоҳо дейман қадр этиб садоқатини,  
Бир йигитнинг шундай бўлар бўлса хотини.

### **ШОИР**

Ҳам у она, биз ҳаммамиз аёл боласи,  
Фарзандларнинг етути-ю ҳатто чаласи.  
Оқ сути-чун оналардан қарздор мангу,  
Инсонийлик қонунининг одил ҳукми бу.  
(Қиз билан йигит киради)

### **ЙИГИТ**

Аммо, дўстлар, севиш бошқа, севилиш бошқа,  
Муҳаббатнинг чашмасида ювиниш бошқа.

### **ҚИЗ**

Севги – ҳаёт, сеvgи – ёшлик, у нурдек янги,  
Қизғалдоқдек қисқа умр кўрсин шу тонгни.

### **ЙИГИТ**

Мен севгига етдим ва шу шаробдан мастман.

### **АРОСАТ ОДАМ**

Азоб улки, мен севгига етиб-етмасман.

### **ЙИГИТ**

Хаёлимда такрорласам ёрнинг исмини,  
Димоғимга урилади баҳор насими.

### ҚИЗ

Бутун жаҳон гулзорлари очади эшик,  
Самоватдан таралади бир сирли кўшиқ.

Тун саҳнига юлдуз тўлиб  
Кўзинг мадҳин айтишар.  
Оппоқ чехранг рамзи бўлиб,  
Сўнг даврага Ой тушар.

### ЙИГИТ

Тингласам гар булбулларни  
Келар кулгунг жаранги.  
Кўринади боғ гуллари  
Бўлиб кўйлагинг ранги.

### ҚИЗ

Сен доимо кўз ўнгимда  
Қайда бўлсам севгилим.

### ЙИГИТ

Арзир сенга умр бўйи  
Шайдо бўлсам севгилим.

### АРОСАТ ОДАМ

Гоҳ ўйлайман, то юракда қолмасин армон,  
Мардона бер ўзлигингга шундай бир фармон:  
«Ахир, сен ҳам яшай десанг ўзинг учун ҳам  
Севгилинг-ла бош олиб кет, бахтинг этма кам»...  
(укасини кўтарган қизча ўтади.)

### ШОИР

(ўзича)  
Ниҳолчалар бир-бирини борар кўтариб,  
Ўсар, гуллар, мева боғлар шундоқ кўкариб.

### АРОСАТ ОДАМ

Наҳот, ота шарафига қилсам хиёнат,  
Гўдакларнинг дунёсида қилсам қиёмат.  
Бунингсиз ҳам қон тўкилиб турган дунёда,

Кундан-кунга етимларнинг сони зиёда.  
Йўқ, тўкмасман болаларнинг кўз ёшларини,  
Эшикларда эгдирмасман, ҳеч бошларини.  
Кўнглим виждон ўтитига яна бермиш тан,  
Мен эзгулик остонасин содиқ игиман.

### ШОИР

Ривоят бор, Ер Қуёшнинг эмиш хотини,  
Қуёш Ойни севиб қолган эмиш ботиний.  
Аммо ўтаб оила ва оталик бурчин,  
Ишлар эмиш тонгдан то шом фарзандлар учун.  
Замин унинг садоқатли аёли эмиш,  
Олтин рухсор Ой севгиси хаёли эмиш.

### АРОСАТ ОДАМ

Мен ҳам мана, ишқ қисматим ривоят қилдим,  
Ўзимни ё бадном ёки ҳимоят қилдим.  
Эй сиз, азиз, бахти бекам, бағри бутунлар,  
Фақат севги тангрисига қулоқ тутинглар.  
Тунингизни ёритсин у оппоқ туш олиб,  
Кунингизни безасин у оппоқ қуш бўлиб.  
Менга эса севгим мангу очади аза,  
Аросатда қолганим-чун бу олий жазо.  
Ишқ тангриси тавбам энди этмайди қабул,  
Ул Худога сўнги сажда қўшиғимдир бул.

*(Қиз аввалгидай оппоқ кийимда, йигит эса қора кийимда икки томондан киришади. Қиз йигитнинг илтижоларига парво қилмай, аста-секин узоқлашиб юқори кўтарилга бошлайди.)*

### ЙИГИТ

Маъсумлик, мусаффолик дунёсининг илоҳи,  
Сенга – эътиқодимга бир бора келтирдим шак.  
Шу-шу ўзим-ўзимга маҳбусман, виждон чоҳим,  
Энди бошимга оғир олий жазо келажак.

Эй покликнинг тангриси,  
Тавбам инобатга ол.

Гуноҳкор бандалар кўп,  
Мени ҳам кечира қол.

*(Қиз тобора узоқлашади)*

Тонг чоғида очилган гул каби бокирасан,  
Самовий соф руҳингга тунлар қилдим илтижо.  
Олам кўрксан, ҳаёт тушларига кирасан,  
Дардди тиловатларим қалбингга етарми, о.

Эй покликнинг тангриси,  
Тавбам инобатга ол.

Гуноҳкор бандалар кўп,  
Мени ҳам кечира қол.

*(Қиз узоқлашиб, юксакда севги санами  
ҳайкали тимсолида қотиб туриб қолади.)*

Саховатингга тутдим қалбимни – синиқ жомни,  
Караминг гулобига тўлдир уни илоҳим.  
Саждангда кўз ёшларим қон бўб бағримга томди,  
Сенинг меҳринг Қуёшча, зарра менинг гуноҳим.

Эй покликнинг тангриси,  
Тавбам инобатга ол.

Гуноҳкор бандалар кўп,  
Мени ҳам кечира қол.

**ҚИЗ**

*(Самовий овозда)*

Эзгуликнинг ибтидоси ошиқ ишқида,  
Армонли ишқ интиҳоси қалбда, қўшиқда.

*Чироқ ўчади.*

### III. ХОТИМА ҚИСМ

*(Тўй. «Ёр-ёр» кўйи бошланади. Қиз билан йигит келин-куёлар либосида оппоқ кийимда чиқиб келишади ва арчадаги олдин ўзлари ечган Қорбобо ва Қорқиз кийимини ҳамманинг кўзи олдида кия бошлайди. Шу пайт Она Аросат одам билан олдинга чиқиб келишади. Оҳу кўтариб олган Қор одам ва бўри кўтариб олган Қора одам саҳнанинг икки ёнида пайдо бўлишади. Қиз билан йигит энди Қорбобо ва Қорқиз бўлиб Аросат одам билан Онанинг ёнларига келиб туришади.)*

#### АРОСАТ ОДАМ

Тирикликнинг ташвишлари бор бўлсин мангу,  
Кундуз-кеча, меҳнат, уйқу, қувонч билан ғам,  
Емак-ичмак, севги-ҳижрон, мотаму байрам  
Билан кечар умрнинг шу жараёнида  
Кўникмалар зарра-зарра сингиб қонингга  
Аросатда қариганинг сезмас экансан.  
Қимир-қимир, кўп қатори яшайпман.

#### ОНА

Ишқ кўзига гоҳ тушдим, гоҳ пана бўлдим,  
Фарзандларга ҳар вақт суюк она бўлдим.  
Ҳаёт ўзи зўр иморат ҳам зўр хумдон,  
Яхши, ёмон фиштсиз менинг тухумимдан.

#### ҚОРБОБО

Эй болалар, ҳаётнинг сиз актёрлари,  
Нима бўлса, орамизда рўй берди бари.  
Сиз томоша, биз томоша, ҳамма томоша,  
Кетаяпмиз қалбнинг минг хил сўқмоғи оша.  
Эзгуликка фидо қилса кимки борини,  
Кўлдан қўймай инсонийлик жиловларини,  
Ўша вафо жиловин ҳам маҳкам ушлайди,  
Садоқати бир умрга кўнглин хушлайди.

### **ҚОРҒИЗ**

Муҳаббат мен, муҳаббат сиз, муҳаббат ана,  
Шу фурсатда қай юракда қилди тантана.  
Сувдан тиниқ, гулдан нозик ёнар муҳаббат,  
Қўш юракнинг қонин ичиб қонар муҳаббат.

### **ҚОРА ОДАМ**

Қалбингизда бор эканки гаму кадар,  
Сизлар қилган шубҳа, гумон, хиёнатлар,  
Мана, мени бунёд этди, биродарлар.  
Қани айтинг, шу даврада ўтирганлар,  
Ҳаммангизнинг юрагингиз оппоқ магар,  
Қоп-қора бўб мен бу ерда турармидим?  
Орангизда алвастидай юрармидим.  
Хоҳламайман, бурда-бурда қилиб ташланг,  
Қайтиб олинг кўзим, қалбим, тилимни, манг!

### **ҚОР ОДАМ**

Ишқинг оппоқ армониман – Қор одамман,  
Одамлар бор, демак, мен ҳам бор одамман.  
Қалбингизда яшаб сизга қайтолмадим,  
Муҳаббатга зарур эдим, айтилмадим.  
Афсоналар тўқидингиз менга доир,  
Қисмат деди, тақдир деди, ёзди шоир.  
*(шоир томоша залидан чиқиб келади)*

### **ШОИР**

Шоир эдим, шеър ёзардим баҳоли қудрат,  
Бугун сахна санъатига этдимур журъат,  
Бу зотларни билганимча ўйнатиб кўйдим,  
Ўйнатдимур, сизларни ҳам ўйлатиб кўйдим.  
Ишқ ва вафо, армонмасми ҳаётнинг таъми,  
Шу лаззатнинг, айтинг, ахир талхлари камми?  
Эй мен севган, қордай оппоқ, улуғ одамлар,  
Бир тилак шу: оппоқ севиб, оппоқ яшанглар!

*(шу пайт қизча арчанинг ёнига боради, арчанинг турли чироқлари чарақлаб ёниб кетади.)*

**ҚИЗЧА**

Ойи! Дада! Табриклайман янги йил билан!

**ОНА**

Раҳмат.

**АРОСАТ ОДАМ**

Қутлуғ.

**ҲАММА**

Азиз дўстлар, янги бахт билан.

**АРОСАТ ОДАМ**

Тўй-ю байрам ҳаёт кўрки, ҳаёт навқирон,  
Дўстлар, яна дастурхонга таклиф қиламан,

*( орқада куй, қўшиқ, қарсақлар авжга чиқади. )*

*Чироқ ўчади.*

*Январ, 1985 йил*



## БЕШИНЧИ МАНЗИЛ



Ҳаёт-ку омонат тол устидайкан,  
Биз яна минг қалтис ўйин қиламиз.

### *12. ИЧАМИЗ*

Ғамдан ё ёр бўлса зафар ичамиз,  
«Соғлиққа»деб доим заҳар ичамиз.  
Ҳушёрлик мақсадга яқин қилади,  
Мастлик унинг акси, зарар ичамиз.

### *13. МУҚАДДАС*

Ўтаётган кунлар, ойлар муқаддас,  
Одамлар, кулгу, чиройлар муқаддас.  
Олис сафарларга талпинмас кўнглим,  
Болалигим ўтган жойлар муқаддас.

### *14. МАҚТОВ*

Мансабга минганни мақтов оздирар,  
Сўнг у ўз шаънига мақтов ёздирар.  
Мақтов қули билмас у учун бир кун,  
Мақтов мақтовчига қабр қаздирар.

### *15. ОЛАМ ҲАМ*

Қай кунки яратган одамни олам,  
Олам деб ном қўйган сўнг унга одам.  
Одамни одам қилган онани  
Арзийди деса гар олам ҳам онам.

### *16. БОСИЛГАН МАЙСА*

Биров тиклаб тетапоя этади,  
Биров оёғингдан чалиб кетади.  
Босилган майса ё қаддин тиклайди  
Ёки тупроқда қолиб кетади.

## 17. АФАНДИ ВА ПОДШО

Афандига бир кун мақтанди подшо: –  
«Ҳеч қандай камим йўқ, ҳамма нарсам бут».  
У деди: – «Тақсирим сўзлари хато –  
Йўқ-ку, ўзларига аталган тобут».

## 18. МАКР

Ўтинчим кетмади бугун зоёга,  
Бир бўса берди ёр мен фидойига.  
Сўнг у бу ишидан пушаймон бўлгач,  
Дедим: «Кўяйинми қайтиб жойига?»

## 19. ОНА

Кўлингда оқ йўргак шод кўтарибсан,  
Шу йўргак ичра ҳаёт кўтарибсан.  
Тунов кун ўзинг ҳам йўргакда эдинг,  
Бугун она деган от кўтарибсан.

## 20. КЕКСАЛИК

Сочим занжирида, ажабо, оқ занг,  
Кўз демиш кўзгумда артилмас чанг.  
Вақт деган эговдан тирналган юзим,  
Чархланган ақлимнинг тигига қаранг.

## 21. ҲАР АХЛОҚ МАДДОҲИ

Ҳар ахлоқ маддоҳи ахлоқли эмас,  
Одам бор, сўзидан иши юз бор паст.  
Иффат дарғоҳин гоҳ булғатиб кетар,  
Сўз ниқобин кийиб юрган кўп нокас.

## 22. МУВОЗАНАТ

Оқимда шиддату қирғоқда бардош,  
Оҳуси хуркагу тоғ ўзи ювош.

Туганмас қўшиғин тўхтатмас ҳеч сув,  
Бузмайди абадий сукутини тош.

### **23. ГОҲ ШЕЪРЛАР ҲҶИЙМИЗ**

Гоҳ шеърлар ҳқиймиз ўнлаб, юзталаб,  
Сўаларнинг қумтоши қўйилган қалаб.  
Ақл тешаси-ла титкилаб барин,  
Ичидан топмаймиз бирорта садаф.

### **24. КИМ САҲИЙ**

Шаҳримнинг гўзали келса ёнимга,  
Ҳофиздек васлига муштоқ онимда.  
Шаҳар бермам-ку, лек ой ва кун демиш,  
Жуфт сариқ чақам бор ҳамёнимда.

### **25. ЯНА НЕДИР КАМ**

Ер менинг тўшагим, шу олам кулбам,  
Кулбамга шам эрур ой ҳам қуёш ҳам.  
Шу улкан даргоҳнинг эгасиману,  
Ҳаётимда ҳар кун яна недир кам.

### **26. СУИҚАСД**

Шодлик мансабидан тушмам сира паст,  
Қувноқлик унвонин йўқотмам бир пас.  
Шу мавқесиз мавқеим ҳам кўролмай нечов  
Кўнгил султонимга қилар суиқасд.

### **27. УМР ШОШАР**

Умр шошар поён сарига,  
Бултургидан бу йил паст шангим.  
Лекин ҳаёт сўқмоқларида,  
Бултургидан камроқ адашдим.

## 28. БЕКАТДА

Бекатда турарди бир мункайган чол,  
Забун аҳволига боқар бир қиз лол.  
Чол ўктам ёшлигини ўйларди шу дам,  
Қиз кампир бўлишини қиларди хаёл.

## 29. ИЖОД ТЎЛҒОҒИ

Сукутинг тавсифин айт, Помир тоғи,  
Сен ҳам нотинчлигинг, Сурхон ирмоғи.  
Тоғ айтур: – «Сукутим шоир ўйидай»,  
Дарё дер: – «Ташвишим – ижод тўлғоғи».

## 30. ОЛИС ҚИРҒОҚДАН ДЕР

Ўтмишга саёҳат қилайин десам,  
Асрлар йўлимда бир дарё йирик.  
Олис қирғоқдан дер ўтган боболар,  
«Шоҳизиндаларни қилиб ўт кўприк».

## 31. УЧҚУН

Назм осмонида ким юлдуз, ким кун,  
Дилимга улардан тушган бир учқун.  
Уриниб ётаман шу учқун билан  
Мен ўзга дилларга ўт бермоқ учун.

## 32. ҲАММА ЧОЛҒУЧИ

Ҳаёт рубоб, ҳамма чолғучи,  
Ҳар ким ўз куйини чалади.  
Кимнинг куйи бир лаҳзалиқдир,  
Кимнинг куйи мангу қолади.

## 33. СУД

Бир ёнда гоҳ узоқ айласа сукут,  
Қоғоз, қалам беру жим ҳукмини кут.

Шоирнинг сукутин ғам деб ўйлама,  
Ғуноҳқор ҳисларин қилмоқда у суд.

### **34. ТУҒИЛИШ**

Парда орқасида кутар тонг ўғлон.  
Осмоной тўлғоқда этаклари қон.  
Бўлғуси ғўдакни кундуз деб номлаб,  
Замин йўрғагида эъозлар инсон.

### **35. СЎНГСИЗЛИК**

Қуёш сўнгсиз ёниб очилувчи гул,  
Юрак бир маромда куйловчи булбул.  
Ҳаёт эса сўнгсиз мусиқа эрур,  
Фалак чархи эса сўнгсиз бир усул.

### **36. ИЛТИФОТИНГ КЕРАКМАС**

Илтифотинг керакмас сенинг,  
Ўтган ишқдан очма энди гап.  
Кулдирмоқчи бўласан нечун  
Мени ханжар билан қитиқлаб.

### **37. КЎЗИ ТҶЙСИН**

Кўкка боқиб дедим: – «Эй букр осмон,  
Сен нечун бунча кўп олтин тош осган?»  
У деди: – «Шунинг-чун осдим инсоннинг  
Кўзи тўйсин боқиб шу тошлар остидан.

### **38. НИШОНДА ТУРИБМИЗ**

Даҳшатли товуш-ла гулдур чалди занг,  
Камалак ёй тортди бош узра таранг.  
Кимга шу дам ажал ўқи ёпишди,  
Бизлар ҳам нишонда турибмиз, қаранг.

### 39. АҚЛ СУЛТОНИМ

Соғлигим давлатим, вужуд кўрғоним,  
Унга ҳамла эгар вақт, дард, фаним.  
Ичда ҳис лашкарим бебошлик истар,  
Лек барин даф эгар ақл султоним.

### 40. ЧИҶИМ ДАФТАРИ

Замин бозорида юрган ёш, қари,  
Фурсатнинг нақд кирим харжидир бари.  
Ул бозор буржида ётган қабрлар,  
Вақт савдогарнинг чиқим дафтари.

### 41. СЕНИНГ ИҚЛИМИНГ

Табиатинг илиқ бўлсайди жонон,  
Мен юпун, жонсарақ бўлмасдим ҳар он.  
Сенинг иқлимингга қандай чидайин,  
Бир онда тўрт фасл бўлса намоён.

### 42. АРАФА КУНИДЕК

Арафа кунидек менга ҳар кун ҳам,  
Ҳар кун бир ютуқ чун кўтараман жом.  
Куннинг охирида ютуқ-ку ютиб,  
Ютқазган кунимга тугаман мотам.

### 43. КУЛАЁТГАН ГЎДАККА

Кулгинг бирам ширин, бирам беғубор,  
Мисли тунда ёққан из тушмаган қор.  
Ҳамма гўдакликда сендек куларди,  
Энди кўшларининг кир кулгуси бор.

### 44. ХУДДИ ЎЗИМДЕК

Ким менга пайғамбар, ким менга худо,  
Баҳолаб уларни дердим зўр жуда.

Суриштириб билсам худди ўзимдек,  
Улар ҳам кўп фазли камолдан жудо.

#### 45. ГОҲ

Юлдузлар нуридан гоҳо куяман,  
Гоҳ кунни бағримга босиб суяман.  
Гоҳ шу Галактика тангаларини  
Осмон рўмоли-ла белга туяман.

#### 46. ТИНМАС ТЕГИРМОН

Новдаги сув мисол замон ва макон,  
Ер эса ундаги тинмас тегирмон.  
У янчиб тоғ этган ўтмиш унин кўр,  
Қара, келажак ҳам дўлда турган дон.

#### 47. БИР СИРЛИ ТУГУН

Бўшлик уммони бу коинот бутун,  
Унинг мавжи эрур бизларнинг кун, тун.  
Шу уммон ичра бир улкан тўр бор,  
Ҳар юлдуз ундаги бир сирли тугун.

#### 48. ҲАЙЁМО

Оғриган кўзингга юлдуз томади,  
Идироқ қалбингни булут ямади.  
Дунё ғуссаларин юваман дея,  
Ҳайёмо, кўзангда май ҳам қолмади.

#### 49. У ҚИЗНИНГ

У қизнинг лабида бир зумлик кулгу,  
У қизнинг қалбида номаълум туйғу.  
Севги қўшиқларин тингласа нечун  
У қизнинг кўзида минг йиллик қайғу.



## 50. МЕН

Ёнимда гўдаклар кулганда мен пок,  
Оналар йиғласа вужудим чок-чок.  
Бир нафис шеър тинглаб дарддан форигман,  
Бир мунгли оҳангдан бўламан ҳалок.

## 51. ШУ ҚИЗНИНГ

Шу қизнинг лабидай чечак истайман,  
Шу қиз сийнасидай печак истайман.  
Ой юзли шу дилбар ёнимда бўлса,  
Сочларидай узун кеча истайман.

## 52. СЕНИНГ АЛЬБОМИНГГА

Қолсин альбомингнинг варақларида,  
Ёшлик баҳорининг чиройи, иси.  
Қариган чоғида ойнадан кўра,  
Альбомга кўпроқ боқармиш киши.

## 53. ДЕЙДИ

Тур ишла, дейди тонг, дам ол, дейди шом,  
Кечалар дейди биз висол ва ором.  
Қўлга олсам майнинг мавж тили билан  
Ғафлатнинг қизи-ла ўйна, дейди жом.

## 54. ҚАЛБИМДЕК ХУДДИ

Дил-ҳавом бузмаса баднафслар дуди,  
Бўлмасди ҳар куним завқин худуди.  
Фарёдким чексиздек Ер иқлими ҳам  
Шу нафс чиқитидан қалбимдек худди.

## 55. ҚИЗ

Камолатин ибo барги тўса берар,  
Тўсса яна кўзга яқин ўса берар.

Борлигин бахш этиб суюк бир боғбонга,  
Охир ҳосилучим деб бол бўса берар.

### **56. ҲИРС ҚУЛИ**

Уйингга кумуш зеб, зарбоб тагингда,  
Оғзинг олтинга лик, дур этагингда.  
Ҳирс қули, нопоклик эшаккурти лак,  
Тириклай кирган бу саркофагингда.

### **57. ҲАЗИЛ**

Мўйловим бу эрта деди: – «Қулоқ сол,  
Қўп қирма, бўласан охир бир кун чол».  
Мен дедим: – «Бир бизми кўзгуга қара,  
Менингдек унинг ҳам ташвиши соқол».

### **58. ИТНИ-КУ ДЎСТ ДЕЙМАН**

Ит, мушук сарпоси бир хил мўйу тук,  
Иккаласига ҳам иззатим тузук.  
Итни-ку дўст дейман, унинг душмани –  
Кўрпамга йўл топган танҳо зот мушук.

### **59. КУНЛАРНИНГ ИКИР-ЧИКИРИ**

Йўл тортди қайда деб мангулик сири,  
Не зўр истеъдодлар биридан-бири.  
Пистирмадан чиқиб кўпин хок этди,  
Алдамчи кунларнинг икир-чикири.

### **60. ЎЛГАН КУНИМДА ҲАМ**

Қўлим бўлса ёру шишага пайваст,  
Бундан ортиқ шонни қилмайман ҳавас.  
Ўлган кунимда ҳам «Гиря»ни чалманг,  
Пиёла четига бир чертинг, шу бас.

### **61. БУЮК ЯШИЛЛИК**

Дунё бир денгизкан, қирғоғимас тик,  
Ҳар мавсум мавжига у эрур кичик.  
Бугун табиатда баҳор тўфони,  
Оламни босмоқда буюк яшиллик.

### **62. БИР ҚУДРАТ ТУЯМАН**

Майда ғояларни қилиб калака,  
Руҳим талпинади доим фалакка.  
Илоҳий бир қудрат туяман ўзда,  
Ўзим билан ўзим қолган чоқ якка.

### **63. АЖАБ**

Сухан табобатин ўргандиму сал,  
Ҳар қалб беморида синадим аввал,  
Ажабким бул манинг айтган сўз – дорим  
Кимга шифо қилди, кимларни касал.

### **64. УЛКАН ДАРСХОНА**

Дунёча мактабдир дунё картаси,  
Ҳар бўялган давлат бир халқ партаси.  
Қуёш тирикликка дарс ўқитади,  
Ер – синфхонада ҳар кун, ҳар фасл.

### **65. МАСТЛИҚДА ДАВРАМИЗ ЯКУН**

Ер – ҳаёт майининг кўзаси бутун,  
Қуёш соқийсидир қадаҳи гулгун.  
Тонгги жомни ичиб хушёр эдик,  
Шомги жом мастликда даврамиз якун.

### **66. ШУ БИР МУЧЧИ-ДА**

«Бир гапим бор, дедим тилим учида,  
Берироқ ке, дедим – сира чўчима».

У қулогин тутиб: – «Айтақол», деди,  
Ўпиб дедим: – «Гапим шу бир муччи-да».

### **67. КЎЗИМИЗ**

Буюк дафтаримиз – осмон, ер, олам,  
Ўзлигимиз ўша дафтар аро жам.  
Кўкка юлдузларни, ерга рангларни,  
Кўзимиз бетўхтов чизувчи қалам.

### **68. БИЗЛАР БОЗОРЧИМИЗ**

Бизлар бозорчимиз, дилда ҳар маъни,  
Барчамиз ҳар турли дунё ман-мани.  
Яланғоч кирганмиз бу бозорга-ку,  
Чиқарда яланғоч қилар ҳаммани.

### **69. ХАЛҚИМ**

Халқим, боқий рамзли байроғинг туси,  
Улуғ тузукларинг адл қомуси.  
Турон марказида яхшиям сен бор,  
Ҳимоянгда тинчлик – халқлар номуси.

### **70. МУТЛОҚ КОРХОНА**

Тушимда юрагим уришдан тинди,  
Ҳаётга йиғладим: – «Нетаман энди?»  
У деди: – «Мен мутлоқ бир корхонаман,  
Ўлганлар – бу мендан чиққан чиқинди».

### **71. СОЧ**

Қўш ўрим тўлғониб борар тақимда,  
Кўрганнинг гал мавзу унинг ҳақинда.  
Кимларга бир умр орзу эрур у,  
Одатий совуқ соч бу кеч у кимга.

## 72. УЛҒАЙГАЧ

Барчага баробар бешик, сут, алла,  
Улғайгач мос кулоқ излар ҳар калла.  
Бировда заррин тож, бировнинг эса  
Бошида пайгава, оёғида салла.

## 73. БУ НЕ МЕҲМОНХОНА

Бу не меҳмонхона, девори сиқик,  
Дастурхонининг ҳам неъмати биқик.  
«Кир» демасдан кирган меҳмон ўзимиз.  
Меэбон дунёимизнинг соати «чиқ-чиқ».

## 74. ШОШИЛ

Ҳар мақсад юртига ёшлиқдан оч жанг,  
У сеники ғайрат туғин кўтарсанг.  
Жисминг дони ерга кирмасдан шошил,  
Уруф эмассанки, кўмгач кўкарсанг.

## 75. МУҲАББАТ

Чехралар қуръондир, зуннор эрур соч,  
Билаклар бўйинда ҳам тумор, ҳам хоч.  
Муҳаббат инсоннинг ягона дини,  
Висол намози ҳам мангу эҳтиёж.

## 76. ПАРРАНДА ЖИНСИДАНМИДИНГ

Нафсини тиймаган, эй ғофил инсон,  
Бугун бошинг тубан, оёғинг осмон.  
Парранда жинсиданмидинг кўрмадинг,  
Овчи доми узра эди текин дон.

## 77. ПАХТАНГ

Пахтанг доврўқ солса бу сенинг шаънинг,  
Ахир, сен отаси ўша пахтачинг.

Толасига қара, оппоқ кўнглингдай,  
Тани баайни кунда куйган баданинг.

### 78. ТОКИ

Доимо чархланган мақсадинг тиғи,  
Доимо ўқланган орзунг милтиғи.  
Буюклик тоғининг овчиси ўзинг,  
Токи ўчгунича танинг иссиғи.

### 79. КАМОЛАТ КУЁВИНГ

Ёр жуфти ҳалолинг эди-ку инсон,  
Унинг ҳам ҳар васли эмасди осон.  
Бугун коинотнинг қизи – Ойни ҳам  
Камолат куёвинг айлади жувон.

### 80. ОРЗУ

Оппоқ булутлардан беланчак қилсам,  
Ҳилол ипагидан ҳалинчак қилсам.  
Боботоғ келбатли куёв бўлсаму,  
Баҳорни ўзимга келинчак қилсам.

### 81. ИНСОН

Йилт этган учқундан аланга ёқмоқ,  
Сенинг хунарингдир ҳамиша, ҳар чоқ.  
Бошингда қалдироқ, жала хуружин  
Бошлайди уфқда ялт этган чақмоқ.

### 82. УМРНИНГ МАЗМУНИ

Иккиси умрга ясади якун,  
У қисқа яшади, бу эса узун.  
Умрнинг мазмуни ўлчанган кунни,  
Узун-қисқа бўлди, қисқа-чи, узун.

### **83. ТО ҚАДАҲ ҚЎЛИНГДА**

Қадаҳнинг жаранги баёти қисқа,  
Ўқисанг лабдаги ояти қисқа.  
То қадаҳ қўлингда гапни кўп чўзма,  
Инсоннинг шундоқ ҳам ҳаёти қисқа.

### **84. ВИЖДОНДАГИ ДОҒ**

Аччиқдан вақт ўтиб совушинг мумкин,  
Ғамни қалб уйингдан қувишинг мумкин.  
Виждонда дард доғинг бўлса у ёмон,  
Ундан бошқа доғни ювишинг мумкин.

### **85. ЖОНИНГГА ҚАСД ҚИЛАР**

Сўзни қилсанг доим ширин ва зариф,  
Эл сени эъзозлар бошга кўтариб.  
Совуқ сўз уруғин эксанг мабодо,  
Жонингга қасд қилар душман кўкариб.

### **86. ЭЙ БАҲОР**

Булбулинг танглайим кетган кўтариб,  
Ўлсам гулинг бўлгум бир кун кўкариб.  
Эй баҳор, чақмоғинг минг пора қилса,  
Қалдиригинг бўлиб қиламан таъриф.

### **87. ЯСА БИР ҚАФАС**

Жаннатлар яратдинг шаънингга пайваст,  
Жаҳаннам яратиб қилма ўзга қасд.  
Қирон қуш яратган юрагинг, ахир,  
Миллиард вужуд бўлиб яса бир қафас.

### **88. БИР ҚИРРИҚ ХЎРОЗ**

Ичи бўш идишдан чиқар кўп овоз,  
Миннат гап айтар ким гар меҳнати оз.

Тухум бергач, товук кўноғида жим,  
Оламга жар солар бир қирриқ хўроз.

### *89. ЭГАМ ДЕР*

Ер сенинг матоҳинг, раво кўр нени,  
Бичавер қўлингда бўйи ва эни.  
Кўкда жовдиранган юлдузлар, ҳатто,  
Якка-ю ягона эгам дер сени.

### *90. КЎНГИЛ-ДА*

Ишқингнинг таҳлили доим ўйимда,  
Хаёлимнинг кўзи ранги рўйингда.  
Қаддингга баробар узун сочингни  
Кўнгил-да, ўлчайман мен ҳам бўйимга.

### *91. Е РАБ*

Ҳайём устозим деб, кўп ичдим шароб,  
Дўстларнинг рағбати боз қилди хароб.  
Ғофил умримга ҳам ёлғиз ҳайфсанни  
Мозийдан бош чайқаб у айтди, ё раб.

### *92. ҲАЁТ ҲАМ*

Ҳаёт ҳам шахматнинг ўйинидай иш,  
Йўқ жойдан бир ташвиш чиқиб берар кишт.  
Ўзидан ортмаган пиёдалар гоҳ,  
Шоҳ кўнглинг мулкани қилади тафтиш.

### *93. ҚАНЧА ҲИССАНГ БОР?*

Ёшсан, бозорингда бодом, пистанг бор,  
Бойсан, бозорингда тўла киссанг бор.  
Пистанг чақилару киссанг тешилар,  
Бақо бозорида қанча ҳиссанг бор.



#### **94. СОЧИНГ ХАЁЛИ**

Жонбахшиш белинга тўлқин урган соч,  
Дерларки кўкаргай ул теккан оғоч.  
Кўнглим ниҳолига сочинг хаёли  
Нечун зарпечакдек бермас ҳеч ривож?

#### **95. ИЙМОНИМ БУТУН**

Дилбарим, тортинмай менга қадаҳ сун,  
Бир ҳикмат айтаман мен сенга бугун.  
Кўп тақво аҳлида виждон бут эмас,  
Менинг шишам ярим, иймоним бутун.

#### **96. ДАВОЛОВЧИ КАС**

Жаҳон айвонида кўриб кўп шикаст,  
Мунгли кўшиқ айтдинг тўхтат, етар, бас.  
Бизга дунё дардин баёнчисимас,  
Даркордир у дардни даволовчи кас.

#### **97. ҚУЛФ УРДИ АҚЛИМ**

Тўймадим гул лабинг таратган исга,  
Сочингни силашга қўлларим қисқа.  
Орзунг ашигига қулф урди ақлим,  
Мўйсафид бош деди: – «Юр жиддий ишга».

#### **98. ЧОЛ БЎЛИБ ҚОЛДИК**

Фикримиз равшану қоматимиз тик,  
Ёш кетди тарк этмас қалбни йигитлик.  
Лек кўзу кўнглимиз ҳавас айлаган  
Гўзаллар наздида чол бўлиб қолдик.

#### **99. ҚАЙДАСИЗ, ОНА**

«Қайдасиз, она?» – «Оқ булут устида,  
Кўрасан гоҳ ошпоқ каптар тусида.

Тунлари соғинсанг, осмонга қара,  
Сувратим кўринар Ойнинг ҳуснида».

### **100. ЯШАШ УСУЛИ**

Сенга шибр ила боққан ёвулли,  
Бошқа жойда кўрсанг, бир нимо қули.  
Риёкор одамсиа, десанг бетига,  
Без бўлиб: – «Бу, дейди, яшаш усули».

### **101. АНДИШАЛИ ДЎСТНИ**

Ким сенга тиласа холис ниятни,  
Йўқ дея орада каму зиёдни.  
Андишали дўстни кўрқоқ атама,  
Чўнтагинга урма самимиятни.

### **102. КИМ ИЖОД СОҲИБИ**

Ким ижод соҳиби – у ҳам шоҳ, ҳам қул,  
Бир ўзи ҳам ҳукми, хизмат-ла машғул.  
Шоҳлик амри вожиб дил давлатида,  
Қуллик захмати ҳам қалбида нуқул.

### **103. ЧАРХ ЖАРАЁН**

Уруғдан гул униб донга бермиш сут,  
Ишқ завқида гўдак «инга»си мавжуд.  
Бу чарх жараёнга вақт қўмондон,  
Ҳаёт майдонида сипоҳ ҳар вужуд.

### **104. ОЛИЙ КАШФИЁТ**

Яшамоқ – билишга йўналган ният,  
Муддао – топмоқдир хоҳ кам, хоҳ зиёд.  
Ҳаётнинг мазмуни кашф деган сўз,  
Севги ҳар инсон-чун олий кашфиёт.

### **105. ТАФАККУР КЎЗИ-ЛА**

Тафаккур кўзи-ла боқ, эй жувонбахт,  
Барча тирикликка Ер она пойтахт.  
Боғлар – сафланган жим одамлар, балки  
Бизлар – юраётган қай бир туп дарахт.

### **106. ОМОНЛИК КЕМАСИ**

Омонлик кемаси Ернинг борлиги,  
Дарғалик инсоннинг улуғ ёрлиги.  
Қабиҳ фитнагар ким доим фарқ бунда,  
Омонлик – адл, ҳақ, вақт ҳушёрлиги.

### **107. ТО ҲАЁТ БОР**

Айланма фалакнинг ҳукми муқаррар,  
Яхши-ю ёмонлар келару кетар.  
Лекин то ҳаёт бор, фақат эзгулик  
Муҳаммад сўзида тугал, мухтасар.

### **108. БАЙТИМДА ҚАБРИМ**

Ҳаёт соатида умрим бир жиринг,  
Бир шоҳ байт ёзарман улгурса сабрим.  
Барчадан мурувват талаб эмасман,  
Қай юракка кирган байтимда қабрим.

### **109. ЧИНОРМАСМАН**

Кўринмай гулладим тутнинг гулидай,  
Тутдай пишарим ҳам келар-келмас май.  
Ҳар чопқир лаҳзани маош деб билдим,  
Чинормасман, муддат – моянам мўмай.

### **110. СИҶИМ ДОНГА БОҚ**

Ҳамиша бад ишдан қўл силта, кўз юм,  
Яхшилик отангдан, бобонгдан удум.

Баҳорда сочилган сиқим донга боқ,  
Кузга келиб бўлди бир қопу бир хум.

### *III. СЕН ФАХРЛАН*

Бировнинг мақсади қорни ва тинчи,  
Биров фақат битта соҳага синчи.  
Шоир сен фахрлан, минг ранг, минг оҳанг,  
Минг битта жараён қалбинг севинчи.

### *112. ОТ*

Кундуз – аравани тортади жуссам,  
Тун – оҳур ёнида чайнайман ғуссам.  
Турмуш – киссавурнинг қули, баччағар,  
Боз ҳар кун қоқлайди ем тўрвам-киссам.

### *113. ЯН ПАРАНДОВСКИЙ ЎТИТИ*

Бу минг масаллиқли замон карсони,  
Е, деб ижод нафсинг гар қўймас сени.  
Таваккал ошама, ичинг кетади,  
Адабиёт ейди пишган нарсани.

### *114. БОҒ*

Бу боғ луқмасининг йўлбарс, шер қули,  
Товуслар жон сақлар ишлаб кўрк пули.  
Тақдирга тан берган неки бунда жам,  
Бу боққа сигмас бир эркнинг булбули.

### *115. ЭЛАК ДУНЁ*

Келсанг дунё хурсанд «кел»лаб ташлайди,  
Ўлсанг уч газига белаб ташлайди.  
Меники деб йиққан, айтганингни ҳам,  
У ўз элагиди элаб ташлайди.

## 116. ИТЛАР ТАБИАТИ

Итга амал тегса таъма қилади,  
Қадамда таъмага шама қилади.  
Сўнг бу олғир итни ўз гуржилари,  
«У кўпак ота» деб чама қилади

## 117. ИҚРОР

Мен бу даргоҳнинг бир ўғриси-дайди,  
Тизганим фан эмас, мойна дарди.  
Яхшиям шу куроқ ёлғонларимга,  
Қоғозбоз гуруҳим, даврим чидайди.

## 118. МЕНИНГ ТУШУНГАНИМ

Менинг тушунганим бутун битта фан,  
Ҳамма мен билан тенг, шуни олдим тан.  
Бугун Искандарман, аммо оқибат,  
Насибам жуссамга етгулик кафан.

## 119. ЎТАДИ

Умрлар йўл эрур, эсиз ўтади,  
Бу йўлдан авлодлар чексиз ўтади.  
Кун ва тун бекатин йўловчиси ким,  
Қалбида қувонч, ғам эгиз ўтади.

## 120. ҲАР ДАВР

Ҳар давр ўзи-чун ғояфурушдир,  
Бақо ул ҳақ дея собит турушдир.  
Сиёсат аъмоли то яралгандан  
Тиклашдир, бузишдир, қайта қуришдир.

## 121. АЁЛ

Турмуш, тарозига тош аёл сўзи,  
Ҳаётнинг кўзгуси соф, ғубор кўзи.

Балки туғилмаган муқанналар-чун  
Бугун ёнаётир аёлнинг ўзи.

### *122. ДЕВ*

Қирон солиб кирган халқ орасига,  
Атом чин дев девлар шажарасида.  
Саркофакка эплаб тиқсанг ҳам ҳатто,  
Жаҳаннам ваҳми бор мақбарасида.

### *123. ШОИРГА*

Дўстим, қоғозбозлар асри бу аср,  
Улар у қоғозга, биз бунга басир.  
Улар у қоғоз-ла сарой курдилар,  
Бизнинг қоғоз нобоп – бемуддат қаср.

### *124. МЕНИНГ ТАБИАТИМ*

Бошимда оқиллар ёққан зўр фонус,  
Кўлимда минг жилдлик панднома – қомус.  
Зарра ўзгартмади табиатимни,  
Ҳамон яшаяпман поку беномус.

### *125. АСЛИ ЗУВАЛАМ ШУ*

Ўзимга вақт бор, деб далда бераман,  
Доиммас уни ҳар галда бераман.  
Асли зувалам шу ёлгон дунёдан  
Шунинг-чун ўзимни алдай бераман.

### *126. ВАСИЯТ*

Мени бор-йўқ этар, эй арзи-само,  
Ўлсам бир истагим эт менинг бажо.  
Турналар ўтар пайт қабрим қопқасин  
Очиб, бир зум тинглат илоҳий садо.

### *127. ТАРЖИМАН ҲОЛ*

Безовта бир руҳман, на бир қўним бор,  
На эшикли ҳовли, на зар тўним бор.  
Бошимда рамгузор шеърӣ муштатар,  
Тўрт нораства иликж-ҳуметоним бор.

### *128. СИЗ*

Ҳусн мезонида сон – сиз, сифат – сиз,  
Ҳурлар орасида як кас – офатсиз.  
Сиз кирган кеча ва кўча бағридан  
Бир шивир келади: – «Танҳо ифрат – сиз».

### *129. АБУ ИСО ТЕРМИЗИЙДАН ВАҲИЙ*

Эй ҳақир, ҳақиқат отанг бўлажак,  
Эй муслим, зурриёдинг ҳотам бўлажак.  
Эй мўмин, сен ҳамон ман-манга муҳтож,  
Эй золим, шавкатинг мотам бўлажак.

### *130. АҲМАД ЯССАВИЙДАН ВАҲИЙ*

Тоатдан воз кечиб банги бўлдинг, сен,  
Ҳаёдан воз кечиб ҳанги бўлдинг, сен.  
Ўтмишдан воз кечиб янги бўлдинг, сен,  
Ва бори улуснинг чанги бўлдинг, сен.

### *131. НАВОИЙДАН ВАҲИЙ*

Энди яхшиларинг отиб тугатма,  
Мулку меросингни сотиб тугатма.  
Аждодлар пок тутган шон, ғурурингни  
Ёлғонлар остида ётиб тугатма.

### *132. АФАНДИДАН ВАҲИЙ*

Мафия онаси – ёлғон мафкура,  
Отаси – давомли қарсақ ва ура.

Унинг ўзи мансаб чорбозорчиси –  
Жаноб ўлмас шайтон – номенклатура.

### 133. КЎРСАТДИНГ

Олтин бешик, десам тобут кўрсатдинг.  
Хотирам, орзумни нобуд кўрсатдинг.  
«Изм-изм»лар-ла иймонимни еб  
На ислом кўрсатдинг, на бут кўрсатдинг.

### 134. ЎТДИМ

Навомни йўқотиб нон сўраб ўтдим,  
Давримни йўқотиб он сўраб ўтдим.  
Иймоним бўзида қатл пичоғи,  
Ўзлигим йўқотиб жон сўраб ўтдим.

### 135. НА ЮРТ БУ

Истибдод кишани оғир на юрт бу,  
Елкаси меҳнатдан яғир на юрт бу.  
Ўз мулкида ўзи сағир на юрт бу,  
Илинжи, юпанчи чоғир на юрт бу?

### 136. ИТ

Бу ит вужудида уйқу қишлайди,  
Ташландиқ суяк-чун умри ишлайди.  
Қачонки уйғонса ёт «ол, киш»лайди,  
Нечунким, бу ит ўз думин тишлайди.

### 137. ЎҚИШАР

Пулдор тўнкабойлар чиқиб донога,  
«Китоб» чоп қилар ҳар фасонага.  
Бир-бирин дасхатли «қомус»ларини  
Сўнг кет-ла ўқишар ҳожатхонада.



### *138. БЕРГАН ЖАЗОЙИНГ*

Унинг сийратидан шайтон мужассам,  
Шотир жинбаччалар ялоғида жам.  
Берган жазойинг не, эй қодир эгам,  
Ҳамзамон яратиб унга мени ҳам.

### *БОШҚАРАР*

Қуроқ кишваримни куфр бошқарар,  
Чипор анжуманим «гушир» бошқарар.  
Юз йил аввал йитган ойдин йўлимга,  
Мени на мусулмон, кофир бошқарар.

### *139. ДАРАХТ*

Кўнглимнинг рангдоши дўстим-а, дарахт,  
Дарчамнинг тубида ўсдинг-а, дарахт.  
Эрким йўлбошиси шу тешик эди,  
Шуни ҳам кўзимдан тўсдинг-а, дарахт.

### *140. МИЛЛАТНИНГ БАСИРИ*

У нафснинг асири бўлди – йўқолди,  
Худбинлик қасри тўлди – йўқолди.  
Қоринга айланиб маънавияти  
Миллатнинг басири ўлди – йўқолди.

### *141. ЎЛДИРАР*

Мени минг тирноқли билим ўлдирар,  
Мени тушунмаса, элим ўлдирар.  
Улар-чун ўлмоқ хуб, яна ўлдирса,  
Нодонга тиг – аччиқ тилим ўлдирар.

### *142. БУЛАР*

Нафс булар намози, пайғамбари пул.  
Оғизда озоддир, юракдан чин қул.

Олган талоғидан пушаймон гўё,  
Сиёсати ҳам худ бузуқ хотин тул.

#### *143. НА ҲОЖАТ*

Кўр, карга ранг, оҳанг, сайроқ на ҳожат,  
Қилич қайрар қул йўқ, қайроқ на ҳожат.  
Ҳақ эрк туғин бергач эга бўлмаса,  
Бошсиз манқуртларга байроқ на ҳожат.

#### *144. ҚОБИЛ ҚАВМИ*

Бугун Қобил қавми махфий хизматда,  
Нечови ҳажга ҳам олибди патта.  
Ҳобилнинг қавмига суиқасд учун  
Бу янги шайтоний найранг, албатта.

#### *145. БУ ЖАМИЯТДА*

Умрим ўтди муҳтож самимиятта,  
Етмаслигим билдим ҳаққа – ниятта.  
Ҳайҳот, фарзандлар бор, тирик юрмоқ шарт,  
Йўқса, ўлмак афзал бу жамиятда.

#### *146. БҮЛА БЕРАР*

Хомсан десанг, баттар пўк бўла берар,  
Қулсан десанг, тиззалаб чўк бўла берар.  
Замона эврилиб қавминга норсан десанг,  
Бўталоқларинг гулдираб лўк бўла берар.

#### *147. ЁНИДА*

Омад ҳам ҳамиша ғирром ёнида,  
Бахт эса доимо хуррам ёнида.  
Шафоат Раҳматулло Термизий, ё раб,  
Сен нечун ҳамиша бир ғам ёнида.

### 148. БЎЛДИМ

Мижози одамман – мослашгуви муҳит бўлдим,  
Гоҳ меҳнати мўрча, гоҳ текинхўр бит бўлдим.  
Бўри: – «Қавмига кир, хур бўл» – деди неча,  
Кўшак турмушини хуш кўрдиму ит бўлдим.

### 149. КЕТАЯПМАН

Мен бу ҳаёт – жанги хашардан кетаяпман,  
Бу жафокор бани башардан кетаяпман.  
Худоё, жаннат ё дўзахга топшир мени,  
Энди аросат яшардан кетаяпман.

### 150. ЗАМОНИ

Бемулк, бечорани хўрлар замони,  
Тузумсиз, қонунсиз зўрлар замони.  
Эгри сармоянинг қорақуртлари,  
Тўғрини кулликлар тўрлар замони.

### 151. ЎЗБЕК

Бағринг бош ўрдаси мулки Туроннинг,  
Жонинг жанг майдони жами суроннинг.  
Самандар руҳингни ҳаққа элтажак,  
Илоҳий каломинг улуғ Куръоннинг.

### 152. ЯШАЯПМАН

Куним терсиз, кечам шеърсиз ўтмайди,  
Кўз олдимдан ёсам Термиз кетмайди.  
Тор хонада яшаяпман тиқилиб,  
Кенг юраги Термизнинг жиз этмайди.

### 153. КЕЙИН

Вужудим ҳавосин ёқар иссиқ май.  
Бир исён кўзгар сўнг «афғон» шамолдай.

Телба қуён бўлиб, бекўча, бейўл,  
Улоқаман кейин Термизга сизмай.

### ТУЮҚЛАР

Ёмонларга тил – тил бўлсин, болга – лаб,  
Ташла улар ўқ илдизин болталаб.  
Яхшиларга тил учида шакар тут,  
Кимки ҳақ, у лабларингдан бол талаб.

\* \* \*

Жон гулобин ичмиш рухсоринг гуллаб,  
Жонга жонмиш гулобли жоминг гул лаб.  
Мен жон учун гулоб деб лаб очгунча,  
Дардим кўзим гулоби кўймиш гуллаб.

\* \* \*

Дедим бир кун шеър битиб юз, қошинга,  
«Эй Ой, юлдуз йўлдош даркор қошинга».  
Бугун иккимизга ойдин келажак,  
Оқ йўрғада ойдек чехра, қош, «инга».

\* \* \*

Болам дея куйиб-пишса отамиз,  
Бу нечун деб ўйламабмиз о, тамиз.  
Ота бўлиб билгач ота қадрини,  
Оталар ёдига ўзни отамиз.

\* \* \*

Бахтинг суйиб дейди: – «Бахтли он-а бу».  
Тубан кетсанг куйиб дейди: – «О, на бу?»  
Ҳар қадамнинг қалб тоши-ла тортувчи  
Бебаҳо бир суйанчигинг она – бу.

## ЛОЙИҚДАН

Ҳайём айтган сўзнинг бари бетакрор,  
Ақл-ла лиммо-лим зако жоминг бор.  
Жомингдан ичмаган ким бор – бари маст,  
Ким ичди – ҳаммаси оқилу хушёр.

\* \* \*

Эй замин, кўз ёш-ла сени нам қилдик,  
Сен тортар мотамлар сонин кам қилдик.  
Доғингни бағримиз қони-ла ювиб,  
Тошларингдан ҳайқал – тош одам қилдик.

\* \* \*

Оқилларни туғар даҳр онаси кам,  
Ҳар лаҳза ҳисобсиз нокасга ҳамдам.  
Фирдавсий монандлар кам келар бунга,  
Минглаб Маҳмудларга доя бу олам.

\* \* \*

Ўтганлар устидан кулмоғинг не ҳад,  
Қани Рудакий-ю Ҳофиз буюк қад?  
Озод сўз минбари бўлсанг сен, эй вақт,  
Бошқа Ҳайём, бошқа Ҳофизни ярат.

\* \* \*

Назар қилган ҳар кўз мен тийрак демас,  
Ҳар сафнинг илғори йўлбошчи эмас.  
Ҳар оқсоқ Темурдек жаҳонгир бўлмас,  
Ҳар кўр Рудакийдек кўролмайди, бас.

\* \* \*

Ошиқлик жомини тутмоқлик хушдир,  
Хушлиқда ўтса йил нур устидан нур.

Оқиллар базмида то абад Ҳайём,  
Жоминг доим тўла, ўрнинг бўш эрур.

\* \* \*

Худди оналардек йиғлар бу замин,  
Бағрида ётганлар тутиб мотамин.  
Йўлларидан ўтар яхши-ёмонлар,  
Йиғлар сезиб нокас юки қадамин.

## Мундарижа

Усмон Азим. Худо ёққан чирогим (Шоирга хат) ..... 5

### БИРИНЧИ МАНЗИЛ

Шеърлар – 1968-2002 йиллар ..... 8

Ватан .....	9
Ўзбегим онажоним .....	10
Ўзбекистон .....	12
Бизким Термиз .....	12
Темури бор ўзбекмиз .....	14
Она юрт .....	15
Алпомиш .....	16
Зараут .....	18
Балки мен мингинчи Шафоатдирман .....	19
Ўтар дунё .....	19
Термиз ҳайвонот боғига ёзилган шеър .....	21
31-декабр кечасидаги ўйлар .....	22
Хулоса .....	23
Мушоира .....	25
Мушоира .....	27
Чўлпон ғазалига мухаммас .....	29
Навоий ғазалига мухаммас .....	30
Мангу чорлов .....	31
Дунё .....	34
Имом Термизийга муножот .....	34
Ўзбекистон .....	35
Она қалбидаги оҳанглар .....	36
Кумуш толам-кумуш толам .....	37
Қўшиқ .....	38
Алла .....	38
Армон – муҳаббат .....	39
«Сурхон тонги»га қутлов мақтуби .....	41
Ҳикоя .....	42
Аёл билан хилватда .....	43
Сурхондарёмсан .....	44
Учрашув .....	44
Гипотеза .....	46

Дантес шарпаси .....	46
Беш дарвоза .....	48
Бобомга .....	49
Меҳмон кунлар... ..	50
Сенга ҳавас қиламан .....	51
Муаллим .....	52
Мактуб .....	53
Берунийга .....	55
Отамга .....	56
Қабрлар .....	56
Сўнги сўз .....	57
Сингилжон .....	58
Ота тилаги .....	58
Оқ йўл тила .....	60
Тешиктош гори .....	60
Севги .....	61
Раққоса .....	61
Баҳор елларидай эркин эдим мен .....	62
Чорлов .....	63
Туркман қизига .....	63
Ҳамдард бўлди дилбар шеърларинг .....	64
М.Х...га .....	65
Болажоним, оғрима .....	66
Чақиримлар .....	67
Вокзалда .....	67
Йўлда .....	68
Раҳмат .....	68
Кенг далада бир туп ўрик бор .....	69
Театр бу .....	70
Иқроф .....	72
Аёл .....	73
Мен гулхан ёқаман... ..	74
Наврўзнома .....	75
Боботоғда бир оху кўрдим .....	76
Сурхон чечаклари .....	77
Сувдиёна кўшиғи .....	78
Темур .....	79
Озодлик кўшиғи .....	79
Саодатим .....	80
Армон кўшиғи .....	80
Пахта кўшиғи .....	81
Тавба .....	81
Боботоғ баҳори .....	83
Сурхондарёнинг лафзи ҳалол деҳқонлари хусусида сўз .....	85
Сурхон тўйномаси .....	86
Бир юртки, пари Сурхон .....	88
Шоир теша сайдалиев чўккан кун ёзилган йўқлов .....	89
Бу қизлар .....	90



Дўстлар .....	90
Бойсуннинг шўх дилбари .....	91
Ойчалқар қашқирлари .....	92
Эй, чеҳраси бир даста гул .....	93
Кўз тегмасин .....	94
Битта сен .....	94
Бўлак-бўлак .....	95
Ўтиб сочинг сузгичидан .....	96
Бўса .....	96
Хол .....	97
Жисмига жон кетирмас .....	97
Бир сулув .....	98
Дўппинг .....	98
Тишларингдек инжуни заб .....	99
Шоир .....	99
Санам .....	100
Термизлик қиз .....	100
Қиз ва гул .....	101
Киши .....	101
Менинг .....	102
Севги .....	102
Шеър .....	103
Қор ва ёр .....	103
Дилбар эрур ўн еттида .....	104
Булбул қай гулга ошиқ .....	104
Азалдан .....	105
Вақт ва одамзод .....	105
Ангорга айтганларим .....	106
Бойсунлик ҳофиз Ҳолиқ Хурсанднинг умр ҳақида айтган қўшиғи .....	108
Табий ҳайкал-бошга .....	108
Болалигимиз дарёси .....	109
Сурхон гўзалига .....	110
«Вақтинг – бахтинг» деган умр ўлчар гап .....	111
Тоғ қизи, сен кирдинг бу кеч тушимга .....	112
Биринчи бўса .....	113
Бунча шўхсиз, сақламайсиз сир .....	113
Икки фожиа .....	114
Иккинчи ривоят .....	115
Тазарру .....	116
Савол .....	117
Ўзбек онанинг ноқобил фарзандига дегани .....	118
Саманим .....	119
Найлайин .....	119
Баҳор елларидай эркин эдим мен .....	120
Пахта сурпи билан .....	121
Нечун .....	121
Ийиб кетса булут саврда .....	121
Онамга .....	122

Йўллар .....	122
Сен юравер беғам ва шодон .....	122
Амуга боқиб .....	123
Қайтмас бўлиб кетдинг ул кун ёнимдан .....	123
Қиз севгиси .....	123
Отга далда .....	124
Қари хонгулнинг сўнгги қўшиғи .....	124
Мен йўлдаман .....	125
Яна баҳор келдими .....	126
Бир отим бор .....	127
Кабутарнинг ўлими .....	127
Термиздан чиқдик биз бир тўп шоирлар .....	128
Олтин сочлар .....	130
Сунбулага борайлик .....	133
Тоғлик чол ўғити .....	134
Оқ сув .....	134
Қора сочинг .....	135
Биянинг ўргатилаётган тойчоғига ўғити .....	136
Сен ва мен .....	136
Она, айтинг .....	137
У ким эди .....	137
Яна лола сайлига .....	138
Онажон .....	138
Сингилларга .....	139
Келинчак .....	139
Фигон .....	140
Керак эмас .....	141
Ўн олтида бошланди севгинг .....	141
Севманг майли, арзимаيمان ҳам .....	141
Тутинг .....	142
Спортчилар қўшиғи .....	142
Ўзбекистон .....	143
Билса ёрим .....	143
Ёлғиз .....	144
Термиз ҳақида икки қўшиқ .....	145
Шамол шаҳри .....	145
Бир адашиб .....	147
Омон-омон .....	148
Эна қўшиқ .....	148
Термизийлар .....	149
Ватан ҳур, аср янги .....	150
Термиз – Турон эшиги .....	150
Соғлом авлод .....	151
Кел, эй илҳом .....	151
Бир оз тинчлан, шовуллама, Сангардак .....	152
Дунё турар зангор куйга шайланиб .....	152
Кундан меҳр олдим, табиатдан ранг .....	153
Кеч куз оҳанглари .....	154

Тутун .....	154
Кўзларим .....	155
Қаердасан, илҳом .....	156
Лўли бола .....	157
Ёрлиқ хусусида монолог .....	158
Битта қиз бор термизда .....	159
Пайгамбар ёшига етганларга .....	160
Ярашар .....	160
Истиқлолдан илк тухфа бу олий дорилфунун .....	161
Жиги-жиги .....	162
Замона, бу замона .....	163
Кунлар ҳайдаб бормоқда, .....	164
Қайтмас бўлиб кетдинг ул кун ёнимдан .....	164
Болам .....	165
Ўзбекистон ўзинг ягона .....	165
Дунёда мен топган энг олий қадр .....	166
Қақнус .....	167

## **ИККИНЧИ МАНЗИЛ .....** 168

Менинг Авестам .....	169
Термизий дахмаси оша бўйласам .....	171
Коинот ҳақида монолог .....	171
Олов ҳақида монолог .....	173
Тупроқ ҳақида монолог .....	174
Сув ҳақида монолог .....	176
Ҳаво ҳақида монолог .....	178
Инсон ҳақида монолог .....	179
Аёл ҳақида монолог .....	181
Эркак ҳақида монолог .....	182
Юлдузлар ҳақида монолог .....	183
Қиш ҳақида монолог .....	185
Баҳор ҳақида монолог .....	185
Ёз ҳақида монолог .....	187
Куз ҳақида монолог .....	187
Ватан ҳақида монолог .....	188
Ҳаёт драмаси ҳақида монолог .....	189
Ўзаллик ҳақида монолог .....	191
Ранглар ҳақида монолог .....	192
Оҳанглар ҳақида монолог .....	192
Хотима монолог .....	193
Биринчи тушдаги диалоглар .....	194
Иккинчи тушдаги диалоглар .....	198
Учинчи тушдаги диалоглар .....	208
Тўртинчи тушдаги диалоглар .....	215
Бешинчи тушдаги диалоглар .....	221
Олтинчи тушдаги диалоглар .....	227
Еттинчи тушдаги диалоглар .....	232